

Омина
Тожибоева



Шамолларга
учган нидолар

Омина
Тожибоева



Шамолларга учган нидолар

Тарихий роман

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-311.6

КБК 84(5Ў)6

Т 507

Ўзбек маънавияти шу қадар буюкки, гўё олмос қирраси каби нур сочиб, жилоланиб туради. Ушбу асарда ҳам ана шундай маънавият соҳибаси Хонзода бегимнинг ҳаёт йўли акс этган. У иниси Мирзо Бобурни Самарқандда қамалда қолганида Шайбонийхон чангалидан қутқаради, яъни ўзи севмаган инсонга Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва улуғ истикболини сақлаб қолиш мақсадида турмушга чиқади. Агар Хонзода бегим ўзини фидо қилмаганда, эндигина 19 ёшга кириб, бир-иккита байтлар ижод қилиб юрган Бобур рақиби томонидан янчилган, темурий авлодлардан бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 330 йилга яқин умр кўрмаган, ер юзидан номи ўчиб кетган бўларди.


Адиба ушбу воқеага дахлдор манзараларни ишонарли тарзда тасвирлаган. Ўйлаймизки, ушбу асар ўз мухлисларини топади ва уларни бефарқ қолдирмайди.

ТАРИХИЙ ХОТИРА – ИБРАТ МАКТАБИ

Ватанимиз тарихининг қаҳрамонликларга, мураккаб зиддиятларга, озодлик учун курашларга бой тарихининг шонли саҳифаларини ҳаққоний ёритишга шўролар диктатураси йўл бермаган эди. Шунга қарамай истеъдодли адибларимиз ва шоирларимиз ўз асарларида буюк ватандошларимизнинг қаҳрамонликларини ёш авлодларга ибрат, намуна қилиб кўрсатдилар.

Муҳаммад Али «Буюк салтанат» тарихий эпопеясининг биринчи қисми – «Жаҳонгир Мирзо» романида Соҳибкирон мустақил давлат қуриб, ички ва ташқи душманларга қарши қизғин курашлар даврида биринчи фарзанди Жаҳонгирни валиаҳд қилгани, уни Хоразм маликаси Севинчбека – Хонзодага уйлантириб, сулҳ тузилган вақтда жангда валиаҳднинг ҳалокатга учраши, ота ва келиннинг чуқур қайғулари жонли тасвирланади.

Бадий адабиётимизда яна бир буюк аёл ватандошимиз, шох Бобурнинг Самарқандни Шайбоний олти ой қамал қилиб турган, танг аҳволда қолган вақтда опаси Хонзода бегимни душманга никоҳлаб беришга мажбур бўлиши, шу муносабат билан кўнглидан кечган қайғу ва изтироблар, бу фидойиликнинг натижасида Мирзо Бобур давлатининг сақланиб қолиши мавзуида ёрқин бир роман ёзиш зарурати туғилган эди. Бу қийин ва шарафли вазифани ушбу адибларимизнинг жонлик истеъдодли адиба Омина Тоҳирбекова ва адиба Катта Ёрқоний сиб этди. Бу асарини ёзгунда



йўлни босиб ўтди. У чорак аср аввал илк асарлари — «Дил рози», «Уни севардим», «Суякдаги сир» (Сирли севги), «Қисматнинг тошлоқ йўллари», «Бойқаронинг боғи», «Унвон», «Садокат гули», «Аёл матонати» киссалари, «Муҳаббат таянчи», «Хиёнат», «Олмос сир» каби йирик ҳикоялари, «Ёлғизбоғнинг ўтган кунлари» романи билан, энг муҳими, ҳаётни, инсонларнинг мураккаб тақдирини, бахтини, севинч ва қайғуларини, қишлоқ ҳаётидаги муаммоларни яхши билиб, бўяб-бежамай, ҳаққоний акс эттириш билан эл-юртга танилди. Бу асарларни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Отаёр, Носир Фозилов, Ҳожиакбар Шайхов, Мурод Хидир, Ойдин Ҳожиева, Шойим Бўтаев ва бошқа ижодкорлар ижобий баҳоладилар.

Омина Тожибоева янги тарихий асари «Шамолларга учган нидолар» романида Мирзо Бобурнинг опаси Хонзода бегимнинг тақдирини, ўз ҳаётини укасининг келажаги учун қурбон қилиб, ўзи яхши кўрмаган Шайбонийхонга турмушга чиқишга мажбур бўлган нозиктаъб қизнинг изтиробли руҳий кечинмаларини етук ижодкорларга хос ҳаётий манзараларда, драматик ҳолатларда тасвирлайди. Адиба бу асарни ёзишда «Бобурнома»да ва Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларида келтирилган манбаларни қайта-қайта, чуқур ўрганишдан ташқари, икки оғиз жумлада хассослик билан айтилган фикрларнинг замирида яширинган маъноларни ҳар тарафлама ўйлаб, бундай вазиятда Мирзо Бобур, Қутлуғ Нигор хоним, Эсон Давлат бегим, Хонзода бегимнинг кўнглидан нималар кечаётган бўлиши мумкинлигини тасаввур билан ёритади, кашф этади. Шайбонийхон кўшинлари узок ойлар қамал қилиб турган шаҳар — Самарқанд халки тортаётган азоб-укубатлар, очликдан тиришиб ўлганлар, бу ҳам етмагандай, осмондан жала, сел ёғиб, шаҳар ташқарисидаги бугдойларни пайхон қилиши, умуман, барчага ажал хавф солиб турган бир вақтда босқинчи кўшинлар бошлиғи Шайбонийхондан мактуб келиши, унда Мирзо Бобурнинг онаси, хотини, яқинлари билан бирга Самарқандни

ташлаб, истаган тарафига кетишга рухсат берилиши, фақат бир шарт – шахзода Бобурнинг опаси – гўзал Хонзода бегимни хонга никоҳлаб берилиши айтилган эди. Бундай шарт бир карашда голиб келиб турган Шайбонийхон томонидан кўрсатилган мардоналик, бошқа жихатдан узоқни кўзловчи, пухта ўйланган сиёсий мақсад эди. Шу никоҳ воситасида Шайбонийхон темурийлар салтанатининг қонуний ворисларидан бири бўлиб қоларди. Зеро, бундан бошқа илож ҳам йўқ эди. Бобуршоҳ ўз хотираларида ўша вазиятни афсус билан эслайди. Ўшандай оғир вазиятда ҳам адиба тасвирича, Мирзо Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор, бувиси Эсон Давлат бегим одамийликнинг юксак намунасини кўрсатиб, Хонзода бегимга: «Биз бу ишга сени мажбурламаймиз, хоҳламасанг рад жавобини юборамиз», – дейди. Бундай вақтда темурийлар салтанатининг охириги умидини ўлимдан сақлаб қолиш ўзининг қарорига боғлиқлигини тушунган Хонзода бегим севмаган одамига, Шайбонийхонга турмушга чиқишга розилик беради...

Хонзода бегимнинг бу жасорати буюк тарихий воқеаларни келтириб чиқарди. Мирзо Бобур Эрон хукмдори шоҳ Исмоил Сафавий ёрдамида яна курашни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Афғонистон ва Ҳиндистонда Мирзо Бобур темурийлар салтанатини тиклади. Аммо шу вақтгача, беш-олти йил давомида Хонзода бегимнинг Шайбонийхон ҳарамидоги оилавий ҳаёти ҳақида деярли манбалар йўқлигига қарамай, муаллиф бу жасур, оқила аёлнинг ўзбек хони оиласидаги ҳаётини, хон Бобурнинг опасини чиндан ҳам севиб қолганини, унга атаб вазаллар ёзганини, гоҳо жаҳлини сочишини ҳам жуда жонли манзараларда тасвирлай олган. Тақдир тақозоси билан Бобур жуда ёшлигида уйланган биринчи малика – амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг учинчи қизи Ойиша Султон бегим Бобур билан ажрашгандан сўнг хоннинг амакиси Кўчқинчихонга никоҳланади. Кейинчалик Бобурнинг катта тоғаси Султон Маҳмудхоннинг қизи – Ойиша Султон хоним, яъни Мўғул хоним деб шуҳрат

топган юлдузини Шайбонийхон ўзига никоҳлаб олади ва хоннинг сўнги кунларигача мухтарам рафиқаси бўлиб қолади. Мўғул хоним кундошлик қилиб, Хонзода бегимга етказган алам, ситамлари, найранглари ҳам яхши очиб берилган. Бундан ташқари, Шайбонийхон Хонзода бегимнинг холаси Меҳр Нигор хонимни ҳам ўз никоҳига олади.

Муаллиф романда Шайбонийхон – Шохбахтни бутунлай қорага бўяб ташламайди. Унинг айёрлигини ҳам, шоирлигини ва моҳир саркардалигини ҳам, баъзи инсоний фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам кўрсатади. Хон Бобурнинг опасини ростдан севиб қолганини, Хонзода бегимнинг кўнглини олиш учун самимий интилишини ҳам, хуллас, оилавий ҳаётининг тинч бўлишига катта эътибор беришини ҳам тасвирлайди. Хонзода бегимга хон сира кўполлик қилмайди. Доимо жангу жадал билан машғуллиги сабабли уйга камроқ келади. Хон ҳарамда кечадиган воқеалар, асосан, Мўғул хонимнинг рашки ва ҳасади билан боғлиқ.

Ёзувчи хон ҳарамдаги кундошликнинг баъзи можароларини тасвирлашда устоз Абдулла Қодирий романидаги Кумуш ва Зайнаб муносабатлари каби рашк изтиробларини назокат билан тасвирлайди. «Хон уни (Мўғул хонимни) еру кўкка ишонмай, доимо ёнида олиб юргани учун ҳам ўзига ўта ишонган ва қолган умри ҳам шу тариқа шохона ўтишига амин бўлган эди... Шайбонийхон унинг руҳсатисиз бошқа хотинларига қиё боқмас эди... Жанг майдонида еру кўкни зир титратган хонни гаҳ деса қўлига қўндириб олган Мўғул хоним қаршисида туйқусдан Хонзода бегимнинг пайдо бўлиши унинг учун қутилмаган бир зарба бўлдики, бундан у ўзини йўқотиб қўйди, шу билан бирга ўзининг қадри ерга урилгандай сизди». Мана бу эса Хонзода бегимнинг кундоши ҳақидаги таассуроти: «Бир оз кўрслигингиз, бемулоҳазасизлигингиз туфайли кўнгуллари оғритишингизни ҳисобга олмағонда, ўзи яхши аёлсиз. Хоннинг кўнглини батамом асир этиб, забт этқонингизда, балки менга

қарамас эрди. Ахир, кўнгил эрмасму ишқ мамлакатини гуллатқон ҳам, саҳрои кабирға айлантирғон ҳам! Тил эрмасму дўстни душманға, душманни дўстра айлантирғон. Сизда, Мўғул хоним, ҳар иккиси ҳам яраланғон!»

Ёзувчи бу икки аёлни ўзаро таққослаш жараёнида буларнинг рухий оламида ҳам ер билан осмонча фарқ борлигини, Хонзода бегим хонни севмаса ҳам, шаръий завжаси сифатида назокат билан, мулоийм муомалада бўлиши, кундошининг баъзи давал гапларига ҳам хафа бўлмай, иззат-хурматини жойига қўйиши, маънавий олами гўзаллиги яхши ёритилган. Хон ҳам иккала кундош уришиб қолмасин, айниқса, Мўғул хонимнинг хомиладор Хонзода бегимга бирор зарар етказиб қўймасин, деб каттасини Ҳиротга олиб кетиши, умуман, ғамхўрликларини Хонзода бегим хоннинг ўлиmidан сўнг эслайди.

Романда Хонзода бегимнинг кейинги ҳаёти, шох Исмоил ғалабаси, хоннинг ўлими воқеасидан кейин Хонзода бегим ва бошқа ҳарам аҳли эронликлар қўлига ўтгани, Эрон шоҳи иттифоқчилик бурчини бажариб, Хонзода бегимни иниси Бобур шоҳ хузурига юбориши, Бобурнинг севимли хотини Моҳим бегим Хонзода бегимга меҳр қўйиб, ғамхўрлик қилиши, Хонзода бегим озодликка чиқиб, укаси Бобурнинг Ҳиндистонда буюк давлат қурганини кўриб севиниши, Бобурнинг опасига меҳр-оқибати, опауканинг мазмундор суҳбатлари, янгиликларни бир-бирига айтиб, ўтган йилларда кечган воқеаларни ва инсонларни, қавму қариндошларини эслашлари, Бобур опасига атаб боғ ва кўшк – сарой қурдириши, Хонзода бегимнинг ёш Ҳумоюн ва Гулбадан бегимга ғамхўрликлари, севинчли ва қайғули воқеалар тафсилотларини ёзувчи тарихий манбалардан зарралаб топиб, бир-бирига алоқадорлигини кўрсатиши қийин, оғир, меҳнатталаб иш, ижодий изланишлар натижасидир.

Муаллиф романда охири жиддий оқибатларни келтириб чиқарувчи нозик рухий ҳолатларни тушу-

ниб ёзади. Аввалги вақтларда Хонзода бегим мажбурий никоҳланганидан дили оғриб, Шайбонийхондан яширин ўч олишни ўйлар эди. Кейинроқ хоннинг самимий меҳрибонликларини кўриб, ўз фикридан воз кечади. Энг мухими, укаси Бобурга ўзбек хони томонидан бирор зарар етиб қолмаслиги учун, Бобур шохнинг яқинлари билан узоқроққа, хавфсиз жойларга етиб олсин деб, хонга назокатли муомала қилиб туради. Шу билан бирга адиба Хонзода бегим табиатида азалдан назокат, мулойимлик, нозиктаъблик борлигини табиий рухий кечинмаларида кўрсатади. Кейинчалик, у укаси Мирзо Бобур ёнига қайтганида, ёруғ кунларни, иззат-хурматни кўрган вақтларида ҳам барчага яхшилик қилишни ўйлайди. Ёзувчи Хонзода бегимнинг фарзанди касалликдан вафот этганидан сўнг қариндошларининг қизчаларидан бирини фарзандликка олиши, ўстириб, тарбиялаб, муносиб жойга узатиши, бу ишларнинг барчасида Мирзо Бобур ва Мохим бегим бош-қош бўлиши, Мирзо Бобурнинг оилавий ҳаётини тасвирлашда Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома» асаридан унумли фойдаланиб, ундаги кичик маълумотларни мантикий ривожлантириб, жонли, ҳаётий сахналарга айлантиради. Асарда ўша давр муҳити, адабий вақт ва макон равшан ёритилган.

Асарда Хонзода бегимнинг инсоний фазилатлари, маънавий олами яхши очилган. У хоннинг вафотидан сўнг укаси Мирзо Бобур ҳузурида Аграда фаровон яшаётганида Самарқанддаги бир оила бўлиб қолган турли феъл-атворли аёлларни, кундоши Мўғул хонимни ҳам соғиниб эслайди. «Суюкли эри Шайбонийхон ўлғач, Мўғул хонимнинг аҳволи не кечди эркан? Хоннинг хотини ва у билан қолган Мохирўйга қандай кунлар кўрсатдийкин? Холаваччам Ҳабиба қандай кунлар кўрди эркан? Муҳаммад Ҳайдар Мирзо келғонда эрди, опаси Ҳабиба Султоннинг аҳволини сўрағон бўлур эрдим... Ахир, мен сайидлар хонадониди эрканимда Ҳабибани дабдаба билан Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахонга никоҳлаб

берилгон эрди-ку? Хон шахид бўлгач, Мўғул хонимга ҳам Убайдуллахон паноҳ бергон деб эшитгон эрдим... Эҳтимол, Мўғул менга қилгон разилликларини Ҳабиба Султонга қилолмас...»

Романда Бобур шох ҳам жангу жадаллар вақтида Малик Мансур Юсуф-зайни қамал қилганда қизи Афғоний оғачани севиб қолиб, шу қизини никоҳига олиш шарти билан отасини озод қилган ва унга ер, мулклар берганлиги ҳақида эшитган Хонзода бегимнинг тарих такрорланганига ажабланиши айтилади. Яна асарда Моҳим бегимнинг кўнгли беғуборлиги, у кундошининг инсоний фазилатларини мақташи, умуман, темурийзодалар ва уларга келин бўлиб тушган аёлларнинг оқкўнгиллиги, мардоналиги яхши тасвирланган.

Романда айрим жузъий камчиликлар ҳам бор. Шайбонийхон характери янада мураккаброқ кўрсатилиши мумкин эди. Шоир Муҳаммад Солих (замондоши) уни кўкка кўтариб «Халифат-ур-рахмон» деб мактайди. Аслида, Мирзо Ҳайдарнинг таърифича, у ёшлигида темурийлардан кўп яхшилик кўрганига карамай, уларни аёвсиз қирғин қилди. Юнусхон авлодларига ҳам кўп ёмонлик қилади. У гўё Олтин Ўрда қарамоғида бўлган Хоразмни Соҳибқирон Амир Темур беш марта қирғин қилгани учун темурийзодалардан қасос олганга ўхшайди. Аммо темурийлар салтанатининг Ўрта Осиёда, Туркистон қисми Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан босиб олинишида «Бобурнома»да афсус билан ёзилганидай, барча темурийларни бирлаштиролмаган, аксинча, фарзандлари билан жанг қилган Султон Ҳусайннинг айби кўпроқ эди. Темурийлар салтанатини тиклаш учун, асосан, Мирзо Бобур жонбозлик қилди. У Эрон ёрдамида бўлса ҳам Шайбонийхондан қасосини олди. Аксинча, Шайбонийхон ўлиmidан сўнг Убайдуллахон етакчилигида ўзбек султонлари ахил, ҳамжихат бўлиб, Ўрта Осиёда ўзбеклар давлатини ташкил этдилар. Уларнинг бобоси Абулхайрхон ва Улуғбек замонидан бери темурийлар ва ўзбеклар ўртасида

қавм-қариндошлик бор эди. Шу қариндошликнинг яна бир ҳалқаси Мирзо Бобурнинг опаси Хонзода бегимнинг Шайбонийхон оиласига қўшилиши эди. Булар орасида фарзандлар қолмагани сабабли мазкур қариндошлик узоққа бормади. Темурийлар давлатининг Ҳиндистонда тикланиши бутунлай Мирзо Бобурнинг буюк хизмати эди.

Омина Тожибоеванинг «Шамолларга учган ни-долар» романи равон, ширали тилда ёзилган, нозик рухий ҳолатларга бой, катта қизиқиш билан ўқилади. Асарни адиба ижодидаги энг баланд чўққилардан бири дейиш мумкин.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний





ШАМОЛЛАРГА УЧГАН НИДОЛАР

Кечга яқин кучли шамол кўзгалди. Момакалди-рокнинг фалак гумбазини ёриб юборгудек гулдурлаши ҳар бир тирик жонни ларзага солар, бир неча ойдан бери қамалда яшаётган эл-улусга аршдан ажал тушиб келаётгандай туюларди. Вужудлари беҳоллиги туфайли унга қарши бирон ҳаракат қилишолмас, фақат тиллари «Ё Тангрим, ўзинг мадад бер!» дея паноҳ тилашдан тинмас эди. Бир оздан сўнг шивалаб ёмғир ёға бошлади. Булутлар гоҳ-гоҳида уларнинг устига сувларини ўқдек отар, бундан баъзи кекса дехқонларнинг хуноби ошар, ўзларининг кўриниши бир ахвол бўлса-да, айна чоғда, пишган ва эгасини кутаётган бугдой ҳамда бошқа ҳосилларни ястаб кетди дея, ич-этини ердилар. Бирови:

– Ястаса ястасин, ахир энди улар ёврийнинг кўлида-ку?! – деса, иккинчиси:

– Увол-да, ким бўлса ҳам улардин баҳраманд бўлса савоб-ку, – дерди.

– Бу йил бугдойим яхши бўлувди, ҳосилни йиғиштириб олиб, қизимни узатмоқчи эрдим, – деса, яна бири:

– Нок боғим шивиллаб қолувди, сотиб аёлимни даволатмоқчи эрдим, – дерди.

Хуллас, бу каби баҳс-суҳбатлар ҳам номига айтилаётгандай туюларди. Баъзи одамларнинг танлари тупроқ рангида, очликдан, тузсизликдан шишган, баданларига яра-чақалар тошган. Кўча-кўйда, уйларда бемажол ётганлар, қиз-жувонлар, катта-кичик бола-

лар, унда-мунда ахлат уюмлари, уларнинг устида гужгон ўйнаётган пашшалар, шохлари ва новдалари кесилиб, пўстлоғи шилиб олинган тут ва тол дарахтлари, уйларда, уй ёнларида, пана-пастқамларда қай ҳолатда жон берса, шу ҳолича қотиб қолган мурдалар, баъзи бирларининг ачинарли кўринишлари... Чала-жон илон каби судралишиб ҳаракат қилаётган, ранг-туслари бир аҳвол отбоқарлар кесилган тол дарахтларини рандалашар, ундан чиққан пайраҳани сувда ивитишиб, отларга бериш билан овора. Қишин-ёзин ўз уяларини тарк этмайдиган мусича ва чумчуқлар ҳам кўринмас, уй ҳайвонлари эса мутлақо йўқ эди. Негаки, улар ҳам еб битирилган. Ун қопларини тешадиган, нон қутилари ичига тушиб олиб, ахлатларини қолдириб кетадиган сичқон-каламушларнинг ҳам қораси кўринмас эди. Фақат ориқ-тўриқ отлар қолган ҳолос. Сарой ичи ва аъёнлар, яъни ҳарамдагиларга ҳам бир маҳал нонушта учун арпа унидан тайёрланган нон ва пешинга обиёвгон. Улар ҳам озиб-тўзиганлар. Камал одамларни ёппасига кирадиган ҳолатга келиб қолганди.

Майин ёмғир аралаш шамол кечга яқин тинди. Тун қоронғулиги янада қуюқлашиб, дунёни зулмат қоплади. Хуфтонга яқин кўк юзида барқашдек ой кўринди, атрофида юлдузлар гужғони. Бири зулматнинг бағрини тилиб аста сузиб борар, бошқалари эса жимирлашиб, замин юзига бокқанича товланишар, гўёки бу борликда ҳеч нарса содир бўлмагандай жилмаярлар. Қибла томондан охиста ел эса бошлади. Бу — Самарканд узра атрофга таралаётган нохуш хидни ўз барида супуриб, қаёққадир учириб кетаётгани боис гўё равоқлари очилган уйнинг хавоси каби тозарган эди. Туннинг ярмига етганда зўрға уйқусини топган Хонзода бегим юзини тонг ели силаганда кўзларини очди. Очдию кўзгалмай ётаверди. Шу ҳолда кўрган тушини эслай бошлади: «Ажаб! Ғалати!» деб пичирлади латиф лаблари... «...Ўт-ўланлари қовжираган кенг яйлов эмиш. Бир томони ўрқачи осмонўпар тоғлар, қарши тарафи эса дашту саҳрога уланиб кет-

ган эмиш. Яйловнинг коқ ўртасида онаси Кутлуф Нигор хоним билан бувиси Эсон Давлат бегим турган эмиш. Шу вақт сахро томонда куюк чанг-тўзон бошланармиш. Аллавақтдан сўнг тўзон ичидан бир шарпа ажралиб чиқиб, улар томон яқинлашармиш. Қарасалар, тўртта отга маҳофа ўрнатилган ва уни бошқариб келаётган буғдой рангли, тегирма соқоли ҳамда қирра бурни юзига ярашган киши она-боланинг ҳай-ҳайлашига қарамай Хонзода бегимга яқинлашиб, уни даст кўтарармиш-да, маҳофага ўтқизармиш. Отларга камчи босармиш-да: «Дийдор қиёматга-а-а!» дея узоқлашармиш. Осмонни қоплаб олган кора булут тўдаси аста-секин тарқалармиш-да, оламни ёруғлик лашқари забт эта бошлармиш. Қовжираб, пичанга айланиб қолган ўт-ўланлар остидан жимитгина майсалар бўй чўза бошлармиш. Кутлуф Нигор хоним билан Эсон Давлат бегим ҳар томон зир югурармишлар. Она бечора: «Қизимни олгунча мени махв этсанг бўлмасмуди?» дея тиз чўкиб, қўлларини осмонга қарата чўзганча Худога нола қилиб қолаверармиш!..»

Шу ерга келганда Хонзода бегимнинг кўзлари мошдек очилиб кетди. Даст ўрнидан тураркан, те-варак-атрофга назар ташлади. Дарпардалар ортидан қуёшнинг заррин нурлари ичкари мўралай бошлаганини, хобхонаси бир сарин хидга тўлганини пайқади, лекин кўнгли ёришмади: «Демак, — ҳаёл оғушига чўмди у, — бу — мен, менга ўхшайдур. Ҳали қуёв юзини кўрмағоним боис фаришталар у дунёга от аравага ортилгон маҳофада олиб кетар эркан-да. Ажаб! От устидаги ўрта ёшлардаги киши ким? Бўлғуси қуёвму? Йў-э, шундай кўнгилга қил сиғмас дамларда нималарни ҳаёл қиляпмен? Бечора онам! Тольёга саргашталиқ битилгон ўрилнинг ёнида кечаю кундуз от устида чайқалиб юришлардин ташқари ҳам устига ҳам тортавериб, пажмурда бўлгон қалби эндиги ситамларни кўтара олурмикин? Нахотки, салтанат деб, оила ва подшоҳлик иши деб менинг орзу-ўйларим чилпарчин бўлса», деган ҳаёл ўтди бошидан.

Хонзода бегим осмону фалакка ўрлаётган тутун каби тўлғонаркан, ўксиб: «Ҳали ёш эрдим, начора, агар тақдир қилса қочиб бўлмас. Худонинг хоши-иродасига қарши нима ҳам қила олардим?!» деди пи-чирлаб.

* * *

Ҳар куни айни шу дамда Хонзода бегимнинг хоб-хонасини йиғиштирадиган канизаги Гултош кириб келди ва ҳалиям жойидан кўзгалмай ўтирган бека-сини кўриб, таажжубда елка қисди. Чунки бу пайтда намозини ўкиб бўлган бекаси у ёқ-бу ёғига қараб, нонушта қилиш тараддудида бўларди. Хонзода бегим унга эътиборсиз ҳолда хурпайиб ўтираверди:

– Бирон ерингиз огрийдирму, бекам? – охири тилга кирди Гултош. – Табиб ойимни чақириб келайму?

– Йўқ! Шунчаки ўзим... Хаёл обкочибдур.

Хонзода бегим ўрнидан турди: «Нима қилсам эр-кан? Тушимни онамга айтайму? Йўқ! Кўрқиб кетадур! Яхшиси инимга айтай! Йўқ! Бу ҳам бўлмайдур. Ҳозир ўз ташвиши ўзига етарли... Меникиям кўшилиб, дард устига чипқон бўлмасун! Манови қақажонга айтсам-чи? Анча-мунча нарсага ақли етади-ёв...»

У Гултош келтирган илик сувда юз-кўлини ювди. Шудринглари тўкилган гулмисол тиниклашган юзла-рига соя солган кўрқув аралаш:

– Мен бир туш кўрибмен, – деди либосларини алмаштираркан, – кўп беҳосият...

Унгача хонани саришта қилиб улгурган Гултош ялт этиб қаради:

– Қандай туш эрканки беҳосият дерсиз, бекам? – сўради хайрон боқиб.

Хонзода бегим туш тафсилотини шошилмай сўзлаб берди. Шу аснода юраги увишганини сезиб, аста жойига бориб ўтирди.

– Вой бекачим, – деди у шўх-шодон қулиб, – сизга совчи келаркан, куёвга узатамиз чоғи?!

— А-а, а-а, — куюк киприклари ичра мунг чўккан кўзларида гайритабий бир нимтабассум балқди, чунки ўзича мудҳиш бир воқеани кутгани боис канизаги сўзларидан бир оз қувониб кетганди, — бўлмагур гапни кўй! Том бошида қўш ногора деб... Зўрға кун кўриб турғонимизда тўйға бало борму?

— Ох, бекачим?! — бўш келмасди Гултош ҳам, — мени айтди дерсиз? Сизни, худо хоҳласа, бир яхши куёвға узатамиз?!

— Кўй-э, — жеркигандай бўлди Хонзода бегим, — ҳозир тўйға кимнинг кўзи учиб турибдур?

— Э-э бекачим, балки бўлғуси шахзода куёв ёғий масаласини ҳам ҳал қилар-да, тўй бошлар, қайдин билибмиз?

Қизларнинг тортишуви устига Қутлуғ Нигор хоним кириб келди.

— Тинчликму? Шу чақираман, овоз бермайсизлар?

— Узр, онажон? — кўзғалди Хонзода бегим.

— Узр, хоним ойим, эшитмай қолибмиз? — Гултош таъзим билан тисланганича, хонани тарк этди.

— Яхши ухлаб турдинғизму? — Хонзода бегим онасини тўрға солинган баҳмал тўшакка ўтиришга таклиф этди, — тинчликму?

— Тинчлик бўлса қанийди-я, қизим. Ўтириш бўлса қочмас, — деди Қутлуғ Нигор хоним, — кун тиккага келмай туриб, ҳазрати Абулмакоримни йўқлаб келсак.

— Бош устиға, онажон.

— Андор бир валати туш кўрибмен. Садақа кўтариб эрдим. Ҳар не бўлсун яхшиликқа...

Хонзода бегимнинг юраги шув этиб кетди: «Демак, онам ҳам...» Ҳозиргина Гултош ҳадя этган тинчлик ўрнини яна ҳадик, кўрқув эгаллади. Сабаби, отаси Умаршайх Мирзо вафотидан бир кун олдин ҳам онаси шунақа безовталанган, Андижоннинг кўзга кўринган шайхига назр-ниёз жўнатган эди: «Ҳар не бўлса яхшиликқа», деганди ўшанда ҳам. «Демак, бу гал ҳам...», музлаб кетди у.

– Мунча хаёлга толдинғиз қизим, рўмолинғизни ёпининғ?!
– Ҳмм, халиги... ҳозирму?

– Ҳа, ҳозирнинг ўзида. Бундай туш садақасини асло кечиктириб бўлмайди.

Хонзода бегим бўшашган қўллари ила рўмолини бошига илди. Нимчасининг чўнтагини ковлаган эди, бир дона кумуш танга қўлига илинди. Уни тушининг эвазига садақа қилишни ўйлаб, қайтиб жойига солди. Улар бирин-кетин юриб, Шайхзода дарвозасига етишганда беш-олтита соқчилару мулозимлари олдида келаётган Мирзо Бобурга дуч келишди. Шошиб она-бола олдига келаркан:

– Ассалому алайкум, – салом берди хавотирли нигоҳда, – тинчликму? Махофа, соқчиларсиз?

– Бугун шайх Абулмакорим ҳазратларини йўқлаб келишни кўнгилга туккан эрдим. Шунга...

Туш ҳақида сўзламади: «Ичини кир қилиб нима қиламен. Ўзи бусиз ҳам.., э, подшолик ҳам қуриб кетсун!»

– Онажон, чарчаб қоласиз деған хавотирдамен.

– Оёқ чигалини ёзиш ҳам керак-да, ўғлим.

– Ташқари нотинч, ҳеч йўғи иккита соқчи ҳамроҳ бўлсун.

Мирзо Бобур шундай дея ён-верига қаради. Буни тушунган ва унинг кўзи тушган икки соқчи дарров ўзларини аёллар ёнига олдилар. Мирзо Бобур ичкарига, она-бола эса саройдан сал наридаги маҳаллада умргузаронлик қиладиган шайх Абулмакоримнинг хонадонига қараб йўл олдилар.

* * *

Кузнинг нохуш кунларидан бири. Зангори осмонда унда-мунда саланглаб сузаётган кумушсимон булутлар худди хорғин учаётган оққушлар галасини эслатади. Қуёш эса ҳар доимгидай замин узра илик нурларини сочар, гўё каттаю кичик ва хўлу қуруқдан иборат бутун борлиққа бир хил қарайдиган раҳмдил, кўнгли очик, бечорапарвар онадек эди. Улар сарой-

дан ташкарига чиққанларида эл-улуснинг аҳволини кўриб, юрак-бағирлари эзилди. Яра-чака тошган, холдан тойган болалар, йўлакларда тиланиб ўтирган оналар, муккайганича кўзларини юмиб, қайсидир ёд билган сурасини айтаётган мўйсафидлар..., бошига солган оқ рўмоллари тупроқ рангига кирган бувилар... Хуллас, кўз олдларида очлик ва гадойлик манзараси намоён эди. Она-болани ларзага солган яна бир нарса – ориқ, кўзлари катта-катта, чиройли бир қизалокнинг онаси қўйлагининг баридан тортиб, нон тиланиши эди.

– Но-о-н! Нон беринг!?

Торнинг инграганидек эди унинг овози. Жонсиз эди сўзларидаги оҳанг!

– Нон, ойижоним, но-он?! – зор-зор йиғларди у.


Хонзода бегим ортига қарай-қарай узоқлашаркан, кўнгли тўликди. Бўғзига бир нарса кадалгандек сездди ўзини. Бу ёшда ўзининг отаси Умаршайх Мирзо паноҳида шоҳона еб-ичганлари, харам болалари билан ҳеч нарсадан қайғусиз, турли хил ўйинлар билан машғул бўлганлари, гоҳ-гоҳида Андижоннинг бир ёнида анҳори тўла сувлар оқадиган кўчаларида сайр қилган онлари ёдига тушди. Юраги хаприкди: «Қизалокда нима гуноҳ?»

– Бу уйинг куйгур дашт қипчоғи бизларни тирик-лайн гўрға тикмоқчиға ўхшайдур, – куйиниб борарди Қутлуғ Нигор хоним, – ё камални тўхтатмайдур, ё ҳаммамизни кириб ташламайдур! Максуди нима ўзи?!

Улар йигирма қадамлар юргач, даҳшатли манзарага, ўн-ўн беш човли, қай ҳолатда жон берган бўлса, ўшандай қотиб қолган мурдаларга дуч келишди.

– Ё Раббий! Биз бандаларинг нима гуноҳ қилдикки, бундай балоларни бошимизға ёғдирасен?! Ёврийға ўзинг инсоф бер!

Бир вақт Қутлуғ Нигор хоним чап кўксини ушлаб, энкайиб қолди. Эсхонаси чиқиб кетган Хонзода бегим онасини қучганича, ўмгагини симаб-сийгаларкан, жикқа терга ботганини кўриб, янада кўрқиб кет-



ди. Назарида онаси шу ерда жон берадигандай, анови очик гўристонни ташкил қилган мурдалар қаторига қўшиладигандай туюлди.

– Онажон?! Кўзингизни очинг? Мени кўрқитманғиз?!

– Қовурғам, – зўрға гапирди Қутлуғ Нигор хоним, – қовурғам ости оғрияпти.

Бу ҳолни кузатиб турган соқчилар на яқин кела олардилар, на бирон чора топа олардилар. Бири сал хушини йиғди шекилли, сарой томон чошиб кетди. Зум ўтмай, махофа кўтарган беш-олти мулозимлар етиб келишди ва хонимни унинг ичига олишди. Хонзода бегимни онасининг кўксини силаб-сийпалашлари ва борлигини елпишлари асносида бир оз ўзига келган Қутлуғ Нигор хоним:

– Ортға қайтамиз, – деди, – Шайхникига бошқа куни борамиз. Қўркманг, қизим, – ёнида қўлларини ушлаганича мулозимлар билан тенг кадам ташлаб бораётган Хонзода бегимни тинчлантириш учун оҳиста гапирарди, – анови қизалокка қойиб кетдим.

– Бирам кўрқдимки, онажон...

Шу пайт мулозимлардан бири подшоҳ хабар топдим, йўқму деб сўраб қолди:

– Йўқ! Қаёққадир кетишганму, ё мажлисму, билмаймен. Шошганимиздин ортимизға қайтабердик.

«Ҳмм, эрта тонғ шаҳар айланғон. Бу кўргуликларни кўрғач, чора қидириб мажлис қилаётғандур, – хаёлидан ўтди онанинг, – йўқса чошиб келарди».

Хонзода бегим, қоп-қора кўзларидан шашқатор ёш тўкиб, нон тиланаётган қизчани кўз олдига келтираркан, атрофга аланглади. Ана, анув ерда, онабола сувсиз анҳор бўйида ўтирибди. Уларга кўзи тушган Қутлуғ Нигор хоним мулозимларга тўхташга амр этди. Ҳали бироз ўзини йўқотгани учун ёдига келмаган бир ишни ҳозир бажариш мумкинлигидан ичида қувонди. Туш хаки сифатида беш-олтита тангалар билан бирга ўрик қоқи ва қора майиз ҳам олган эди.

– Қизим, егуликларни қизалокқа беринг? Нон ўрнини босмаса-да, зора шу билан овунса?!

Хонзода бегим ҳам худди шуни кутгандай, эпчиллик билан онаси узатган халтачани олди-да:

– Бунда ширинликлар бор, – деди аёл ёнига чўнқайиб, – қизчанғизга беринг?! Ухлаб қолибди-ку, уйғонганда берарсиз!

– Қизгинам энди уйғонмайди, – деди аёл кўзларини бир нуктага тикканича, Хонзода бегимга парвосиз, – у энди турмайди! Манови кўчаларда чопқиллаб юрмайди! У энди уйғонмайди-и-и!

Аёл қизаловини баррига босганича, ўкириб юборди. Фарёдни эшитган бошқа соқчилар югуриб етиб келишди.

– Лаълигинам энди уйғонмайди-и-и!

– Йиғлама! – дўқ урди қорачадан келган соқчи. – Ёғий эшитса хурсанд бўлади.

– Эшитсун! Ўша бедодғарлар эшитсун! Осмон эшитсун! Бутун олам эшитсун!!!

– Бир сизнинг боланғиз ўлибдирму? Худодин сабр тиланғ-да! – деди яна бири.

– Қанча сабр қиламен?! Ахир ярим йилдин бери сабр қиламен! Ўша Худойингнинг сабримга бергон ажрими бу?! Эримдин айирди, ўғлимдин айирди, энди қизим, ўн гулидин бир гули очилмагон қизим... Энди ўзим қолдим! Ўзим!! Мениям жонимни ола қолсун энди!

Аламзада аёлнинг унини ўчириш мақсадида яна бир соқчи яқинлашган эди:

– Кетинг? – деди қатъий равишда Хонзода бегим, – кетинглар?!

– Бекам...

– Жигаргўшасидин айрилиб, қон қақшаётқон она сизнинг дўқ-пўписанғиздин чўчирму? – маҳофа ичиде кузатиб ўтирган Қутлуғ Нигор хоним аста ўрнидан туриб, уларга яқинлашаркан деди. – Бир оғиз малхам сўз ўрнига..., элда бир нақл бор-ку, ўлғиси келгон мол болтадин тоймас, дегон.

– Раҳмсиз фалакнинг дастидин дод! Урушқоқ подшоларнинг зулмидин дод!! Дод!!! Жажжигинам дунёга келиб нима кўрди-и-и?!

Хонзода бегим аёлнинг елкаларини силар, тўз-фиган сочларини тартибга келтирар, аммо бирон илик сўз айтишга, юпатишга ўзида куч тополмас эди. Жингалак сочлари патила-патила бўлиб ётган қизалокни кўлига олишни ҳам, олмасликни ҳам билмас, юзларини юваётган шашқатор ёшларини эса тиёлмасди. «Жанг йигитлар, эркаклар билан эрмасму? Эй номард, рақибингни енғолмасанг номардлик тўнини киясанму? Буларда нима гуноҳ? Енғолмадингму, орқага қайт эрди?! Танага тан бер эрди! Шунчалар ҳам бахтсизлик тувдирасанму?»

Шу пайт кўпни кўрган Қутлуғ Нигор хоним ўзини кўлга олди ва икки сокчига қизалоқ мурдасини олиб, қабристонга кўмиб келишни буюрди. Аммо она бағридан дилбандини олиш осон кечмади. Охири сокчиларнинг ялиниб-ёлвориши қор қилдими, ё қизини абадий уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилдими, ё анови очикда, ҳар хил кўринишда аянчли ҳолда ётган мурдаларни кўриб, ҳар қалай жону жаҳоним мурдаси хор бўлмай, қабрда ётаркану деган юпанч инсофга келтирдими, сал юмшади. Қизчасини уларнинг кўлига берди, қизчасини эмас жигарини берди, юрагини берди. Чидамади. Уларнинг ортидан сочлари тўзфиган, зор-зор йиғлаганча эргашиб кетди. Бу орада она-бола олдига чор тарафдан катта-кичик одамлар яқинлашиб келдилар. Хавотирланган Хонзода бегим онасининг кўлларидан маҳкам ушлаганича паналади.

– Эшитишимизча хоним ойим, – деди қоқ суякларигина қолган бир чол, – ёғийнинг подшоси бизнинг подшойимиз ҳарамидаги бир қизга ошиқу беқарор эрмуш. Шу қизни берсақ бизларни озод қилармуш.

Хонзода бегим бўшашиб кетди: «Тушим... Мен бўлсам-а?..»

– Ҳа шундай, – тасдиқлади бошқа бирови, – ўша қиз дардида бизларни қамаб турибдийкан.

– Қизик, – деди орқароқдан яна бирови, – ёғийда ҳам юрак бор эрканму? Қизик?

– Бир-бирларига душман эрса, қизни қаердин кўрибдийкан? – лукма ташлади яна бирови.

– Ўтғон йили бир тўйда кўргон эркан...

Қолган гаплар Хонзода бегимнинг кулоқларига кирмади. Яшин ургандай сесканиб кетди у. Мана шу қиз бўлса керак, дейишларидан чўчигандай, рўмолини юзига ҳимо қилди. Шундай қилмаса, ҳозирда жонидан тўйиб турган одамлар уни шарт тутиб, душман кўлига топширадигандай туюлди: «Гултошларникига баҳорда, – нафаси ичига тушиб кетди, – акасининг тўйига борғонимизда, Бухоро томондин келаёткон беш-олтита отликқа дуч келиб эрдик. Шунда кора, тегра соқолли, демак ўшаларнинг бири.., тушимда ҳам айнан ўша киёфали киши.., ёғийларнинг бошлиғи, – исмини тилга олмади, жирканди, – иним айтувди-я, ушмундоқ аблаҳ фирибки, айни пишиқчиликда хужум бошлар ва эл-улуснинг минг машаққатлар ила етиштиргон неки ҳосилига эгалиқ қилур. Ҳмм, демак, ҳозир пишиқчилик. Ҳар не номардлик мундин ортуқ бўлмас. Ситамдийда эл асло бу қилиғинғни хотиридин ўчирмас-да, кечирмас!»

– Ёғийнинг ақлу ҳушини ўғирлағон ўша қиз ким эркан? – онасининг ушбу сўроғидан Хонзода бегимнинг хаёллари янада пароканда бўлди, – хизматкорларданму, ё..?

«Ростиям ким? – Хонзода бегим сергакланди, – ҳалитдин бери ўзимнинг ёғимга ўзим ковурилаётимен. Подадин олдин чанг чиқаряпмен. Эҳтимол Гултошдур! Ё бўлмаса иним канизакларидин биридур!»

Ҳар томондан «билмаймиз-да, билмаймиз» деган садоларни эшитган Хонзода бегимнинг хавотири бўйин қисиб, сал нари чекингандай бўлди.

– Ундок бўлса, – деди Қутлуғ Нигор хоним, – бугун-эрта бир хабари чиқиб қолар. Сизларга ваъдам шулки, ёғийнинг дарди қиз бўлса, чорасини килурмиз!

– Подшойимиз не деркинлар?

– Ахир подшойинғизнинг оналари-ку ҳазрати бегойим, – деди мулозимлардан яқинида тургани, – танимаяпсизларму?

Одамлар бироз нари чекинди-да, ерга тиз чўкиб, таъзим қилдилар.

– Узр, бегойим, – деди чўкки соқол киши, – танимасни сийламас деғонлар... Узр!

– Ўрнингиздин туринғиз! – қатъий буйруқ берди Қутлуғ Нигор хоним, – ҳозир ушмундоқ расм-русумлар мавриди эрмас.

Барча бирин-кетин каддини тиклади.

– Подшойинғиз сизларнинг бу аҳволингиздин хабардордурлар! Шунини унутманғки, сизлар учун ҳатто ўз жонини беришга ҳам тайёрдурлар! Хотиринғиз жам бўлсун.

Ҳар томондан, ҳар турли дуолар янгради. Буни кўрган Хонзода бегимнинг кўнгли тўлиқди. Ҳали юзага чиқмаган умид эпкини уларни шу қадар севинтирганини кўриб: «Буларга бир жон эркан, юз жон фидо қилсанғ арзир!», деди хаёл ичра пичирлаб.

– Мусулмонлар! – Қутлуғ Нигор хоним соқчилар ва шу ерда ҳозир бўлган одамларга қарата деди яна, – ана у жонсиз танага қаранғ! Уларнинг шу аҳволда ётиши яхшиму? Эй яхшилар! Кўлимиздин келғонча, кучимиз етқонча охири манзиллари – қабр отлик масканга элтайлуқ, то руҳлари бизлардин миннатдор бўлсунлар!

– Эрталаб подшойимиз ҳам шундай деғонлар, – деди бир норғул йигит, – қабристон олис! Уларнинг анчасини олиб бориб кўмдиқ. Лекин ҳаммасига улгурмаётимиз. Шунинг учун арава сўрағон эрдук.

Йигитнинг гапи тугамай, иккита от қўшилган арава икки томонида соқчилари билан уларнинг олдига келиб тўхтади. Қутлуғ Нигор хоним «мабодо ёғий кўлида қолсак ҳам», демоқчи эди, шаштидан қайтди.

– Хоним, – деди шу пайт бир аёл, – хотиржам бўлингиз! Элатдошларимизнинг жасадларини хор қилиб қўймаймиз!

– Миннатдормен.

– Сиз ҳам омон бўлинғиз! Кўнгулларимизни кўтардинғиз.

Бу содда, меҳнаткаш одамлар билан сўнгги бор хайрлашаётганини хаёлига ҳам келтирмаган Қутлуғ Нигор хоним аста бориб, маҳофага ўтирди. Хонзода бегимни ҳам қистаган эди, кўнмади. Соқчилару мулозимлар йўлга тушишди. Улар Шайхзода дарвозасидан ичкари кириб бораётганларида, одамларнинг умидли нигоҳларини тикканича Худога нола қилиб дуо қилаётганлари, соқчиларнинг кетидан бораётган аёлнинг мунгли фарёди қулоқлари остидан кетмади. «Ўша қоқи ва майизни олдинроқ берганимизда қизча ўлмасмуди?» хаёлига урилган ушбу фикр уни, афсуски, бир умр таъқиб қилишини Хонзода бегим хаёлигаям келтирмаган эди.

* * *

Офтоб тиккага келган. Оч қоринни лоҳас қиладиган илиқлик кучайган. Илик қалтираб, киши ўзини бирон салқин жойга урадиган пайт.

Хоним билан бегим ҳарам ичига кириб борганларида ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, тик этган товуш эшитилмас, ҳаттоки, дарвоза бикинидаги соқчилар ҳам лоҳасликдан бўшашиб турардилар. Бу ҳолни кўрган Қутлуғ Нигор хонимнинг юраги орқага тортди.

– Тинчликму? – пешвоз чиққан хизматкор аёлдан сўради, – ишқилиб ҳарам ичидағилар... Бувим тинчмилар?

– Ҳа, хоним, эрталаб сизлардин кейин ёғийдин сулҳ келмуш. Шунга ичкарида мажлис қилишаётирлар, – таъзимланди.

– Сулҳ? – қошлари чимирилди Қутлуғ Нигор хонимнинг, – нима тўғрисида эркан?

– Уни билмасмен.

– Ҳмм, дарвоқе...

Хоним ичкари шошди. У ерда Эсон Давлат бегим, амир Қосимбек, Қанбар Али ва Мирзо Бобур ўтирар, барчаларининг юзида хавотир эди.

– Ўз жонимни деб опамни ҳаргиз ул кўппак кўлига топширмасмен! – инисининг овозини эшитиб, онасининг ортидан келаётган Хонзода бегим тақа-так тўхтади.

– Опамни дединғизму? – остонада турган Қутлуғ Нигор хоним сўради, – опанғизни.., опанғизни нима қиларкан? Айтинг, ўғлим?

Мирзо Бобурнинг боши хам. Гўё айб иш қилиб кўйгандай, онасининг юзига тик қаролмас. Амирлар эса жим.

– Хон сулҳ таклиф қилибдур, – Эсон Давлат бегим сўзлади, – сулҳнинг шартига кўра, неварағинамни унинг ихтиёрига топшурсак, ҳеч кимсага шикаст еткизмай, бизларни эсон-омон Самарқанддин чиқиб кетмоғимизга қафолат берибдур.

– Эй Худо! Бундай кунларинг хам бормуди?! Нима гуноҳларим борки, каффоратда мунча ёзғирасен?! – йиғлаб юборди Қутлуғ Нигор хоним, – бу хўрликларга қандай чидаймен энди?!

– Ҳам шаҳар, ҳам қиз! – тутақиб кетди Мирзо Бобур, – пасткашлиқда ҳаддидин ошибдур?!

– Дийдиё қилиб ўтирмоқнинг мавриди эрмас, ҳализамон жавоб олғони чопарлар келур, – Эсон Давлат бегим дунёнинг ўнгу тес ишларини кўравериб кўзи пишганлиги учун босиқ ва ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесадиған бўлиб қолған эди, – сиз не маслаҳат берурсиз, Қосимбек?

– Хоним бегим, – бош эгди амир, – сиз не тўхтамга келсанғиз, ўшани маъқуллаймиз! Менимча, шартга кўнмоқ керак, негаки...

– Танаси бошқа дард билмас, – чўрт кесди гапини Қутлуғ Нигор хоним, – яккаю яғона қизимни...

– Қизим, – аста гап бошлади Эсон Давлат бегим, – она сифатида юрагинғиздин ўтаётгонларни хис қилиб турибмен! Лекин наилож?! Ўтгон ҳаётимда кузатгонларим асосида бир фикрга келгонмен ва ўшанга таяниб иш қилгонмен, яъни демоқчименки, қалбинғизда ақл ва кўнгул иморати қуласа, ўрнига тентаклик ин қурадир. Шунинг учун ақл бирлан жа-

воб ҳозирлайлуқ ва қандай қарорға келишимиздин қатъи назар, буни суюмли невароғинамға ётиғи бир-лан тушунтирайлуқ!

Тақа-тақ тўхтаб, жим қотганча ичкаридаги гап-сўзларни эшитган Хонзода бегимнинг вужудига тит-роқ кирди: «Демак, туш таъбирича...» Мажолсиз, бир-бир қадам босиб, ўз хонаси томон кетди ва кирибоқ йиғлаб юборди. Унсиз, алам билан, узок йиғлади, турилганига пушаймонлар еди, охири чарчади: «Душманға хотун бўлгунча ўлғоним минг маротаба афзал эрмасму? Шунчалар ҳам маккорона режа бўладирму? – кўзларига ёш югуриб келди яна, – ҳарам аёлларининг тақдири бунчалар аянчли? Толеъи шўр бўлмаса? Ёғий – ёғийнинг хотунини олса, қизига уйланса? Отаси тенгли қизи тенгига овиз солса? Қариндошлиқ риштасида кийналик гуллайверса? Қандай бедодлик? Дардмандликнинг ҳам чек-чегараси борму?»

Шу пайт ташқарида намоз қуши сайради. Хонзода бегим аввал қулоғимга чалинди деб ўйлади, сўнг яна унинг «Биёв! Биёв! Ку-ку-ку!»лаганини эшитиб, барча ғам-андухларни унутгандай бўлди. Чунки салкам ярим йилдан бери қуш экан, лоақал чигиртканинг ҳам хониши қулоққа урилмай қолган эди. У шошиб дераза олдига келди. Ташқарида, танаси арчилган тутнинг кичкина бир шохига қўнганча бўз-қора, худди қумрига ўхшаш қуш сайрарди. Неча ойлардан бери на мусиқа, на бошқа қушлар сайроғи эшитилмаган бу худудда бугун намоз қуши сайраётганди. Чарчаган, ғам-аламлардан юраги тирналган Хонзода бегим унинг хонишидан бироз ором олди. Қалбига руҳан тетиклик инди. Бу орада нимадандир хуркиб учиб кетган қушнинг узокдан, саройнинг у четидан сайраган овози келди: «Қушлару ҳашаротлар, сичқонлару каламушлар ҳам тирикликнинг, қишлоғу шаҳарларнинг ярашиғи эркан», маънос жилмайди у, сўнг пешин намозига тайёргарлик кўра бошлади.

* * *

Она-бола намозини ўқиб бўлгач, Эсон Давлат бегим жойнамоз устидан кўзгалмай, деди:

– Куёв бўлмуш Шайбонийхон асли ёмон йигит эрмас, қолаверса, палакларимиз туташ, буни биласиз.

Қутлуф Нигор хоним тушундики, қизини у хондан кўрқмаслиги учун ва насаблар туташлигини айтиб, кўнглига ёруғлик солмоғи керак. Ёинки... ўзининг ўтмишида бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб, дадиллантормоғи лозим.

– Қизим, Хонзодамға ётиғи билан тушунтиринг. Гар рози бўлмаса мажбурламанг. Худойим тақдиримизда нени ато этқон эрса, ўша кунни кўрармиз.

Онасининг «рози бўлмаса мажбурламанг» сўзидан куч олган Қутлуф Нигор хоним Хонзода бегимнинг хонаси томон йўл олди.

Эндигина жойнамозини йиғиштириб турган бегим тундлашган хонимни кўриб, гарчанд ўзи хақидаги гап-сўзларни тасодифга кўра эшитган эса-да, билмасликка олди. Зўрма-зўраки жилмайди ва тўрға солинган зарбоф тўшакка чиқиб ўтиришга таклиф этди. Ёнига аста ўтираркан, онасига кўшилиб, фотиҳага қўл очди:

– Омин, қадам етди бало етмасун, Оллоҳу акбар, – дуо қилди Қутлуф Нигор хоним, – илоё бахтли бўлинг, қизим.

– Бахтимға сиз соғ-омон бўлинг, онажон!

– Ҳа, – хорғин сўз бошлади, – онанғиз бу дунёнинг ғам-ғуссаларию ташвишларидин тўкилиб бўлди.

– Ундоқ деманг, онажон? Мушқулини берғон Оллоҳим кушодини ҳам кўрсатар.

«Шундай қизимни ёғий қўлиға топшираманму, – алами зиёда бўлди хонимнинг, – йўқ! Онам айтмоқчи бир кунимизни кўрармиз!»

Гапни давом эттиришга ийманаётган онасини кўриб:

– Соғлигингиз жойидаму? – хавотирланди бегим, – ё бирон жойингиз огрийдирму?

– Юрагим! Қизим, юрагим огрийдур! Юрагимни қиймалаёткон бир дардга даво тополмаётирмен.

Сукутга толди, сўнг:

– Анови хон сулх таклиф қилибдур, – деди юзи шувут одамдай қизининг кўзига тик қаролмай.

– Қандай таклиф эркан? Ахир сиз билан мени ўтқа ташлайдургон бўлмаса керак?

– Оҳ, қизгинам. Қанийди шундоғ бўлса? Фақат ўғлим иккинғиздин бошқа бор бисотимни унинг оёқлари остига ташлагон бўлардим, афсуски...

«Демак, мен! Шайбоннинг мақсуди мен! Қандай шармандалик? Наҳотки ғаним бирла ёстикдош... – бутун олам кўзига тор кўриниб кетди унинг, – йўк! У шу йўл бирла бизларни синамокчи! Бутун оламга шарманда қилиб, сўнг қилич тигидин ўткизмокчи? Кўнған ва кўнмаған тақдиримда ҳам умримиз поёни йўқлик! Яхшиси, бу оламдин тоза ном бирла кетморимиз маъқул!»

Қутлуғ Нигор хоним бор ҳақиқатни букмай сўзлади. Ҳаммасини эшитган эса-да, Хонзода бегим миқ этмай тинглади. Сўнг:

– Бу иснод-ку, онажон! – деди.

Қутлуғ Нигор хоним лом-мим демади, чунки Хонзода бегим жавобни бериб бўлган эди.

* * *

Чопарлар рад жавобини Шайбонийхонга еткизганда у аччиқланмади, аксига олиб кулимсиради. Сўнг ўйланиб қолди:

– Қизи борнинг нози бор деғайлар, – деди охири совчи-чопарларга қараб, – бу онасининг жавобиму?

– Йўк, он хазратим, кизнинг...

У сўрок-саволларга тутувчи бир маҳмадона нав-карига шерик кўшиб берган ва қизларни қаерга борса ўша ердан пинхона кимлар эканлигини аниқлаб келишни буюрган эди. Анча вақтдан сўнг йигитлар қайтиб, қизларнинг тиллақош таққани Мирзо Бо-

бурнинг опаси экани, ёнидагиси эса канизаги Гултош бўлиб, унинг акасининг тўйига, шаҳар четидаги Майманак қишлоғига кетаётганларидан хабар айтган эдилар. Шундан бери оромини йўқотган Шайбонийхон юрса ҳам, турса ҳам ўша чимирилиб, бир қараб қўйган қизни кўз олдидан нари қилолмас, унга атаб пинҳона ғазаллар битарди. Ва ушбу банд:

– Ишқ саҳросида Мажнун бўлгонмен,

Дард бирла ичу тоши тўлгонмен, — мисраларини гоҳ ошқора, гоҳи пинҳона, гоҳида эса пичирлаб айтиб юрарди: «Нима қилсам қўнглинға йўл топурмен...»

Шайбонийхон махсус хонасига қамалиб ўтириб, узоқ ўйга чўмди. Унинг учун қизнинг рад жавоби бир ширин эркаланишидек туюлди. Хонзода бегимнинг тим қора, шаҳло кўзлари, латиф лаблари, тўғри тортилган зулукдек қошлари, қирра бурни, қирмизи ёноқларию сарв қадди кўз ўнгида гавдаланаркан, туйқусдан оҳ тортиб юборди: «Эй гулим! Васлинға етишмоқ йўлида вафо фармонларини сўзсиз бажарурмен! Бу оламнинг бор бисотини оёқларинг остива пояндоз қилурмен! Шарт қўюб, хунаринг саховат бўлсун десанг, бош устиға! Сон-саноксиз от, тевалар, қўю кўзиларни эл-улусқа шу ондаёқ тортиқ қилурмен! Оҳ ва яна оҳларким, севги қўшини мени ушмундок асир этганким, неча ойлардин бери на уйқумда, на юраримда ҳаловат бор! Мен зоринг бошиға мундин ортуқ фироқ ўтини ёғдирма! Қаршинға бош эгиб илтижолар қилурменким ва ишониб айтурменким, сенинг учун менинг юрагимдин ўзга пок манзил йўқдур! Гулим, сени кўз қорачуқларимда асраймен, ҳали исботини ҳам кўрурсен!?»

Анча фурсат ўтгандан кейин у ҳар томон йўрғалаган хаёл отидан тушиб, бироз хушёр тортди: «Оҳ чекиб юраверсам, ул малак ўз оёғи бирла юриб келармуди? Ҳолимни ёзиб баён этсам-чи?» дея жимжимадор нақшли, ҳар бир нақшнинг кўзи ҳисобланмиш қок ўртасига ёқут ва атрофига марварид каби тошлардан безак берилган хонтахта ёнига келиб ўтирди. У шеър, ғазал ёзарди. Ёзганда ҳам ўртамиёна

шоирлардан-да, яхшироқ ёзарди. Ҳазалларини девон ҳолига келтириш нияти ҳам бор эди. Шу боис у, ишқ йўлидаги дарду ғамларини шеърӣ усулда ифода этмоқ учун хонтахта устидаги қоғозлардан бирини олиб, олтин довогга камишдан ясалган ёзғични ботирди. Оқ бадан қизнинг сийнасидай беғубор қоғоз юзига дил изҳорларини тўкиб солди. Тугагач, ипакдек майин оқ матога ўради-да, бир четига муҳр босди. Яна совчи-чопарларини Мирзо Бобур саройига жўнатди.

* * *

Хонзода бегим Шайбонийхонга рад жавобини бергач, эндиги рўй берадиган мушкул аҳволларни кўз олдига келтириб, ланг очиқ дераза ёнида шунчалар сервикор Самарқанднинг қамал натижасида харобалашганини, ундан ҳам баттари — гадоёлашганини кўриб, душманни ортиқ даражада ёмон кўриб кетди. Унинг бу холидан хабарсиз, аста тавозе билан Гултош кириб келди:

— Бекам, — деди у. — сизга ёғийдин мактуб келмуш.

Хонзода бегим сесканиб кетди. Хатни кўлига олса гўё чўғни ушлаб оладигандек, кўлларини орқага олди.

— Анови ерга қўй, — хонтахтани кўрсатди, — бўлмаса ёқиб юбор!

— Гуноҳ-ку бекам!

Хонзода бегим яна дераза ортига қараркан, чиқавер ишорасини берди. Узоқ-узоқларга тикилиб, хўрсинди. Харобалашган манзаралар устини қоплаган мовий ранг осмонга қаради. Лоақал бир сиқимчалик булут парчаси йўқ. Ана, гўё беғубор осмон бағрига тўш урмоққа шай бўлган бир қуш гир айланар, сўнг юқори кўтарилиб, қуёшнинг заррин нурлари оғушига кўмилар, бироз вақт ўтгач эса, бир нуқта каби олисдан кўринарда, сўнг аста-аста катталашиб, Хонзода бегим турган дераза ёнига келаётган каби шитоб билан шўнғирди.

Кун пешиндан ўтганда Қутлуф Нигор хоним аламининг оғриқларидан карахт ҳолда қизининг гўшасига кириб келди. Онасига пешвоз чиққан Хонзода бегим уни ҳар доимги одатича мулоҳим сўзлар билан кулиб қаршилади. «Оҳ қизгинам-а, — Қутлуф Нигор хоним қизининг истарали юзига, ўғлиники каби маъноли кўзларига термиларкан, ич-ичидан койинди, — нахотки сени кўришимнинг сўнгги дақиқалари бўлса..?» Дод деб юборай деди, лекин начора? Кўз ёшларини ичига ютиб, лабларини қаттиқ қимтиди. Кулишга ҳаракатланди, аммо...

Бу ҳолни сезган Хонзода бегимнинг кўнглига ҳадик тушди.

— Қизим.

У онасининг иссиқ бағрига юзини босиб шивирлади:

— Нимага мен оддий хонадонда туғилмадим-а?

Узоқ жим қолишди. Хоним унинг сочлари, елкаларини силар, охири марта бағрига босиб турганини сезар, қалби изтиробга тўлган эди. Охири бир-бирига рўбарў ўтиришди. Нима деб сўз бошлашга йўл тополмаётган Қутлуф Нигор хонимнинг ногоҳ мактубга кўзи тушди.

— Бу савил сизга ҳам келдиму?

— Ҳмм, лекин қўлимга олмадим. Гултошга ёқиб юбор дегондим. Бу маҳмадона баъзан ўз билгича иш тутадир. Ўзим...

— Яна сулҳ шарти, уруш эълон қилармуш, — деди чайналиб, ақли ўзида бўлмаган хоним қизининг гапини бўлиб, — кўра-била туриб... сизни ўз қўлларим билан..! Лекин инон-ихтиёрингиз ўз қўлингизда, мажбурламаймен! Дарди-дунёйим ҳадсизлиги боис сиз билан гаплашиб ўтирмакка кирдим, зора кўнглимга ёрувлик тушса? Бу ёғи пешонадин, қизим.

Кеча сарой ташқарисида бўлиб ўтган гап-сўзларга ва эл-улусга берган ваъдасига қарши куйинаётган Қутлуф Нигор хоним ҳарамдаги қиз ўзининг дилбанди, кўзининг оқу қораси эканлигини хаёлигаям келтирмаган эди-да... Хонзода бегим вამ устига вам торта-

вериб, жигари қонга айланган ва адои тамом бўлган онасининг ахволига ачиниб кетди. Хар қандай ҳолат-да сўзларни дона-дона килиб, чертиб-чертиб, дол-долига кўйиб гапирадиган онаси ҳозирда бир боғдан, бир тоғдан сўзлар, хаёли паришон ва кўриниши бир ахволда эди. Упкаси тўлди Хонзода бегимнинг: «Бизлар учун жон фидо қилмоққа тайёр онам учун мен нима қилдим? Наҳотки, шундай меҳрибон жон-ни ёғий қилчиға рўбарў қилсам? Кечағина авом қаршисида мардонавор турғон киёфани ўз хоҳишим йўлида қурбон қилсам? Шундай маъсума жоннинг бо-буларнинг эғиб қўйғон мен эрмасму? Иснодни ўйлабмену хамлиғини музтарлиғини, айникса, инимнинг боши бор-а? Ёдимда, Андижоннинг тошлоқ кўчаларида бе-кинмачок ўйнаб, гувалали девор кўйнида яшаётган ариларнинг иниға чўп тикқанимизда, ғазабга мин-ған чигитак арилар қувлаб, талаб ташлағон эрди. Шунда мени кўпроқ чакқанлиғи боис юз-кўзларим шишиб, йўлни ҳам кўролмаё қолғондим. Уч кун ёнимдин йўлни жилмай, қўлларим ўрниға қўл, кўзларим ўрниға кўз бўлғанди. Онам эрса тунлари мижду қоқ-май чиққанди. Шундин сўнг сарой ташқарисиға чи-қишимиз ҳам, Андижоннинг қувноқ ва соғлом бола-лари билан ўйнаш ҳам тақиқланғонди. Ҳмм, ахир укам, бувим, харам аҳли, қолаверса, авомда нима гуноҳ? Наҳотки, ҳаммаси менинг касримға қолсалар? Унда мени Худойим ҳам кечирмайди, ҳа, асло кечир-майди?! Демак, қарор битта бўлмоғи керак!»

У олдида фақат битта йўл қолганини тушунган ва барча яқинлари тақдирининг яқуни ўзига боғлиқ бўлиб қолганини англаб етган эди.

— Мен рози!

— Нима-а-а? Розисиз?!

— Ҳа ойижон, мен ўзим шуни тилаб эрдим.

— Тил... тилаб?

— Ҳа онажон! Кеча одамларнинг ахволини кўриб,

Худоға нола қилғон эрдим. Уларни бундай мусибат-дин кутқариш йўлини сўраб эрдим.

– Эл-улусқа берғон ваъдамни деб, – Қутлуг Нигор хоним ерга қаради, – сизни аросатда қўйғон мен эрмасму? Мен шошқалоқни кечиринг, қизим!

– Асло ундай деманғиз? Ахир, биргина мени деб, барча халқни ҳалокатға юбориш Худоға ҳам хуш келмас! Қизинғизни биласиз!

Хонзода бегимнинг қарори қатъийлигини кўрган Қутлуг Нигор хонимнинг алами баттар зиёдалашди. Аммо:

– Зукколиғинғиздин онанғиз айлансун! – алқади ноилож, – Қаерда бўлсанғиз ҳам жонинғиз омон бўлсун! – юраги ўртанди. – Ҳар бир кунинғизнинг тинч-омон ўтишида Худонинг ўзи кўлласун!

Гарчи юраги, борлиғи куйиб турса-да, озгина панд-насихат қилмоққа шайланди:

– Қизим, куёв бўлмиш йигит асли ёмон эрмас эркан. Бувинғизнинг айтишича, таг-туғи бизга қариндош эркан. Энди бу хонлар ёмонлашғондин сўнг ёғийлашиб кетар эркан-да...

Шундай окила онасининг ҳозирдаги аҳволини кўриб, раҳми келган Хонзода бегим индамай қулоқ тутиб ўтирарди.

– У ўз замонида одиллик сайқали бирла бедодликнинг илдизиға болта урғон адолатпарвар Абулхайрхоннинг невараси бўлуб, унға ул зот Султон Мухаммад Шайбон деб ном қўйғон ва Шохбахт деб лақаб берғонидин кўриниб турибдики, бобоси уни жуда яхши кўрғон. Абулхайрхоннинг биринчи ўғли Шох Будоғ Султоннинг бош фарзанди эркан. Яна бир томони, биласизму йўқму Абулхайрхон қариндошимиз, алломаларнинг алломаси бўлғон, Худонинг ҳар бир юлдузи кўзини кўрғон ва улар била сўзлашқон Улуғбек Мирзонинг кизи Робия Султон бегимға уйланғон бўлуб, ундин Кўчкинчихон ва Суюнчхўжахон номли ўғиллари бўлғон, яъни Шох Будоғнинг укалари...

Хонзода бегимнинг мияси ғовлаб кетди: «Бечора онам нималар деяпти? Ҳозир шуларни айтишнинг

ўрниму? Ё куёв бўлмишнинг насл-насабини билишим шартму? Балки бу ақидага риоя қилишим керакдур?»

– Улар аслида Олтинхон наслидин.

«Тенгим бўлуб, Тупроқхон наслидин бўлмайдирму?» – ўкинди қиз.

Юкорида айтганимиздек, шўрлик она фикрини жамлаб, тартиб билан сўзлай олмаётган эди.

– Бобоси Абулхайрхон хўб қутли, шавкатли бўлғонидин эл уни ғоятда яхши кўрғон. Султонзодалар, Шайбон ва унинг туғишқон иниси Султон Махмуднинг тарбиясида нуқсон бўлмасун ва гавҳар парвариш топсун деб, отасининг отакаси, уйғур қавмидин бўлғон Амир Бойшайхға топширғанким, кечғон ҳаётида соғлиғи, тинчлиғидин хабардор бўлиб турай деб. Уйғурлар табиатида бир оз чорслик борлиғи сабаб, Шайбонға ҳам таъсири урғон бўлиши мумкун.

«Товба! – энсаси қотди Хонзода бегимнинг, – кечағина, йўғ-э, ҳалиғина у томонни Дашти Қишқоқ дея ерға ураётқон онамми шу?»

– Ҳа, бир нарса ёдимдин кўтарилибдур, – шўрлик она қизининг ўксик дилига далда бераман деб, не кўйга тушса тушиб, Шайбонийга дахлдор бор билганларини сўзлаётганди, – муншийлар ва битикчиларнинг айтганларига қараганда у, Абулхайрхоннинг хукмронлиғи даврида ўғли Шох Будоғға олиб берғон Окқўзи бегимдин туғилғон. Окқўзи бегим эрса Олтинхон наслидин бўлғон. Шайбонийхон эрса ўсмирлик давридаёқ камолот белбоғини боғлағон ва шунинг учун адолат туғини кўтаришға кучи етадурғон, ҳаммаша кофир ва итоатсизларға нисбатан муросасиз деб эшитғонмен.

«Ҳмм, шуми адолат туғини кўтарғони, – кинояли қаради онасига Хонзода бегим, – енғолмағач, хийла йўлиға ўтди-ку».

Қутлуғ Нигор хонимнинг насиҳат, юпанч тариқасида айтаётган ҳар бир гаплари Хонзода бегимнинг бошига тошдек ёғилаётган эди. Бу тошлар кўз

илвамас, аммо қизнинг суякларини майда-майда қилиб юбораётган эди.

«Ҳозирда қилаётқон иши бизга нисбатан адолатданму?» демокчи бўлган эди, лекин тилини тийди. Усиз ҳам онаси соб бўлган эди.

— Онажоним, — деди у маъюс, — рози бўлгонимнинг сабаби, қачонгача инимнинг паноҳида қарикиз бўлиб юрамен? Маликалар оддий йигитни суёлмаса? Суйгонда ҳам тенг кўрилмаса? Яхшими у, ё ёмонму фақат бек ё хонга узатилса? Шундай бўлгоч, ёғийнинг хонига бўлса ҳам кўнишим лозимку? Қолаверса, таг қариндошлиқ ришталари ҳам бор деяпсиз...

— Ха, ҳа, қариндошлиқ ришталарида қайчи қудалиқ жойимиз ҳам бор. Ҳали айтқонимдек, бобоси Абулхайрхон қариндош боболарингиздин Улуғбек Мирзонинг қизи Робия Султон бегимга уйлангон. Ҳозир тўнғич келиним ... — хоним тилини тишлади, у ҳақда бошқа гапирмади.

— Бояқиш холам Меҳр Нигор хоним ҳам унинг саройида деб эшитамен.

Қутлуғ Нигор хоним ўзини эшитмаганга олди. «Ҳмм, биларкан. Эвоҳ!» Гўё қизининг хонасини энди кўриб тургандек, ҳар томонга жаланглаб:

— Сизга ишонамен, қизим, — деди дардли овозда, — сиз қаерда бўлсангиз ҳам ақлингиз ва мулойим муомалангиз бирла барчани, ҳаттоки душманни ҳам йўлга сола оласиз. Аммо.., — бироз тин олди, сўнг деди, — улуғ онангиз бир амир бирла ўртасида бўлиб ўтқон воқеа ҳақида сўзлаб бергонму?

Хонзода бегим қизиксиниб қаради.

— Амир Хар воқеасини сўзламагонму?

— Йўқ, онажон.

— Унда эшитинр...

«Онам нега айнан шу паллада бувимнинг саргузаштидин сўзлади? Ё ундин ибрат олмоғимни истадимму? Ҳмм, нега айнан...»

— Бувим жасоратли бўлгон эркан. Менинг кўлимдин...

– Ҳаргиз ундоқ ўйламанг, Худо сақласун...

Хонзода бегим гапни бурди.

– Қайдам, балки қариндошлиқ ришталари мустаҳкамланар, балки акси бўлар...

– Ундоқ деманг, жон қизим. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди. Ахир сизни бир кун кўрмасам чидолмаймен. Унда адои тамом бўламен-ку, жоним қизим...

Онасининг ўғли Мирзо Бобурни ҳеч кимга ишонмай, узоқ сафарлардами, жангу жадаллардами доимо ёнида ҳамроҳлигини кўз олдига келтираркан: «Ҳамма оналар ҳам шунақа фидойимикин?» – хаёлидан ўтди.

– Яхши ният қилаверайлук, – Қутлуғ Нигор хоним Хонзода бегимнинг пешонаси узра тўзғиб тушган жингалак сочларини тартибга келтираркан, гапида давом этди, – ахир ашрофларнинг нақл қилишларича яхши ният ёрти молдур, кизим. Худо хоҳласа, Бобур-жоним ҳам саодатли кунларга етишар. Кўрғон азоб-уқубатларимиз ҳам ортда қолар..!

– Ҳа, онажон! – Хонзода бегим жилмайди, – бу мағлубиятлар нима бўпти? Сизнинг, укамнинг боши омон бўлса бас! Шунча хавф-хатарлару тўс-тўполонлар ичра азиз боши омон сақланиб келаётқон эркан, эҳтимол бунда Аллоҳнинг бир ҳикмати бордур! Ҳали кўрасиз, Тенгри Таоло охири инимга шундай бир ҳокимият ато этадурки, бундин бутун олам наф кўражак. Мартабаси осмон қадар юксалур! Унинг шавкатли номи Худо хоҳласа, султонлар ва замон халқлари орасида абадий сақланиб қолади! Бунга иймоним комил, онажон!

– Илоё айтганингиз келсун! Ҳаммамизга ўша фароватли кунларда бирга яшашлик насиб қилсун! – она қизининг юзига термулди, қайта кўришмаслик ҳисси юрагини тирнадими, бағрига босганича узоқ турди, сўнг деди, – ох доногинам, – елкаларини суйиб сийпалади, – илоё умрингиз узоқ бўлсун?! Қаерда бўлсангиз ҳам азиз бошингиз омон, балою қазоларга тошдин бўлсун! Тенгри сизни ўз паноҳида асраб, ёмон кўзлардин, ёмон сўзлардин сақласун! Омин! – аста

ташқарига йўналаркан, — нима қила-а-ай? — деди алам билан ғуддиллаб, — тақдиринғизга Шайбон битилгон эрса!

— Онажон!

— Ҳа, қизим, — тақа-тақ тўхтади Қутлуғ Нигор хоним, — бир нима демокчимусиз?

— Ҳа, онажон! — Хонзода бегим мардона турарди, — сиздин ягона ва сўнгги илтимосим, фақат мен кетгондин сўнг йирламанғиз?! Ўтиниб сўраймен, онажон! Ахир, ўзинғиз айтмоқчи, толеъимга шу кунлар битилгонки, кўрмай иложим йўк!

Қутлуғ Нигор хоним аста бошини қимирлатди. Бу уларнинг охирги учрашуви ва сўнгги сўзлашувлари эди.

* * *

Қутлуғ Нигор хоним ёлғиз кизини ёр-ёр бахтидан махрум, янга ва дугоналари қуршовида эмас, қандайдир нотаниш аёллар ўртасида куёв хузурига кириб боришини кўз олдига келтираркан, аламидан тарс ёрилай деди: «Қизимга айтгон аллаларим, — кўзлари жикқа ёшга тўлди, — нега энди ўша аллани айтгон лаблар ёр-ёр айтолмайдур? Уятму? Уят! Ҳа, кизиниғ онасига уят!? Унда ким айтадур? Ҳеч ким? Бир муштипар жонни ёғий илкига топшуриб, жон қутқаргон бизларда ор-номус борму? Йўк! Яна уят ҳақида сўзлаймиз? Уятни билмагон ёр-ёр айтишдин уялсинму? — телба каби дам кулар, дам йиғларкан: — Ўз қизини ёт кўриб сотгон отам ёр-ёра...» — мунгли куйлади. Бироздан сўнг харамнинг нариги четидан келаётган хиргойи барча қулоқларга келиб урилди.

— Худо қилгон тақдирни бузиб бўлмас, ёр-ёра...

* * *

Ҳаял ўтмай кўзлари тўла ёш билан Гултош кириб келди:

— Бекам, энди сиз бирла кўришмоқ қиёматга қолдимиз? — ҳўнграб юборди ўзини тутолмай, — умр-бод кўришмасак-а?

Кечадан бери пинхона йиғлайвериб, кўзларининг суви қолмаган Хонзода бегим юраги қонга тўлиб турса-да, уни овутишга тутинди:

– Вой қақажон? Ахир у дунёга кетмаяпман-ку?

– Ким билади? Синамағон отнинг сиртидин ўтма дегонлар?! Шунини ўйлаб, юрагим увишадур? Мени ҳам бирга олиб кетинг, хар холда...

Хонзода бегим ўйланиб қолди.

– Хондин сўраб кўрамен, – деди охири, – лекин сенинг ота-оналаринг... Кўнармукин?

– Кўнадилар, – Гултошнинг кўзлари катта-катта очилиб, илжайди, – албатта кўнадилар, мени айтди деяверинг? Беканг яхши эрканлар. Подшоҳнинг опаси бўлатуриб, биз бечораларнинг тўйиға келдилар-а? Худое неки тилаги бўлса Оллоҳ ярлакасун! Толеъи очилсун, дея севина-севина дуо қилгонлар, бекам.

– Унда кўнглунг тўқ бўлсун! Хон ижозат бериши билан навкарлардин бирини жўнатамен! Йўғ-э, уч-тўрттасини, ахир биттасидин кўрқамен! Мабодо опқочиб кетса-чи?

– Опқочса сизнинг олдинғизга олиб борар, бекам...

Хонзода бегим кулиб кўяқолди:

– Ўшанда бир момо жуда яхши кўшик айтқондилар, – эслашга уринди, – кўшик:

– *Майманакда ўт ёқсам Андижонда тутуни,*

Бу дунёда бормикан юрак-бағри бутуни, – дея бошланарди.

– Эҳ-ҳа, сиз ул момонинг алласини эшитмабсиз, ёр-ёрини тингламабсиз – бу дунёга келмабсиз.

– Шунақами?

– Ҳа, мана, ёр-ёридин бир шингил эшитинг-а?

Гултош оҳангини келтириб, кўйлай бошлади:

– *Пайғамбарнинг қизини Али олғон,
Қиз олиб, қиз бермоқлик андин қолғон.*

*Камонни қўлга олиб отғон отам,
Ўз қизини ёт кўриб, сотғон отам.*

*Ўз қизининг ўрнига бодом эксун,
Бодом шохи қайрилса, болам десун...*

Хонзода бегим мунгайиб қолганини кўриб, у куйлашдан тўхтади, кўзларига ёш келди.

– Айтабер.

Гултош давомини аста хиргойи қилганча, ташкарига йўналди. Эшик олдида уни кутиб турган ўн човли хизматкор аёллар унга жўр бўлдилар. Буни зимдан Қутлуф Нигор хоним буюргангани Хонзода бегим билмас эди. Зеро, айтилаётган бу ёр-ёрлар тўй байраминики эса-да, она учун ҳозирда ичидан азанинг ҳиди келаётган бир нидоларга ўхшарди.

* * *

Йигирма дақиқалар ўтгач, ёр-ёр садолари тинди. Хаммаёқ сокин. Тик этган товуш йўқ. Хонзода бегимнинг кўнглига қил сирмас, бу ердан, азизлари ёнидан, шинамгина гўшаси орушидан чиқиб кетиш соати яқинлашгани сайин жонини қўярга жой тополмас, тубсиз хаёллар қаърида тентирар, ўзича нималарнидир режа қилар, ҳали гўшангага кириб келган куёв юрагига ханжар сукмоқчи бўлар, ҳали захар бермоқчи... Бувисининг тутган тутмишини қилса-чи: «Бувимнинг чўрилари бор эрди, мен эрса...» хуллас, ҳеч бир илож тополмаса, омонат жонини Яратган Эгамнинг ихтиёрига топширмоққа қарор қилди...

Хонзода бегим шу каби хаёллар оғушида аста хонтахта ёнига келиб ўтирди. Ва энди она ризолигидан сўнг ўзини Шайбонийхонга тегишли санаб, мактубни олиб очди: «Менга ҳам зўрлигини рўқач қилгандирда». Аммо... Унинг шунчаки ўкиб қўймоқ ниятини пучга чиқарган оташрез сўзлар битилган сатрлар ўз домига тортди. «Яхши ёзаркан».

«Ишқимнинг пок манзилидин, юзида малоҳат шуълалари ёғилиб тургон маҳбубамга... Ушбу мактубимни битмоғимга сабаб, бодом ичра мағиз қандай сақлангон эрса, бу фақирнинг ҳам сизнинг номингиз

ва ўзингизни кўз қорачуқларимда асрамоққа ваъдаларимдин нишона деб билгайсиз:

– К-эй, манго орзуйи жон васлинг,
Бедаво дардима дармон васлинг.

Сифатингни эшитиб зор ўлдум,
Ишқинг илкига гирифтор ўлдум.

Сени кўрмай манго ахвол будур,
Ишқинг илкида манго хол будур.

Боқибон қолди хаёлингга кўзум,
Ох, агар тушса жамолингга кўзум.

Сабр кўйиға гулзорим йўқтур,
Етмойин санго қарорим йўқтур.

Қилсанг ойдек фалак устида ватан,
Ё гуҳардек садаф ичра маскан.

Тўкойин ашк Сурайё янғлиғ,
Чиқкойин кўкка Масихо янғлиғ.

Кўз ёши ичра бўлойин ғаввос,
Ул садафдин сени киллойин халос.

Айлайин шарт сенинг бошинг учун,
Бўлма ғамнок қариндошинг учун.

Ҳеч ямонлиғ онга ёвутмағоли,
Сени термултуб ани тутмағоли.

Ҳар қаён хотири истар бўлсун,
Борсун, ончаки юрурдин хорсун».

Охирги байт сатрларига эътиборини қаратди: «Чинму ё ёлғон ваъда...» Мотамсаро дилига ҳар турли гумон ва шубҳалар ин қурган эса-да, бир четига хиёл хотиржамлик кириб келди: «Ишқилиб, Зухра бегим кўйиға тушиб қолмасам-да», ҳадик яна голиб келди. Шундай эса-да, хабарни Гултош орқали она-

сига етказди, онаси эса Эсон Давлат бегимга, сўнг Мирзо Бобурга.

– Ул беюзда ишқ нима қилсун? Опам унинг ваъдаларига ишонибдирму? Ахир ул кўппак, беакл Зухра беги ора билан ўғли Султон Али Мирзо кунини бошига соладур дегон хавотирдамен! – хабарни эшитган ҳамонок тутақиб кетди Мирзо Бобур, – ахир опам она-бола тақдиридин хабардор эрди-ку?!

– Гишт қолипдин кўчди, – деди Эсон Давлат бегим, – не кўрсак пешонадин.

«Нахотки, неваранғиз тақдирига куйинмасанғиз», дея таъна қилмоқчи эди;

– Хон хузурига чопар жўнатиң! – дея буйрук берди Қосимбекка Эсон Давлат бегим, – ризолиғимизни еткурсин!

Ризолик маҳбубидан эканига иқроп Шайбоний-хон чопар орқали яна ушбу мактубни жўнатди. Хонзода бегим хатни ижирғаниб қўлига олди-да, очмади. Ичи тўла нафрат оғушида узоқ ўтирди: «Яхшиси, ҳозирок ўзимни ўлдирсам-чи? – ўйга берилди, – йўқ, шошмағоним маъқул. Ахир яқинларим шу ерда-ку! Улар сал нари кетиб олсин».

У ғайриихтиёрий равишда хатни очиб ўқишга ту-тинди:

«Эй, тоза ниҳолим! Мен ишқ аро сарсону саргардон эрдим, вале сенинг жавобингдин жон топдим. Эй, оламға зеб берғувчи дилдорим! Сенинг ишқингда ўртанғонларим васфида...

*– Дарду ғам бечора кўнглум сори оқилди яна,
Мени кўруб, ишқ ўти боштин яна келди, яна.*

*Ғунчадек кўнглум ғами хижронидин қон борлади,
Муждаи васлин эшитиб, кўнглум очилди яна!*

*Ҳажр ўтинда нотавон жисмим фироқинғ кечаси,
Шамдек боштин-аёқ фирқатда ёқилди яна.*

*Ғизлоб эрдим ишқини элдин валекин найлайин,
Ҳолатим мажнун киби оламға ёйилди яна.*

*Фирқат отидин йиқилдим ёр келди сўрғоли,
Эй Шайбоний, ёр дардингга даво қилди яна».*

Мактуб охирига муҳр босилганини кўриб, Хонзода бегимнинг гаши келди: «Бу муҳаббатининг чинлигига далилму? Хих, унда муҳаббат нима қилсун? Юрагида ишқдин зарра бўлғонда эрди, ўртага сулҳ шартини қўймағон бўларди. Инимни ҳеч нарсасиз қўйиб, сарсон кўчаларига ирғитиб-да, менга шайдоликдин лоф урмуш. Ҳмм, юзсиз! Чин муҳаббат йўлида уруш на қилсун! Балки инимни қўллаб-қувватлагонингда сўзларингга ишонармудим! Лекин ҳозир... йўк! Сен беюзнинг қалбида ишқ на қилсун, меҳру вафо на қилсун!» Лекин таъбининг яхшилиги, назмининг равонлиги ёқдим, хатларни куйдиришга шошмади. Шу пайт нимадир важ билан кириб келган Гултош бекасининг аҳволини кўриб, унга яқинлашди. Бегим унга коворини уйганча буюрди:

– Ёқиб юбор!

– Бекачим...

Хонзода бегим сўзсиз қаради:

– Хўп бекачим.

У хатларни олиб, ташқарига йўналди.

Шайбонийхон эса, Хонзода бегимни менинг кўрсатган эътиборим туфайли рози бўлди дея тушунган, сўнг юкоридаги шеърий мактубни қоралаган эди. Бу билан оромсиз қалби бир оз тинчланди.

* * *

Хар икки томон сулҳнинг шартига кўнишгач, келишилган вақтда Шайбонийхоннинг ўн чоғли навкарлари оппоқ, худди эртақлардагидек маликалар учун ясатилган отни ўртага олишиб, шаҳарга, ҳарам томон йўл олдилар. Бу томонда эса Мирзо Бобур онаси Қутлуғ Нигор хоним ва икки хотин – Бичка Халифа ва Минглик кўкалдош, Шайхулислом, Қосимбек, Қанбар Алилар, бир неча навкарлари билан Шайхзода дарвозасидан чиқдилар. Тўс-тўполоннинг шошилинич ва қўрқув исканжасида бир неча яқинлари,

энг ёмони Мирзо Бобурнинг улуг онаси Эсон Давлат бегим ва Қутлуғ Нигор хонимнинг отинойиси қолиб кетгани бўлди.

У томонда эса маъюс Хонзода бегим хон йигитларини кутиб олди ва таърифига сўз етмас безатилган отнинг қаршисига келиб тўхташи вашини келтирди. Ҳарқалай куёвнинг ҳурмат-эътиборидан ўксик дили бир оз юмшади, аммо бу ўз яқинларисиз татимади. Отнинг олдига борди: «Тўхта! – бирданига хаёлига чақиндек урилди бир фикр, – ҳозир шом вақти. Ининг эндигина қўрғонни тарк этди. Сал узоқроқ кетиб олсун. Унғача ҳар қандай ишни пайсалға сол?!»

От юганини тутган навкарга:

– Пиёда бормокчимен, – деди.

– Бегойим, хон ҳазратлари бизни урушадилар, – дўриллаган овозда тиз чўқди навкар, – минақолинг? «Ўзимиздин эркан-ку?»

– От минишни билмаймен.

Гарчи у от миниш, камон отишда бир мунча моҳир эса-да, юқоридаги илинж бунга монелик килаётганди. У навкарнинг сазаси ўлмаслиги учун отнинг жиловидан ушлаб, аста-аста қадам ташлаб бораркан, хаёллари тўзроқ гулдай ҳар ён сочилиб кетганди: «Ҳеч бўлмаса Гултош бирға кетсун, – зорланди она унға, ахир... Йўқ, – деди у қатъий, – хон руҳсат берса боради». Қутлуғ Нигор хоним хонга ишонмасди. Чунки Зухра бегимнинг ақлсизларча қилган ҳаракатига хоннинг жавоб тариқасида иш тутмовини кўришгач, теурий аёлларининг кўзи мошдек очилган эди. Ранги синикқан Хонзода бегим эса «не келса Худодин» дея иқрор эди: «Ўша тўйға қаердин бордим-а? – афсусланарди у, – бормағонимда балки бу савдолар йўқ эрди, – бирдан хушёр тортди, – ахир ўшанда отда эрдим, ҳозир эрса... Шунинг учун от юборғон».

У икки ўт ўртасида қолди. Минай деса навкарга ёлғон гапирди, минмай деса... От ҳам буни сезгандай қулоқларини дикқайтириб, бошини кўтарди. Шу пайт узоқ-узоқлардан ёр-ёр садолари қулоқларига келиб урилди.

– Келин армон қилмасун, ёр-ёр айтинг, ёр-ёр,
Куёв болаға бериб, ортға қайтинг, ёр-ёр.

У руҳсиз, атрофга аланглади: «Қани, кўшиқчи, ўланчи дугоналарим? Қани, яйловларда хусн оламини безағон барча гуллардин териб, бошларимизга чамбар қилгон онларимиз? Қани, ким ўзарға от чоптиргон дамларимиз? Қани, узатиладигон дугоналаримизнинг оқ либосга бурканғонича кулча юзларининг бўғрикқони, улардин таралгон хушбўй калампирмунчок хидлари? «Бекачим, – деганди бир куни Гултош, – сизнинг тўйинғиз бошқача бўлса керак? Олтин, кумуш тангалардин сочқилар! Сиз сепгон мушк анбарнинг ҳиди тўйхонани тутиб кетса керак?..» Мана, ўзимға қолмабди ҳам... Э воҳ! Ёр-ёр садолари остида узатилиш ҳам қиз учун катта бир бахт эркан! Кеча онам шунинг учун куйингон эркан-да... Мен бахти қароға шу ҳам насиб қилмади. Ўзимни ўзим кузатиб, узатиб боряпмен...» Кўз ёшлари думалаб тушди юзларига, армон тилини танғиган кўйи кетиб борарди.

Шу пайт қаердадир, яқин атрофда аллақандай қичкирик, шовқин-тўполон, урхо-ур садолари эшитилди. Отлар кишнаб, қулоқларини диккайтирди. Саросимага тушган Хонзода бегим нуқул, иним, онам дер, тилига бошка сўз келмасди. Ёнида келаётган навкар сал наридагисига «ав басланди» деди. Шундан сўнг яна ур-сурга ўхшаш овозлар қулоққа чалинди. Келиннинг келишини интизорлик билан кута-кута ўз хос чодирига кириб ўтирган Шайбонийхон эса, бу вақтда ўзини кўярга жой тополмай: «Бобур йигитларимни ўлдириб қочди», дея хаёл қилганди. Шу пайт ташқарида кимдир:

– Келишди, – деди қичқириб.

Шайбонийхон аввалги хотинларига қилган муомаласига кўра чодирдан чиқмаслиги, келин таъзимланиб кириб, оёғини ўпкудай букилиб, пойига ўтириши керак эди. Лекин у чидаб туролмади, Пешвоз чиқди, бироқ от устида келин йўқлигини кўриб, сергаклан-

ди. Синчиклаб қаради. От ёнидаги сарвкоматни кўриб, ўзига келди: «Худога шукур!»

Хонзода бегим навкарларнинг тўхташидан англадики, етиб келишган. Эгик бошини кўтариб, чор тарафда лопиллаб ёнаётган машъала ёруғида, чодир олдида қакқайиб турган кишига кўзи тушибоқ таниди: «Ўша, йўлда учратқон, бир гурух йигитлар ўртасидаги қора саман от мингон, тушимдаю ўнгимдаги тегра соқолли...»

Чор атрофда хоннинг одамлари турар, чодир олдида эса беш-олтита аёллар ниманидир кутарди.

Шайбонийхон эса оёғи ерга михланган каби қилт этмас, юраги гупиллаб урмоқда эди. Хонзода бегим хонга яқин борди-да, таъзимланди.

— Бегим, хуш келдингиз, сизни қийналмасун дея от юборгон эрдим.

— Ҳазратим, — гарчи юрагида нафрат ва алам пўртана қилса-да, тилига зўрма-зўраки бол боғлади у, — мен ким бўлибменким, сизнинг олдингизга отда келсам. Ундай улуғ иззат-икромга муносиб эрмасмен.

Шайбонийхон эриб кетди. Туташ қошлари остидаги бургутники каби ўткир кўзларида майин табас-сум балқди. Чунки Хонзода бегимнинг ўзини ундан бир қалами паст тутиши мойдек ёқиб тушган эди.

* * *

Хонзода бегим бир неча кундан бери ўзига аталган хобгоҳда дам ҳушидан кетиб, дам иситмалаб ётарди. Чунки юрагига сиғмай юрган оғриқлар охири уни касал қилган эди. Унинг устига, ўлганнинг устига тепган қилиб, юз минг хил ваҳимаю кўркувлар даҳшати ҳолдан тойдирганди. Шайбонийхон бу ҳолдан саросимага тушди: «Аста-аста таъсир қилғувчи заҳар ичгон эрса-я...» Ваҳимага тушиб, ҳали табиб, ҳали қушначи чорлар, уларнинг ўта толиққан, бироз дам олса ўзига келиб қолади, дея таъкидлашларига ҳам ишонмай, тез-тез Хонзода бегим ёнидан жилмай ўтирган канизакни хузурига чорлаб, ҳол-ахвол сўрарди. Хоннинг бу ахволини кўрган мулозимлар, хизмат-

корлар, чўрилар ёқа ушлашиб: «Хеч бир хотини касал бўлса, ушмундок типирчиламагон эрди. Ё товба! Эрлар кичик хотинини жуда суйғувчи дефонлари рост эрканда!» дея бир-бирларига қарашиб, пичирлашардилар.

Ҳафталар ўтгач, Хонзода бегим бироз тетиклашди, юзига ранг кирди. Кейинги ҳафтанинг ўртасида эса у ўзига бироз қаранган бўлди-да, ташқарига чиқди. Улар турган жой Самарқанднинг шарқий томони бўлиб, атроф дов-дарахтлари барглари тўқа бошлаган, сал куйроқда эса қаровсиз қолган боғ бор эди. У аста қовжираган ўтлар оралаб кетди. Боғ ўртасидаги лойсупага бориб, охиста ўтирди: «Демак, ҳали хон кўним топгон жойдин жилмагонмиз, — кўзлари атрофни кезинди, — ичкари хароб, ташқари эрса ундин-да харобалашкон. Ҳисобсиз ёғийларнинг отлари мундаги бор ўт-ўланларни еб битиргон. Худога шукрки, хеч йўғи дарахтлар пўстлари жойида...» Шу вақт рўпарасида бир қирмизи атиргулнинг ял-ял ёниб турганига кўзи тушди. Унинг энг севимли гули. Яқин бориб хидлади. Бандидан ушлаб, ўзи томон эгди-да, ўтирди. Яна хидлади. Мунча хушбўй? Юзларига ним табассум балқди: «Бутун бир боғда сенгина қолибсен, гўё мен киби! Меникилар-ку ўзга юртқа отландилар, сеникилар-чи? Ёндошларинг қани? Ё сен ҳам бир ёғийнинг асиримусен? Ё..., не бўлгонда ҳам тақдиримизнинг ўхшашлигини қара? Иккимиз ҳам асира! Йўқ, сен озодсен! Аммо мендин фарқинг йўқ! Нега?»

Шайбонийхон Хонзода бегимга чўри этиб тайинлаган Нортожидан сайр қилгани чиқиб кетганини эшитиб:

— Бир ўзимму? — кўзлари чаноғидан чиқаёзди, — хавфли-ку бу?! «Қочиб кетгон эрса-я...»

— Жўлдас бўлгани кўнмеди.

— Киши билмас, ортидин бормоғинг керак эрди...

Шайбонийхон Хонзода бегимни қирмизи атиргул ёнида кўриб, кўнгли ўрнига тушди. Чунки боғ ичида ўз кўркини кўз-кўз қилаётган гул билан хидлашиб, бир-бирларидан бўсалар олаётган икки гулни томоша

айлар экан, батамом уларга мафтун бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай, узок термилиб турди: «Сен учун ҳар тонг совғам қирмизи атиргул бўлсун», кўнглидан ўтказди.

* * *

Бу орада Мирзо Бобур ўз яқинлари билан Сўрдининг қоронғу кечаларида туртина-суртина гоҳ йўлини йўқотиб, гоҳ топган кўйи юз ташвишни орқалаб, тонг отганида Хожа Дийдордан ўтиб, тушга яқин Қорбуғ тепалигига чикиб олган эди. Сўнг Қорбуғ шимолининг Худак кенти этаги билан Илонўти томон йўналишди. Намози асрда от сўйишиб, қабоб қилишди:

– Шахзодам, – Қосимбек Мирзо Бобурга юзланиб таъзимланди, – улуғ онанғиз бирла волиданғиз отинойиси қолиб кетибдур.

– Билдим, ҳозир шу ҳақда кенгаш қилмоқчи бўлиб турғон эрдим.

– Мен бориб олиб келурмен, – деди Қанбар Али, – ҳар ҳолда шаҳар ичинда қолғон шотирларимиздин бир-иккиси ҳам уларга йўлдош бўлғон эрса ажаб эрмас, шахзодам!

Бу маслаҳат барчага маъқул тушди. Қанбар Али оддий авом кийимида ортига қайтди. Бу пайт Мирзо Бобур гуруҳи эса тонг отмасдан Ҳалилия, сўнг у ердан Дизакка келишди. Бу ердаги озик-овкатнинг мўллиги уларни ҳайратга солди: арзон нонлар, семиз гўштлар, чучук қовунлар, сархил узумлардан тановул қилишаркан, Мирзо Бобур дилига икки сатр шеър қуйилиб келди:

– *Кўрқув, қахатликдин омонлик топдук,*

Янги жону янги жаҳонлик топдук.

Чунки очлик ва ўлим ваҳимаси кўнглидан кўтарилган, кийинчилик ва машаққатлар кетидан фароғат ҳаддан зиёд лаззатли бўлган эди! Сўнг Ўратепа сари отланишиб, Пашовар қўрғонига келишди, кейин бир уриниш билан Ўратепага. Худди шу ерга етишганда, йўлда Эсон Давлат бегим билан учрашган Қанбар Али бир гуруҳ яқинлар билан келиб қўшилди.

Мирзо Бобур улуғ онаси билан кўришаркан, узр сўради.

– Ох болагинам, хаммасини кўриб-билиб турибмен-ку, – деди неварасининг пешонасидан ўпаркан, – шукур, яна соғ-саломат кўришдук.

Сўнг қизига қараб ўпкаланди:

– Мундоқ карасам йўқсиз, кизим.

– Қидирдук, тополмадук. Қаерда эрдинғиз, онажон?

– Хай майли, ўтғон ишға саловат! – Эсон Давлат бегим бу пайтда сулҳ шартини Шохбахт вакиллари билан назорат қилиб тургани хақида сўзламади. Истамади.

– Хонзодамға нима бўлди эркан? Юрагим чунонам гашки, чирок ёксанғ ёримайдир.

– Бизларни соғ-саломат дийдорлашиб турмовимиздин кўриниб турибдики, куёв бўлмиш ахдида турди. Демак, неварагинам ҳам тинч-омон. Айтғонман-ку, Шайбон ёмон одам эрмас, деб...

– Отинойи кўринмайдур? – уларни чалғитди Мирзо Бобур, – ё...

– Пашоғар кўрғонида қолди, агар мадорим етса ортларинғиздин етиб борамен, деб узрини айтдилар, – Қанбар Али жавобини айтди.

– Ё товба! – Эсон Давлат бегим хайрат ила ёқасини ушлади, – Пашоғардаги бир маҳалла унинг уруғлари эркан. Менимча, энди улар отинийини қўйиб юбормасалар керак.

Бу орада Қутлуғ Нигор хонимнинг синглиси Хўб Нигор хоним ва отасининг онаси вафотини эшитган Мирзо Бобур қариндош-уруғларини кўргани Тошкентга кетди. Бошқа яқин кишиларини эса Ўратепакентларидан Даҳқатда қолдирди.

* * *

Мирзо Бобур хақидаги маълумотларнинг ипидан игнасиғача эшитган Шайбонийхоннинг кўнгли жойига тушди: «Демак, Бобур билан хавф-хатар ҳам бирға

кетди. Энди бемалол Самарқанд ичиға кирса ҳам бўлади. Лекин бунга Хонзода бегим нима деркин?..»

Бу масалани бегимга айтганида:

– Келгуси ёз ойида ўз ота юртингиз маъкул кўринадур, – деган жавобни эшитди.

– Демак, ёзда Туркистонга қайтилади...

«Унғача қиладурғон ишларимни рўёбга чиқарурмен. Сўнг бегим била она юртим тупроғига кадам босурмен».

У ниятини ўзгариб кетишини ўйламаган холда хаёл қилаётган эди.

Хонзода бегимнинг атиргулни қанчалар яхши кўришини кўрган Шайбонийхон мулозимларидан бирига, гул остларини юмшатиб ишлов беришни, ҳар куни тонг ва шом пайтида сув қуйиб туришини буюргани боис гул танаси дуркунлашиб, янги-янги гунчалар туккан ҳамда бирин-кетин очила бошлаган эди. Келгуси куннинг тонгида Шайбонийхон бир дона қирмизи атиргулни узиб олди-да, охиста ўтов эшигига яқинлашди. «Нима бўляпман? Нега илигим қалтирайдур? Юрагим кинидин чиқар даражада типирчилайдур? Наҳотки, чин ошиқлик дарди шу бўлса? Демак, Қайсининг мажнунлиғи рост?! Хотунларимдин суюқлиси деб билғоним Мўғул бирла учрашқонда ҳам бундай ҳолни бошдин кечирмағонмен?! Бегимга кўзим тушди, нафасим тезлашиб, юрагим оғзимга тикиладур? Ё Раб! Бу не ҳол? Ўзинг мадад бер?!»

Энди тунги либосини алмаштириб, сочларини тўғрилайётган Хонзода бегим хоннинг кутилмаганда ташрифидан шошиб қолди. Пешонаси ва қулоқлари ёнига осилиб тушган жингалак зулфлари, борлиғида акс этиб турган хаёданми бир оз бўғриққан юзлари уни янада латофатли қилиб юборган эди. У аста химоланиб, салом берди: «Овози найнинг товуши-я!»

Шайбонийхон яна сония турса бирор кори ҳол юз берадигандек:

– Гул, – деди шошиб узататуриб, – гул олиб кирғач, соғлигингизни билмоқчи эрдим.

— Миннатдормен, хазратим, сизнинг меҳрингиз соясида анча тузукмен. Не десангиз амрингиз вожибдур?!

«Сен одам боласиму ё аршдин тушгон бир ма-лакмусен? Ой ҳам сенинг рухсорингдин ҳусн олгон кўрунадур? Бунчалар истарали, бунчалар гўзал қилиб туққон онанга минг раҳмат!» У хаёллар оғушида лом-мим демай ташқарига чиқаркан, ўзининг хозирги аҳволдан уялиб кетди: «Ёшимга номуносиб ҳаракат, товба, гул кўтариб киришга бало борму?» дея тўнғиллади ўзига ўзи.

Ортидан қараб қолган Хонзода бегим ҳам хаёлга толди: «Ўз қалбимга тушунолмай қолдим. Бу ер-га келгач, унинг юрагига ханжар суқмоқчи, ё заҳарламоқчи эрдим. Энди эрса... Ё беҳад меҳр кўргизгони кўзларимни кўр қилдим? Ё шунча кўргуликларни бошдин кечириб, омон қолғоним боис кечирдимму? Нима бўлганда ҳам ўз қалбимга тушунолмай қолдим». Аммо Хонзода бегимга пок ишқ боғлаб, унинг орзусида ёнаётган Шайбонийхоннинг кўнгли хануз ҳадик тўрларига ўралган ва умидлари саробга айланишидан чўчиётган эди. Гоҳида эса, Хонзода бегимнинг унга нисбатан илиқ муносабатидан қалби қуёш нуридан мунаввар бўлгандай туюларди: «Не десангиз амрингиз вожибдур». Бу сўзлар унинг эс-хушини ўғирлаган ва шу билан бирга беҳад суюнганидан охирги кучи ила зўрға ташқарига чиқиб олган эди. Чунки Хонзода бегим душманга хос эмас, рафикага мос сўзлаётганди. Ҳар икковининг кўнги қўргонида ҳадик лашкарлари бўй кўрсатиб турсаларда, ўртада илиқлик пайдо бўлганидан бир оз хотиржам эдилар. Аслида Хонзода бегим илиқ муносабатда бўлишга қарор қилган эди. Чунки имкон қадар ҳеч вақосиз қолган инисини узоқроқ бир вилоятга етиб олиши учун фурсат кутаётганди, биргина ноўрин сўз ёки биргина номаъқул ҳаракат иккисининг ҳам бошига етиши аниқлигини биларди. Шунинг учун тил училда ялтоқланишдек жирканч ҳаракатлардан нафрати келиб турса-да, иложсизлигидан дамани чиқармас:

«Душманнинг юрагига яхши муомала билан кириб бориб, ханжар сукиш ҳам мумкин», — дея ўзини ўзи юпатар эди. Хонни ҳар кўрганда нафрати кўзисада, ўзини тутишга, вазабини ичига ютишга ҳаракат қиларди. Бу ҳол ундан зўр куч талаб қилар, ҳар ония, ҳар сония ниҳоятда сергак ва зийрак бўлишини ич-ичидан хис қилиб турарди.

— Сизни бир бор кўришга, ўз ихтиёрингиз ила ҳузуримга келишингизга мушток эрдим, — деди хон охири бир юзланганда юрагини бўшатиб, — зор эрдим.

Айни шу пайтда, Мирзо Бобур хон тоғалари ёрдамидан умидвор бўлиб, Тошкентда эди. Даҳқатда қолган яқинларидан баъзилари ундан юз ўгириб кетган, негаки, Мирзо Бобурнинг истиқболига ишончлари гумонлашган, уни энди қад ростламоғидан кўра кўпроқ парокандаликка юз тутиши аниқ дея ташлаб кетган эдилар. Бу томонда эса, Шайбонийхон унинг опасини никоҳига олиш учун тайёргарликни бошлаб юборганди. Унинг амри-фармонига кўра, Самарқанд саройи ҳарामी ичидан Хонзода бегим учун махсус хона ажратилди. Хона ёнида эса кичкина уй бўлиб, унга Нортажи исмли аёл қўйилиб, от чопиш, камон отишда уста бўлгани учун зимдан Хонзода бегимга танқўрикчи этиб тайинланди. «Эвоҳ! Бу кекса дунё биз каби шўр қисматли тақдирларнинг неча-нечасига гувоҳ-а?» ёлғиз қолган Хонзода бегим хаёллар оғушига сингаркан, айни шу пайтда, ёнида Гултош бўлишини, юрагида йиғилган дард-аламларини унга тўққиси келиб кетганини сезиб қолди.

* * *

Аср намозидан сўнг Хонзода бегим чодирини олдига беқиёс зийнатланган маҳофа келди. Икки ўрта ёшлардаги аёл ичкари кирдилар-да, Хонзода бегимга кийиниш учун олдига сарполар қўйдилар. Тушундики, у — бугун никоҳланади. Ноз-карашмасиз, Хитойи оқ шойидан тикилган либосларни ва унинг устидан зарбофдан тайёрланган нимчани кийди. Кейин ҳар тур-

ли қимматбаҳо тошлардан безатилган рўмолини бошига солди.

— Ҳаққатта сулув, — деди бурнининг ёнида мошдек холи бор аёл, — Мўғул хоним кўрса борму? Нақ ўлип кетет!

— Ўв! Менинг ҳам улимга-да, шундай сулув ато этсун! Қудайдан тилейм! — деди яна бири.

Улар энди батамом бошқача, Хонзода бегим туншунмайдиған тилда сўзлаша-сўзлаша, уни махофага кузатиб чиқдилар. Ўн-ўн беш чоғли суворийлар эса, уч-тўрт кадам орқада, махофанинг икки ёнида икки-тадан соқчи кўриқлаб борардилар. Улар Шайхзода дарвозасидан ичкари кирганларида Хонзода бегимнинг кўнгли бузилди: «Кечагина ҳаммамиз..., камалда эрсак-да..., — кўзларига мунг чўкди, лекин йиғламади, — яқинларимни хору сарсон қилиб, мендин мурувват кутадирумсен, хон! Худо хохлаसा, интиком олмасдин қўймасмен». У аста пардани қайирди.

Шайбонийхоннинг кишилари мўғулча бўрқлар, хитойи атлас ва санчма тикилган тўнлар, мўғулча яшил саврилик садоқлар, беҳад зийнатланган эгарлар, мўғулий отлар ва ҳар бирлари алоҳида фаркланувчи зеб-зийнатли либослар кийган эдилар. Хоннинг икки ёнида танқўриқчию амиру беклар турар, ўзи ҳам тўйга ярашиқли ясанган эди. Аслида Шайбонийхон Хонзода бегимнинг кўнглини кўтариш мақсадида кишиларига мўғулча кийинишни буюрган эди, ўзи ҳам шунга мос ясанган эди. Буни кўрган бегим: «Кийинишлари ҳам ўзимиздин эркану» дея хаёлланди. Ичкарида дастурхон шоҳона безатилган, таомлар ҳам унга ярашиқли. Лекин ташқарида сўк оши тарқатилди. Шомдан кейин Шайхул-ислом келиб никоҳ ўқиди, лекин...

* * *

Шайбонийхон ҳаётини жаннатга айлантирган Хонзода бегимнинг васлига интизорлиги кундан-кун, дақиқама-дақиқа кучайиб борарди. «Муҳаббатни сирдириш учун ҳам катта юрак керак эркан», дея ўйларди

тинмай хон. Боқай деса қуввати, боқмай деса тоқати қолмаган хоннинг бу холини кўрган амир Қанбар ва амир Убайдуллоҳлар бутун оламга таҳлика солиб, баъзи кичик юртларнинг ҳукмдорларини осонгина қўлга олаётган подшоҳларининг бир қиз олдида бунчалар мағлублигига ҳайрон боқардилар.

– Ишқнинг қудрати, – сўзланди амир Қанбар. – нахотки қилич тифидин зўр бўлса, бир кун келиб ушбу қизнинг қулига айланмаса деб кўрқаман.

– Шак-шубҳа йўқ, – унга жавобан деди амир Убайдуллоҳ, – буни бошидин ўтқарғон билур. Эй содда кўнгулли дўстим, ҳазратимиз ишқ қўлида зору мубталодурлар. Ҳа, бу ғамзада кўнгул ул ёр дардида девонадурким, юриш бирла ҳам, юрт олиш бирла ҳам иши йўқ. Гўё энди уйланғон ошиқ йигитдек...

Кунлар ўтиб, Шайбонийхон ўзига келди. У Хонзода бегимга тажовузкорона муносабатда бўлишни хоҳламас эди. Қачонки унинг дилдан ризолигини сезганда...

Шундай бўлди ҳам. Бир томондан кучли соғиниш, иккинчи томондан эса қиз олдида ўзини бир оз кексалиги боис ноқулай сезиш туйғулари қоришигида чарчаган хоннинг тоби қочиб қолди: «Неча-неча мундин ҳам ёш қизларни маҳрамликқа олдим, аммо... нега бу қиз олдида ёш йигитлардек довдираяпмен. Ўзингни қўлга ол, Шайбон!»

Унинг қасаллигини эшитган Хонзода бегим канизаги Нуртожи билан ҳол-аҳвол сўраш учун отланди. Махсус хонасига қамалиб олган Шайбонийхон Хонзода бегимни кўриб, кўзлари қувончдан порлади.

– Бегим, сиз..? – тили тутилди.

– Тобинғиз қочибди деб эшитиб эрдим, ҳазратим. Табиб кўрдиму?

«Ох, қанийди жисмим қасал бўлса? Кўнглум қасал! Юрагим қасал! Жону жаҳоним қасал!»

– Ҳозир, иншооллоҳ, тетикмен.

Шу кун у Хонзода бегим билан юзлашмоқ учун тараддудланди. Тун пардаси ҳарам узра ёйилганда аста қизнинг ётоғига кириб келди...

Хонзода бегим бу кеча аввалини унутди. Келгуси кунни соғинмаса-да, унда яшашга мажбурлигини хис қилди.

* * *

Эрта тонгда ўзида қандайдир бахтиёрлик хиссини туйган Шайбонийхон ҳарам ичра аста-аста қадам ташлаб бориб, хаёл ичида сарой ташқарисига чиқиб қолганини ҳам сезмай қолди. Хийла тозарган ва юзларига ранг кирган авомнинг учраганики унга таъзим қилиб ўтар: «Янги хон шу?», «Янги подшоҳимиз!» дея пичирлашлари қулоқларига чалинарди. Унинг келбатида, чакноқ кўзларига тик қаролмасалар-да, ёнларидан дуо қилиб ўтардилар. У сийраклашган, ёнлариларининг таналари арчилган дарахтларни кўриб, ичкаридан хабар юборган қосидининг гапини эслади: «Емоққа ит-мушук, ҳатто сичқону каламушлар ҳам қолмади. Отлар ориқ, чопишга ярамайдур! Емағи дарахтларнинг арчилгон пўстлоғи..!»

У чексиз хаёллар оғушида яна саройга қайтди.
— Бугун элға сўк оши гўшти тортилсун! — дея фармон берди баковулларга, — арпа ундин тайёрлангон нондин ҳам улашилсун!

Шаҳар аҳлига ўн кунлар давомида шу таҳлитда емак улашилгач, ўн биричи куни ҳаммага ялписига ош тортилди. Буни зимдан кузатиб юрган Хонзода бегим тушки дастурхон устида хондан сўради.

— Ҳазратим, халққа сўк оши бермоққа фармон этибсиз?

— Ҳақиқий маликаға хос савол бердинғиз, — мамнун жавоб берди хон, — эл бир неча ой камалда бўлиб, ичаклари юпқалашгон эрди. Агар бирданига кучли таом есалар касалланишлари мумкин эрди. Шунинг учун сарой табибининг маслаҳати ила арпанинг ёрмачоғидин сўк оши қилдирдук. Сўк оши ичакларни ва меъдани ювиб, сўнг танаға дармон берур. Шунини ҳисобға олиб, элға енгил таом берилдики, ҳазми тез ва соғлиққа фойдалилиги учун..!

Бу сўзлардан Хонзода бегимнинг кўнгли ёришди. Хоннинг ҳам тез-тез сўк оши ичиб туришини ва бу таомни кўпроқ эрталабки нонуштада тановул қилишини танқўриқчиси Ширимбекдан эшитгач: «Шунинг учун бардам-бақувват эркан-да» дея хаёлланди. У хоннинг қора ишлари ҳақида эшитган-билганларини ва ҳозирда эл-улусга қилган мурувватини тарози паллаларига кўйиб кўраркан: «Ким билади, эл Бобуржонни ҳам бу кишидек қоралашар? Аммо ушбу каби яхшиликларини ҳам сўзлашармукин? Ох, уларни кўргим келди! Соғиндим! Онам айтмоқчи, ҳеч йўғи Гултошни бирга олиб келморим керак эрдийкан! Ҳм, дарвоқе! Хоннинг ҳозирги хушқайфиятлигида сўрасамму?»

Гултошга берган ваъдасига мувофиқ иккилана-иккилана охири сўради:

– Хоҳишингиз, бегим.

Хонзода бегим суюниб кетди ва дарҳол уни олиб келгани Майманакка чопар жўнатди. Улар бир-икки кун ўтгач, қуруқ қўл билан қайтдилар, аммо бир хабарни айтдилар:

– Маҳалладошларининг айтишлариға қараганда оиласи бирла қаёққадир кўчиб кетишибди...

Хонзода бегим умиди сўнган эса-да, тилак қилди: «Қаерға кетишгон эрсалар-да, бошлари омон бўлсунлар. Бир кун кўришмоқ насиб қилар..?»

Хонзода бегим Шайбонийхон ҳарамига келгач, ўзининг зиммасига олган вазифаси нақадар оғир эканини тушуниб ета бошлади. Сарой аҳлининг муомаласи сиртдан сипо, шохона бўлса-да, ичида совук ва фитналар шамоли эсиб туришини, бу ерда минг ўйлаб бир гап қилиш кераклигини, бирор иш қиладиган бўлса унинг барча икир-чикирларини олдиндан режалаштириш мумкинлигини англаб етди. Саройда бирорта ҳаракат ёки гап эътиборсиз қолмас, унга ҳар хил ранг ва тус берилар, шуларнинг ичида энг ёмони ҳарам ҳамда сарой ичра жуда тез тарқаларди. Хонзода бегим бу ердаги ҳаёт тарзи худди шатранж ўйини каби нозик ва беаёвлигини, унинг обрў ва мавқеи,

зоти ва авлодига қаралмаслигини тушунди. Шайбонийхоннинг унинг олдидан очик чеҳра билан чиқиб кетишлари ўрталаридаги муомала ва муносабатнинг бир қадар беғубор эканидан далолат берар, бу эса Хонзода бегимни ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлини бир қадар равон бўлишига имкон яратар эди.

* * *

Шайбонийхон Самарқандни фатҳ айлаш жараёнида беҳисоб қонлар тўкилмоғида сабабчи бўлса-да, шаҳар қўлига ўтгач, авомга яхши-ёмон сўз демади. Аксинча, уларни куч тўплаб, оёққа тургунларича саховатини аямаслигини, ҳадемай қиш келишини, эл-улусни чилла совуғидан яхшигина сақлаб чиқиб, баҳорга эсон-омон еткизишни амакиси Султон Аҳмадга тайинлади ва навбатдаги сафарга чоғланди.

Эндиликда Хонзода бегимнинг кўнглидаги ҳадик тўрлари узилди. Тўйимли таомлар, осойишта кунлар роҳатидан бир оз тўлишди. Шу боис хонни заҳарлаш ёки бошқа йўл билан ўлдириш режаларидан ҳам воз кечди. Чунки у тақдирига тан берган ва пешонада нима ёзилган бўлса, шу ёзуғни кўрмай иложи йўқлигига ишонган, эндиликда олдида бошқа йўл қолмаганига амин бўлган эди: «Хоннинг кўрсатғон шунча мурувват ва меҳру муҳаббатига тупурсам нонкўрлик бўладур», дея Худодан кўрқар эди. Ҳамда «Заҳарлагон ё юрагига ханжар суққан тақдиримда анови айиқ сифатли одамлари мени ҳам тирик қўярмуди? Инимнинг ҳам ҳаёти таҳликада қоларди. Ахир улар қасдма-қасдга яқинларимнинг ортидин қувлаб бориб, бир-бир тигдин ўткизардилар. Бас! Мени Зухра беги қўйиға солмаса, ҳеч бир ямонлик қилмасаю, мен... Худоға ҳам хуш келмас! Қани, тариқатда одам – яхшилиқ қули дейдилар, яхшилиқ қилаверай-чи? Худо қандай ажрлар бераркин. Бас! Шу бугундин бошлаб ямон ўй-хаёллардин воз кечай! Ҳа – воз кечмоғим даркор. Онам учун, иним учун, яқинларим учун!»

Шайбонийхонга ҳам шу ниятда йўлида муомала қилар, ҳурматини ўрнига қўярди. Бу эътибордан хоннинг муҳаббати юқоридагидан-да зиёдалашди. У шундай туйғу оғушида қолган умрини тинч ва осойишта ўтказишга қарор қилди. Аммо жангу жадалларга ўрганиб қолган амиру беклар, лашкарбошию навкарлар унинг кўнглига қутқу солиб, навбатдаги юришга ундашарди. Қўрчилар эса қурол-аслаҳадан ҳам емаслигини таъкидлашарди.

— Бу гал амакиларимдин Муҳаммад Султон ёки Кўчкинчихонлар бошчилик қилсун, — деди навбатдаги кенгашда Хонзода бегимдан кўнгил узолмай, — ахир ҳарбий юриш сирларини улар мендин яхшироқ билурлар-ку?

Яқинлари рози бўлаёзди, аммо:

— Сизнинг йўригингиз бошқа, — деди Кўчкинчихон, — бизники эрса бошқадир. Қолаверса, лашкар сизга ўргангон. Шунинг учун ўзингизнинг бошқарганингиз маъқулдур!

Ортиқча гапга ўрин қолмади. Шу сабаб у яна навбатдаги сафарга, Тошкентни маҳв этишга тайёргарликни бошлашни буюрди.

* * *

Шайбонийхон Тошкентни маҳв этибгина қолмай, унинг хони Султон Маҳмудхоннинг севимли қизи Ойиша Султон хонимни ўз никоҳига олган эди. Аммо қиш фаслини у билан ўтказган хоннинг кўнгли тўлмади. У Хонзода бегимни соғинар, тезроқ ёз келишини интизорлик билан кутарди. Хоннинг орзиқиб қутган кунлари ҳам яқинлаша бошлади.

Ҳа, Туркистонда баҳор. Ҳар томон сабза рангга кирган пайт. Шу дамгача Самарқандда, амакиси қарамоғида қолган Хонзода бегимни киши билмас кўп бора йўқлади. Ҳар сафар чопарлар орқали қимматбаҳо совға-саломлар билан бирга унга атаб ёзган ўтли ғазалларини ҳам кўшиб жўнатар, бегимдан илиқ ва самимий жавоб хати олгач, кўнгли тинчир, тезроқ ёз келишини интиқлик билан кутарди.

Ўртада Самарқандга бориб, ўзи билан бирга олиб келишни ҳам ўйлади. Лекин бир гумон унинг шаштини қайтарди: «Бирон режаси борму?» Бундан ташқари, у амма-жиянларнинг уни қандай кутиб олишини ҳам кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Чунки Мўғул хонимнинг аммаси Меҳр Нигор хонимга нисбатан муомалаларини кўриб: «Хонзодамга қандай қараркин? Уни ҳам ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб кун бермаса-я? Унда қандай йўл тутамен? Ажаб! Шоираи даврон ва Мўғул хоним шухрати билан донғи кетгон эрсанда, феъл-атворидаги куйканаклиқ соясида юзини булут парчалари тўсгон ой киби кўринадур!» Дарвоқе, Шайбонийхон Султон Али Мирзони ўлдиртириб, Самарқандни қўлга олгач, ўша ғалабага эришган кунларда Меҳр Нигор хонимни никоҳига олган эди.

У шу каби карама-қарши хаёллар оғушида узок ўйга чўмиб ўтирди-да, сўнг бир қарорга келди: «Маҳбубамнинг келишига санокли кунлар қолди. Қани, холаси ва жиянини синаб кўрай-чи!» хаёлида хон ҳарам ичра аста юриб бораркан, синовни аввал Меҳр Нигор хонимдан бошлашни кўнглига тугди.

Ҳарамдаги ҳар бир хонимга тегишли уй эгасининг мавқеига қараб безатилган. Яъни Шайбонийхоннинг ўнг кўзидаги хонимларга шохона, чапидагиларга эса мундайроқ. Шохона безак ва либосларга эга Мўғул хоним кошонада яшар, аммаси, яъни кундоши бўлмиш Меҳр Нигор хоним эса чоғроқ уйда кун кўрарди. Мўғул хонимнинг руҳсатисиз бошқа хотинларига қиё карамайдиган хон бугун ўртамиёна жихозланган уйда, яъни Меҳр Нигор хонимникида нонушта қилиб ўтирган эди. Чунки кечаси бир оз тоби қочганлиги боис Мўғул хоним тонгга яқин ухлаб қолган ва ҳозир ширин тушлар кўрмоқда эди. Хоннинг ташрифидан минг хаёлга борган Меҳр Нигор хоним унинг турки-тароватини кузатди. Яхши, чехраси очик, ниманингдир ўйи билан банд.

– Ажаб, бугун жиянинғиз Мирзо Бобур тушимга кириб қолибдур, – деди Шайбонийхон муддаоси ман-

зилига узокдан кўз ташлаб, – синглисининг тўйини килаёткон эрмуш.

Меҳр Нигор хоним таажжубда каради.

– Ўзи нечта туғишкон синглиси бор?

«Сен аблахнинг бир режанг бор, – хоним шошиб қолди, – атайин ўсмоқчилаяпсен?»

– Хмм, бир туғишкон опаси бор холос, униям сал акли ноқисроқ эрди. Бошқа оналаридин ҳам туғишконлари бор, улар Андижонда, Фарғонада қолгонлар. Нима эрди, ҳазратим?

– Ҳозир бирга турғони опаси эркан-да, – деди хоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, – акли ноқис денг?

– Ҳа, бир оз акли ноқисроқ.

Хон тумшайиб қолди.

Меҳр Нигор хоним одоб билан чой қуйиб узатаркан:

– Ҳазратим, – деди зимдан кузатиб, – акли сал заифлиғидин жияним Бобурнинг ҳарамида қари қиз бўлиб ўтириб қолгон эрди-да.

Шайбонийхон кинояли қараб қўйди, лекин ломим демади: «Нахотки, шундай сулувнинг акли ноқис? Нега сезмадим? Қисқа вақт бирга бўлиб..., хмм. Худо хусндан кўшқўллаб бериб, ақлға келгонда хасислиқ қилгон эркан-да... Шунинг учун инисининг душмани эрканимнинг ҳам фарқиға бормай..., жонжон деб... Э-э, нималар деб валдираяпмен. Унақа эрмас! Мўвулни акли ноқисроқ деса бўлади, уни... Йўк! Ишонмаймен!

Хон бошқа гапирмади. Хоннинг кетидан қараб қолган Меҳр Нигор хоним минг турли ўй-хаёллар қийноғида илондай тўлғонди: «Ўз бошимға ўзим бало тиларон бўлмай-да, ишкилиб...»

Шайбонийхон хаёлга толганча, ўзининг хосхонасига кириб бораркан, ўша бурноғи йили Бухородан қайтаётганларида йўлда учраган уч-тўртта суворийлар ўртасида ойдаи балкиб келаётган икки қизни кўз олдига келтирди: «Нахотки, шундай қиз? Йўғ-э?!»

Лекин Шайбонийхон ахдидан қайтмади: «Балки бу гаплар холасининг хийлаю найрангидур. Яна бит-

та жияни билан бу ерда кундош бўлиш номусидин сўзлагон бўлмай ушбу гапларни».

У яна қизга кўз ташлагандаги ҳолатни нигоҳи олдига келтирди, жиддий туриб, чимирилиб қараш... «Шундай қизнинг ақли ноқис бўлурму? Йўқ! Ишонмаймен! Ишонмаймен! – аланга олса олдики сўнмади юрагидаги чўғ, – сендин воз кечолмаймен! Сенинг васлини олдида юзта сабабу, гап-сўзлар ўтаверсин! Ҳа, ўтаверсин!»

* * *

Бу орада бир оз ўзига келган Мўғул хоним эрини йўқлади. Хизматкоридан Меҳр Нигор хоним билан нонушта қилганини эшитиб, ваши келди. Доимо хонни аммасига қарши кўйса-да, бугун у билан ош-қатик бўлгани ёкмади: «Бошбоғи йўқ эшакдин фарқи йўқ бунинг, – вижинди, – ким ем тутса кетаберади-я».

Канизаги орқали эрини ўз қошига чорлатди.

– Ҳазратим, касал бўлдим дегунча бошка хотунларингизга оғасиз-а, шунчалар бевафомусиз? Ахир, мен шу дашти саҳроларда сизни деб, сизга бўлгон пок муҳаббатим туфайли юрибмен! Унутманг буни?!

Шайбонийхон Мўғул хонимнинг ноз-истифноларига ўрганиб қолгани учун ортиқча сўз қилмади. Фақат уни истар-истамас бағрига олиб эркаларкан:

– Ҳарамимдаги юзта Меҳр Нигорлар сизнинг олдингиздан ўтаберсин, – деди, сўнг: – Бобурнинг қазоси яқинга ўхшайдур, шуни айтқони кириб эрдим.

Мўғул хоним нима гаплигига тушунмай, анграйиб қаради: «Ҳозир қариндошим Бобурни нега тилга олиб қолди?» У мавҳум хаёллар оғушига чўмди.

* * *

Хон кечга яқин амакиси Кўчқинчихонга никоҳланган, Бобурнинг кўз очиб кўргани Ойиша Султон бегимни эслади. У Хонзода бегимни яхши билади деган илинжда амакисиникига ташриф буюрди. Ойиша Султон бегимни амакисининг ҳузурда кўриб, муш-

кули осон кечганидан ичида қувонди. Чунки бу ерга келгунга қадар Ойиша Султон бегим билан қандай гаплашиш чорасини ўйлаб келганди. Кўчкинчихон билан дунёнинг пасту баланд ишлари ҳақида гаплаша туриб, мавзуни Бобур томонга бурди. Ойиша Султон бегимнинг уларни холи қолдиришга ҳаракатланаётганини кўриб:

– Ўтираберинг янга, – деди қувлик билан, – бу борада гинамиз йўқ. Ахир, буни тақдири азал дейдилар.

Бегим эрига хижолатомуз қаради. Кўчкинчихоннинг «ўтирабер» ишорасидан сўнг қимтиниб:

– Дастурхон буюрай, – сўради.

Шайбонийхон кўнмади, сўнг:

– Қизик, – деди, – тушимда Бобур опасига, – унинг кўзлари ярқ этиб очилди, – тўй қилаётқон эрмуш. Тушдаги тўйнинг акси ўлимдур. Ё ўзи, ё ўша ноқис опасининг вафоти муқаррардур.

Туйқусдан тилига келган навбатдаги хийласи ўзига ҳам ёқиб тушди. Бундан беҳабар Ойиша Султон бегим сергакланди:

– Ақли ноқис дединғизму? Ким эркан у?

– Ҳмм, Бобурнинг опаси-да.

– О, ҳазратим! Ким айтса бекорларни айтибдур! Нақ қуёшнинг нурлари каби сулувғина-я, нафис бир чечак деяверинг... Худо унга ақлу хусни кўшқўллаб бергон.

Ойиша Султон бегим Мирзо Бобур саройида икки йилга етиб-етмай яшаса-да, бари бегимлар ва амир, беклару хизматкорларнинг феъл-атворларини яхши билиб олган эди. Гарчи Мирзо Бобурнинг унга беътиборлиги туфайли бу хонадондан кетиш ниятида эса-да, оила аъзоларидан ўпка қилмас эди. Айниқса, Хонзода бегим билан чиқишар, инисига ўхшаш истарали юзига термилар, оғир-босиқ муомалаю мулоҳазаларидан бесаранжом хаёллари қаърига ин қурган гумонлари чилпарчин бўларди: «Шунақа доно ва гўзал синглим бўлсаю... афсуски, у тақдиримга битилди, аммо инисининг енг учидаги муомаласидин

кўнглим илимайду, шунинг учун у билан дилдан сўзлашишлар, бир кун кўришмасак соғинишлар тез орада барҳам топса керак», дея кўп ўйларди.

Унинг гумонлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Мирзо Бобур билан турмуши узоққа бормади. Эндиликда эса у ҳақдаги ёлғонларни эшитиб, гарчанд ҳозирда у хонадонга бегона эса-да, қайнопасига нисбатан юрагининг тубида яшаётган илик меҳри туфайли чидолмади.

– Ҳазратим, – деди у аста, – бундай номақбул гапларни холаси айтдиларму?

– Сизни қайнопанғизга нисбатан хусуматда бўлса керак деб ўйлар эрдим, – мавзунини чалғитди хон.

Ойиша Султон бегим тилини тишлади. «Бобурга нисбатан» дея тушунган бегим гапларини пардозлашга тушди:

– Шундай гўзал, бокира қизни ёмонотлиқ қилганига жаҳлим чиқаду, ҳазратим...

Шайбонийхоннинг кўнгли ёришиб кетди. У бошқа ишлари ҳам борлигини рўқач қилиб, тезда чиқиб кетганини кўрган эр-хотин тушунолмади, гаранг холича Шайбонийхоннинг ортидан қараб қолабердилар. «Холаси айтқон, – хон кетидан ўйга чўмди Ойиша Султон бегим, – ҳа, холаси айтқон. Ахир, қайнопамни бу ерда ҳеч ким билмайди-ку?! Тўхта Ойиша, Шайбонийхоннинг бир режаси борлигини сезғонки, ақли ноқис дегон. Эвоҳ, Султон! Хонзода бегимни ҳимоя қиламен деб, қовун тушириб қўйғон кўрунасен?! Энди нима бўлади?» – куйинди у.

Хон Ойиша Султон бегим билан бўлган суҳбатдан сўнг, яна бир ишга диққатини қаратдики, бундан ўзида йўқ хурсанд бўлди. Чунки унинг пинҳона сурштирувидан, Меҳр Нигор хоним Хонзода бегим шаънига «лой чаплаган» ва хунук гаплар қилган эди. Аммо Ойиша Султон бегимнинг беҳад мактовларини эшитгач, Меҳр Нигор хонимнинг ҳалитдан жиянига гаши келяпти деб тушунди ва унинг жавобини берди. Аслида хола ва жиянга бир пайтнинг ўзида эрлик муносабатида бўлишдан уялган эди.

* * *

Ёз ойларининг ўрталарида Туркистонга канизаклари, чўрилари ва мулозиму соқчилари билан ташриф буюрган Хонзода бегимни харамдагилар зўр эхтиром билан кутиб олишди. Айниқса, бу ерга кишининг бошида иззат-икром билан келиб ўрнашган ҳамда Мўғул хоним унвони билан шуҳрат топган Ойиша Султон хоним минг айланиб, минг ўргилди. Ойиша Султон бегим ҳам бир вақтлар кадрдони бўлишган Хонзода бегимнинг келишини зўр қувонч билан қаршилади, хафа ҳам бўлди: «Ўзининг тенгидаги бек ё хонга лойиқ қиз эрди...» Аммо ичидан ўтганини сездирмай, Мўғул хоним ёнида ўзига тегишли баъзи юмушларда иштирок этди. Мўғул хонимнинг бошчилигида Хонзода бегим учун махсус хона безатилди. Шарафига базм уюштирилиб, созандалар ва раққосаларнинг таниқлилари таклиф этилди. Дастурхондаги ноз-неъматларни-ку айтмаса ҳам бўлади: парвардалар, пашмак кандлар, сарик ва қора майизлар, писта-бодомлар, турли хил хўл мевалар, сут ва шакар қоришигида қорилган ҳамирдан тайёрланган пўрсилдоқ нонлар, қатларига ёр суртилган патирлар..., қўйинги, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса ўринлатиб қўйилган: «Кўп жиҳатлари бизнинг саройдаги каби ўхшаш эркан, — хаёлидан ўтди Хонзода бегимнинг, — фақат уларнинг баъзиларини кийгон кийимларига кўзларим ўрганолмаётир».

Базм тун ярмида тугади. Бир оз олдин ғойиб бўлган Шайбонийхонни ўз хобхонасига борганми-йўқлигини аниқлагани жўнатган канизагидан «йўқ» жавобини эшитди. Бу орада Хонзода бегим билан Мўғул хоним бир-бирларига яхши тушлар тилашиб хайрлашдилар.

Мўғул хоним тонг отгунга қадар бедор кутди эрини, йўқ! Туни билан яхши ухлолмагани учун каллаи-саҳар бироз очик ҳавода сайр қилишни кўнгли тусаб, эшигидан чиқиб ҳам эдики, оғзи қулоғида эрини Хонзода бегим олдидан чиқиб келаётганига кўзи

тушди. Борлиғига ўт кетди унинг: «Келгон куниёк унға ошиқишидин кўриниб турибдики, хон уни чиндан, юракдин севгон! Мени ҳам шу қадар севадирму? Йўк! – аъзои бадани қақшаб кетди Мўғул хонимнинг, – агар севғонида бугунги муносабатни яширмас эрди. Мен эрса уни, шунчаки эрмак сифатида уйланиб, Самарқандда қолдириб келгон, шу дамғача номини тилға олмағонидин уни бирорта яқини никохиға бергон деб юрибмен... Ҳм, унда нега харамға мендин олдин келмади, Хонзода! Демак, бу ерда бир сир бор».

Хоннинг илиқ муносабатларидан мени ҳамма хотинларидан аъло кўради, дея тушунган ва ўзига бино қўйган Мўғул хонимнинг ишончига шу бугундан ямоқ тушди: «Яширин иш тутишни ўргатиб қўямен хали!» вижинди у. Чунки қисқа вақт ичида дилға хуш ёқар ашъорлари, бир оз шаддод феълли бўлса-да, кўнгилни овлай биладиган муомалалари билан хоннинг суюкли хотинига айланганини билар, бундан кўнгли тўқ эди.

Хоннинг унинг учун хосхонаю меҳмонхонани безатишни айнан ўзи бошчилигида амалға ошишини буюрганини ўйларкан, алаmidан вужуди сирқираб кетди: «Ҳақорат устиға ҳақорат! – нафрат учқунлари сачради кўзларида, – ҳақиқатда, кейин ишлайдур миям! Ўрнида ишлағонда эрди..., унинг учун хизматкор бўлмас эрдим. Демак, устимдин кулибсен-да...»

* * *

Ҳақиқатда, Мўғул хоним Хонзода бегимга зўримкониятлар яратди. Шаънини улуғлаб, базм уюштирди. Эндиликда Хонзода бегим ўзига кундош эсада, буни эри унинг ётовидан чиқиб келаётганини кўрмагунча ҳис қилмади. Ҳис қилғач, кўзи ярқ этиб очилди. Ўзини ҳақоратлар қабристонига кўмилгандай сеза бошлади. Бундан беҳабар Хонзода бегим хоннинг кетидан дарҳол кийимларини алмаштирди ва ўзига пича оро берди. Ўзига шерик қилиб олган Нортжи билан Мўғул хоним кўшки томон йўл олдики,

миннатдорлигини изҳор қилмоқ учун. Лекин Мўғул хоним у ўйлагандай қаршиламади.

– Азизам! – виқор билан кўл учида кўришди хоним, – бу ерда хон фақат менга ишонадур! Шул боисдин ҳам сизга инъом этилгонлар менинг буйруғим ва кўрсатмам бўйича бажарилгондур.

– Бунинг учун сиздин тоабад миннатдормен, – таъзим қилди енгилгина, – минг қилса-да, кондошимсиз-да. Бегона жойларда ўкситмадинғиз. Раҳмат.

– Хон ойим хазратлари дея мулозамат қилишди. – қошларини кериб деди Мўғул хоним, – туни билан бошим оғриб, яхши ухлаёлмадим.

– Чарчагон кўрунасиз...

– Йўқ! Буйруқ бериш ҳам ишму? Анчадин бери эркин яшаб ўрганиб қолгон эрканмен. Шунинг учун тунда ялтоқланиб қиргон хонга ҳам рўйхушлиқ бермадим... Пича ором олмоқчимен...

Терс ўгирилиб кетган Мўғул хоним кетидан қараб қолган Хонзода бегим канизаги Нортोजи ва хонимнинг бир неча хизматкорлари кўзи ўнгида ер ёрилсаю ерга кириб кетиш хоҳишига тушди. Юзлари қизарганча ортига қайтаркан: «Бир кечада нима жин урмуш? – пичирлади лаблари, – етти ёт бегоналар ичра ўз қариндошим борлиғидин беҳад севингон эрдим. Кўнглида қандай кеки борки...»

Хонзода бегимдаги ўзгаришни сезган хон нонушта устида Мўғул хонимнинг баъзи сифатларини тилга оларкан, нимагадир:

– Гарчанд қариндошинғиз эрса-да, ўзинғники ўзакдин узади, дейилмуш нақлни унутманғиз, – деди.

Хонзода бегим хонга ғалати бир қараб кўйди. Негаки, хон ҳозирги гапи билан бегим кўзига бачкана бир кишидек кўриниб кетган эди-да.

Аммо бегим дилидаги ғашлик бир оз тарқалди.

* * *

Мўғул хоним юқоридаги каби муомалалари билан Хонзода бегимни янчиб ташлаяпман деган юпанчда

бўлса-да, аммо юрак дарди, қалб изтироблари юз-кўзининг ифодасида, ҳар бир гапирган сўзларида акс этиб турганидан беҳабар эди. Хонзода бегим эса қаҳри кетиб, меҳри келар дея кутар, унинг бирданига бунчалар ўзгариб қолганининг боисини бир оз тушунса-да, ўзини билмаганга оларди. Шундай кунларнинг бирида, бир вақтлар иниси билан ёстиқдош бўлган Ойиша Султон бегим, яъни амакисининг қизи йўқлаб келди. Улар ўтган-кетганлардан узок гаплашиб ўтиришди. У кетгандан кейин Хонзода бегим бир воқеани эслади...

...Кунларнинг бирида нимадир эҳтиёжи билан инисининг хосхонаси томон бораётганида, туйқусдан Қутлуғ Нигор хонимнинг панд-насихатомуз гапларини эшитиб, тўхтаб қолди.

– Бу нима қилғонингиз, ўғлим? – куйинарди онаси, – келинни ойда-йилда бир йўқламайсиз? Бечора жиянимни мунча хўрламасангиз! Ахир уям умид бир-ла бир ёстиққа бош кўйгон? Мунчалар хафа қилманг мени, ўғлим!

Онасининг чиқаётганини сезиб, ўзини панага олди. Кузатиб чиққан Мирзо Бобур эса ногоҳ опасини кўриб қолиб, унинг қаршисига пешвоз юрди:

– Амирзодам! Ақлсиз-ку! Онамизни бунчалар ранжитманг!

Мирзо Бобур бошини куйи солди.

– Ойиша Султон бегим ёмон қиз эрмас, ақлли бўлса. Мухими, амакимизнинг қизи, қариндошчилик риштаси дегондай...

– Опа, мени ўша қариндошчилик уялтирадур, қолаверса...

– Хўш?

– Ҳечам кўнглим илимайдур.

Дув кизарди Мирзо Бобур. Хонзодабегим эса лабини тишлади: «Демак, турмушлари узокқа бормайди, бузилиши аниқ...»

Хонзода бегим анчадан кейин онасига бу ҳақда айтиб тушунтирди. Лекин Ойиша Султон бегим Мирзо Бобурнинг безътиборлигини ҳеч кимга чурқ эт-

мади, хатто онасига ҳам. Фақат опасига ёрилди. «Ажраш» деди у шартта. Ойлар ўтиб киз фарзандли бўлдилар, аммо кизалоқ узок яшамади. Айни шундай фурсатни кутган, опасининг йўриғига юрган Ойиша Султон бегим Мирзо Бобурнинг навбатдаги сафари олдидан жавобини сўради. Шу дамларни кутиб юрган ва онасини хафа қилмаслик учун дардини ичига ютган Мирзо Бобур тил учида бўлса ҳам уни бирга яшамоққа ундади:

– Яхши кунларимиз ҳам келар, унғача...

– Қачон келадир? – гапини чўрт кесди Ойиша Султон бегим, – мен хон қизимен. Бас! Эндиғи сарсону саргардонликқа тоқат қилолмаймен, жавобимни беринғиз?!

Мирзо Бобур жон-жон деб, эр-хотинлик риштасини узувчи «уч талок» сўзини айтди. Сўнг ўзи ҳам бир оз енгил тортди. Ойиша Султон бегим отасининг даргоҳига кетди. Ҳеч қанча кун ўтмай Шайбоний-хон Султон Аҳмад мирзони кўшинлари билан фатҳ айлади. Қизи Ойиша Султон бегимни эса амакиси Кўнқинчихонга никоҳлаб берди...

Ҳозирда Ойиша Султон бегим ўзидан икки баробар ёши катта кишига эрга теккан эса-да, бу ҳақда бирон марта нолимади. «Ҳамон ўша-ўшасиз, Ойиша Султон бегим! Ҳеч қачон на яқинларинғизга, на бегоналарга дардинғизни дастурхон қилмайсиз. Қанийди, ҳамма аёллар ҳам сиздай бўлса...» хаёлга берилди Хонзода бегим.

* * *

Хон Мўғул хонимни доимо ёнида олиб юргани учун ҳам ўзига ўта ишонган ва қолган умри ҳам шу тариқа шоҳона ўтишига амин бўлган эди. Лекин у бир ҳақиқатни сезмас, хатто у ҳақда ўйламас ҳам эди. Ҳа, хон Хонзода бегимни узок ҳамда таҳликали сафарларда бирга олиб юрмас, аяр, мабодо жангда енгилган тақдирда бегоналар қўлига тушишидан кизғанар, шунинг учун харамда, ўзига қарашли одамлар қўлида колдиришини билмас эди. Уни

Самарқандда бир муддат қолдириб кетиши ҳам шу важдан эди ва буни бегимнинг ўзи ҳам истаганди. Нимаики нарсанинг энг яхшисини олиб ўрганган Мўғул хонимнинг рухсатисиз хон бошқа хотинларига киё боқмай қўйган эди. Қачонки Мўғул хоним хасталанганда бошқа хотинлариникида меҳмон бўлар, қолган вақтда эса Мўғул хонимга ёққан, унинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтган, ўтир деса ўтириб, тур деса турадиган кундошлариникига рухсат бўларди. Жанг майдонларида еру кўкни зир титратган хонни қисқа вақт ичида гаҳ деса кўлига қўндириб олган хоним қаршисида туйқусдан Хонзода бегимнинг пайдо бўлиши унинг учун кутилмаган бир зарба бўлдики, бундан у ўзини йўқотиб қўйди, шу билан бирга ўзини қадр ирга урилгандек сизди: Гоҳ-гоҳида ўзи сезмаган ҳолда Хонзода бегимга нисбатан кўрс муомалаларида ички аламларини сездириб қўярди. «Бир оз кўрслигинғиз, бемулоҳазаливинғиз туфайли кўнгулларни овритишинғизни ҳисобға олмағонда ўзи яхши аёлсиз. Хоннинг кўнглини батамом асир этиб, забт этқонинғизда, балки менға қарамас эрди! Ахир кўнгил эрмасму ишк мамлакатини гуллатқон ҳам, саҳрои Кабирға айлантирғон ҳам! Тил эрмасму, дўстни душманға, душманни дўстға айлантирғон! Сизда, Мўғул хоним, ҳар иккиси ҳам яраланғон» — хаёлға берилди Хонзода бегим.

* * *

Яна баҳор келди. Қир-адирлар, офтобрўя ёнбағирликлар, боғ-роғлар, кенг далалар сабза рангга кирди. Осмонда яна кул ранг булутлар сайри бошланди. Дарахтлар новдаларида куртаклар бўртди. Ҳали ёмғир ёғиб, хали офтоб чарақлаб турган бир пайтда навбатдаги сафар олдидан Шайбонийхон Хонзода бегимни йўқлаб кириб турди. Ҳар кирганда Хонзода бегим кўнглига ўтирадиган ноёб тақинчоклар, ё хитойи шойидан тикилган кийим-кечаклар совға қиларди. Ва ниҳоят сафарга отланишди. Мўғул хонимнинг бирга кетаётганидан хабар топган Хонзода бегим Шайбо-

нийхонга уни йўл азобларидан асрашини сўради ва охирида:

– Сизни ўғлинғиз кутиб қоладур, – деди уялганидан юзини четга буриб.

Шайбонийхон аввал унинг сўзларини англамади. Англагач... Унинг шодлиги бекиёс бўлди. Сафар мажбурияти бўлмаганда бир кадам ҳам ёнидан жилмасди, начора? У туғилажак боласи ўғил бўлишини, унга атаб энг қимматбаҳо совға олиб келиш ниятини айтди.

– Энди биз унутилдик.

Хонзода бегимнинг аразига Шайбонийхон мийида кулиб қўяқолди-да:

– Сизларни унутиш мумкинму? – деди жиддий.

* * *

Қўпол ва бесўнақай хатти-харакатлари билан кўп бора ранжитса-да, лекин содда, бир мунча кўнгилчан хоним ва хизматкорлар ичида ўз юрти, ўз элининг хароратини бериб турувчи Мўғул хонимни кўриб юриш ҳам катта бахт эканини англаган Хонзода бегим уни соғинди, ҳа, жуда соғинди: «Дўқирлағонча жўнаб қолишларинғиз, саволларимга жавоб бермай мулзам қилишларинғиз, оёқ учида кўруб пичини отишларинғиз, қўйингки, бари яхшию ямон гап-сўзларинғизни соғиндим, Мўғул хоним! Бир вақтлар қандай иноқ эрдук? Ҳар сафар тоғамникига борғонимда албатта сизни кўрмай қайтмас эрдим. Гўзал чехранғиз, бир оз шаддодлиғинғиз била мени лол қолдирар эрдинғиз! Ҳа, тоғамнинг эркатойи эрдинғиз! Такдир шамоллари бизларни ҳар томонларга учириб ташлади. Бунини қаранғки, энди бир гўшадамиз, бир ҳарамдамиз. Ҳа, Мўғул хоним! Пешонамизга хонлар, подшоҳлар, амиру беклар қўлида ўйинчоқ бўлмоқлик битилғон эркан, такдир ҳукмига кўра бундай кунларни кўрмай иложимиз йўқ! Сизни кўргим келяпти! Сизларни соғиндим!»

У хаёллар оғушида сокин ўтирган эди, бирдан ташқарида тўс-тўполон бошланиб кетди. Югурганча

ховли юзига чиқаркан, кичик хонимларнинг Катта хонимники томон югуриб кетаётганини кўрди. Хонзода бегим эшик биқинида турган Нортажидан нима гаплигини сўради:

– Ҳазратим Бухорога килгон юришида ўн-ўн икки ёшли қизни асира қилиб олиб келгон эрди, – деди, – аммо келгондин бери дарди аклимизни шоширадир.

– Қандай дард эркан?

– Тутканоклик касали бор эркан бояқишни. Ўзини кўрсанғиз сукинғиз кирадигон сулув.

– Турма эканму?

– Билмем.

Хонзода бегим Нортажигга қаради.

– Катта хоним бирла яшайт! Катта хоним ўбдин яхшилар!

– Катта хоним, у ким?

– Хоннинг биринчи хотини, – деди Нортажи, – Фарғонадин. Асли исми нима, билмем. Борасизму?

– Ҳа, кизни кўргим келяпти.

Хонзода бегимнинг кириб келганини кўрган барча хонимлар хонани тарк этдилар. Катта хоним эса унга пешвоз юриб, иззатини ўринлатди. Шундоққина ёнида, хитойи кўрпа бағрида ётган қизга ён қараш қиларкан, ундан кўзларини узолмай қолди. Қиз ниҳоятда кўхлик эди. Умри бино бўлиб, бундай, таърифига тил ожиз, сўз топилмасни кўрмагани боис:

– Яратгон Эгамға тасаннолар! – деб юборди.

Катта хоним ҳам унга қўшилиб тавсифларкан:

– Ҳарамға келғонида ўн иккида эрди, ҳозир ўн тўрт ё ўн бешда, – деди, – хонимиз Самарқанддин олдин Бухорони забт этконда асир олғон.

У бу ерда – ҳаёт баҳори айни гуллаш пайтида хазонлик сари юз тутган бир химоясиз ниҳолни кўрди.

У бу ерда – қахрабо янглиғ чехраю, кўнгли тун коронғусидан ҳам кора бир асирани кўрди.

У бу ерда – раҳмсиз бир жаллоднинг зўрлигидан хушини йўқотган, наинки хушини, ўзини йўқотган,

ўзига келгач эса, соя каби бир жонсиз танага айланган суратни кўрди.

У бу ерда – боғлараро хиром айлаб, сўнгра дашти сахрога келиб қолган бир капалакни кўрди.

Шу топда хонни жуда ёмон кўриб кетди Хонзода бегим. Ҳа, унинг хотини эканини унутар даражада ёмон кўриб кетди: «Ундин фарзанд кутяпмен-а?» ўксиланди, лекин тезда ўзини ўнглади:

– Касали нима эркан, табиб кўрдиму?

– Ҳа, қаттиқ кўркувдин эркан. Кўпроқ очик ҳавода, айниқса, тонгги ҳавода юришни, боғ айланишни маслаҳат берди.

Шу пайт қиз жайронники каби кўзларини очди ва Хонзода бегимни кўриб энтикди, сўнг нималардир деб вўлдиради. Афтидан гапиролмаётганди. Тутила-тутила охири:

– Ойижонимга ўхшаркансиз! Ё ўзингизму ойижон? – деди найнинг шикаста каби ноласига ўхшаш овозда.

Катта хоним кўзларини катта-катта очганча донг котиб, ўзидан кетай деди.

– Тинчликму? – хайрон бўлди Хонзода бегим.

– Бегим, шу бугун, ҳозир гапирди, – деди бироз ўзини ўнглаб олгач, – тилинг бор экану, – қизнинг пешонасини силади, – сени соқовму дебман-а, қизим.

Қиз аста туриб ўтирди. Ҳамон Хонзода бегимга тикилиб-тикилиб қараркан:

– Онамдин бир тукинғиз ҳам ўзгамас, – дерди хаяжон билан.

Учовлон анча вақтгача гурунглашиб ўтирдилар.

– Исминг нима, синглим? – сўради Хонзода бегим.

– Лаъл бегим, – Катта хоним жавоб берди унинг ўрнига, – хон ҳазратлари шундай деб атади.

Хонзода бегимнинг бошидан қайноқ сув тўкилгандай сесканиб кетди: «Анови аёл бағридаги қизчанинг ҳам номи Лаъл эди. Нон дея жон бергон қиз. Ўша майиз бирла қуртопни аввалроқ бергонимизда эрди, омон қолармуди? Шошилғанда лаббай топил-

мас деб..., ишқилиб сенинг умринг ўхшамасун». У кизга қараб қўйди.

– Моҳирўй исмим, Моҳирўй, – киз дам Хонзода бегимга, дам Катта хонимга жавдираб қараркан, – ота-онам қўйган, ўзимга ёқади, – деди.

– Ҳа, исминг жисмингга монанд эркан, – кулимсиради Хонзода бегим, – Моҳирўй, яъни Ой юзлик демак.

«...Кенжа хонимни кўриб, асиранинг тили чиқибдийкан!», «Кенжа хонимнинг оёғи қутлуғ келди», «Асиранинг оти Лаъл эрмас, Моҳирўй эркан» каби гап-сўзларнинг оёғи чиқиб, лаҳзада бутун ҳарамни эгаллади. Бошқа кичик хонимлар уни кўргани, гап-лашгани бир-бир келиб кетдилар.

– Хон ҳазратлари кўрса борму, бошимиздин тилло тангалар сочади-я, – деса, Катта хоним:

– Тилло тангалар сочибгина қолмай, кенжа хонимни нақ бошларида кўтариб юрадилар-а? – дерди.

Хуллас, гап-сўзлар булоқдай қайнаб тошиб, бутун саройга, сўнг авом муҳитига ҳам ўрмалаб чиқди.

Бир-икки кундан кейин Хонзода бегим Катта хонимнинг ижозати билан Моҳирўйни тонг сахар боғичра сайр қилдирди. Чунки табиб унга ҳам соф ҳавода кўпроқ сайр қилса, туғилажак боласи ҳамда ўзи учун ҳам фойдали эканини айтган эди. Бу юмушни ўз зиммасига олган Хонзода бегимдан беҳад миннатдор бўлган Катта хоним эса тонгги тоат-ибодатга вақт топганидан севиниб, унга узоқ умрлар тилади.

* * *

Хонзода бегим ҳар куни тонгда Моҳирўй, канизаги Нуртожилар билан сайр қилишни одат қилиб олган эди. Кейинчалик уларга боғбон Асқар ҳам қўшилди. Хонзода бегим дастлабки суҳбатдаёқ боғбоннинг туркистонлик эмаслигини пайқади. Чунки кийиниши, юриш-туриши батамом бошқача бўлиб, гап-сўзлари кўпроқ самарқандликларни эслатар эди. У гуллар, дарахтларнинг турлари ва хусусиятлари ҳақида гапирар, баъзида қизиқ-қизиқ латифалар

айтиб, баъзида эса боғ ёки боғбон ҳақида ривоятлар сўзлаб берарди. Сайр таъсирида Мохирўй анча ўзига келиб қолди. Ёноқлари тиниклашиб, кишининг ақлу хушини ўғирлайдиган даражада хуснга кирган эди. Боғбон гоҳ-гоҳида унга зимдан термилар, киши билмас енгилгина оҳ тортарди. Буни сезган Хонзода бегим бир куни Мохирўй билан Нортожини уйга қайтарди-да, бир ўзи боғбон билан қолди. Оҳининг сабабини сўради.

– Эҳ бегойим, мен айтмай, сиз эшитманг, – деди у бир нуқтага тикилганча.

Улар боғнинг кўшк томонидаги лойли супага келиб ўтиришди.

– У ҳақда гапирсам алангам осмонни тутуди, бегойим.

Боғбон маҳалладоши бўлган, худди Мохирўйга ўхшаган қизни севгани, у билан аҳду паймон қилгани, тўйларига бир кун қолганда маҳаллага қандайдир қора кийимдагилар бостириб келгани, ҳеч кимга тегмай, ҳеч нимани олмай чиқиб кетганлари, тонгда эса ўша севгилисининг ота-онаси зор қақшаб йиғлаганларидан қизни ўша уйнинг куйгурлар ўғирлаб кетганини билишганини куйиб-ёниб сўзлаб берди:

– Топиб келмасам қишлоқнинг суви ҳаром деб қасам ичдим. Излай-излай шу ерларга келиб қолдим.

– Дастлаб кўрганимдаёқ сизни бу ерлик эмаслигини пайқагон эрдим. Қайси қишлоқдансиз?

– Майманак, майманаклик дехкон ўғлимен.

– Сиз, сиз ҳали Самарқандданмусиз?

– Ҳа бегойим! Самарқанднинг Майманагиданмен!

– Аввалги қанизагим Гултош ўша ерлик эрди.

– Акаси суворийму?

– Ҳа, акасининг тўйиға боргон эрдим. Хўп яхши одамлар эрди...

Боғбоннинг ранги оқариб кетди. Анча фурсат ўтгач:

– Ўша эрди-да, – деди алам билан, – ўша Гултош эрди.

Хонзода бегим анграйиб қолди.

– Йўғ-э, – анча вақтдан сўнг деди, – ахир хон хазратларидин уни бу ерға олиб келиш истагимни айтқонимда рози бўлгондилар. Навкарлар юбордим. Ҳа, икки бора қидиртирдук. Охири оиласи бирла қаёққадир кўчиб кетгон дегон хабарни келтурдилар. Наилож! Бошқа кўришмоқлик насиб қилмади.

– Ҳа бегойим! Қизининг ўлигию тиригидин хабарсиз ота-онаси ўғли, келини билан қишлоқни тарк этишди.

– Қайтиб истамадингизму?

– Кезмагон жойим қолмади! Қаландар кийимида саройларни ҳам кўздин кечирдим. Фолбинман деб харам ичларига ҳам кириб чикдим. Йўқ! Осмонға учиб кетдим, ё... хуллас ғойиб бўлди.

Шу пайт Хонзода бегимнинг хаёлига яшиндек урилган бир воқеа тафсилоти унга умид бергандек бўлди:

– Ўша босқинчиларнинг кийинишлари қандай эрди?

– Қоронғуда аниқ кўрунмас, аммо ҳаммаси хайбатли кийёфада эрди. Айиққа ҳам ўхшаб кетармуди-е...

«Ўша, ўшалар, – Хонзода бегимнинг юзлари ёришди, – ўша, биз тўйға бораётқонда йўлда учрагон хоннинг навкарларидин бири, ҳа, бири Гултошға бошқача қарагон эрди. Ҳа, ўша ўғирлагон?!»

– Қанча эрдилар?

– Ўн-ўн беш чоғли...

Боғбон бекасининг саволларига жавоб бераркан, хайронлиги ошиб борарди: «Намунча кизиқиб қолди, ё ҳозирда Гултошнинг қаердалиғини биладирму?»

Шу пайт Нортोजи қўлида мактуб билан уларга рўбарў бўлди:

– Ҳазратимдин эркан.

– Ўқишни билурмусиз?

– Йўқ, Моҳирўй айтди.

Хонзода бегим шоша-пиша мактубни очди. Бу орада боғбон Асқар боғ этагига қараб кетди. Нортोजи эса унинг ўрнига ўтирди. Хонзода бегим мактуб саҳифасига кўз ташлади: «*Гулшаннинг гули ва*

*шакар лаблик, лоланинг очилмагон фунчаси янглиг
санам дардида ишқ изтиробларидин сакланиш кийин
булгон мен Мажнуннинг дил изҳорлари, – дея бош-
ланарди сатр боши, – Юзунгуну кўрдум ул чортоқ
ичинда, – шеърий усулда давом этганди:*

*Очилмуш тоза гул ёпроқ ичинда.
Табассум қилсанг ул фунча лабингдин,
Деғойсен бол томар қаймоқ ичинда.
Неча кезлодинг, эй раъно физолим,
Мени ёндурмагил авлоқ ичинда.
Карам қилгил, кел эмди, эй азизим,
Ўтиргил дийдаи муштоқ ичинда.
Жаҳоннинг кўзи харгиз кўрмиши йўқ,
На қилди лабларинг сўрмоқ ичинда.
Кел эй соқий, юкунуб бир аёқ тут,
Манго дилбар билан кишлоқ ичинда.
Манго жавр айладинг, эй бағри тошим,
Кўнгулни соқломой дил тоқ ичинда.
Муҳолиф Вахшни кишлоб турурда,
Туруш бермоё турур турмоқ ичинда.
Черикнинг гардини кўрмай қочибтур,
Масалдур: «Қул қочар ўрмоқ ичинда»,
Шайбонийға берибтур нусратин ҳақ,
Қовуб мен хусравин чақмоқ ичинда».*

«...Ҳмм, ҳозир Вахш вилоятида эркан», – чимирилди бегим.

У мактубнинг охирида ғалабаси билан мактанган хоннинг устидан заҳарли кулди: «Зўравонликни мактанадур, – кўнглида янди, – неча-неча бегуноҳларнинг тўкулгон қонларини ўйламас! Тенгрининг сўроқ-саволлариға не деб жавоб берарини хаёлиғаям келтурмас!»

Хонзода бегим асира киз Моҳирўйнинг аҳволини кўргандан бери хонга нисбатан қалбининг бир четидан нафрат ўти милтиллаб ёнаётганини сезиб турар, сезса-да, тилига чиқаролмас эди: «Яхшиям хаёл отлиғ кўрғоним бор, – гоҳ-гоҳида ночор қолганида ўз-ўзини

юпатарди, — унда сайр айлаб, хоҳлагон одамимни сўкиб, хоҳлагон кишимни суя оламен!»

Хатни Нортожигга узатди. У эса бир хатга, бир бекасига қараганча елка қисди... Хонасига кирганда эса хонтахта устида турган хатни кўриб, таажжубланди: «Нега бу ерда турибди? Ёқиб юбормабди-да. Ҳмм, айтқонча, бу буйрукни Гултошга берғондим. Бунга эрмас. Демак...» У хатни олиб, хонтахта устида липпиллаб ёнаётган шамга тутмоқчи бўлди, лекин ўйланиб қолди: «Хон хатни келғон-келмағонини суриштириб қолса-чи?» — дея гумон қилди ва мабодо сўраб қолса деб ҳар тугул панада турсин дея зебу зийнатлар сақланадиган қутига солиб қўймоқчи бўлди. Хон ҳузурига келгандан бери ясан-тусан қилиш ва тақинчоқларни тез-тез алмаштириб тақиш кўнглига сизмагани учун қути ичига унча эътибор бермаган эди. У қутини очаркан, иниси совға қилган ва Гултошни акасининг тўйига тақиб борган тиллақошни олди. Шу вақт унинг тилла занжирига илашиб чиққан ва ипак матога ўралган бир нарса диққатини тортди. У шоша-пиша занжирдан матони ажратди: «Хат-ку бу, ҳа хоннинг биринчи хати». Шошиб яна қаради. Иккинчисини ҳам бу ерда турганини кўриб: «Вой Гултош, хатларни ёқмай, қутига солиб қўйғон эркансен-да? Қачон улгурдинг? Гуноҳ қилишдин кўрқибсен-да?» У хатларнинг учовини бир тахлам қилди ва қутининг четига жойлади: «Нега энди, гўё азиз кишимнинг мактубларидек сақлаймен? Нега?» Негалигини ўзи ҳам тушунмас эди. Ички бир ҳис уни шундай қилишга ундаганини сизди, лекин анигини билмади: «Майли, менга оғири тушяптими? Улар бу ерда турса нимаю, ёнса нима? Барибир эрмасму?»

* * *

Хонзода бегим негадир боғбон Асқарнинг тақдири хақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди: «Ҳаммаси хонга боғлиқ, — ўйлай-ўйлай шу қарорга келди, — биринчи, ўша йўлда учрашғондаги навкарлари кимлар эрди? Ҳозир ҳам шу ердаму?» Сўрайди. Иккинчи,

Моҳирўйни ота-онаси, Бухоро бағрига қайтаришини илтимос қилади. Яккаш ўзи супада ўтирганини кўриб боғбон Асқар аста кўлида бир дона қирмизи атиргул билан яқинлашди ва:

— Хон ҳазратлари бурноғи йили ер бетига қор тушгунча сизга тонг саҳарлаб атиргул олиб кириб бермоғимни буюрғон эрди. Шу гулни яхши кўришингизни билиб, бу йил биринчи очилғонидин узиб келдим, бегойим.

— Раҳмат Асқаржон, — Хонзода бегим уни бежирим, қирра бурни ёнига келтириб хидлади.

Буни кузатиб турган боғбон лолу хайрон: «Гулми гўзал ё бегойимму? — кўз узолмай қолди, — нақадар хайратланарли?».

Шу пайт Моҳирўй ва Нортожи келиб қолди. Улар узоқ чакчақлашиб ўтиришди. Шу алпозда сарой хоними ва хизматкорлари эканликларини лаҳза бўлсин унутдилар. Нимадандир чўчиш ё ийманиш хиссидан узоқлашдилар. Бир дам бевуборлик оламида ўзларини эркин ҳис этдилар. Бундан кўнгиллар ором олиб, танлари роҳат топдилар. Ва ниҳоят, улар ҳарамга қайтишни, боғбон эса ўз хизматига кетишни ўйларқанлар, ўртага сокинлик чўқди. Моҳирўй Катта хонимнинг ёнига, Нортожи эса Хонзода бегим билан ўз гўшасига қайтишди. Боғбон эса кўлига кетмонини олиб, боғ ичра шўнғиди.

* * *

Мўғул хоним анча вақтдан бери тушган ўлжаларнинг энг ноёб тақинчови, либослари Хонзода бегимга ҳадя этилаётганини сезиб юрарди. Сезса-да чурқ этмас, юқорида зикр этилганидек, хонга зимдан иш кўришни ўргатиб қўймоқчи эди. Бу галгисида қўлга тушган зеб-зийнатлардан сарасини ўзи олди-да, қолгани хоҳлаган одамингизга дея эрқаланди. Хоннинг тишлари ғичирлаб кетди. Мўғул хоним кўнглида нима кечаётганини тушунгандай бўлди ва хонимга ўнг қарамай қўйди. Бу Мўғул хоним учун мусибатнинг ўзи эди, даҳшат эди. Чунки хон унинг

жавобини бериши мумкин. Мўғул хоним дарров ўзини ақлли аёлга айлантирди:

– Ҳазратим, – деди чодир ичига кириб келса-да, тумшайиб ўтирган хон қаршисига келиб, олдига кечагина юлкиб олган зеб-зийнатларни қўяркан, – буларни хонимларга олғондим. Ўзимга деб ҳазиллашдим. Ахир, бунақаси менда бор-ку.

Хоннинг бир оз чехраси очилгандай бўлди.

– Шуларнинг ичида бегимга маъқулини танлаб берсанғиз?

Хон зебигардонни танлади. Юзи бир тарз ўзгарди Мўғул хонимнинг. Чунки тақинчоқлар ичида энг қиммати ва кўрклиси зебигардон эди, камига:

– Бегимга шунақасини совға қилмоқчи бўлиб юрувдим, – дея қўшиб қўйди.

Адон тамом бўлди Мўғул хоним: «Мен-чи, мен?» демоқчи эди, тили айланмади.

Жону жаҳони куйиб кетди унинг: «Хап сениму? Уни мендин аъло кўрғонингга пушаймон едирмасамму?» мушглари тугилди.

У энди пинҳона режа тузишга киришди. Нима қилиб бўлса-да, хонни ундан совитиш, бездириш...

Эртаси куни Зухра бегимнинг қилмишларидан оғиз очди:

– Ҳазратим, хўп таъзирини берғонинғизни эшитиб, сизга қойил қолғондим, – деди суҳбатнинг сўнггида ялтоқланиб, – шундин сўнг эл ичра хўп доврўф қозонғон эрдинғиз...

Мўғул хоним тилга олган Зухра беги воқеаси бундай бўлган эди...

...Шайбонийхон Самарқандни қўлга олиш арафасида турганда унинг олдига биров келди ва тиз чўкиб деди:

– Он ҳазратлари!

– Не дардинг бор, сўзла!

– Ҳазратим! Султон Али Мирзо онаси, деманг Мирзо, шаҳи доно онасидурлар. Дедиларки, ким қабул этса канизидурмен, гарчи бу шаҳр азизи бўлсам ҳам. Ўғлимни ўғуллуққа қабул қилсун. Хиз-

матидин кўнгли малул ўлмасун. Хон Самарқандга ботроқ келсун, сўзларим сидкини мунда билсунлар. Ушбу дил сўзларини еткурмоқ учун мени сизнинг муборак қошинғизга юбордилар.

«Шунчалар ҳам енгилтак бўлурму бу Зухра беги девонлари, — кўнглидан ўтказди Шайбонийхон, — лекин бир томони бизлар учун яхши. Шаҳарни урушсиз қўлга олмоқ учун бир йўл».

Хон ясама бир табассум билан:

— Менга осойиши жон улдур, — деди гарчи ичида Зухра бегига нисбатан гаши келиб турсада, — бу шаҳр томон юрғонимда сифатини бисёр эшитқонмен. Ул маликага ғойибона ошиқ бўлғонмен. Мен Самарқандни онсиз нетайин. Бориб айт! Ўғли ўғлимдур, ўзи ёрим, дилбару ҳамнафас дилдорим бўлғай.

Хабарчи хоннинг оғзидан чиққан гапларни Зухра бегига сўзма-сўз етказди. Бегим эса дарҳол ўғли Султон Али Мирзони хузурига чорлади:

— Шаҳардин чиқ, хоннинг хизматини қил. Мундин бошқа чорамиз йўқтур, — дея буйруқ берди.

Ўғли кўнди. Бу билан чекланиб қолмаган Зухра беги хабарчи орқали яна хонга ўз дардини баён этди:

— Элу мулк санинг, шаҳр санинг, лутф санинг. Менинг ўғлума иноят кўргуз. Ани ёт кўрмай, ўзингникидек билғил.

Хабарчи қайтиб келганда Шайбонийхон Боғи Майдонда эди.

— Майли, Мирзо бу ерға келсун ва менга кўрунуш берсун, — деди тим қора соқолини силаб хон.

Мирзо унинг қаршисида таъзим қилиб, пойига тиз чўкди. Хон юзидан ўпиб, кучди:

— Менга фарзанд ўлдунг, — деди бағрига босиб, — энди онанг ҳам мунда келсунлар.

Бу сўзларни эшитган Зухра беги ясан-тусанни жойига қўйди ва пари янглиғ солланиб, хоннинг хузурига борди:

— Хуш келдингиз бизнинг шаҳримизга, — деди нозик ҳаракатлар ила таъзим бажо айлаб, — сиздек

имом-уз-замон халифат-ур-рахмон учун бир шахр эркан, балки ўн Самарқандни пойинғизга тўшаймиз, хазрати олийлари.

Хон чимирилиб қаради: «Ўз юртини сотқон енгилтак менга вафо қилурму? Асло! Сени ўз шахринг аро шундай шарманда қилайки...»

Хон Зухра бегини бир гўшага киргизди ва олдига уч-тўртта одамини қўйди. Ҳеч қанча кун ўтмай она-боланинг қилмиши шаҳар ичра ёйилди, яъни:

– Мирзо қочиб бориб хонга таянди, бу ҳам етмагондай онасини хонга берди. Онаси ҳам юзсизларча хон харамига кирибтур, – дейилмуш ғавго кўтарилди.

Ушбунни эшитган Хожа Яхё: «Кошкийди, Мирзо Бобур шу ерда бўлгонда», дея афсус-надомат чекди. Хожалар, султонлар, паҳлавонлару ўғлонлар қўлидан ҳеч бир иш келмади, ҳеч бир чора тополмади. Шу орада хон фармон берди:

– Ҳамма йиғилиб келсунлар. Мулк ишида кенгаш қилсунлар. Она-бола масаласини ҳам ҳал қилсунлар!

Юқорида тилга олинган хожалару ўғлонлар келдилар. Кенгаш қарорига кўра: «Бўлса тирик бу Мирзо, ҳеч кам бўлғуси йўқтур ғавго!» тўхтамига келдилар. Онасини эса бир кишига бердилар. Шундай қилиб Шайбонийхон она-боладан шу йўл билан қутулган ҳамда шаҳарни Зухра бегининг енгилтаклиги туфайли осонгина қўлга киритган, унғача қўлга олган хожалару паҳлавон ва ўғлонларни мақсадига етгач, Самарқанддан чиқариб юборган, сўнғида нафрат билан шундай деган эди:

– Лаънат бундай онага, нафси учун ўғлини ўлимга берди...

Ҳа, Шайбонийхон ўзининг эмас, ўзгаларнинг қўли билан иш бажаришга уста эди. Шу жумладан, Хожа Аҳрор Валийдек зотнинг ўғлини ҳам пинҳона қатл эттириб, бу ишда қўли йўқлигини айтиб, айбни қўл остидаги одамларига тўнкаб қўйган эди. Бу ҳолдан хабар топган Мирзо Бобур истехзоли кулган эди:

«Ходимлари унинг буйруғисиз бул киби ёмон ишларни қилсаю у билмаса, унинг хонлиғи қаерда қолди?»

Сўнг шаҳарга Жонвафобийни доруға этиб тайинлади:

– Шаҳар ичра мундин сўнг ғорату торожу бало бўлмасун..., – буйрук берди...

Ҳозирда эса Мўғул хоним ушбу воқеага ишора қилаётган эди.

«Бу била нима демокчи?» хон унинг юзига қаради. Лекин Мўғул хоним ўзини овсарона тутиб, бошқа мавзу бошини тутди. Кўнглига ҳадик тушган хон шомдан кейин йўлга отланиш ва Туркистонга қайтиш учун фармон берди. Туни билан қирлар, ўрлар, дарёлар ва дараларни босиб ўтдилар. Тонг саҳар Туркистонга кириб келишди. Хоним ва хизматкорлар харамга, лашкарбоши ва кўмондон бошлиқ аскарлар ўз бўлмаларига кирдилар. Хон эса от устида бир муддат ўйланиб тургач, қўлтиғидан совғани олди ва танқўриқчисини ҳайрон қолдириб, Хонзода бегим томон ошиқди. Улар йўқ. Саросимада қолган хон бир пайт нима қиларини билмай турган эди, боғ томондан қувноқ бир гурунг қуловига чалинди. У ерда Хонзода бегим ҳар кунги одатича Мохирўй, Нортожи ва Аскарлар билан чақчақлашиб ўтиришарди. Бошқа хизматкорларга Хонзода бегимни чақириб келишни буюрмади, танқўриқчисига ҳам. Ички бир туйғу уни эсанкиратган, ногоҳ қуловига чалинган эркак кишининг овози бутунлай довдиратиб қўйганди: «Ким у? Демак, менинг йўғимда бошқа биров билан, – газаби келди хоннинг, – дон олишаркан-да...» Туйқусдан оёғи тортди ўша томонга.

– Доим келишинғиздин олдин хабар олғоним учун..., – дудуқланди Хонзода бегим хоннинг қўқисдан қаршисида пайдо бўлганини кўриб, – тинчликму?

– Келмаслиғимни кутғонмудинғиз?

– Йўғ-э хазратим, нималар деяпсиз? Ахир мен...

– Кўриб турибмен! – ўкрайиб қаради хон.

У шахт билан ортига қайтди. Ортидан югуришни ҳам, шу ерда қолиб кутишни ҳам билмаган Хонзода бегим ҳайрон қолаберди. Хон эса уни бир неча кун беэътиборлик қаърига ташлади.

* * *

Моҳирўйдан бовда бўлиб ўтган воқеани эшитган Катта хонимнинг юраги бир калкиб тушди. Ўйлай-ўйлай канизаги орқали хонга Моҳирўйдаги ўзгариш хабарини берди.

— Лаъл соғайибдурму? — кириб келди хон, — қани у?

Хурматини ўринлатаётган Катта хоним эса, ичидан ўтганини сездирмай: «Қанчалик доғулисан-а?» дея кўнгилланди.

— Бегимми? — сўроққа сўроқ билан жавоб берди у.

— Йўқ! Мен Лаълни сўрайдурмен, қани у?

— Ҳазратим, унинг исми Моҳирўй эркан, — деди ва бор бўлган воқеани айтиб берди. Хон эса унинг гапларига эътибор бериб-бермай тинглади. Шу пайт хонага аста салом бериб кириб келган Моҳирўйнинг хуснига маҳлиё бўлган хон лол қотди. Бундан гаши келган Катта хоним энди муддаога кўчмоқчи эди, хон кўйнидан зебигардон чиқариб, Моҳирўйга узатди. Қиз бечора дағ-дағ титрар, совғани олишни ҳам, олмасликни ҳам билмас эди.

— Бу тузалғонинг учун совға, ол!

— Ол, кизим, — кузатиб турган Катта хоним гўлликка солди ўзини, — энди хон хазратлари сенинг отанг хисобланадур. Беш вақт намозини қанда қилмағони боис ҳам ҳар доим зафар қучғайлар. Сенга бергон қимматбаҳо тухфаси ғалабадин нишонадур. Ахир бегимни онангга ўхшатқонинг учун ҳам тилинг чикди, она-бола тутингондин бери эрса соғайиб кетдинг.

— Она-бола? — ажабланди хон.

— Ҳа, бутун ҳарам, бутун эл биладир она-бола тутингонини...

— Яхши, соғайибсен, хурсандмен.

Хон ташқарига чиқаркан, яъни... иккиси тўғри-сидаги гапни зимдан текширтди. Амир Қанбарбий уларнинг она-болалик риштасига боғланганини бутун сарой ва ҳарам аҳли тасдиқлайдур, деди охири гапини яқунлаб.

– Демак...

– Ҳа, ҳазратим, энди қизлик ҳам бўлдинғиз...

Хоннинг кўллари мушт бўлиб тугилди: «Қари кўппак, бу ҳаммаси сенинг ишинг!» Катта хонимни баттар ёмон кўриб кетди...

Ҳақиқатда, қизнинг бокиралиги ва ундан ташқари химоясизлигини ҳисобга олган Хонзода бегим унга оналик қила бошлади. Бу ҳолни кўрган Катта хоним Хонзода бегим билан маслаҳатлашди.

– Хон нима деркин?

– Қиз касаллиғи боис ёдидин ҳам чиқиб кетгон.

– Агар..., хон унга...

– Хотиринғиз жам бўлсун, бу ҳақда қиз била гаплашқонмен. У – бокира.

Сўнг ҳарам аҳлини йиғдилар-да она-бола тутинганини эълон қилдилар. Бу иш барчага маъқул тушди. Айниқса, хоннинг ойлаб-йиллаб хотирига келмайдиган хотинлари бу ишдан гўё ўзларини ўч олган каби сезиб, беҳад севиндилар. Хонзода бегимнинг обрўси эса ичкарию ташқарида ўн чандон ошди... Лекин:

– Хон бу ишни қандай қабул қиларкин?

– Сулув қизлар олдида ор-номусни унутадургон хон осонликча жон бермас!

– Не бўлғонда ҳам яхши иш бўлмади.

– Буни эшитғач, Мўғул хонимнинг ичи куйиб кетса керак, – кабилида гумон-шубҳалар урчиди.

Бу каби гаплар қуловига чалинган Хонзода бегимни хавотир босди, юраги увишди: «Хотинликқа мўлжал қилгон бўлса, она-бола тутингонимиз ҳам кўзиға кўринмайдур. Қани, нима қиларкин?»

Сафардан толиққан Мўғул хоним обдан дам олиб, ташқарига чиққанда, ниманидир гаплашаётган хонимларнинг ҳаракатлари диққатини тортди. Нима гаплигини, бухоролик асирани Хонзода бегим билан

она-бола тутинганини эшитгач, тезда ўз кўшига қайтди ва хизматкори орқали Лаъл бегини хузурига чорлатди. Исми Моҳирўйлигини айтган қиздан хоннинг унга нисбатан муносабатини аниқлади:

– Хон хазратлари бирон марта гўшанганга кирмавонмуди?

– Йўқ, хоним хазратлари.

– Унда нега соқовга айландинг, кўрқконсенки соқовга айлангонсен.

– Ха-ҳалиги, бўркини ечгон эрди, боши қизил эркан.

– Хмм, тушунарли. Хонзода бегим сенга ёқадиму?

– Худди онамнинг ўзлари, хоним хазратлари.

– Бор, боравер! – бехос қиз бўйнидаги зебигардонни кўриб, – мабодо хон отанг совга қилмадиму? – сўради тақинчоқни кўрсатиб.

– Хмм, соғайғоним учун тухфа қилдилар.

Мўғул хоним шодланиб кетди. Гарчанд у Хонзода бегим билан Шайбонийхон ўртаси бироз бузилганини билмаса-да, қиздаги ўзгариш ва тақиб олган зебгардонни кўриб, иккисига ҳам зарба бера олганидан шод, орзи қулоғида эди.

Хон Хонзода бегимнинг боғдаги муомаласидан бироз ранжиб аразлаган ва Лаъл беги билан тунни бирга ўтказиб, рашкини келтирмоқчи эди, аммо унинг кутганининг акси бўлиб чиқди. Қолаверса, ундан бир оғиз сўрамай она-бола тутингани ғурурига теккан эди:

– Шариатга кўра, солиха аёллар эрнинг измидин чикмас ва эрдин берухсат бир иш қилмас эрди, – чақиб олди Хонзода бегимни.

– Албатта, ҳазратим.

– Мундин сўнг ўйлаб иш тутмоғингизни маслаҳат берурмен.

Хонзода бегим бошини эгди.

– Аксинча, жавобингиз тайинлиги маълум бўлса керак.

Бегим боши янада қуйи эгилди: «Қанийди шундок бўлса? Бу жаҳаннамдин қутулгон бўлур эрдим».

У Шайбонийхон саройида эл кўзида бахтли яшаса-да, аслида ҳар дақиқа мўралаб, унга яқин келадиган хавф-хатардан кўркиб, чарчаб яшар эди. Мана бугун эса хоннинг оғзидан чиққан гаплар яна бир бор тасдиқлади.

Шу сабабларга кўра Шайбонийхон эртаси куннинг тонгида Мўғул хоним кўшкнинг айвонида нонушта қилмоқчи бўлди. Мақсадига етди ҳам. Аммо Мўғул хоним айтган баъзи гаплардан таъби хиралашди ҳам...

– Ҳазратим, энди Лаъл бегига отасиз, Худо хоҳласа ўз тенгини топиб узатамиз, тўй қиламиз.

Шариат томонидан оёғига кишан бўлиб тушган она-болалик Шайбонийхон шаштини бир оз сўндирди, алам қилди: «Шундай маъсума гўзални ўзгага бериб бўладирму? Сайид Отадин маслаҳат сўраб, бир йўлини топамен».

* * *

Бор томондан келаётган Хонзода бегимни кўрган Мўғул хоним эски кадрдонлардек кучоклашиб кўришди ва қорнига қаттиқ нарса текканини сезиб, сесканиб кетди: «Ҳомиладорму? Ҳа, ҳомиладор! Демак, меросхўр тувиларкан-да». Кичик кундош кунда, каттаси эса кўрганда куюди, деганларидек, Мўғул хоним унинг ҳомиладорлигини кўриб, куйиб кетди.

Кўз олди қоронғилашди. Лекин сир бой бермади.

– Бизнинг йўғимизда зерикмадинғизму? Ҳа айтганча, янги дўстлар топиб олибсиз? Айниқса, қизлик бўлибсиз. Муборак бўлсун!

– Шундай бўлиб қолди, хон ойим! Ўзингиз ҳам чарчамадинғизму? Ҳар холда, йўл азоби...

– Эҳ бегим-а, хон дегони чарчатадирму? У Вахш дегон жой бир водий эркан. Гуллар, боғлар, бепоян киру адирлар, тўшига оқ қорлардин ёпқич ёпқон қоялар, шунақа гўзал эрканки...

– Демак, жанг бўлмабди-да, мунча яхши!

– Хоннинг кудратини эшитгон-билгонлар жангсиз таслим бўлавердилар. Кудратини эрса менга йўйадилар...

– ...?

– Сен ёнимда юрсанг ҳар ёғдин омад ўрмалаб келаберади дейдилар. Кўп марта бунинг гувоҳимен деб, Вахшни олгондин сўнг яна бир бор таъкидладилар-да, бу гўзал водийда хоҳлагонча роҳат қилишимга қўйиб бердилар. Лекин сўнгги кунларда алғов-далғов тушлар кўргоним боис хонни қайтмоққа зўрға кўндирдим.

Зимдан чакиб олди Хонзода бегимни.

– Ўзиям жуда соғинишгон эрканмиз.

Бегим унинг гапларига парво ҳам қилмади: «Қанийди, ёнингдин бир умр чиқмаса!»

Дил ва тилни бошқа-бошқа ишлатишдан чарчаган Хонзода бегим охири турли хил хавотир исканжасида юрганидан касал бўлиб қолди.

Бу орада тез-тез бегимнинг холидан хабар олиб турган табиб келди ва хон билан ичкарига кирди.

– Имкони борича тонғғи ҳавода боғда сайр қилсунлар. Она-бола учун бу фойдали. Буни олдин кўргонимда ҳам айтқонмен. Агар шу тахлитда ётаберса меросхўринғиздин ажраб қолмоғинғиз мумкун. Ўвил боланинг туғилиши...

– Ўвилму?

– Худо хоҳласа..., хон ҳазратлари.

Шайбонийхон табибнинг кетидан Хонзода бегимга обдан каради, аммо унда бошқача белгиларни кўрмади: «Демак, шунинг учун боғда ўтирғон эрканда, мен эрса... Э-э, Шайбон! Юртқа хон эрсанг-да, хотунлар масаласида кўп нарсага ақлинг етмайду!»

Икки-уч кун ўтгач, Хонзода бегим мадорга кирди. Хон унга эътиборини кучайтирган эса-да, сездирмади. Бир мунча совуққон муомаласини қўймади. Ҳафталар ўтгач, бегим бир куни хонга тушки овқатланиш пайтида ўша дастлабки учрашув тафсилотидан сўзлади.

– Ҳа, ёдимда. Бухородин қайтишда, йўлда учратқон эрдук, – ажабланди хон. «Нега бу ҳақда оғиз очди?»

– Ўшанда ёнинғизда ўн-ўн беш чоғли навкарлар ҳам бор эрди. Ўшалар ҳозир ҳам хизматинғиздаму?

– Ҳмм, бирон гап бўлдиму?

Хонзода бегим бўлган воқеани рўй-рост сўзлади, охири:

– Ўшалардин бири, адашмасам қорачадин келгон, туташ қошлиғ, қирғий бурунлиғ, ияги чўзик навкар йигит Гултошга бежо қарагон эрди.

– Ш-шунака денг?!

– Ҳа, янглишмасам Гултош шу ерда, ё саройга ёндош маҳаллаларнинг бирида.

– Мунча яхши кўрасиз ўша чўринғизни?

– Мабодо шу якин орада бўлса, бир кўришай дегондим. Яхши киз эрди. Соғиндим.

Хонзода бегим суҳбат давомида боғбон исмини тилга олмади. Хон суриштириб кўришга ваъда берди.

– Бегим.

– Лаббай ҳазратим.

– Она-болалик муборак бўлсун.

– Миннатдормен, мен сиздин бир оғиз сўрамай беадаблик қилгонимга хануз хижолатдамен.

– Гоҳо сизнинг лобар мустақиллигиниз мени дол қиладур, бегим, – хон шаштидан тушган эди.

– Демак, – қувониб кетди Хонзода бегим, – хафа эмассиз-а? Кечирдинғиз-а?

– Ҳмм, лекин мундин сўнг шаънимни ерга урадургон иш қилмассиз?

– Албатта, ҳазратим.

«Ҳарчанд теурийлардин ўзумни юқори кўймоққа интилсам-да, нимадир етишмағони боис хатоликқа юз тутаберамен! Нега? Нима учун? Ҳозир ҳам ўзим сезмагон холда гап-сўз қилдим».

Хонзода бегим эса унинг сўнгги сўзларидан хайрат оғушига чўмди: «Демак, Мўғул хоним нимадир дегон? Мен эрса..., боғбон била турғонимга рашк қилди деб тушунибмен», дили ёришди.

* * *

Хоннинг яна Хонзода бегим хонасидан чиқмай кўйганини кўрган Мўғул хонимнинг пайтавасига қурт тушди. Унинг биргина шубҳали лукмаси таъсирида бегимга озорлар етказганини кўриб, оловсиз

ёнаётган қалби бир оз ором олган эди, аммо... «Эр зоти юракдин севса, хатто тошдин ясалгон кўргон ҳам йўлини тўсолмас эркан, махбубаси томон талпинаверар эркан. У ҳам мени севгонмуди? Йўқ! Севгонда эрди, хар не қилиб бўлса-да хоннинг чангалидин кутқаргон бўлур эрди. Хон-чи? Хон севадирму? Севмайди. Севғонида, аммамнинг кизига мендин олдин уйлангон эрса-да бу ерға, устимға кундош қилиб олиб келмагон, юзимни қилгон бўлур эрди. Куйгон юрагимни минг қиймаламас эрди. Бошқа, бегона бўлгонда ҳам майли эрди, — тубсиз хаёллар қаърига шўнғирди гоҳ-гоҳида алам билан, — оҳ, мухаббатим эгаси, мен сенсиз илдизи қуригон бир дарахтмен, — кўзларида ёш сизарди баъзан, — ҳамон сенинг ёдинг била яшаймен! Агар отам бепарволикка юз тутмагонда эрди, балки ҳозир...»

Унинг юрагини забт этган мухаббатнинг эгаси кўзи олдида жонланди...

...Ойиша Султон хоним эрталабки нонуштадан сўнг кеча ёзган, ҳали сиёҳи қуримаган ғазалини отаси нигоҳидан ўтказмоқ ниятида икки канизаги билан ташқарига чикди ва кўшк ёнидаги гулзор бўйлаб юрган икки кишига кўзи тушди: бири отаси, бири-чи? Орқа томондан кўргани учун танимади. У аста-аста қадам ташлаб яқинлашди, лекин негадир ортига ўгирилди. Шу пайт Султон Маҳмудхон:

— Келаберинг қизим, — дея чорлади ва яқинлашганда, — амманғиз Қутлуғ Нигор опамнинг ўғли Мирзо Бобур билан шеър баҳсини кизитаётқон эрдук. Сизнинг ҳам келгонинғиз яхши бўлди.

Ойиша Султон хоним таъзим бажо айлаганича аввал отасига сўнг шахзодага қаради. Бир иликлик оғушида қолди у. Юраги бежо урганини сизди у. Лекин тезда ўзини ўнглади. Ахир, қаршисида отаси турибди-я...

— Хуш келибсиз, — кулимсиради у, сўнг отасига қараб деди, — мен ҳам шу илинжда ҳузуринғизга ошикаётқон эрдим.

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Шеър баҳси, воқеалар баҳсини кизитдилар.

– Хонзода опамни ҳам олакелмабсиз, – сўради суҳбат сўнггида Ойиша Султон хоним, – соғингон эрдим.

– Тоғамга бир хабарни еткурмоқ илинжида шошиб келгон эрдим, – Мирзо Бобур маъюсланди, – аммо...

– Қани жиян, ичкарига...

Султон Махмудхон кизига қаради. Бу қараш маъносини укқан Ойиша Султон хоним эса канизаклари билан ўз кўшки томон кетди.

Мирзо Бобур Самарқандга келгунича тоғасининг кизи Ойиша Султон хонимни, ҳозирда бирга яшаётган хотини, яъни амакисининг кизи Ойиша Султон бегим билан такқослар экан, улар ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини англаб етди. Ойиша Султон хонимнинг эса шу кундан бошлаб шахзода Мирзо Бобурнинг сурати кўз ўнгида мухрланиб қолди: «Ёшлиғида кўргон эрдим. Ҳозир ўктам бир йигитқа айланибдур: мийиғида кулимсирашлар, маъноли гапиришлар, ўтли қарашлар...»

Орадан кунлар, кунлар кетидан ойлар ўтди, кунларнинг бирида у отасининг ҳузурига кириб борди ва аввал шеър хусусида суҳбатлашдилар, сўнг:

– Шахзода Мирзо Бобур яхши ёзар эркан, – деди қувлик қилиб, – уч-тўрт кун меҳмон бўлиб турғонида балки шеърхонлик қилармудик. Ахир Тошкандда ма-наман дегон шоирлар бор, уларни чақирармудик, ота-жон.

– Эвоҳ, жияним бир ваҳимани кўтариб келибдур. Ойиша Султон хоним кўтарилиб қаради.

– Иним Султон Аҳмад била иккимиз тарбият қилгонимиз ва хонлик тахтига ўтиришида қўлимиздин келгонча ёрдам бергонимиз Шайбонийдин чўчиб келибдур, яъни Шайбон аввал Самарқандни, сўнг Тошкандни кўзлаб юргон эрмуш. Якдил бўлуб, унга қарши курашмоғимиз зарур эрмуш.

– Отажон! Балки шахзоданинг айтқонлари тўғридур.

– Бе, – кўл силтади Султон Махмудхон, – ахир биздин кўрғон мурувватларининг эвазига юзимизга тупурмас...

Ойиша Султон хоним бошка гапирмади. Аслида у Мирзо Бобурни кўргиси келгани боис Самарқандга бориш ёки уни Тошкентга шеър баҳси баҳонасида чорлаш йўлида гап очган эди. Отасидан юқоридаги сўзларни эшитгач, тарвузи кўлтиғидан тушиб кайтди.

Орадан ҳеч канча вақт ўтмай «Шайбонийхон Бухорони кўлга олиб, Самарқандни камал қилгон эрмуш» дея қосидларидан хабар етди. Буни эшитган Ойиша Султон хоним отасининг Шайбонийхонга ишониб, янглишганидан афсус чекди.

– Отажон! Жиянингиз Мирзо Бобурга ёрдам зарур, – деди, – ахир уни енгса...

– Шайбонни ўзимга қарши қўя олмаймен. Агар жиянимга ёрдам юборсам, Шайбон менга қасдлашиб қоладур ва енгмай қўймайдур. Чунки унинг мўри малахдай қўшинига ҳозирда ҳеч ким бас келолмас!

Отасининг мулоҳазаларидан аччиқланса-да, қарши гап қилолмади...

Фақат Мирзо Бобурнинг гумон ва шубҳалари тасдиқлангандагина Султон Махмудхоннинг кўзи очилди. Қизи Ойиша Султон хонимни Шайбоний ўз никоҳига олганда эса алами зиёдалашди. Чунки Самарқанд камали баҳонасида жияни Хонзода бегимга уйланганини эшитиб, «Эвоҳ, Шайбондин вафо ўрнига разолат кўрдук» дея қаттиқ хафа бўлган эди. Ҳозирда эса, амма-жиянларни бир-бирига кундош қилган Шайбонийдан нафратланаркан, кўзлари тўла ёш билан хайрлашаётган қизига қараб нола қилди:

*Олам аҳли бирла оламдин вафо топмас киши,
Эй хуш ул озодаким, олам билан бўлмас иши...*

– Ё Раббим! Қайси бир дардимни изхор айлай, – кўз ёшлари юзини ювди Мўғул хонимнинг, – отамни хор бўлгониниму, аммамнинг қизига кундошлигим-

ниму, очилмай сўлғон муҳаббатимни юрагим қаърига кўмилғониниму?! Қайси бирини айтай?

*Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида,
Қайси бир дардимни изҳор айлайин ёр оллида?*

* * *

Кунлар шу зайлда ўтар, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиш билан овора бир пайтда Хонзода бегим одати бўйича яна боғ сайрига чиқди. Мохирўй ва Нуртожи ёнида, борбон анчадан кейин қўлида гул билан келди.

– Бегойим, бу сарайиб қолғонингиз учун, – деди Хонзода бегимга узатаркан, – ҳамиша шу гулдай яшнаб юринг.

– Раҳмат.

Иттифоқо шу пайт ташқарига чиққан Мўғул хоним уларнинг муомаласини кўриб, кошлари чимирилди: «Бегонанинг гул совға қилиши нимага йўйиладур? Албатта ошиқ-маъшукликқа-да...» Қолаверса, уларнинг узок суҳбатлашиб ўтиргач, боғ оралаб кетишлари ҳам шубҳали кўринди. Панама-пана кетидан борди. Ҳеч нарса кўрмади, ҳеч бир нарсани сезмади, ҳафсаласи пир бўлиб ортига қайтди: «Лекин нега улар бу қадар кўп гаплашишади? Нега? Нимани?»

Келгуси гал хонга буни шаъма қилган эди, унинг парвойига ҳам келмади, чунки «сафарга чиққандаму, ё узокқа бир юмуш била кетғонимдаму албатта бегойингга гул элтиб тур» дея ўзи тайинлаган эди. Бу орада у айғоқчисидан, ўша Гултошни ҳақиқатда ўз навқари ўғирлагани хабарини топди. Унинг оти Абусам бўлиб, ҳозирда узок бир қишлоқда умргузаронлик қиларкан. Буни эшитган Аскар Хонзода бегимга кўп ташаккурлар айтди. Бу иш иккисининг ўртасидаги сирлиги учун Аскар ота-онасини кўриб келишни баҳона қилиб, руҳсат сўради.

– Ота-онангизга беҳад салом айтинг, – кузатиб қолди дўстлари нима гаплигини билмаганлари боис, – албатта қайтиб келинг!

Бир ой чамаси вақт ўтгач, Шайбонийхон яна сафарга отланди... Аммо тезда қайтаётгани ҳақида хабар келди. У музаффарлик оғушида Туркистон сари отини учириб бораркан, на Мўғул хонимнинг Хонзода бегим ҳақида айтганларини ўйлар, на йўлда бирор кори ҳолга дуч келишини хаёлига келтирар, ташнаю гушна кўнглининг малагини тезроқ кўриш иштиёқида ёнар, тинмай йўл босарди:

– *Ишқ душворни осон айлар,*

Ишқ оламни гулистон айлар...

Ишқ саҳросида Мажнун бўлғонмен,

Дард бирла ичу тоши тўлғонмен, – каби мисраларни пайдар-пай пичирлаб борар, негадир бу гал ҳам валаба қозонса-да ичи ғаш эди. Мўғул хонимнинг анови тўқималаридан сўнг Хонзода бегимга нисбатан ишончсизлик қилган ва унинг дилини қаттиқ оғритган эди. У келаётгани ҳақидаги хабарга кўра сал олдинроқ келди. Хонзода бегимни гўзал бир ҳаракатлар оғушига чўмганини кўриб: «Шундай маъсумани хафа қилиш мумкинму? Йўқ! Фақат номардғина кўнглини оғритиши мумкин?», дея ўйлади. Нортожининг хабар бериш ҳаракатига «жим» ишорасини берди: «Ўзим». Ногоҳ кўзи тушган бегим табассум ила қарши олди ва нега Нортожининг келганинғиз ҳақидаги хабарни айтишга изн бермайсиз, дея ўпқаланди. Хон мийғида кулиб қўяқолди. Унинг йўғонлашган белидан кучаркан:

– Ўғлим қийнамаяптиму? – сўради имо килиб.

– Отасининг ўғли бўлғач қийнармуди!

Яна ҳар доимгидай дабдабаю асъасасиз кириб келишларига ишора қилди. Унинг тафтини туйган хон эриди:

– *Ишқ саҳросида Мажнун бўлғонмен.*

Бегим ҳам бўш келмади:

– *Ишқдур хонни жаҳонгир этқон,*

Ишқдур ақл бирла тadbир этқон.

– Офарин! Ҳар гал ақлинғиз бўстониға бўйлағонимда, ундағи фикр гулларига лол қоламен. Те-мурийларнинг ҳаммаси ҳам шунақаму, ё...?

– Қайдам.

– Ҳамиша сўзларинғиздин нафахотлар келадур. Шунчалар ёқимлики, баъзан масту аласт бўламен.

Бегим кулди ва хонни ўтиришга таклиф килди. Шайбонийхон унинг кўпчиган юзларига термулди.

– Ой-қунинғиз яқин қолғон кўрунадур?

– Ҳа, ҳазратим...

Негадир шу пайт хоннинг унга раҳми келди: «Бегим, бу ерда мендин бошқа яқининг йўқ. Ишқилиб Оллоҳим сендин оқ йўлини дарив тутмасун!» дея тилак килди.

* * *

Энди хоннинг Хонзода бегим хизмати учун ташқарига Нортожини қўйиб, ичкарига ўзбек аёлларидан Қоракўз дояни тайинлаганини эшитган Мўғул хонимнинг фикри фалакка чиқди:

– Бу қарикизни мунча пўпаламаса...!

Ўзига ўзи инсоф тилаганини унутиб-да, яна ловуллаб кетарди, Мўғул хоним. Уни бу ҳолга тушишида алам устига аламларнинг қатланиши сабабчи эканини тушунмас эди.

Туну кун хаёли Хонзода бегимни нима қилиб бўлса-да, саройдан қувиш йўлини излаш билан банд бўлару, гоҳо эса, нега энди Хонзодага гашим келади, ахир уям кундош бўлай дебдиму, дея бир оз шаштидан тушарди, тушардию яна хоннинг бегимга кўрсатаётган рамхўрликларини кўриб, алангаси осмонни тутарди. Боши қотган кунларнинг бирида хонимларнинг энг кичкинасиникига ўғри тушди. Ўғри шунақа инсофли эканки, ҳеч бир нарсасига тегмабди. Қизиқ. Бундан шубҳаланган хон кичик хоним жавобини берди. Совуқда қотган қушнинг танаси илиқлик таъсирида ўзига келганидек, Мўғул хоним ҳам айнан шу ўғрилиқ асносида пухта режа ўйлаб олди. Режаки, Хонзода бегим ҳаётини остин-устун қилиб юборадиган.

Ичкарига қўйилган Қоракўз доя ёши улўғроқ хотин бўлиб, унга Хонзода бегимдаги ўзгаришларни ку-

затиб юриш ва бир сония бўлсин ёнидан жилмаслиги тайинланган эди. Бу аёл анчадан бери Шайбонийхон саройида хизмат қилиб келар, рост сўзли бўлиб, катта ўғли Муҳаммад Темурхонга ҳам доялик қилган ва хоннинг ишончини қозонган эди. Яна бир улуф сифати – хиёнат деган кўчани умрида кўрмаган ва унинг нима эканини билмас эди. Шу важдан хон уни Хонзода бегимга тайин қилган эдики, бор холатни тўғри сўзлайдир деб...

Мўғул хоним унинг феъл-атворини яхши билсада, чикмаган жондан умид қабилида, кўлга олиш пайида турли бахоналар билан яқинлашиб кўрди, аммо элини қилолмади. Бу кекса доянинг ишончига киролмади. Шундан сўнг у Нортожигга яқинлашди. Дастлабки уринишдаёқ кўлга олди уни. Чунки ёш бўлгани учун Нортожи ҳам ясан-тусанни, тилла тақинчоклар тақинчини орзу қилар эди. Орзусига Мўғул хоним жуда осон эриштиради, лекин бир шарти билан. Шарти шуки, ҳар жума сарой ташқарисидаги уйига бориб келадиган Қоракўз доянинг ҳарамдан чиқишини кутади, бу орада Нортожи бекасини боғ сайрига олиб чиқади, тамом-вассалом. Бу ёғи ўзларининг иши. Лекин тузилган режа рўшнолик кўрмади. Аксига олиб, доя уйига боришни хаёлига ҳам келтирмас, Хонзода бегим ёнидан бир қадам ҳам жилмас эди. Кутган кунлари ҳам кутлуф келди бегимнинг. Ўғилгина туғди у. Хоннинг шодлиги бекиёс. Ахир ўғли иккита бўлди-я. Катта ўғли Муҳаммад Темурхон укалик бўлди. Сайид Отанинг чақалок қулоғига азон чақирuvi маросимида шод-хуррамлик кунлардан тухфа дея отини Хуррамшоҳ кўйдилар. Энди чақалокқа энага ҳам тайинланди. Иш мушкуллашди. Иттифоқо шундай кунларнинг бирида боғбон Аскар қайтди. Буни кўрган Хонзода бегим Гултошни сўради, чунки уни жуда соғинган эди.

– Улар турмуш қуришибди, – деди у, бошқа гапирмади.

Мўғул хоним яна бошқа бир фитнани хон қулоғига кўйди: эрмушки, бегимнинг ўғлида гумони

бор эрмуш. Буни эшитган хон унинг жавини юмиб қўйди: «Бегим бир тоза гул, унга фақат шудринг қўнган бўлиши мумкин». Ўзига ўт қўйиш даражасига етди бу гапни эшитган Мўғул хоним. Кўзларига бу олам қоронғу бўлди. Аксига олиб хон, агар фитнагарлик қилаверса саройдан ҳайдалишини эслатди. Аммо қўнглининг бир чети кир бўлиб қолди. Чунки хоннинг хотинлари, кискаси сарой ва ҳарам аҳли ҳар хил гаплар гапиришдан қўрқишар, хоннинг қаҳри келса омонлик қўрмасликларини билишарди. Шунинг учун ҳар доим жимлик ҳукмрон бўлиб, фақат Хонзода бегим келгандан бери турли гап-сўзлар урчиди. Лекин хон Мўғул хонимнинг Хонзода бегимга нисбатан кундошлик қилаётганига ҳам деярли ишаноолмасди. Негаки, унга уйланмай туриб Хонзода бегимнинг холаси Меҳр Нигор хонимдан у ҳақида ёқимсиз гаплар эшитган бўлса, Мўғул хонимдан жўяли гаплар эшитганди. «Мўғул аввал ҳам шубҳаланғонини писанда қилиб эрди, бу гал ҳам... — ишончи сўкилди хоннинг, — бир гап борки у дадил сўзлаётир. Ахир шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди-ку? Асос бордурки қўрқмай гапираётир...» Ҳозирда хонимнинг бегим устидан айтаётганларини ўйлаб, тубсиз хаёллар гирдобига шўнғиди хон.

* * *

Кунлар кетидан ойлар, ойларни қувалашиб йиллар ўтди. Кундан-кун улғайиб, бора-бора ўзига қуйиб қўйгандек ўхшаш Хуррамшоҳни кўриб масрурланган Шайбонийхон гумонлар оламини тарк этди. Бу орада бир неча вилоятни қўлга олди. Яна совғанинг қуюғи Хонзода бегимники. Хуррамшоҳнинг атак-чечак босган ва тили чиққан куни ҳам зиёфат уюштирилди. Ичкарига олтин товоқларда кумуш ва тилла тангалар сочилди. Ташқари, яъни авомга ош тортилди. Маълум миқдорда кумуш тангалар улашилди. Шодмонлик кунларнинг кети кўринмас, бундай тотли лаҳзаларни гўё ўғлининг тугилиши бахш этгандек, ой тугса ҳам, кун тугса ҳам она-болага эди. Фақат янги сафари

олдидан амиру беклари ва бошқа амалдорлари билан қисқагина кенгаш ўтказар, асосан аскарлар ва қурол-аслаҳа қанчалигини тафтиш қиларди. У узундан-узок мажлис қилишни ёқтирмас эди. Чунки амиру беклар ва лашкарларининг куч-қудратига ишонарди. Навбатдаги шундай йиғилишдан чиқиб келаётган отасини кўрган шахзода энагасининг қаршилигига ҳам карамай, чопкиллаб борди-да, бағрига ташланди. Бир четда кузатиб турган Кўчкинчихонга кўзи тушган Хуррамшоҳ Шайбонийхон бағридан сирғалиб чиқиб, унинг қошига борди ва чучук тилда салом берди. Бундан эриган Кўчкинчихон бола тилида алик олди ва бағрига олиб эркалади:

— Вожаб! — деди бир вақт хайрат оғушида, — Ўғлинғиздин атиргул хиди анқийдурму? Юзи эса гул янглиғ. Бунинг сири недур?

Шайбонийхон кулимсиради.

— Бегим ҳомиладорлиқ даврида ҳар куни тонгда атиргул хидлағон. — совға қилардим дегани уялди. — киш кунлари эрса атиргул мойидин тайёрланғон мушк анбардин роҳатланар эрди.

— Демак, ақли расо ва гўзал фарзанд тиласанғ, аёлинғни ҳомиладорлиқ давридин алоҳида парвариш қилмоқ керак эркан-да?

— Шунақага ўхшайдир, амаки.

* * *

Шайбонийхон Бухородан сўнг Қаршини фатҳ айлади. Кейин Қалъаи Дабусни қўлга киритди. Самарқандни эса олти ой қамал қилиб, сулҳ шарти билан Хонзода бегимга уйланди ва шу йилнинг қишида Хоникахон вилояти Шохруҳияни, сўнг Ўратепани ишғол қилди. Яқини Султон Маҳмуд Баҳодирхонга Бухоро ҳокимлигини берган эди. Унга ўз черики билан Хоразмни ишғол қилишга жўнатди. Ундан сўнг Султон Маҳмуд Баҳодирни ўзига кўшиб, Ҳисор вилоятига юриш қилди ва у ердан Хусравшоҳни кувиб чиқарди... Юқорида ҳар бир тилга олинган «сафар» сўзи, хоннинг бирор мамлакат ё вилоятга

юришига ишора бўлиб, кискагина «сафарга тайёр-гарлик», «сафарга отланди» каби луқмалар билан аталиб қўяқоларди. Кейинчалик эса Хуррамшоҳнинг соат сайин улғайиб бораётгани ва ҳар турли ширин киликлари, сўзларига махлиё бўлиб ёнидан жилгиси келмас, гўё давлат ишларини унутгандай хотиржам яшамокда эди. Аммо Хонзода бегимнинг синикқан чехраси, маъюс нигоҳларига кўзи тушганда яқинларини, айниқса, онаси ва инисини соғинганини англади. Бегимга билдирмай, Мирзо Бобур ҳақида хабар топишларини айтиб, ҳар томонга махсус чопарларини жўнатди. У Хонзода бегим учунгина эмас, аксинча, Мирзо Бобур ҳақидаги аниқ хабарлар ўзига ҳам нечоғли кераклиги учун хотинига меҳрли эр сифатида иш тутаётганди. Улар салкам икки ойга яқин фурсатда қайтиб келишди. Шундагина бегим ўз кулоқлари ила эшитсин дея махсус хонасига ҳаммасини чорлади.

– Бегойим, – шоп мўйловли йигит дўрилдоқ овозда сўз бошлади, – биз бир гуруҳ йигитлар ининғиз Мирзо Бобурни излаб, чўлу саҳро, водийларни кездик. Ҳозир у Ўш, Ўзган ва Марғилонни олибдур. Андижонни ими-жимиди қўлга олмоқчи бўлғонда йиборғон элчиси ўронни нотўғри айтқони учун ниятига етолмағон кўринадур. Негаки, бир томони Работи Рўзак қишлоғига кириб, теп-текис ерға тушғонларида рафлатда қолиб Аҳмад Танбалға енгилитурлар.

– О, бечора иним!

Навкар Шайбонийхонга қаради, ундан гапиравер ишорасини кўргач:

– Аммо ининғиз Танбалнинг укаси Шайх Боязид била ҳамкор бўлғонини эшитқон Аҳмад Танбал бизнинг хоқонимизға акаси Бек Телбани йибориб, ёниға чорлағон эрди, – деди ҳикоясини давом эттириб, – лекин бу орада Шайх Боязид акаси томон ўтибдур.

– Вой Худойим-эй!

– Бу орада Аҳсини арки била қўлга олибдур. Қаранғки, инсофға келиб қолғон Аҳмад Танбал

Шайх Боязид, Қанбар Али ва Муҳаммад Дўстни сулҳ тузишга жўнатибдур. Аммо ининғиз одамлари Жаҳонгир Мирзо била Иброҳим Чопук сулҳга хиёнат қилиб, Қанбар Али била Шайх Боязидни қўлга олғонлар. Муҳаммад Дўст қайтиб кетгон эркан. Хуллас, Мирзо Бобурни ёғий қўлидин Карнон кентида жон тортқон навкарлари Қутлуғ Муҳаммад Барлос ва Бобойи Парғарий йигирма-ўттиз чоғли кишилари била қутқарубдурларким, бу таҳсинга лойиқ.

– Худоға шукр! – Шайбонийхонга қаради Хонзода бегим, – хазратим?

– Рухсат.

Хонзода бегим гарчанд иниси мағлубиятлар гирдобида эса-да, бироз хотиржам бўлди: «Энг муҳими тирик! Ҳа, тирик! Ишончли одамлари бирлан эркан. Онам қандай ахволда эркан? Соғлиғи-чи? Бечора онам. Умрининг кўп қисмини сарсону саргардонликда ўтказяпти. Ахир бизларга ҳам Худонинг атағони бордур. Вақтлар келиб, инимга ҳам толесъ кулиб боқар...»

У чопарга суюнчи тарзида тилла тангалар ҳадя этди.

Хоннинг бу ишидан Хонзода бегим ниҳоятда хурсанд бўлди.

Шайбонийхон ўғли билан узоқ ўтирди ва тонг саҳар намозини ўқиб, ташқарига чиқиб кетди-да, дарҳол қайтди:

– Шаҳзодани эҳтиёт қилинг!

Бошқа гапирмади, тунд эди. Бундай пайтларда бегим гарчи Шайбонийхоннинг ишонч тоғини забт этган бўлса-да, юрак ютиб бир гап сўраёлмас эди. Нима гаплигини билолмай, ҳайронликда қолаберди. Лекин хон бир ҳафта ўтмай қайтиб келди. Яна ҳеч бир сўз демади. Тунд. Кейинчалик танқўриқчиси Ширимбекдан Носир Мирзо Борон ва ўша атрофда юрганида бадахшонийларнинг ўзбекларни ўлдиргани ва ўзбек билан юз кўрмас бўлиб кетганини эшитди. Сўнгра Қалъаи Зафарнинг Рустоқида Шайбонийхоннинг садрини бир неча ўзбек билан ўлдирилгани хабари келгач, сафарга отлангани маълум бўлди. Бу

гал куруқ кўл билан қайтишига караганда, омад ундан юз ўгираётган эди.

* * *

Замоннинг ҳам неча ёзу қиш ва қанча баҳору кузни кутиб олиб, кузатиб қолишдек буюк хизмати бор. Неча-нечалаб бўлиб ўтган воқеа-ходисаларга гувоҳлиги бор. Шайбонийхоннинг дўқ-пўписалари билан анчайин тили тийилган Мўғул хоним хоннинг Хонзода бегим ва ўғлининг атрофида парвонагирлигини кўриб, яна ўзини ўзи инсофга чорлашини унутди, тоқат тоғига теша урилди, нурай бошлади. Чидаялмай қолди. Сабрни унутди. Унутдигина эмас, бор борлиғидан қувиб чиқарди. Бошини кундага қўйиб-да, режасини амалга оширишга бел боғлади. Хонзода бегим эса унинг жимлигидан бепарво эди. Неча йиллардан бери Шайбонийхоннинг сафарларида бирга бўлган Мўғул хоним хонликлар ҳаётини алғов-далғов қиладиган гап-сўзларни эшитавериб, пишиб қолган эди. Ҳозирда режасини амалга ошириш учун қулай фурсат етган, фақат Шайбонийхоннинг кўнглига қутку соладиган гап-сўз тарқалса бас! Йўлини ҳам топди, кўп ўйланмай. Фурсат етишини кутиб юрган ушбу дамда «Бобур кучайиб бораётқон эрмуш» деган гапни тарқатди. Бунга хон нечоғли эътибор берган-бермаганини билиш учун кечга яқин канизаги Чарос орқали йўқламоқчи эди, хоннинг ўзи ташриф буюриб қолди. Бор ширин сўзларини бахшида этди хонга. Бошини, елкаларини уқалади. Қанчадан бери кўришмагани учун соғинганига ишора қилди. Хоннинг бироз арази ёзилганини сезгач, дастурхон ёздирди. Хўлу куруқ мева-чевалар қўйдирди, олтин сувида нақшланган чойнақдан пиёлага чой қўйиб узатди.

— Қуни кеча қаёққадир шошиб кетиб, — ҳаммасини, хоннинг ҳар бир қадам олишини кузатиб, хабар топиб турса-да, билмаганга олди ўзини. — тезда қайтдинғиз, тинчликму?

– Ҳмм, бадахшонийлар билан ўзбаклар орасида озгина келишмовчиликлар содир бўлибдур. Шунини бартараф этиб келдим.

– Унда яхши, ҳазратим. Мен анови Бобур яна бош кўтарибдур-да, деб хавотирландим.

«Мунча Бобурни ёмон кўради? Ахир, қариндоши бўлса... – гумони ортди хоннинг, – Хонзода бегим аммасининг қизи бўлса... Тоға жиёнинг парокандалиғидин сезгондай бўлувдим-а... Ҳмм. Нимадир гап бор-да, бу ерда...»

– Эл орасида Бобур яна кучайгон эрмуш дегон гаплар оёқ чиқарибдур. Аввалига бу фитнадур деб ишонмагон эрдим. Аммо...

– Мундин бошқа гапингиз йўқму?

Мўғул хоним шошиб қолди.

– Пешонангда душманинг турғонда бошқа гап кўнглингга сизмас эркан. Ҳар не бўлгонда ҳам душманингиз, кучаядурму, кучаймайдурму эҳтиёт бўлгонингиз яхши деб ўйлаймен-да...

Хон ўйланиб қолди. Ўқни нишонга беҳато урганидан мамнун Мўғул хоним:

– Эл тилида илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён дейилгувчи улур ҳикмат бор. Сиз, яна ўз душманингиз илдизига беҳисоб озукалар бериб, кучайтираётгон бўлманг, ҳазратим.

Хон ажабланиб қаради. Чойини ичолмай, пиёлани дастурхонга қўйди.

– Ҳа ҳазратим, ахир Хонзодага бергон ҳар бир совғангиз Бобур учун беҳисоб лашкар, ё кийим-бош, ё озиқ-овқат эрмасму?

Бунини ўйламаган Шайбонийхоннинг қийик кўзлари йилтиллади: «Шундай бўлиши мумкинму?»

Шу пайт ўрта ёшлардаги бек эшик олдида аста томоқ қирди:

– Ҳазратим, – деди у шошилигич, – сизни амиру салотинлар чорлаётир.

Шайбонийхон шошиб чиқиб кетди.

– Қосидларнинг хабарича, Андижон кўрғонининг пойни нурай бошлабдур, – деди амирлардан бири, – Аҳ-

мад Танбални қўлга олиб, Ҳисор томон юрмоғимизга йўл очилғонга ўхшайдур. Ҳа хазратим, у ерда бизни пурдиллар кутаётур.

Вақт зик эди. Шошилинич тайёргарлик бошланди. Кетар олдидан ўғли Ҳуррамшоҳ билан хайрлашаркан, унинг юзларидан ўпди:

– Ўғлим, мен сафардин қайтқунча онанғиз бирла эҳтиёт бўлинглар! – жиддий деди.

Бола ҳам ниманидир тушунган каби дам ёнида турган онасига, дам отасига қараб илжайди:

– Ҳўп ота, акамга ҳам шундай дединғизму?

– Ҳа ўғлим, аканғизга ҳам айтардим, афсуски у ҳозир ёнимда эрмас. Ҳозир отакаси билан биргалар. Худо хоҳласа, келгуси йили сизни ҳам отакага топширамен.

– Отака нима?

– Сизга оталиқ қиладур.

– Йўк! Мен сиздин бошқа отани хохламаймен!

Шайбонийхоннинг кўзлари қувончдан порлаб кетди, шундай эса-да:

– Мажбурсиз, ўғлим, – деди жиддийлигини йўқотмай, – бу ҳар бир шахзоданинғ манглай ёзуғида бор.

Ҳуррамшоҳ унинг қўлларидан сирғалиб тушди-да, аразлагансимон ҳўмрайиб нари кетди.

– Ваҳимага солманғ бизни, – Хонзода бегимнинг юраги увишди, – сафар олдидин бундоқ номақбул гапларни қилмас эрдинғиз? Ахир сизни, ўғлимни деб юрибмен бу ерларда...

Шайбонийхоннинг баданида чумоли ўрмалагандай бўлди.

– Бегим, бундай гапларни қилсам-қилмасам-да, подшоҳларнинг тақдирида бир куни сафардин қайтмаслиқ бор.

Бехосдан хоннинг овзини тўсди титроқ қўллари ила Хонзода бегим.

Ёлборувчи нигоҳлар кўз ўнгида муҳрланиб қолди Шайбонийхоннинг. Оғзини тўсган титроқ қўллар тафти қолди лабларида хоннинг. Меҳр тўла кўзларнинг,

ишонч тўла сўзларнинг оғушида ўзига келди у: «Бегим соткин аёллардин эрмас!» Шитоб билан чиқиб кетди у. Буни кўшк айвонида кузатиб турган Мўғул хоним чаён чакқандай тўлғонди: «Эримиз қайтгунча сен учун гўр қаздирмасамми, — гижинди у яна бир фитна тузмоқни ўйларкан, — тавба, хонға шунча гап-сўзларим таъсир қилмайди-я... шу қадар севадирму?! Нимасини? Ўзи нимаси бор бунинг?» Хоннинг ўзига нисбатан беътиборлиги кучайиб бораётганидан Мўғул хонимнинг қони қайнар, фитна пичоғини қайраб, қутуриб борарди: «Сен қарикизни мунча бошида кўтармаса?» гўлдирарди баъзида.

* * *

Қосидларнинг бирин-кетин юборган хабарларига кўра иш тутган Шайбонийхон беҳисоб чериги билан Андижон томон юриш қилди ва у ерда Аҳмад Танбални асир олди. Сўнг ғалабадан масрурланиб, Ҳисор устига лашкар тортди. Лекин у ердагилар уруш-талашсиз вилоятларини ташлаб қочдилар. Шайбонийхон Ҳисор қалъасига кириб борганда, у ерда Ширим танқўриқчиси ва бир гуруҳ пурдил йигитлар бор эди. Шайбонийхон доврўғини эшитган бошқа беклар ҳам ўз вилоятларини ташлаб қочдилар, булар эса Ҳисорни кўриқладилар. У Ҳисор камалини Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон зиммасига юклаб, ўзи Қундузга келди ва бу вилоятни иниси Маҳмуд Султонга тортди қилди. Кейин эса беҳисоб лашкарлари билан Хоразмга, унинг ҳокими Чинсўфининг устига юриш қилди. Самарқандга ҳам етмаган эдики, орқасидан мусибатнинг лашкари етиб келди:

— Ининғиз Маҳмуд Султон фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга равона бўлдилар.

Шайбонийхон тезда ортига қайтди ва таомилга кўра укасини дафн этди. Катта маърака ўтказди. Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмас деганларидек, Қундузни Қанбарбий Марвийга бериб, ўзи Хоразм томон кетди. Бундан хабар топган Хусравшоҳ Қундуз томон йўл олди. Буни эшитган Қанбарбий Ҳамза Султон

ва қолган ўзга султонлардан ёрдам сўради. Ҳамза Султон Аму ёқасига, Саройга келиб, лашкарларни ўғиллари ва бекларига бошлатиб, Қундузга юборди. Булар етиши биланок рақиблари қалъадан чиқишди, аммо уруша олмадилар. Ўша ондаёқ Ҳамза Султоннинг йигитлари уни отдан туширишди. Қосимни, Ширим танқўриқчини, яна баъзи зўр йигитларни у дунёга жўнатдилар. Хусравшоҳни эса Қундузга олиб келиб бошини кесдилар ва Хоразмга – Шайбонийхон қошига юбордилар. У қонга бўялган бошни кўриб, кўнгли айниди ва кўзларини чирт юмди-да: «Эй Танграм?! – деди пичирлаб, – шундай шармандали ўлимдин ўзинг асра! Марҳаматингни дариф тутма?!»

Айни шу кун яна ёмон туш кўрди. Тушки энг беҳосият. Ўзи ҳам «кўп хосиятсиз» дер, туш тафсилоти ҳар ёдига тушганда «Охири бахайр бўлсин» дея тиларди. Кўзларини юмса ҳам, юрса ҳам, турса ҳам қонга бўялган бош хаёлида гавдаланаверганидан тезда отининг жиловини Туркистон томонга қараб бурди.

Келганидан барчанинг боши осмонга етганини кўрса-да, шунчаки тил учида сўрашди. Дарҳол янги танқўриқчисига саройнинг шарқ томонидаги маҳаллада истиқомат қиладиган башоратчини келтиришни буюрди. Фолбинлару баъзи ирим-сиримларга ишонмаса-да, дилига азоб бераётган қораликка чора топарманми ё бироз нохушлиқдан чалғирманми дея ўйлаган эди. Эрта тонгда етиб келган танқўриқчи ёнидаги башоратчини кўрган Мўвул хонимнинг эса капалаги учган, юрагига қил сизмас даражага борди. Чунки Шайбонийхоннинг йўқлигида тухмат ва ифвонинг турли кўчаларига бўйлаб чиққан хонимнинг режаси амалга ошган эди. Яъни Нортожининг қорни оғриб қолиши ва қолганларнинг бовдалиги вақтида канизаги Чарос Хонзода бегимнинг тақинчоқлари сақланадиган қутисини ўғирлаб чиққан эди. Унинг бир четида сақланаётган мактубларни кўриб, Мўвул хоним бир-бир очиб ўқиган эди: «Ҳали сенда шунақа юрак борму? Бу қариқизга ҳам ошиқона ғазаллар

биткон эркансан-да... Демак, ўхчанғдин урғони рост эркан-да?» Дод дегиси келган, бу ёруғ оламга сизмай кетганди. Мўғул хоним титранган кўйи мактубларни вижимлаб отган, сўнг Чаросга ёкиб юборишни буюрган эди. Бугун эса тонг сахарлаб ўзи катнаб юрадиган башоратчининг хон хузурига кириб кетганини кўриб, лабларига учук тошди. Ўзини кўярга жой тополмай қолди у. Охири пайтини пойлаб, танкўриқчидан хон нега башоратчини йўқлагани сабабини сўради. У эса Ширимбекка ўхшаб бир бошдан сўзламади. Билмаймен, деб кўя қолди. Ҳақиқатда танкўриқчи билмас эди. Шайбонийхон эса хонимнинг гумонини болалатиб, ўзининг хос хонасида башоратчи билан узок қолиб кетди. Анча вақт ўтгач, башоратчи ташқарига чикди ва ҳеч ким билан сўрашмай-сўзлашмай, кетди-қолди. Мўғул хоним ортидан Чаросни жўнатиб, ташрифининг боисини сўратмоқчи бўлди, аммо танкўриқчининг ёнидан жилмай, бирга кетаётганини кўриб, иложсиз қолди. Бир шубҳаси юз чандон ортган Мўғул хоним охири соғинганини рўкач қилиб, хоннинг хузурига кириб борди. Қовоғидан қор ёғилаётган Шайбонийхон хушламайгина қаради ва:

– Ҳоли қолмоқчимен, – деди тўнғиллаб.

Муомаладан Мўғул хонимнинг ранги оқарди:

– О ҳазратим, мен сизни огоҳлантирғон эрдим-а, – деди ўзини қўлга олиб таъзимланаркан, – Хонзодани кун кеча бир шубҳали киши бирла сўзлашқонини кўрдим. Ҳойнаҳой Бобурнинг одами бўлса керак?! Фафлатда қолмайлик деб...

Хон аввалига тушунмади, сўнг:

– Нима-а-а? Бобурнинг одами? – сўради.

– Ҳа, менимча, уч-тўрт кун бўлди-ёв, бегим боғда Аскар ва ўша нотаниш киши билан узок гаплашди.

Дарди дунёси қоронгулашди хоннинг: «Нахотки, ўриш-арқоғи тоза деб юрсам... Демак, Бобурнинг кучайтқони рост! Ўв! Ўшанда сени нега янчиб ташламадим-а? Янчирдим. Ҳа, лекин қандайдир куч шаштимдин туширди! Энди эрса... Ахир айтарлару, душманиннга раҳм қилмай ўлдир, бўлмаса сени у

ўлдиради, деб... Шунини била туриб... Ахмоқмен, ахмоқ?!»

* * *

Бир-икки кундан сўнг ташриф буюрган хон Хонзода бегимга унча рўйхушлик бермади. Сабабини тушунмаган бегим эса нима қилишни билмай каловлар, ҳали тоғдан, ҳали боғдан гапирарди. Охири:

– Боғбон бирйўла кетмоқчи, – деди зимдан разм солиб, – тунов куни, уч-тўрт кун бўлди менимча, ўша канизагим Гултошни ўғирлағон навкар Усам келиб эрди.

– Усам эрканму? – жонланди хон, чунки Мўғул хонимнинг «Бобурнинг одами» дея айтганларидан сўнг, боши берк кўчага кириб қолган ва нима қиларини билмаётган эди. Бегимнинг ҳозирги гапидан кўнглига тумандай ёпирилиб келган шубҳагумондан асар ҳам қолмади.

– Ҳа, ҳазратим.

– Қиличбозликда моҳир эрди, – хоннинг ковоғи очилди, – нега кепти? Ахир Асқар уникига борғон, топғон эрди-ку?

– Шундай, аммо Асқарбек борғонда Усам уйда йўқ эркан, бир онаси бор эркан, холос.

Ўша биринчи учрашувдаёқ ороми йўқолгани, ўғирлаб келиб уйлангани, шундай эса-да унга озор бермагани, келгуси йили ўғил фарзанд кўргани, афсуски туғитда қон тўхтамай оламдан ўтгани, қирқи ўтгач, чақалоқнинг ҳам нобуд бўлгани ҳақида сўзлаб берди.

– Муҳаббатнинг кучини қарангки, Усам Гултошдан кейин ҳалиям уйланмабди. Асқар ҳам уни деб бўйдоқ ўтяпти.

– Хмм, буни чин муҳаббат деса бўлади.

– Шунини айтамен-да, ҳазратим, энди бу ердин Асқарбек бирйўла кетмоқчи. Қолган умрини Майманакда ўтқизмоқчи. Эрта-индин йўлга тушмоқчи.

«Хмм, Мўғул айтқон «Бобурнинг одами» Усам эркан-да, – ўйга толди Шайбонийхон, – демак, бу навбатдаги фитнаси...»

Эртасига Мўғул хонимга қаттиқ тегди хон, лекин саройни тарк этар жавобини бермади.

Кейинчалик у имом-уззамон ва халифат-ур-рахмон мақомини олгач, кофирларга қарши кураш ниқоби остида қанча мартабали подшоҳларни фано водийсидан бақо саҳросига элтиб, Мовароуннаҳр мамлакатларини ва Туркистон вилоятларини Кошғар чегарасидан тортиб, Бадахшон, Балх, Хуросон ва Озарбайжон ноҳиятларигача бўлган ерларни ўз идорасига ва қарамига киритди... Баъзи воқеалардан сўнг хон доира шаклидаги қўрғоннинг ёнма-ён солинган уйларидан воз кечди ва асосий хотинлари учун кўшқлар курдирди. Мўғул хоним учун алоҳида юқори зийнатланган ва безатилган кўшқ солдирди. Бу билан гўё хаммасидан ортиқ кўрганим сенсан демокчи бўлди. Бошқалар олдида буни исботлагандай йўл тутди.

* * *

Башоратчи тушни яхшиликка йўйди. «Турмушингизда бадхоллик оралаб ўтгай», деб кўя қолди. Уни олтин тангалар, бир қатор кийим-бош билан сийлади. Лекин кўнгли туманли ҳаво каби қолаверди. Юрагининг туб-тубига тошдек ботган гашлик тарқалмади. Унинг ҳолини кузатиб юрган Хонзода бегимнинг кўнгли ниманидир ҳис қилса-да, ботиниб сўрай олмади. Ўзи ҳам бир туш кўрди: «Аввалги тушида кўрган кенг яйловнинг ўртасида чоғроқ йигитлари билан хон турган эмиш. Бир вақт осмону фалакдан қоп-қора, тумшук тирноқлари қип-қизил баҳайбат бир қуш учиб келармиш-да, хонга чангал солганча, кўздан ғойиб бўлармиш. Йигитлари эса ҳар томон зир югуриб қолаверармиш». Чўчиб уйғонган Хонзода бегим у ёғини эслолмади: «Кенг яйловлар ям-яшил ўтлар билан қопланганмишму-е... Қоқ ўртасида иниси Бобур билан юрганмишму-е...» Хуллас, бу ёғи ғира-шира хотиралар каби. У онасидан ўрганган одат бўйича туш ҳақиқа, Хуррамшоҳ туғилганда суюнчи бўлиб йиғилган олтин тангаларни йиғиб, зеб-зийнатлар сақланадиган қутига солиб қўйган эди. Ўшалардан

беш-олтитасини Сайид Отага назр-ниёз қилиб бериб юбормоқчи бўлди. Аммо қараса қути йўқ! Осмонга учиб кетганми, ерга кириб кетганми, ҳеч ким билмайди, қути йўқ! Ҳайратланди Хонзода бегим: «Ким олиши мумкин?» Бу ҳолдан кириб-чиқиб юрганлар хижолат, айникса, Моҳирўй: «Ҳеч жаҳонда қиз онанинг буюмига кўз олайтирадурму? — йиғларди уни биров сен олгансан дегандай, — Оллоҳға қасамлар бўлсун...»

— Шаккоклик қилманг, — ўз тарбиясига олгандан бери оқу қорани ажрата биладиганга айланган Моҳирўйни койиди бегим, — қайтиб бунақа хунук сўзларни ихтиёр қилманғиз!? Сизга ярашмайдур!!

Ёмон гапнинг қаноти бор деганларидек, бу гап хоннинг ҳам қулоғига етиб борди. У барчани сўроқ-саволга тутди. Жумладан, Нортожи, энага, хатто боғбон Асқарни ҳам.

Буни эшитган Мўғул хоним ўзини унутди, ўзлигини унутди: «Хизматкор бажарадурғон ишни ўз зиммасига олибдурму? Ё товба! Хонлигини унутиб-а?»

— Қанақасига йўқолиши мумкин? Ахир мен эшик ёнидин жилмасам. У муштдеккина эрмаски чўнтакка солиб, ё кўлтиққа уриб опчиқса?! — деярдн тинмай Нортожи, — товба!!

Хонзода бегим эса йиғламсираб:

— Кечагина ўрнида турғон эрди, — деди хонга қараб, — чунки яқинда ёзғон мактубинғизни унинг бир четиға солиб қўйғон эрдим.

Бир иликлик овушида сархуш бўлди хон: «Демак, мактубларимни кўз қорачуқларидек сақлаб келар эркан-да». Меҳри товланиб кетди бегимга.

— Ишқилиб, ким олғон эрса-да яхшилиққа бўлсун.

Бегимнинг сўнгги сўзлари хонни ўйлантириб қўйди: «Ҳа, ким олғон эрса-да..., бегим тўғри айтаётир!» У аста Хонзода бегимни бағрига оларкан:

— Куйинманғиз, — деди, — барча бойлигу кўнгул ашъорларим сиздин айлансун. То мен тирик эрканмен, ашъорлар эркан, ел ҳам сизга озор беролмай-

дур. Кўз ёшларингизни артинг-да, шақийлар олдида бошингизни баланд кўтаринг!!

Хоннинг кетидан Хонзода бегим гарчанд ичини ит тирнаб турса-да, бироз юзига оро бергандай бўлди. Шу пайт хол сўрамоқ учун кириб келган Мўғул хоним унинг кайғусига ўзини ҳамдард кўрсатиб, шундай лутфлар қилдики, Хонзода бегим умрида ундан бундай илиқ ва чиройли сўзлар эшитмаган эди. Бегим эса унинг бу ҳаракатларига бефарқ, хон билан ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни сўзлаб берди. Аламидан тўкилай деса-да, бўш келмаган хоним:

– Шунақа, – деди кибр билан, – бошингга бир кулфат тушса шунақаям кўнгил овлайдики... Жанг майдонида шаҳид бўлгон отам ва бешта жигарбағирларимдин айрилғач, уззу-кун йиғлайвергонимдин кўнглумни кўтармоқ учун нималар қилгонини билсангиз эрди: ҳали олмос кўзли тақинчоқлар совға қилар, ҳали сайрға олиб чиқар, ҳали баковулларға энг мазали таомлар пиширтирар, хулласи калом меҳрибончилиқларининг адоғи йўқ эрди.

У йўқ нарсалар, аммо бир умр орзу қилиб, хондан умид қилганларини сўзлаётганди. Унга хоннинг: «Шақийлар олдида бошингизни баланд кўтаринг» дея айтгани ботиб кетганди: «Демак, хон унга ўзига ишонгондай ишонади, – ўйга чўмди уйига қайтаркан, – бу режамнинг ҳам юзи очилмади. Қаердин билибмен, бу писмиқни тил била аврашқа усталиғини! Ёзгон хатингизни унинг бир четига солиб қўйгон эрдим эрмуш. Билгонда, бундай сўзларни эшитқон хон етти олам бойлиғидин ҳам кечишини! Хиёнат аталмуш палид сўзни ҳам унутишини! Энди нима қилсам эркан?»

Бошининг ичию тоши қотди унинг.

* * *

Лекин Мўғул хонимнинг гўё шубҳа-гумон ниқобида айтганлари қисман тасдиғини топганидан баъзан хоннинг таъби тирриқ бўлар, бош-кети йўқ ўйлар оғушида азобланар, бирон ечимини тополмай хуноби

ошарди. Бирор киши билан маслаҳатлашгиси келар, лекин ким билан? «Наҳотки Мўғулнинг айтқонлари рост? «Душманингиз илдишига беҳисоб озуқалар бериб, ўзингиз кучайтираётқон бўлманг?» Миясига ўрнашиб қолган ушбу гап унинг тинчини бузар, ҳар ўйлаганда нима килишини билмай, гаранг бўларди. «Демак, қутини инисига бериб юборғон. Ё энди бериб юборади. Кимдан? – бирдан боғбоннинг кетмоқчи экани ёдига тушди, – хм, Асқардан, ҳа, Асқардан! Чунки у биратўла кетишга изн сўраётғонди. Шунинг учун эркан-да...!»

У дарҳол Асқарни йўқлаттирди. Аммо унинг тунда от миниб қаёққадир кетганини эшитгандан сўнг, кўзлари олайиб кетди: «Демак, рост! Қути йўқолғони ошкор бўлғач, отини камчилаб қолғон!»

Зухра бегимдай маккорани довда қолдирган Шайбонийхон ҳам анойилардан эмас эди. У пинҳона одам қўйиб, аниқламоқчи бўлди. Шунинг учун Асқарнинг кетидан шошилиш равишда иккита соқчини жўнатдики, қутининг ундалиги исботланса, Хонзода бегимдан воз кечади. Ундан айрилиш қанчалар оғир эса-да, бас, душманинг опаси экан, бошқа бир дўст хонадон маъсумасини севса-да, у билан умргузаронликни давом эттирмайди. Қўйнида илон асрамайди... Аммо соқчилар икки кунда Асқарни еру кўкдан тополмаганларини айтиб, тиз чўкканларини кўриб, бошини чангаллади: «Шундоқ бурнимнинг тагида эрди-я!» унинг қудрати қанчалар кучли бўлмасин, кетма-кет келаётган пинҳоний зарбаларни кўтара олмаётган эди. Охири касал бўлиб қолди. Ҳа, у икки ўт ўртасида қовурилар эди: бир томондан Мўғул хонимнинг айтганлари исботланиб турибди, иккинчи томонда эса Хонзода бегим бойликни эмас, ёзган хатини қутида сақлаши эшик қоқиб турган гумонларни рад қилиб турибди. У касал ётган ерида ҳам шулар хақида ўйлар, бир қарорга келолмай, боши котарди. Ҳар куни бир кириб, хол сўргувчи Мўғул хоним эса, албатта бир пичинг билан унинг кўнгил ойнасини хира қиларди: «Ишонган тоғда кийик ётмас» деса бир

сафар, «Ишкилиб чув тушиб қолманг-да» дерди янаги гал киришида, «Асқар тунда эрмас, тонг пайти кетди, — деди охирида, — отининг орқасига қоп орқалаб олғон эрди». Хон унинг бомдод намозидан анча олдин турадиган одатини билгани боис, сўнгги гапларига ишонди: «Демак, Асқар Бобурнинг одами».

Бирин-кетин ҳол сўраб киргувчи амиру бекларидан бири табибнинг муолажасини маслаҳат берса, иккинчиси Сайид Отани чорлаб, дам солдиришни таъкидлар, яна бири... Хуллас, ҳар бири ўз билгича хоннинг дардига шифо изларди: «Эвоҳ, дўсту биродарларим! — дерди уларнинг ортидан, — Кўнглум касал! Унинг давоси эрса — ҳақиқат! Ўша ҳақиқатни ким юзага чиқара оладур!? Ҳа, ким?!» Табиб кўриб, ўта толиққан, дам олсин, деди. Эртаси куни Сайид Ота келиб узок дам солди. Барибир унинг елкасидаги оғирлик тушмади. Тушининг таъбирини ҳозирда бўлаётган дилхираликка йўйиб, ўзини бироз енгил сезса-да, мабодо хиёнат тасдиқланса, Хонзода бегим билан унинг ўғли, атир хиди келиб турадиган жону жаҳони бўлмиш Хуррамшоҳдан айрилишдек мусибатга бардош беролмаслигини ўйлаб, тонгдан то кечгача, баъзан тунлари ҳам ҳар турли режалар тузиб чиқарди. Барибир натижа йўқ! Сайид Отанинг иккинчи бор келиб дам солиши асносида улар узок суҳбат қуришди. Лекин бегим обрўйига зарра бўлсин доғ юқадиган гаплар қилмади. Аксинча, Мўғул хонимнинг кундошлиқ қилаётгани ҳақида сўзлаб, зимдан ночор аҳволда қолганини маълум қилди.

— Ҳар сафарга кетаётиб она-бола ташвишида бўламен. Бирон шикаст етказадурму, ё захар бериб кўядурму дея хавотирланамен. Қайтғунча, она-болани соғ-омон кўрғунча кўзим тўрт бўладур, — деди охири сўзини якунлаб, — унинг фитналари бегимнинг бошига етмаса, деб қўрқамен.

— Йўғ-э, улар ахир кариндош-ку?!

— Кундошлиқ ўти кариндошлиқ ришталарини ҳам кўйдириб ташлар эркан, ҳазратим.

– Унда, сафар олдидин киши билмас бир хавфсиз жойга жўнатиш лозим эркан.

– Ҳа, ҳазратим. Бу борада сизнинг кўрғонингиз менга маъқул келадур, – деди иккилана-иккилана, – чунки сизлардек дин пешволарига ишонамен. Яқинларим олдиға юборғони кўзим қиймайдур! Ҳа ҳазратим. Уни ортуқча яхши кўрамен. Усиз ҳаёт суви ҳаромдур!

Сайид Ота кўкрагини тўлдириб турган кумушдек соқолини силаб, узок ўйга толди: «Бировнинг каримул-ахлоқини кўрғонда никоҳсиз сақламоқ шариатимизға мувофик эрмас. Аммо хоннинг ўзи шу қарорға келдиму, демак, бир нарсани сезаётир».

– Маъқул, – деди гапни қисқа қилиб.

Хон бир оз тараддудланиб тургач, сўради:

– Бир вақтлар саройдин қувилғон сайидингиз, халиги, қариндошингиз хали ҳам хизматингиздаму?

Сайид ота маъноли қаради. Чунки у хоннинг муддаосини тушуниб етган эди.

– Ҳазрати олийлари, англадим, – бошқа сўз айтмади.

Шайбонийхон бир халтани узатаркан:

– Энг қиммат тошлар, – деди кўзларини ерга тикиб, – икковининг қолғон умрларига етадур. Мабодо бирор кори ҳол рўй берса... – бошқа гапиролмади.

Бир-бирига қовушмаган сўзларни гапирган хонга қараб, ҳазратнинг ичи овриди: «Бу ерда бошқа бир гап бор», гумонлади яна, аммо сўраёлмади.

* * *

Шайбонийхон амир ва бекларнинг сафарга чорловига эътибор бермай, Хонзода бегим билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Унга кўз ташларкан: «Оддий фуқаро бўлғонимда унинг ҳаёти таҳлика остида қолмавон бўлур эрди, бахтли яшардик», деди хаёлан. Суҳбатлашиш асносида бегимга юрагида йиғилган қат-қат армонларию гап-сўзларидан ҳеч бир оғиз очмади. Негаки, Хонзода бегимнинг сиёқи, яъни мафрурлиги ҳуда-беҳуда гаплар гапириш ё бачкана қи-

ликлар қилишга йўл бермас эди. Шу тугайли хон ҳам кўп бора кўнглидагини миқ этолмас эди. Мана шу жиҳатлари билан ҳам Мўғул хонимдан устунлигини ҳис қилар ва унга нисбатан меҳру муҳаббати ортиқлигини сезиб турарди: «Умрим давомида жангу жадаллар ичра юрдим ва тан оламенки, неча минглаб авомнинг бўйнига қилич солмасам-да, қилмиш ва истакларим йўлида ёстиғи қуришига сабабчи бўлдум. Бас! Энди тинчгина яшамокчимен! Яқинларимнинг ҳам норозилик жойи қолмади. Ўзларининг хатти-ҳаракатлариға мос сийладим». У ўз яқинлари ва амиру бекларни бир вилоят, ё бир мамлакат бериш билан тақдирлагани ҳақида ўйлаётган эди. Чунки унинг кўл остига Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари, Бадахшоннинг жами вилоятлари ўтган эди. Шунинг учун бу қадар кенг ҳудудни бошқаришда қийинчилик ва тўсиқларга дуч келишини ўйлаб, ўзига яқин ва ишонган одамларига бўлиб берган эди. Жумладан, амакилари, буюк подшоҳ ва алломаликда тенги йўқ бўлган Улуғбек Мирзонинг набиралари Кўчқинчихонга Туркистонни, Суюнчхўжа Султонга эса Тошкент вилояти ҳокимлигини берди. Аҳси ва Андижон эса шижоат бобида машҳур бўлган лашкарбоши Жонибек Султон ихтиёрига ўтди. Шохрухия ва унинг атрофи амир Ёқуб Вафодорга топширилди. Дорул маҳфуза Самарканд эса, амакиси Аҳмад Султоннинг илкига ўтди. Ҳисор мамлакати ва унга тобе ерлар Ҳамза Султон ва унинг укаси Маҳдий Султонга мансуб бўлди. Эрлар шаҳри бўлган Термизда Саид Муҳаммад Султон, Қундуз ва Боғлонда эса амир Қанбар ва Саид Ошиқ ҳукмронликни ўз кўлларига олдилар. «Бас! — яна ўзига ўзи хитоб қилди у, — буларни якжиҳатликда ушлаб турмоқ ҳам лозим. Токи теурий шахзодалардек парокандаликка юз тутмасунлар!»

Шу пайт қосидлардан хабар етди: «Мирзо Бобур ўзи билан ўзи овора. Онасидин айрилгон. Маросимларни яқинлари била бирға ўтказиб, Кобул томон юз бурмуш!!» «Ҳмм, — соқолини силади хон, —

хадяларимдин илдининг бакуватлангон кўринадур, Бобур?! Опангни менинг кўлимдалигидин ва менинг бойлигимдин куч олронинг боис бакамти келмокка уялдингму? Қани сенда ор? Номус қани, Бобур?! Эвох!! Менга нималар бўляпти? Нималарни хаёлга келтирдим? Бу шайтоний васвасалардин кутулмоқнинг чораси борму? Хали йўқолгон қути Бобурда эркани ўз тасдиғини топмади-ку? Йўқ! Бегим бундай хиёнатқа юз бурмас! Балки биринчи гумоним, яъни бегимнинг илкимдалиғи боис юзма-юз келолмагон! Ҳмм, шундай!»

Бу орада Мўғул хоним кундошининг осойишта ва бахтиёрлигидан чидолмай яна янги режалар туза бошлади. Нима қилиб бўлса-да, хон бегимни саройдан ит қувлаган мушукдай хайдаб юбориши лозим. Кейинчалик Шайбонийхон эгаллаб турган яккахокимликка Хуррамшоҳ эмас, валиаҳд Муҳаммад Темурхон эгалик қилиши шарт. Аслида қадимий қонун ва қоидаларга кўра султонлар бир-бирлари билан иттифоқ тузгандилар ва эътиборларини хонликнинг зарурлигига қаратгандилар. Қонунқоидага мувофиқ Шайбоннинг отаси шоҳ Будоғ султондан кейинги амакиси тахтни эгаллаши лозим эди. Аммо Шоҳ Будоғ султондан кейингилар биринкетин ўлиб кетгани учун Кўчкинчихон ҳаммаларидан катта бўлгани сабаб уни хон қилиб кўтардилар. Сўнг валиаҳдлик Суюнчак султонга, сўнг Жонибек Султонга, кейин эса хонлик амри Абу Саидхонга муқаррар бўлишини биларди...

Хуллас, Нажми Сонийнинг толе юлдузи куйиб, Бобур подшоҳ ҳам мағлуб бўлгач, Мовароуннаҳр мамлакатлари иккинчи марта Шайбоний хоқонлари тасарруфига ўтгач, юқорида зикр этилган тартибда хонликни бошқардилар... Буни Мўғул хоним жуда яхши билса-да: «Хаммасининг қўлида бир вилоят, ё бир мамлакат. Демак, Муҳаммад Темурхон Шайбонийхон ўрнини эгаллаши лозим. Унинг ўзи ҳам бир мақсадни кўзлаганки, шундай йўл тутган», дея ўйларди. Мўғул хоним шу туфайли ҳам она-боланинг

саройда колишини хушламас, сабаби, Хонзода бегимнинг ўғли билан бу саройдан туз-насибаси узиламас экан, Шайбонийхон Хуррамшоҳга ўз ўрнини васият қилиши мумкин, бу аниқ. Ушбу гумонлар Мўғул хоним миясини қурт каби кемирар, ётарида ҳам, турарида ҳам ҳаловат йўқ эди. Бирортасига дардини айтолмас, ё маслаҳат ҳам солломмас эди. Чунки манманлиги оқибатида кўплар билан уришган, жанжаллашган ва баъзи чўриларни саройдан ҳайдаттирган эди. Унинг олдинги режасида иштирок этган Нортожини ҳам иши юришмагани учун бир-икки қоқиб силкигани боис унга ҳам ҳадди сизмай қолган эди. Қайтанга, куни келиб қути мендалигини хонга айтиб қўйса, қазиган чоҳимга ўзим қулашим аниқ, дея игна устида юрарди. Аввалига Нортожини йўқотмоқчи бўлди, лекин арзирли бир баҳона тополмади. Мабодо иш чаппасидан кетиб, топган баҳонаси тасдиқ ўрнига ошкор бўлса, Нортोजи ҳам жим турадиганлардан эмаслигини ўйлаб, дамини ичига ютишга мажбур бўлди. Яна бир томони, тузган режаси тасдиқланган тақдирда ҳам ўз жонига жабр қилишини, уни бир ўқ билан умр пиёласини чил-чил синдиришини биларди. Шунинг учун ундан эҳтиёт бўлишни маъқул топди. Энди нима қилиб бўлса-да, қутидан қутулмоқ керак? У қути яширилган хонага кирмас, кириш тугул у томонга қараб қўйишга ҳам юраги бетламас эди. Гўё бу қараши билан назарида хоннинг ортидан қўйган одами бору пайкаб қоладигандек, шармандаю шармисор бўладигандек туюлаверарди. Агар супуриб-сидирувчи хизматкорлардан бирортаси кўриб қолса, гуллаб қўйса борми, нақ осмон узилиб ерга тушади-я?! Саройдан ўзининг қораси ўчади-я? Унда қаерга боради? Отаси, жигарлари бу фоний дунёни тарк этган бўлса? Яқинларидан бири бегим бўлса ... униям юзини қилмай, тинмай гўрига гишт қалаётган бўлса...?! Энди у режа тузиш билан эмас, қутини йўқотиш пайида қолди. Асқарнинг ўрнида ишлаётган боғбон йигит билан тил бириктирсинми? Албатта собиқ боғбон Асқар қора қолади, ҳа, ўррилик унинг гарданида

қолади. Лекин... Бу ёғи-чи? Шайбонийхонга айтган «отнинг орқасига қоп орқалаб олган эди» гапига ўзи қарши турадию? Шундай қилмоқ керакки, қоп топилсин, фақат у гувоҳ асосида. Хонзода бегимнинг укаси билан тили бирлигини айтиб бергувчи гувоҳ асосида... Ва ниҳоят иложини топди. Қути топилади ва Хонзода бегим ҳайдалади. Яккахоқимлик эса хон ўтгач, Муҳаммад Темурхонга қолади... Мўғул хоним канизаги Чарос орқали сарой ташқарисидан иккита усти юпун, барзангиларни топди. Улар ўғрилик, каллакесарлик орқасидан кун кечирадиганлар тоифасидан бўлиб, пул ё тилла олдида иймонини ҳам сотадиганлар хилидан эди. Уларга вазифа тушунтирилди: «Умримизда бунақа осон иш қилмаганмиз», дейишди улар бепарво тиржайиб.

* * *

Яна қосидлардан хабар келди Шайбонийхонга: «Мирзо Бобурдан шубҳа йўқ! Аммо қизилбошларнинг подшоси Шоҳ Исмоил хавф туғдирмуш. У ҳазрати олийнинг мулкига таҳдид ва таҳлика солмуш».

Шайбонийхон дарҳол бек ва амалдорларни йиғди: бекларидан Бовбак ва Урусхонни; яқинларидан Кўпак Кўшчи, Усам Мирзо, Қанбарбий, Кужум Султон; ишончли амалдорларидан Абукач, Жонвафобий, Мулло Абдурахим, Чолбош; кўшин бошлиқлари Олмачук ва Окмухаммадхонни; лашкар бошлиқларидан эса Жонибек Султон ва Шайх Муридлар билан кенгаш ўтказди. Кенгашда Шоҳ Исмоилнинг олдини тўсиш ва Мовароуннаҳр мамлакати ҳамда Туркистон вилоятлари чегарасидан қизилбошларни ўтказмаслик чораларини кўриш хақида музокаралар бўлди. Ҳамманинг нигоҳи хавотирли эди. Чунки Шоҳ Исмоил ўта хавfli рақиб бўлиб, қаҳри қаттиқ ва тажовузкор эди. Шошилинч чора, тадбирлар кўриш учун фармон берди. У хосхонаси томон бораркан, гўё бу жойларни қайтиб кўрмайдигандек чор атрофга суқланиб қаради.

— Ҳеч ким безовта қилмасун! — дея хонасига кириб кетди.

Ҳар гал хосхонасига киргач, бундай топшириқ беришининг боиси дақиқалаб, баъзан кунлаб камалиб ўтирар, ёғийни бартараф қилиш йўлларини ўйлар, баъзида моҳир саркардаларидан бирини чорлаб, у билан душман лашкарларини тор-мор қилиш йўлларини маслаҳатлашар, шу аснода мириқиб хордиқ ҳам чиқарар, келгуси сафар учун куч тўплар эди. Буни билган танқўриқчиси тавозе билан ташқарига йўналаркан:

— Керак бўлсам эшик олдидамен, — деди.

* * *

Мўғул хоним ишни пишитиб олгач, обдан ўйлади: «Кути топилғонини хонга қандай маълум қиламен? Чақиртирсамму? Йўқ! Маъқул эрмас! Феъли маълум, келмайдур. Ўзимни касаллиққа солсам-чи? Бу ҳам тўғри эрмас! Дарров табибни чорлайдур! Хмм, қутини йигитлардин бирига кўтартириб, ҳузурига борсам-чи? Тўғри, хмм, шуниси маъқул. Негаки, ҳозир темирни қизигида босадирғон пайт. Хон бугун тонгдами, ё тундаму сафарга кетиб қолиши мумкин. Мабодо урушдин... — кўзлари мошдек очилиб кетди, — Худо кўрсатмасун. Демак, тезроқ отни камчилагоним маъқул».

У шоша-пиша канизаги орқали сипоҳиларини, аслида ўғри ва каллакесарларни ҳузурига чорлади, қутини бирига кўтартириб хон ҳузурига ошиқди. Эшик олдида мулозимлар билан бирга турган танқўриқчисидан киришга ижозат сўраган эди:

— Ҳеч кимни киритмаслигим... тайинланғон, — деди у.

— Мени ҳам а? — аччиғи келди Мўғул хонимнинг, — муҳим масала юзасидин келғонимни айт! Ҳа, жуда муҳим масала!

Танқўриқчисидан Мўғул хонимнинг канизаги ва иккита, бири кути қўлтиқлаган бегона йигитлар билан киришга изн сўраганини эшитиб, хон ҳайрон бўлди:

«Қизик, айнан ўзи келгонда сафарға бирға кетмоқ хархашасини киладур дея хаёл қилгон бўлур эрдим. Бегона иккита йигит билан келишиға қарагонда...» Хон бир оз ўйланиб тургач, киришға рухсат берди. Мўғул хоним хар галгидек шошмасдан таъзим бажо айлади ва хоннинг соғлиғи, кайфиятини сўради, сўнг:

— Ҳазратим, — деди жиддий тусда, — кути топилди!

Хоннинг уйилган қовоғи очилди. Қани дегандек Мўғул хонимға синчковлик билан қаради. У икки қадам ортида хамон қаққайиб турган йигитларға қараб:

— Он хазратлариға таъзим бажо айланғлар! — буйрук берди, сўнг, — кутини ул зотнинг оёқлари остиға қўйинғиз! — дея амр этди.

Йигитлар дарҳол хоним айтгандек, кутини хоннинг ўтирган жойиға, пойиға қўйдилар ва таъзим айлаб, тиз чўкдилар.

— Сизға билдирмай бу иккисини Асқар орқасидин жўнатқон эрдим. Чунки сизнинг азоблар исканжасида қолғонинғизни кўриб, оромим йўқолди. Бу беадаблиғимни кечирасиз дея умид қиламен.

— Хўш?! Кўрдиларинғму? Қаерда? — қовоғини уйди хон яна, — фақат ростини сўзланғ!

Улар Асқарни Майманакдан топганларини, энди тайёргарлик кўриб, отиға нарса солинган қопни ортгани ва йўлга тушгани, анча масофагача кузатиб борганлари, сўнг олдини тўсиб тинтув қилганлари ва ўша қопдан шу кутича чиққанини сўзладилар.

Хоннинг асабийлашганини, қовоқлари пирпираб учаётганини кўрган Мўғул хонимнинг кўнглиға ёруғлик тушди: «Ҳайрият-э!»

— Қаерға, кимға олиб кетаётқон эркан?

— Бобур деғон кимсаға..., — деди бири.

— Аввалиға айтмади, — давом эттирди иккинчиси, — бир-икки дўппослагон эрдук, сўнғ булбулдай сайради, отағар.

Шайбонийхоннинг қулоғи шанғиллади, борлик кўз олдида гирдо-гирд айланди: «Хмм, тушунарли, —

кўнглидан ўтди, — демак, лашкарсиз, ватансиз, дарбадар инисиға ёрдам бермоқчи бўлгон. Иккисининг ўртасида эрса Асқар ташкачи бўлгон..., ҳам, ит вафо, хотун жафо дефонлари шу-да...»

— Икковлари тилни битта қилиб, сизға қарши режа тузиб юргон эркан-да, вой писмиғ-эй. Шундай даргохнинг тузлиғиға тупурсанг-а? Кўр бўласен, кўр! — Мўғул хоним яранинг устига туз сепарди, — сизға кўп огоҳлантириш бердим, инонмадинғиз, мана оқибати! Ҳазратим!

Бу ҳолатга Шайбонийхон чидаб туролмади, жаҳл билан:

— Чиқаберинғлар! — деди.

Мўғул хоним қутига ишора қилган эди:

— Ўзим, — деди хўмрайиб.

Елкасидан тоғ ағдарилган ва ниятиға етган Мўғул хоним ёллаган барзангиларға келишилганидан икки баробар ортиқ ҳақ тўлади.

— Кийимларни нима қилайлук?

— Улар ҳам сизларға ҳадя.

Дарвоқе, Мўғул хоним хонни чиндан ҳам ишонтириш учун уларға хазинабондан ушбу кийимларни сотиб олган эди. Хазиначи тилла тангаларға, Мўғул хоним эса сипоҳича кийим-бошға эга бўлган эдилар. Шунинг учун хоним уст-бошларни ҳам баҳридан ўтдики, олиб қолгани билан қаерда сақлайди? Улар ҳам қути синғари дардисар бўлмасин!

* * *

Шайбонийхон уларнинг ортидан бошини чангаллаганича узоқ ўйга толди. Хаёлнинг пасту баланд кўчаларига кириб чиқди: «Демак, Мўғулнинг куйинишларида жон бор. Ахир, гувоҳлар асосида исботлади-ку?! Наҳотки, Хонзода ортимдин пинхона иш қилиб юргон? Ҳмм, — пешонасига урди, — муҳаббат менинг кўзларимни шунчалар кўр қилғонки..., қўйнимда илон асраб юргонимни ҳам сезмағонмен. Энди эрса...»

Ҳа, энди у нима қилмоқ кераклиги устида бош қотира бошлади: «Ҳозир олдиға кирсам..., қутини кўрсатсам..., жавобини берсам... Йўқ, бўлмайдур. Тонг отсун! Балки унға қадар жўяли бир тўхтамға келармен!»

Ҳаёллар оғушидаги фикр-мулоҳазаларидан бир оз ўзини босиб олган хон ухлаб, пича ором олмоққа уринди, аммо бўлиб ўтган воқеа қаттиқ таъсир қилганидан жилла бўлсин кўзларига уйқу илинмади. Тонгга қадар илондай тўлғониб чикди: «Қани, қутини кўриб нима деркинсан?» қўллари мушт бўлиб тугилди.

* * *

Юлдузлар сайри тугамасдан бурун туриб, ташқарига чиққан Шайбонийхон Хонзода бегимнинг хосхонаси ёнидан ўтаётиб, ногоҳ қулоғига чалинган бир ҳазин товушдан энтикиб тўхтади: «Бу гал ким билан гаплашадур? Балки...» У гумон оғушида атрофга сокин назар ташларкан, қулоғини динг қилгани ҳолда уй томон бир-икки кадам босди. Энди овоз аниқ эшитила бошлади:

— Бир майсадек яшаладурғон умрда силлик макрға алдандик, — Хонзода бегим аламдан унсиз фарёд қиларди, — теграмда бокқувчи ул маккор кўзлар таъкибидин чарчадим. Атрофим тўла одамлар, аммо хондин бошқа ҳеч бир кимса ҳолинг не деб сўрамайдур. Унинг ҳам баҳор ҳавосидек ўзгариб турувчи феъл-атворидин толикдим. Негаки ўша, ҳали ундоқ, ҳали бундоқ қиёфаға киришидин чўчиймен. Бу кўрқинчли, ҳа кўрқинчли... Бахтиқаролик деб шуни айтсалар керак. Билмадим, кўр тақдиримда яна не жафолар бор. Менинг толеим сизнинг соянгизда шуъла каби ярқироқ эрди, афсус. Шайбоннинг маҳзун муҳаббати уни қорайтирди. Сизларни кўзларим ҳар қуни жон каби истайдур. Жудаям соғиндим, Бобуржон!

Тамоми жаҳл отига минган хон шахд билан бегим устига бостириб кираркан, унинг чўғдай ёнган духо-

ба жойнамоз устида ўтирганини кўриб, истехзоли кулди:

– Маккор кўзлар таъқиби, силлиқ макр!? Нақадар чиройли, захри қор каби сўзлар!

Хонзода бегим қулоғига урилган момагулдуракдай товушдан чўчиб, ортига ўгирилди ва хошни кўриб, шошиб ўрнидан турди. Ўнг қўлини кўксига қўйганча, эгилиб салом берди:

– Хуш келибсиз, ҳазратим.

Хон унинг хуш одобига эътибор бермади, чунки ҳозиргина ўзи ҳақида эшитганларидан қалби ларзага келган, ғазабдан дир-дир титрарди. Унга энг ёмон таъсир қилгани, Хонзода бегимга ниҳоятда ишонгани бўлиб, кечагина Мўғул хонимнинг унинг хиёнатини исботлаб тургани бўлса, ҳозирда ўша исбот ортиғи билан ўз тасдиғини топиши эди. Ҳа, тасдиқни ўз қулоқлари билан эшитиб турибди-я. Туни билан мижжа қокмай чиққан хон «Балки Мўғулнинг навбатдаги хийласидур» деган илинжда ташқарига чиққан ва бегим билан ҳеч қандай гувоҳсиз дилдан гаплашмоқчи ҳамда қути ҳақида бир тўхтамоқчи эди. Аммо тасодифан бегимнинг дил нолаларини эшитиб қолди. Унга нисбатан қайноқ муҳаббатини силлиқ макр сифатида қабул қилгани, шу дамгача бегимнинг гўё қил устида кечирган ҳаётини кўз олдига келтираркан, бу дунёлардан воз кечгиси келди. Кўз олди қоронғулашди, тишлари гичирлаб, қўллари мушт бўлиб тугилди: «Юрагимнинг тўрисиға қўйғон хотинимдин келғон оқибат! Наҳотки, мени жилла қурса яхши кўрмағон!» Алам қилди:

– Менинг маҳзун муҳаббатим сизни бахтсиз қилмуш! – таънали бокди, – наҳотки, мени ҳеч қачон яхши кўрмағонсиз?

Ҳар сафар илтифот кўрсатганда бегим дея эркаловчи тил бу гал у номни четлаб ўтди. У шундан англадики, хон тамом қахру ғазаб қанотида. У эсанкираб қолди:

– Он ҳазратим!

– Дунёда «Ит вафо, хотун – жафо» демушлар! – дея шартта бўлди унинг гапани. – Ҳозир мен бунинг шоҳиди бўлиб турибмен. Хўш, бу дийдиёлар ким учун, билсак бўладирму?!

– Албатта, он ҳазратим, – Хонзода бегим тушундики, юқоридаги сўзларни тинглаганда хон қалби исён қаърига шўнғиб, иниси Мирзо Бобурни тилига олганини эшитмаган, – онамни, инимни соғиндим. Уларни ҳар ҳафтанинг жума кунда, жойнамоз устида ёд этиб, дуо қилурмен. Тезрок дийдорлашмоқни Оллоҳдин сўраймен. Ахир, бу ёруғ оламда иккисидин ўзга кимим бор менинг, он ҳазратим.

– Қалбимда сенга ўрин йўқ демокчисиз, шундайму? – баттар газаб отига минди Шайбонийхон.

Хонзода бегим лол котди. Билдики, кош кўяман деб кўз чиқарган. Негадир тирноқ орасидан кир қидираётган хон энди масаланинг мана шу нозик жойидан тутиб қолган эди. «Ҳа» дейин деса, кўнглига хилоф иш қилган бўлади. «Йўқ» дейин деса, жахлланганда ҳеч нарсадан тоймайдиган хондан ҳар жафони кутса бўлади. Не деярини билмай, бошининг ичи ҳам, тоши ҳам қотиб турган эди, яна хоннинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Унда нега рози бўлдингиз?

Хонга нечоғли алам қилаётганини пайкаган Хонзода бегимнинг кўнглига вазелик инди: «Бу ишни инимнинг ҳаётини сақлаб қолмоқ умидида қилдим», дея ростини сўзламоқчи эди, лекин тилини тийди. Усиз ҳам хоннинг кўзи қонга тўлган, қарашлари ваҳшиёна эди:

– Ўз жони учун эгачисини қалқон қилгон Бобурму силлиқ макр эгаси ёки мен?!

Боши эгилган Хонзода бегим «мик» этмади. Бундан фирони кўкка ўрлаган хон баттар кутурди:

– Инингиз ҳурматли бўлғонда эрди, сиз унинг ҳарамда қарикиз бўлиб ўтирмас эрдингиз, – телбалардек хахолаб кулди хон. – Ҳа, ҳеч ким харидор бўлмагон сиздай хоним учун менинг шунчаки битгон

мактубим ёгдай ёқиб тушмадиму? – муҳаббатининг юзига тупурди ақли кетиб.

Энди таъналар жон-жонидан ўтса-да, Хонзода бегимнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Чунки хон, тилида Мирзо Бобур зотини майна қилиб, номини бўҳтон отлик балчиққа қориб ташласа-да лекин ўзининг силлиқ макрлар устаси эканини исботлаб турар эди.

– Жавоб беролмайсиз?!

Ортикча мижғовлик феълига ёт бўлган Шайбонийхоннинг бугунги авзойидан Хонзода бегим шуни англадики, унинг нияти бузилган. Ҳозир уни илик сўзлар, ё кўз ёшлар тош қотган дийдасини юмшатоилмас. Шунинг учун «Не бўлса пешонамдин, кундакунда ўлғондин, бир йўла ўлиб қўя қолай» дея бор ҳақиқатга юз бурди.

– Оллоҳ гувоҳлигида сўзлайдурмен! Иним бул ишға тиш-тирноғи бирла қарши эрди, ҳазратим.

– Ёлғон! Ёлғон сўзлайсиз!

Жавоб Шайбонийхоннинг ўлган вужудини тепкилаш билан тенг бўлди.

– Ҳазратим, уни сақлаб қолиш учун...

– Бас қили-и-инг!!! Сиз эл-олам наздида менинг ҳарамимдағи роҳат-фароватни ининғиздин юқори қўйғон аёлсиз!

Хонзода бегимнинг кўз олди қоронғилашди. Аъзон бадани қақшади: «Ҳа, бу кунимдин ўлғоним яхши эрмасму? – кўзларига ёш сизиб келди, – канийди, ёнидағи қиличини чиқариб чопиб ташласа! Майдалаб ташласа! Рози эрдим! Ҳмм, энди инимнинг толеъидин кўнглум хотиржам! Йиллар давомида хон ҳарамидин кўра қабристон менға афзал бўлғонини англатувчи бир сўз топиб айтайки, вужудимни бурдалаб ташлашға рози бўлсун! Ё ўзи ўша сўз тивгида майдалансун!»

Хонзода бегим бор кучини тўплаб, хоннинг юзига тик қаради:

– Иним Мирзо Бобур, – деди дадил ва қатъият билан, – ориятни оёқ остиға қўюб, осмондағи юлдузларға қўл узатқувчилардин эрмас!

Юзини терс ўгирган Хонзода бегим бўйнига қилич тушишини кутди, аммо...

Бу ҳақиқат Шайбонийхонни эсанкиратиб қўйди ва юрагини тилка-пора қилди. Чунки шу вақтгача Мирзо Бобур ҳақида ўйлаганлари, уни ҳам жисман, ҳам маънан маълуб қилдим, деган ҳаёли ёлгон либос кийган бўлиб чиқди. У Хонзода бегимга кўз қирини ташлар экан: «Шу туришида бўйнига қилич тушишидин ҳам тоймас. Бобур била тил бириктириб, менга қарши фитна уюштираётқони рост! Ҳа, рост! Аммо шуни тан оламенки, бу каби опани етти иклим аро кидириб ҳам топиб бўлмас. Бул қадар меҳр, бул қадар содиқлик. Шундай опанг борлиғидин сенга хавас қиламен, ҳам ҳасад, Бобур! Ажаб! Иккимиз ҳам шоҳмиз! Иккимизда ҳам ҳаёт йўли бир демак. Лекин фарқимиз нимада? Нега сени ўша камалда қолғонингга бургадек эзиб ташламадим, нега? Сендин кўркдимму? Йў-ўқ, сени бутун эл-оламга гап-сўз қилмоқ, опасини душманига бериб, жон сақлагон Бобур дейилмуш ўлимдин ҳам каттиқ тавқи лаънатни бўйнингга илмоқ истагим устун келғонидин озод қилғон эрдим. Йўқ-йўқ! Тавқи лаънатни ҳам илмоқчи эрдим, ҳам пинҳона янчмоқчи эрдим. Лекин... сен омон қолдинг! Нега? Опангни, шу қаршимда турғон аёлни севиб қолғон эрдим, ҳа, каттиқ севғон эрдим! Аммо опангни шунча йил бирга яшаб туриб, ўртамизда фарзанд бўлишига қарамай, бугунги менга бўлғон муомаласидин шуни сездимки, кўксидаги яширин туйғуси ошкоридин англадимки, у мени ҳеч қачон севамағон. Муҳаббат боғламағон. Сенга бўлғон улур меҳри туфайлиғина сени сақлаб қолмоқ умидида бирга яшаб келғон. Ҳа, шу ерда ҳам сенга бўлғон ўлмас меҳр қолиб келғон. Мен эрса... Унинг тил учидаги муомалаларидин бошқача хис туйибмен. Ҳозирда ҳеч тап тортмай, устимдин куладур. Яъни ориятни оёқ остига қўюб, юлдузга қўл узатғувчи... Шу вақтгача ҳеч бир кимса устимдин мундоқ кулмағон, юзимга бундай гап қилмағон. Ўз наздида опанг юлдуз эрмуш. Демак, сен эрмас, мен

майна. Гўё мен душман опасига ўзимни ҳимоя этиб уйлангонмен! Ҳмм, ҳали эл-олам мен ҳақимда бул фикрда бўлса-я? — бутун борлиғи зиркираб оғриб кетди, — демак, унинг тилидин учгон силлиқ макр сўзи шунчаки сўзланмагон. Унинг тагида бир олам ҳақиқат бор. Шу туришида уни чопиб ташлардим, ҳа, бурдалаб ташлардим. Нима қилай, опанғни хиёвати билан ҳам қаттиқ севсам! Мана, мени мағлублиққа юз туттиргон туйғу! Унинг дардида девона қилгон муҳаббат! Ашъорларим маъносини кучайтиргон ҳис! Тан оламен! Аслида мен эрмас, сенлар голибсен! Ҳа, опанғ иккинғ голибсен!»

Хонзода бегим аста ён қараш қилиб, хоннинг авзойини кузатди. Бир оз ғазабдан тушганини пайқаб, сўзида давом этди:

— Одамлар ҳам, иним ҳам не деб ўйласалар ўйласунлар, ҳазратим. Аммо мен иним тимсолидағи нодир истеъдодни, улуғ истиқболни асраб қолдим. Бундай истеъдод, бундай истиқбол эгасининғ ўлишга ҳаққи йўқ! Чунки олам истеъдодларсиз бир қабристондур, ҳазратим! Аммо сиздин бир умр миннатдорлиғимни ҳам тан оламен.

«Ялт» этиб қаради хон.

— Миннатдорлиғим шулки, юраги қаҳру ғазабга, нафратқа тўла аёлни муҳаббатинғиз ила юмшата олдинғиз! Чорасиз қолгон асирани ўзини ўлдиришдек ниятидин воз кечдира олдинғиз! Фарзандининғ отасиға севмаса-да, меҳр билан қарашқа ўргата олдинғиз! Яхши кўришдек туйғуни қалбимға, юрагимға кирита олдинғиз! Барча аёлларнинг турмуш ўртоғини юракдин севмаса-да, яхши кўриб яшашдек бахт билан умр ўтказишларини тушунишимға ёрдам беролдинғиз! Бунинғ учун сиздин тоабат миннатдормен, ҳазратим!

Бегимнинг бу хил муомаласи хонни чаёндай чаксада, унинг оқила ва зукколигига ич-ичидан таҳсин ўкиди. Шундай аёл билан ёстикдош бўлганидан фахрланди. Ундан ўғли борлигига, уни ҳам кун келиб бобурийлардан тарбия олиб, онаси каби ростгўй ва мард

бўлиб ўсмоғига юз чандон ишонди ҳамда қувонди. Бегимнинг ақлу заковатига ич-ичидан қойил қоларкан, бир оз ўкинди ҳам. «Мен учун кўнглунгда тирнок бетичалиқ муҳаббатинг бўлғонда эрди, ҳамма хотунларимнинг баҳридин ўтқон ва бутун бойлигимни, кўнгул мулким бўлмуш ашъорларимни, шавкатли салтанатимни оёғинг остива тўшағон бўлур эрдим. Афсус, кўнгул деғон мамлакатни зўрлик била забт этиб бўлмас эркан. Ҳа, сенинг қаддингни букиб бўлмас эркан. Қаддингни тик тутқон жон томирларингда Темур қони борлиғи ҳозир ўзини кўрсатмуш». Хон ҳозирда шуни англаб етдики, эт билан тирноқни бир-биридан айириб бўлмаганидек, уларни ҳам айро тутиб бўлмас. Улар орасидағи улкан меҳрни анча-мунча оға-инилар муносабатида топиб бўлмас. Аёл боши билан бу қадар фидойилик... Ҳа, у энди тушуниб етди икки шоҳ ўртасидағи фарқни. Бутун мусулмон оламига Халифани Раҳмон ва Искандари соний бўлмоқлик орзусидағи Шайбонийхон қаршисидағи бир маъсума аёл тушунчаси, дунёқараши олдида бир оз ўзини йўқотиб қўйди.

Аммо кечагина Мўғул хоним томонидан кўрсатилган қути ва гувоҳлар асосида исботланган хиёнатда уни хонин деб билиши бир оз эсанкиратиб қўйганини сизди. Пала-партиш хаёллар оғушида бегимга кўрс, кўпол муомалада бўлганидан афсусланди. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Кўрган анави беҳосият тушининг ўзи талқин қилган таъбирига кўра ва Мўғул хонимнинг Хонзода бегимга нисбатан тинмай тиш қайрашларидан бир ёмон иш рўй беришини сезгани бўлиб, Сайид Ота билан қилган маслаҳатига кўра бегимни унинг ҳимоясига топшириш вақти келганини англаб етди. Кўнгли бўшаб кетди. Негадир унинг юраги бегимнинг хиёнаткорлигига ишонишни истамас, буни тушунолмай ўзи ҳам хайрон эди. Аммо Мўғул хонимнинг кўрсатган далилу гувоҳларини кўрган кўзлари эса ишонч туғдирарди. Хон икки ўт орасида қолганди: «Шошилдим. Бу ишни обдан текшириб, хулоса чиқаришим зарур эрди.

Жахл келгонда ақл кетар деб... афсуски, бұлар иш бұлиб ұтди. Энди бегимва кути масаласини айтайму ё йўкму? Мабодо кўрсатиб туриб бор бұлган воқеани сўзласам ҳозирғидан-да мушкул аҳволда қолмоғим аниқ, ҳам қаттиқ ранжитиб қўйишим мумкин. Яхши-си, у ҳақда лом-мим демай, анча-мунча сирларимдин вокиф танқўриқчимдин киритиб юборамен. Ҳа, шуниси маъқул!» У икки қарама-қарши туғён ўртасида отдан тушса ҳам, эгардан тушмади:

– Кўрдинғиз, харамимда хотун зоти мўл, – деди ўзини унга беписанд кўрсатмоққа тиришиб, – сиз билан узок яшамоқлиғим, эл-улуснинг сиз айтқон фикрини тасдиқлар.

«Эл-улус фикри ҳақида сўз айтмадим шекилли?» анграйиб қолди бегим.

– Шунинг учун бугун шаккок эл овзини ёпадур-мен! Сиз талоксиз, уч талок!

Бегим «ялт» этиб қаради. Ғунча лаблардаги майин табассум, юзида балкиган шодлик изларини кўриб, хоннинг бутун жисму жонига ўт кетди:

– Куллуқ, ҳазратим!

Кутилмаган бу муомаладан хон шердай бўкириб юборди:

– Лекин бу талок сизни ўша кўрқоқ Бобур истиқболиға элтмағай! Сизни шундай бир куёв топиб узатайки...

Саросимада қолган Хонзода бегим ҳеч йўғи ўғлининг юзини қилишини сўрашга оғиз жуфтлаганча қолаверди. Хон қандай шахд билан кирган бўлса, шундай шиддат билан чиқиб кетишга чоғланаркан:

– Мана буни айтарлар, силлик макр деб, майна қилишлиқ деб, – деди захарли илжайиб.

Шу пайт қўшни хонадан уйқусираб чиқиб келган Хуррамшоҳ хонга рўбарў келди ва отасининг бўйнига осилиб эркаланди. Хон ўғлини бағрига босди ва пешонасидан ўпди.

– Ўғлим, – деди у ўкинч билан, – ҳеч қачон бошқаларни устинғиздин назорат қилишларига йўл қўйманғиз?! Бу ўғитимни умрбод ёдинғизда тутин-

ғиз! Сиз эса, – уларнинг муносабатини бир четда кузатиб турган бегимга караб деди, – хозироқ тегишли нарсаларинғизни олинғ-да, саройдин чиқиб кетинг!

– Ўғлим...

– Хуррамшоҳ шу ерда қоладур.

– Ахир...

Бегимнинг демоқчи бўлган гапи бўғзида қолди. Чунки хон қайрилиб карамади. Она бечора қаноти қайрилган қушдек, типирчилаб қолаверди. Хуррамшоҳни бағрига босиб, унсиз фарёд қилди.

– Онажоним, нега мен қолиб, сиз кетишинғиз керак?

– Чунки сизни хон отанғиз тунов куни айтқон Бекота тарбиясиға берадур, ўғлим...

Хонзода бегим хон билан шунча йил бирга яшашлик мобайнида, унинг бир заиф томонини илғаб олган эди. Шайбонийхон аҳду паймон ё бирор қарорида худди курук ўтин каби гуриллаб ёнарди-да, тез ўчарди. Йўқ, бу гал ўз қарорини хурмат қилди, ана шу асосда иш тутди. Бегим бунинг исботини диний тарбияни мукаммал эгаллаган Сайид Жаъфархожага узатилиши арафасидагина англаб етди.

* * *

Шайбонийхон ташқарига чиқиб, Нортожига буюрди:

– Юки учун ароба, ўзи учун маҳофани чақиринғ-да, ўзинғиз ва икки соқчи бирла бегимни Сайид Ота кўрғониға элтиб ташланғиз!

Нортожи буйруқни бажаришға киришди. Бу орада хоннинг танқўриқчиси қутини қўлтиқлаб келди-да, бегимга топширди. Хонзода бегим севинишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмаслик орасида каловланганча қутини очди:

– Мактублар йўқ-ку? – сўради танқўриқчидан, – ахир, унинг бир четида хожанғизнинг мактублари сақланар эрди. Ажаб, ҳамма зеб-зийнатлар ўрнида, аммо мактублар йўқ. Хмм, айтғонча, қутини сизға ким берди?

Танкўриқчи хоннинг тайинловига кўра ҳеч нарса демай елка қисди ва шошиб чиқиб кетди. Бегимнинг ҳолатини эшитган хоннинг алами зиёдалашди: «Нима қилиб кўйдим? Мактубларимни кўз қорачуғидек асрағонидин кўриниб турибдики, бегимнинг менга нисбатан ҳеч қандай хусумати йўқ! Юрагида муҳаббати бўлмаса-да, ўзи айтқондек, фарзандли она сифатида эрни яхши кўргон-ку! Шунинг ўзи ҳам етарли эрмасмуди? Бундин бир қанча йиллар олдин Бобур ҳақида маълумот йиғиб келишни йигитларимга буюргон, уларга иниси ҳақидаги хабарни сўзлаттириб, бегимни бир оз хотиржам қилгон мен эрмасмудим! Нега энди жойнамоз устида номини тилга олғонда газабим қайнади? Ҳмм, унда хиёнат дегон хавф йўқ эрди, кейин эрса... Оҳ, Мўғул, Мўғул! Қанчалар доғули, маккорасан-а? Демак, қути воқеасини сен ўйлаб топғонсен, – унинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди, – чунки сендин бошқаси мактубларга эътибор бермағон, йўқотмағон бўлур эрди. Демак, бу иш – навбатдаги ҳийланг! Мен эрса лакқа тушиб ўтирибмен!»

Шуниси ҳайратланарлики, хон учун ҳам, бегим учун ҳам қутининг йўқолиб, топилиши сирлигича қолди. Буни фақат танкўриқчи ва Нортожи билди, холос. Шунинг учун бекасини Сайид Ота ҳузурига кузатиш буйруғини олганда, Отанинг одамлари бегимни инисига топширса керак, деб ўйлади. «Нега энди, хоннинг ҳам ишончли одамлари бор-ку, улар топширса бўлмасму?» деган саволга юзланганда аниқ, маънили жавоб тополмади. Шу сабаб, талоқ қилинган хотинга эр томондан қайтиб марҳамат қилинмаса керак, дея кўнгилланди.

Хонзода бегим эса тақдирнинг аламли кунлари бунчалик эрта келишини ўйламаган, ёшлигида хаёл қилган ниятлари рўёбга чиқмай барбод бўлганини кўриб, ич-ичидан эзилиб борарди. Эрта отасиз қолгани, онаси Қутлуғ Нигор хонимдан олган панду насихатлари, аёл боши билан Темурий салтанатни ўзини қурбон қилиб бўлса-да саклаётгани, эндиликда

эса..., бари бир-бир кўз ўнгида гавдаланаркан: «Нима сабабдин ҳайдалдим? – савол берди ўзига ўзи, – хмм, тилим туфайли, ахир айтарлару, тил югуриги бошга деб!» Сўнг эридан олган жавоб уни изтиробга сола бошлади: «Хон ҳарамда эрканимда риоя – истиҳола қилибму, ё бошқа бир сабабдинму инимга қарши бош кўтаришдин ўзини тийиб юрган бўлса, энди нима бўларкин? Инимнинг аянчли кечаётқон тақдирига талоқ соя солмасмукин? Ажабо! Нима учун қутича топилгач менга жавоб берди? Нега? Нима учун?» деган ўйлар уни қийнаб борарди.

* * *

Фалак бори олам юзига шом пардасини туширганда Шайбонийхоннинг сўнги марҳамати билан қийналмай, Сайид Ота кўрғонининг дарвозасини тақиллатган соқчига ичкаридан савол берилди:

– Ҳазрати олийнинг меҳмонларимиз!

Сўроқ бергувчи хизматкор эди, у Сайид Отанинг олдидан ўтиб чиқишга изн сўради ва шиппиллаб ичкари кириб кетди. Бир оздан сўнг Сайид Отанинг ўзлари чикди ва меҳмонларнинг кимлар эканини аниқлагач, ичкари бошлади. Бегим бошини эгганича чурқ этмай, Нортोजи билан Отанинг ортидан борарди. Бу воқеадан фақат бир манзара, кўзлари тўла жикқа ёш билан «Бегим...» дея, бошқа сўз айтолмасдан хайрлашган Нортожининг юз ифодаси Хонзода бегим нигоҳида бир умр муҳрланиб қолди: «Ямонлик кўрмағони учун кўнгли бузилди», деб ўйлади бегим.

Эрталабки нонуштадан сўнг Ота Хонзода бегимни махсус хонасига чорлади ва бор гапни, яъни сарой ичра турилган баъзи фитналар ҳақида унга айтиб берди.

– Наҳотки, ҳазрати Ота, хон...

– Ҳа келин, сизларнинг сўнги ҳаётингизнинг хавфсизлигини ҳам таъминладилар.

Уялиш ҳиссидан юзлари қизарди бегимнинг: «Шунчалар ҳам овсар бўламанму? Энди ҳаётим тугади, дея нималар демадим-а? Ахир, оғзимдин чиққан

ул бадбўй гап-сўзлардин сўнг мени бошида кўтариши керакмуди? Албатта жаҳлланади-да... – ўйга толди, – унинг кўнглини чўктирибмен! Ҳмм, каттиқ севғони боис... – тилини тишлади, – агар бошқа хотунидин бул киби муомала кўрғонда борму, нақ чопиб ташларди. Ҳа, нақ қиймалаб ташларди. Мен эрса..., ўшанда ҳам тушунмабмен. Ахир овсар бўлмай киммен?!»

– Бундаги ноёб тошлару, дуру гавҳарлар умрларингизнинг охиригача етадур.

– Ҳазратим, – юраги тўлиқди Хонзода бегимнинг, – ахир...

– Буни эрингиз сўнги суҳбатлашғонимиздин сўнг берғон эрдилар. Яна бир васияти...

Уни эшитган бегимнинг кўзлари ёшга тўлди. Дили вайрон бўлиб, йиғлаб юборди.

– Эрдин чиқиб эрга, ахир идда дегон...

– Тўғри, эл кўзида Сайид Жаъфар никоҳидасиз, холос.

Бегим тушунмади, аммо диний қонун-қондаларни яхши билгани боис ортиқча гап қилмади. Сайид Ота буни ҳам тушунтирганига қаноат ҳосил қилгач, кун пешиндан ўтганда Хонзода бегимни ўзининг авлодидан бўлган Сайид Жаъфар хожага никоҳлади.

* * *

Ва ниҳоят Мўғул хоним эл кўзига имом-уз-замоннинг янги сафари олдидан дея, аслида она-боладан қутулганига шукроналар келтириб, эл-юртга катта ош тортиб, эҳсон қилди. Шу кун тўйиб ухлади. Тонг саҳар Шайбонийхон улуғ бир мақсад йўлида йўлга чиқди ва унга Мўғул хоним ҳам йўлдош бўлди. Аслида Шайбонийхон рад қилди, аммо хоним кўнмади. Нимагадир саройда қолгани кўрқди. Чунки бегимни Сайид Ота хонадонига ташлаб келгандан бери Нортожининг қарашлари бежолашди. Ёнидан салом бермай ўтадиме-е, савол берса жавобсиз қолдирадими-е, юрагини ёрар даражада хўмраядими-е..., хуллас, саройда қолса сир ошкор бўлишидан кўрқиб, хоннинг пешига тирмалашди.

Ҳафталар ўтгач, хон қаҳрига учраган Хонзода бегимни ўз кўли билан Сайид Жаъфар хожага узатилганини эшитган Ойиша Султон бегим эри Кўчинчиҳондан рухсат сўраб, Сайид ота кўрғонига ташриф буюрди. Хонзода бегимни хурсанд кўрган Ойиша Султон бегим ёқа ушлади: «Ўша мен билгон опамму?» Кўзларига ишонмасди. Икки қариндош узок гаплашиб ўтиришди. Сухбат асносида Хонзода бегим Сайид Жаъфар хожа билан кечаётган умридан сўзлади:

– Наҳотки! – кўзлари қулди Ойиша Султон бегимнинг, – шундай диёнатли кишилар ҳам бор эрканму! Қулоқларимга ишонгим келмаяпти, опажон.

– Ҳа, бу кутилмагон бахт, синглим.

– Опа!

– Лаббай бегим!

– Хуррамшоҳ кўринмайдур?

– Ҳа, куни кеча хон отаси Балхга ҳоким қилиб жўнатди. Бир-икки кундин сўнг бизлар ҳам ортидан борамиз эркан.

– Муборак бўлсун, мунча яхши. Ундин сўнг Кобулга ҳам йўл очилса ажабмас.

– Ажабмас! Яхши ният қилаверайлик-чи!

«Ўшанда шошқалоклик қилмагонимда, балки ҳозир Кобулда бўлармудим, – ичи куйди унинг, – ҳозирги аҳволимдин Бобур била ўтқаргон кунларим минг маротаба афзал эрди. Опамнинг йўриғига юриб...»

Ич овриғини сездирмасликка тиришган Ойиша Султон бегим яна бир-икки хотираларидан сўзлаб, Хонзода бегимни хурсанд қилди, сўнг кетишга изн сўради. У Хонзода бегим юзига термиларкан, гўё кўз ўнгида Бобуршоҳ тургандай сесканиб кетди. «Бир-бирларига чунонам ўхшайдиларки...» У амакиваччасини соғинганини дилдан хис қиларкан: «Ёлғон тақдирга ҳам ўт тушсин, куйиб кетсун!» деди алам билан.

Бегимлар хайрлашарканлар, бир-бирларини каттик кучдилар ва яна кўришгунларича эсон-омонлик тиладилар.

* * *

Худди шу кунларда Абулрозий Султон Хусайн Мирзо ҳукмронлигига қирқ йил тўлиб, охири кунларини яшамокда эди. Шайбонийхон Бадиуззамон Мирзо ҳоким бўлиб турган Балхни эгаллаш учун озгина кўшин билан юриш қилди ва уч ой курашиб, ўзига қаратишга уринди. Айш шароби заҳарга айланган балхликлар ҳам осонликча таслим бўлмади. Шаҳар кўлга кирмагач қайтди ва Жайхундан ўтишга мажбур бўлди. Шу онда, кўлида тупургиси билан қолган Шайбонийхонга Худо омад этагини тутқазди. Яъни Мирзо Султон Хусайн бу оламини тарк этди. Фарзандларининг ноиттифоқлиги эса Шайбонийхонга кўл келди. Пайтдан фойдаланиб, Хуросоннинг жами ерларини, шу жумладан, Балхни ҳам ўз тасарруфи остига олди ва Темур Султоннинг илкига Самарқандни топшириб, валиаҳд қилди ва «хон» деб атади. Самарқандни юқори даражага кўтарди. Мамлакат кўчаларида тартиб-интизом ўрнатилди ва хавф-хатар губори тамоман кўтарилди. Шаҳар аввалги мавқеини тиклади. Хон шу дамгача ички бир изтироб оғушида ёнарди. Гуноҳини ювиш учун фурсат кутиб юрарди. Айни дамда, Хуррамшоҳ тақдирини ўйлаб юрган кезларда бир умид учқуни уни қувонтирди. У ўйлай-ўйлай охири бир қарорга келди. Хузурига сарой аъёнлари, султонлар, амиру беклар, барча-барчани чорлади. Ундан сал олдинроқ ўзига энг яқин тутган амакиси Муҳаммад Султон билан маслаҳатлашиб, қабул қилган қарорини эълон қилди:

— Бугундан бошлаб шахзода Хуррамшоҳга Балх вилояти ҳокимлигини топшурдим. Ҳозироқ шахзодага тайинлангон Бекотаси ҳамда хизматига биркитилгон мулозимлари бирла йўлга отлансун!

Сўнг ҳамма тарқалиб бўлгач, Бекотасига:

– Сўнгра онаси ҳам Балхга йўл олсун ва бир-галикда вилоятни бошқарсунлар! – фармонини берди.

– Амринғиз вожибдур, он ҳазратим, – таъзим қилди Бекотаси ҳайрон бўлиб.

Лекин қулоғига чалиниб улгурган ғалати гап-сўзлардан ҳам оғиз очмади.

* * *

Хоннинг буйруғи ва Сайид Отанинг берган фатвоси билан Сайид Жаъфар хожа ва бегим иккиси Балхга келган кун Хуррамшоҳ учун зўр шодиёна кун бўлди. Хожани ўғай оталикка даҳли йўқлиги боис ўғлига у тўғрида оғиз очмади, аниқроғи, уялди. Шу ўринда Хуррамшоҳ ҳам Сайид Жаъфар хожани мулозимлардан бири деб тушунди. Хонзода бегим ўша никоҳланган куннинг оқшомини кўп бора эсларкан, бот-бот суюнардди. У кишидан миннатдор бўлар, ўз оғасидай ҳурматини ўринлатарди...

...Хондан фарзанди бўлса-да, ҳар бир кунини таҳликалар гирдобидида ўтказиб бораётган Хонзода бегим Шайбонийхон оғзидан талоқ сўзини эшитгач, гарчанд ўзи бошлиқ ўзга куёвга узатилишини эшитса-да, дилдан қувонди. Негаки, аллақандай хатар шарпаси ёнгинасида кезиб юрган хон ҳарамидан кўра Сайид Жаъфар хожанинг, яъни ўша, ўзга куёвнинг оддийгина ҳаётини афзал кўрди. Лекин эрдан чиқиб эрга...

Масаланинг бу томони уни ўкситган, ориятини кўзғатган, бошини ҳам қилган. Номусдан ўлаёзган Хонзода бегим ранглари синикқан, кўз қарашлари ғамгин ва бор вужуди хўрлик ботқоғига ботганича тақдирини қарғаб ўтираркан, Сайид Жаъфар хожанинг кириб келганини ҳам пайқамай қолди. Оҳиста йўтал товуши уни хушёрлантирди. Хонзода бегим шошиб ўрнидан турди, эгилиб салом берди ва бўлғуси куёвни тўрға чиқиб ўтиришга таклиф қилди. Куёв Хонзода бегим такаллуфини сўзсиз бажариб-да, келин сифатига секин кўз қирини ташлади ва «Нак

тўлин ойдек, бундай хилқатни хоннинг кўзи қандай кийди эркан-а», деган хаёлга ботди.

Сайид Жаъфар хожа фотиҳага кўл очди:

– Оллоҳ ишимизни ўнглагон бўлсун...

Хонзода бегим бу орада янги хожасининг киёфасига кўз югуртираркан, ич-ичидан хўрлиги келди. Чунки унинг хондан анча ёши улуглиги, оппоқ сочсоқоли ичидаги чўзиқ юзини, қирра бурни ва тиник, аёлларники каби маъсум чеҳрасини кўриб уялди: «Аҳ пасткаш! Отам тенги одам-а, бу қилигинг бирлан нечовлик қувониб ўтирғондурсен! Ўч олишнинг бул каби разил йўлини танлашингни кутмағондим. Лоақал пуштикамарингдин бўлғон ўғлимнинг юзини қилмадинг-а? Пасткаш! Номард!»

Шу вақт Хонзода бегимнинг хаёлида Сайид Ота хонадонига келган кунининг эртасига, Отанинг ховлисидаги теграли солинган қатор уйларнинг бирига кириб кетиб, бир ош пишгунчалик хаяллагани, сўнг Ота чиқиб келгач, ортидан бир кишининг шошиб қўшни хонага кириб кетгани жонланди. Хонзода бегим ерга боққанича жим ўтирган кишига яна қаради: «Бу ўша, Ота кетидан чиқиб, шошғанича қўшни хонага кириб кетгон киши. Қизик, улар ўшанда нима қилғонлар? Ё бу киши Отанинг менга уйланишлик таклифини рад қилғонму? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Анча кексалиги боис хон хотинига уйланишдин бош тортқон! Ҳа, ё уялғон, ё кўрққан! Лекин яхши одамга ўхшайдур!»

Шу аснода Сайид Жаъфар хожа ҳам минг турли ўй, андишада ўтирарди: «Оҳ, тулки! Заифлигимни, умримда хотун зотиға яқинлашмағонимни била туриб қилдинг бу ишни! Агар Ота сенинг буйруғинг эрканини айтмағонда ҳеч қачон кўнмағон бўлур эрдим. Ё сен мени масхара қилмоқчисен, ё Бобурлар зотини! Ё...! Не бўлғонда ҳам юрагимда Бобурға нисбатан илиқлик борлигини биласен! Ҳазалини ўзимча хиргойи қилиб юрғонимни эшитгач, саройдин ит қувлағон киби ҳайдағонсен... Энди эрса эгачисининг олдида бир пул қилмоқчисен! Мақсудинг Бобур номини топ-

таш! Ҳа, ўзини енголмағач, номини топташқа ўтдине! Шу дамғача ўз жонини қутқармоқ йўлида эғачисини хонға тутиб берғон, дея Бобурни пинҳона янардим. Ундин ихлосим қайтқон эрди. Ҳа, уни бир томондин орсиз дея ўйласам-да, нахотки шундай қалбдин бунчалар гўзал ғазаллар туғилса, дея хайратқа ҳам тушардим. Демак, бу ерда недир сир бор. Аммо қандай сир бўлиши мумкин? – у яна бир бор Хонзода бегимга разм солди. – Во ажаб! Масаланинг бу томони-чи? Хусн аҳли ичра мақоми зебо бўлмиш Хонзода бегим нега энди укасининг душманига хотунликқа рози бўлди эркан? Ё табиатан енгил бўлғонму? Ё Бобур юзини ерға қаратқон жойи борму? Ё акли ноқис, ё..., ҳар иккиси ҳам ориятсизлардинму? Ҳа, орсизларким, ўз жонини қутқармоқ илинжида, эғачисини хонға тутиб бериб, ўзи жуфтакни ростлаб қолғон. Эр киши учун мундин ортуқ шармандалиқ бўлмас!»

Бу каби шубҳалар Сайид Жаъфар хожа юрагини ёмон ҳовлиқтирди, лекин аёл кишига нисбатан шафқат юзасидан бир оз юмшади. У шу топда Шайбонийхон томонидан инсонийлик қадри топталган, номуси эрмак қилинган эди. Эндиликда Бобур Мирзолар зоти олдида шарманда бўлишнинг олдини олиш чорасини қидирар, не бўлса-да, сир-синоатини Хонзода бегим сезмаслиги илинжида турли ўй-фикрлар кўчасида тентирарди. Охири бир ақлли қарорга келди. Қувонганича диний урф-одатга кўра лутфни аввал эркак киши бошламоғини эслаб:

– Мен кўнгилларнинг сарвари аёллар деб билурмен, – деди аста сўз бошлаб, – шул боис аёллар кўнглини чўқтирмоқликни ўзимға эп кўрмасмен. Сўзланғиз, шу ёшинғиз, хусну жамолинғиз ила не сабабдин менинг хузуримға келиб қолдинғиз?

Номус кучидан қарахтланган Хонзода бегимга бир оз жон кирди. Аммо умрида бир марта ҳам кўрмаган эркак, бўлиб ҳамки ёши улур бегонага дил қулфини очиш... Хонзода бегим ўйланиб қолди.

– Уялманғиз, – деди буни сезган Сайид Жаъфар хожа, – мен умрим мобайнида диёнатқа тиз чўкиб

яшагонмен. Худо хохласа, бундин буёғига ҳам шундай яшашлик ниятим бор.

Хонзода бегим бошидан қайноқ сув тўкилгандай сесканди. Туйғун Сайид Жаъфар хожа сездикки, Хонзода бегимни бу ерга хоннинг қаҳри, унинг бобурийларга нисбатан юрагида яширинган чексиз нафрати улоқтирган. Бегим эса унинг сўзларидан «Сендай диёнатсиз аёлдин нафратланамен» мазмунидаги таънани укди ва борлигини олов тили ялаб ўтди.

– Мен бор ҳақиқатни билсам деғондим, – ҳамон жавоб кутарди Сайид Жаъфар хожа.

– Бундай кунга қолгондин кўра Оллоҳ жонимни олсун эрди, – бошқа сўз айтолмади бегим.

Чунки бўғзини аччиқ бир хис куйдирар, кўзларига ёш сизган эди.

Юқоридаги гумонларнинг тескарисини кўрган Сайид Жаъфар хожа билдикки, бу ерда недир сир бор. Шу пайт юрагида бобурийларга нисбатан бир чексиз ҳурмат, меҳр пайдо бўлди. Бундан ўзи ҳам ажабланган, ҳам бегимга раҳми келган ҳолда деди:

– Юрагимда ининғиз Бобурга бўлгон чексиз ҳурматим ҳақки, сўзлай беринг!

Хонзода бегим энди батамом бошқа тусга кирди. Неча йиллардан бери инисининг соғ-саломат ва тинчлиги ҳақида баъзи-баъзида косидлардан хабар топиб турса-да, айрилиқ азоби, дийдор соғинчи юрак-бағрини эзган ҳамда қалбини қийма-қийма қилган эди. Гох-гоҳида зимдан хон ҳарамида инисини калака қилишлар, ўзини эса хоннинг қудрати ва доврўғига учиб, яқинларидан юз ўгирган ҳамда енгилтаклиги боис хоннинг пешига тирмалашиб келган маъносидаги гап-сўзлардан чарчаган, бу тенгсиз азоблар ичра лоақал бир марта тилга келиб, инисини ёқлаёлмагани, нафсиламрини айтганда ўзининг ҳам на юришида, на уйқусида ҳаловат йўқлиги тинка-мадорини қуритган, дамини ичига ютиб, сиртдан бахтли яшаётгандек кўрсатишга уринишларини ўйларкан: «Дўзах мундин яхшироқ бўлса керак. Фақат хоннинг илиқ меҳри туфайлиғина бу ҳаётни босиб ўтдим»,

дея нафаси ичига тушиб кетарди баъзан. Ҳозирда эса биринчи бор инисининг номини ҳурмат билан тилга олган қаршисидаги кишининг беғубор муомаласини кўрган Хонзода бегимнинг вужудига илиқлик инди. Кўксини вижимлаб ётган соғинч азоби кўзларини ёшлади ва зўрға:

– Қуллук, – деди.

– Бу дунёға ҳаммамиз меҳмонмиз, – Сайид Жаъфар хожа яна сўз бошлади, – ўтган кунларимизға шукр қилиб, қалбимизға суяниб яшамоғимиз лозимдур. Шул важдин кексайгон онимда сиз киби қизим тенги маъсума бир аёлнинг дилида ёмонотлик бўлиб қолмоқни хохламасмен.

Хонзода бегим уялиб, юзини яширди.

– Атрофимизни қуршаб тургон тоғларда на қўл, на сўз бор, аммо ўзларидин-да оғир дардлари бор! Менға шундай туюладур, – томоқ қириб, бир дақиқа жим қолди, сўнг яна давом этди, – фаҳмимча, сизнинг ҳам тоғлардек оғир дардларингиз борға ўхшайдур. Бу билан сизнинг кўнглингизни синдирмоқчи эрмасмен, синглим, аммо...

Хонзода бегим Сайид Жаъфар хожага мунғайиб қараркан «Синглим дедиму? Қанийди бир умр синглиси бўлиб қолсам?!» юраги хаприкди.

– Ҳа, кўнгилини синдирмоқ гуноҳи азимдур. Ўша кўнгил синиқлари йўлингизға сочилса борму, охиروقибат ёмон бўладур. Шу тўфайли ҳам сизни бу ерғача судраб келгон кўр тақдирингиз ҳақида сўраётирмен.

Жунжиккан забони ҳамон сукут ичра фарқ бўлиб ўтирган Хонзода бегим қалби аста-секин жунбишга кела бошлади. Қаршисидаги одамнинг қистовларига «миқ» этмай ўтирган бегим охири: «Не бўлғонда ҳам унинг маҳриға тушдим. Кунни келиб, ўтгон кунларим ҳақида сўзлаймен-да» деган юпанча бўлиб, ўтган воқеаларни бошдан-охиригача сўзлаб берди ва сўнгида:

– Хон ҳарамидан кўра қабр иссиқроқ бўлса керак, дея ўйлардим баъзи дамларда. Аммо ўшал қабр

хам мени ўз бағрига олмоқни ор билғонини ўйлаб, – кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди, – йўкликнинг чораси бардошга таяниб кун кўрдим, – деди.

Сайид Жаъфар хожанинг дили вайрон бўлди.

– Сизнинг гамингиз дилимни эзди, қалбимни поймол этди. Эвоҳ, бу ишни инингизни сақлаб қолмоқ умидида қилғонингизни биларму? Бобурбекнинг хабари борму?

Сайид Жаъфар хожа негадир аввал Бобур деб атаганига бир оз хижолат бўлди. Чунки Хонзода бегимдай жасоратли аёлнинг укасини Бобур деб аташ – ҳар иккисига нисбатан ҳам ҳурматсизликдай туюлди. Хозирда унинг исмига «бек» кўшиб сўзлади:

– Аниқ билмаймен. Даргоҳдин онамга «Ахир, хон кизи бўлсам, яхшиму ё ёмонму бек ё хонга тегишим шарт бўлса..., қачонгача иним даргоҳида қарикиз бўлиб ўтирамен», дея ўз ризолигим билан чиққонмен, – хўрсинди, сўнг ёнидан оппоқ рўмолчасини чиқариб, кўз ёшларини артди.

Кўзлари катта-катта очилган хожа ўзини бегим олдида бир хасчалик сезди. Унинг фидойилигини тавсифлайдиган сўз айтишга, тўғриси ўша нодир сўзни топиб сўзлашга ожизлик қилди. Бир муддат меҳр билан тикилиб турди-да, гални бошқа томонга бурди.

– Тақдиримизнинг бул нуқтаси ўхшашлигини қаранг, – деди хожа, – мен ҳам аввал хон ҳарамидида хизматда эрдим. Бир куни сарой шоири Муҳаммад Солиҳнинг хонасига хазрати Алишер Навоийнинг «Чор девони»ни сўраб олмоқ ниятида киргон эрдим.

«Инимга тош отғувчилардин бири» хаёлидан ўтди бегимнинг.

– Ўзи йўқ эркан. Токчадин китобни топиб, варақларонимда бир буклангон қоғоз чирт этиб ерга тушди. Олиб очсам бир гўзал ғазал битилгон:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бегим тўлқинланиб кетди:

– Инимнинг ғазали-ку!

– Ҳа, Бобурбекнинг ситам сиёҳида ёзгон сатрлари. Ниҳоятда ёқтирғоним боис хиргойи қилиб юрар эрдим. Куй хонға ёқиб қолса бўладирму? Аммо сўзлари кимники эканини билғач, мени ҳам худди сиз киби саройдин қувиб-солғон. Шу-шу нигоҳларимиз бир-бириға тушмас эрди.

Хонзода бегим иниси ҳақидаги илиқ сўзларни жон кулоғи билан эшитиб-да, Муҳаммад Солих ҳақида ўйга чўмди: «Иним бирлан оралари бузилғон эрса-да, газалларидин баъзиларини китоблари орасида сақламушлар. Тилида шаъниға лой чапласа-да, дилида... Ҳа, инимда бир қудрат борким, ул бирла бир суҳбат қурғон кимса ҳеч кўнгил узолмас!»

Сайид Жаъфар хожа эса, Хонзода бегим ҳақида ўйлаганларининг ҳаммаси тескари чиққанлигидан севиниб, яна бир қарра тўлиқ ишонган ҳолда қувонч билан деди:

– Агар менинғ ҳам сиздай синглим бўлғонда эрди... Сиздаги жасорат анча-мунча эр-йигитнинг қўлидин келмас, матонатинғиз эрса аёлларға сабоқ бўлғулиқ. Сиз шул жасорату матонатинғиз туфайли Оллоҳ берғон буюқ неъмат – Мирзо Бобурдай зотни сақлаб қолдинғиз. Сизнинг олдинғизда наинки Бобурбек, мен ҳам, бутун жаҳон қарздордур, синглим.

Бегим қўлини кўксига қўйиб, бош эгди:

– Ташаккур сизға.

– Бул киби эзгу ишларни фаҳми ноқислар тушунармуди? Хўш, энди бизнинг никоҳимиз масаласиға келсак, шул вақтғача қисматнинг аччиқ кунлари бўронлариға бардош бериб келдинғиз. Энди шу сониядин бошлаб озодмен деб ҳисоблайберинғиз.

Бегим узун, қайрилган киприкларини пирпиратиб, анграйганича унга қаради. Кўнгилларни кўргувчи Сайид Жаъфар хожа эса, бегим юзидаги ўзгаришға қараб қўйиб, сўзида давом этди.

– Никоҳ масаласини, – деди ойдинлик киритиб, – мозийдин, аждодларимиздин қолғон меросимиз деб тушунамиз. Лекин ҳозирда биз учун омонат чора деб билинғиз. Ҳа, синглим, кенг ақл-фаросатинғиз ва

хуш одобинғиз, улуғ жасоратинғиз олдида бир умр тиз чўкаман ва сизға оға, ўрлинғиз учун эрса тоға бўлиб қолмоқ орзусидамен.

Хонзода бегим нима деярини билмас, кўзлари қувончдан ёш тўкарди:

– Раҳмат сизға, оға! Ғам-ғуссадин пўла бўлғон вужудимға жон бахш этдинғиз. Жисмимда ўсғон андух дарахтиға болта урдинғиз. Сиздин бошим гўрға кирғунча миннатдормен, оға!

– Синглим, – енгил тин олган Сайид Жаъфар хожа энди Хонзода бегимға оғаларча меҳр ила боқди, – Шайбонийхон кундан-кунға қутуриб бораётур. Илоҳий мушоҳадаларға кўра бу қусур паймона тўлғонидин хабардур.

– Шундай денг?

У «харамда эрканимда хоннинг қосидлари Шох Исмоилнинг хавф тундираётқони ҳақида сўзлаб эрдилар» демокчи эрди, тилини тийди. Чунки ўрни эмас эди.

– Хон ҳозир Эронни кўзлайдур. Бу йўлда ё шахидлик ё зафар кучишлиқ. Ҳар иккиси рўёбға чиққан тақдирда сизу бизға нигоҳи етмай қолур. Ундай ҳолда, иншооллох, ининғиз ҳузурига ўзум соғсаломат етказурмен, деб ваъда қилғаймен.

Хонзода бегим ўрнидан туриб бориб, бир неча дақиқа олдин нафратига дучор бўлиб турган бу одамнинг елкасидан тавоф қилгиси келди, аммо уялиш ва севинч хиссидан юзлари лов-лов ёнганича, чексиз миннатдорлигини изҳор эта олди, холос.

– Эртақлардағи тилсимотлар киби бир кун йўлларим оқарар, дея умид қилур эрдим, – тўлқинланиб деди у, – биздин қайтмаса бу яхшиликларинғиз Оллоҳдин қайтсун...

Лаблари пичирлаб дуо қилди. Душманнинг баъзан ўзи билмаган ҳолда душманига бирон яхшилик қилгани каби шу топда Шайбонийхоннинг ҳам янги фитна тузоғи улар дилига таскин берган ва йўлини нурафшон этган эди.

* * *

Кўп ўтмай Шайбонийхон келгусидаги орзу-умидлари фалокат остонасида янчилишини хаёлигаям келтирмаган эди. Эл орасида, «Ҳар бир камол заволга гаровдир ва ҳар бир шараф ўз жойида уволга нишонадир» дейилгувчи улур ҳикмат машхурдир.

Қаранги, Шох Исмоил араб ва ажам Ироқидан Шайбоний томон бадандишали лашкари билан бостириб келганда, хоннинг хизматида бир неча санокли кишилари бор эди, холос. Чунки кетма-кет зафар қучган Шайбонийхон бепарволикка юз тутган эди. Хон ёки подшоҳнинг бепарволиги элини қулга айлантиради, дейдилар. Шайбонийхоннинг аскар сонини кўпайтириш, чекиниб қуч тўплаш ёки ҳарбий ҳийла ишлатиш учун имкони йўқ эди. Қўшин тўплаш учун бир ҳафта — ўн кун, чекиниб қуч тўплаш учун икки ҳафта, ҳарбий ҳийла ишлатиш учун эса салоҳиятли саркарда ёки маслаҳатчилари ҳозир ёнида йўқ эди. Авваллари оз аскар билан-да кўп жангларда ғолиб чиққан хон тақдирга таваккал қилди ва жангга отланди. Лекин душманнинг мўри-малахдай бостириб келган лашкарлари унинг қўшинларини енгди. Шох Исмоил аср намози вақтида Шайбонийхонга шаҳидлик шаробини ичирди. Сўнг Марвга борди ва халқини қирғинбаротга учратиб, Хирот томон кетди. Қирғин бўлган марвликлар орасида Сайид Жаъфар хожа ҳам бор эди. Хонзода бегим эса ўели Хуррамшоҳ билан асир тушди. Шох Исмоил Хонзода бегимни Бобур подшоҳ (ха, дарвоқе, шу оралик йилларида туғилган Хумоюн отасига подшоҳ унвонини «тақдим этган» эди) ҳузурига юборди. Шох Исмоил одамлари она-болани зўр эъзоз ва икром билан Кобулга кузатиб бордилар. Улар билан қўшиб, келишув ва ҳамкорликни ўз ичига олган хат ва хабарни ҳам етказдилар. Бобур подшоҳ ҳам Шох Исмоилнинг ёрдамига ишониб, ўз амакиваччаси Хонмирза ибн Султон Маҳмуд Мирзони шох ҳузурига юборди. Ўрталарида иттифоқлик ришталари мустаҳкамланди.

* * *

Аслида Мирзо Бобур эгачиси хакида Шох Исмоил номига мактуб жўнатган эди. Сабаби, Эронни кўзлаган Шайбонийхон кўшинлари Марв яқинидаги жангда хоннинг бепарволиги ва баъзи жангчиларининг тарқалиб кетгани боис енгилдилар. Натижада, Шайбонийхоннинг қўл остидаги бутун мол-мулк Шох Исмоил тасарруфига ўтди. Номани олган Шох Исмоил асир тушганлар ичида Мирзо Бобурнинг опаси Хонзода бегим ҳам борлигини аниқлагач, унга нисбатан юқорида айтганимиздек, хурмат-эҳтиром кўрсатгани ҳолда ўз юртига, аниги, Мирзо Бобур хузурига жўнатган эди. Эгачисининг бундай эҳтиромда кузатувини кўрган Мирзо Бобур Шох Исмоилнинг бир қадар ўзига нисбатан хурмати борлигини сизди ва бениҳоя қувонган ҳолда узоқ айрилиқдан сўнг кутиб олгани тутинган иниси Муҳаммадий Кўкалдош иккови чикдилар. Улар, айниқса, Мирзо Бобур шу қадар ўзгарган эрдик, анча вақтгача бир-бирини танитай турдилар. Очиги, бегим инисини танимади. Сўнг Муҳаммадий Кўкалдош аралашувида бир-бирини таниган икки қалб ташналиги, узоқ айрилиқдаги захму заққумлари барҳам топгандай бўлди.

– Куш киби учиб келдим, амирзодам!

– Умримни йўлингизга хазондек сочсам арзир, опажон!

– Дийдорингларга етар кун ҳам бор эркан-а?

– Опажон, сиз у ёқда, биз бу ёқда, аролиқ олис, – гапини бўлди Мирзо Бобур, – мана шу дамларда бир нарсани аниқ ҳис этдимки, агар инсонларда меҳру муҳаббат бўлмаса, дунё бир қафасдай гап эркан.

– Ҳа, дунё меҳру муҳаббат борлиги учунгина лаззатли, ҳам ширин. Йўқса, эзгуликка ёвузлик зиндон бўлғони каби, сиз айтмоқчи, одамзод учун ҳам бу ёруф олам бир қафасдай гап эркан, тўғри айтдингиз, амирзодам. Эҳ, ташналиқ шул қадар бағримни ўярдики, гоҳи кунлари ойнанинг нурларидин сўкилгон тун бағрида кўнглумга таскин олмоқ учун осмондаги

юлдузларга нажот истаб термулардим. Ўшал юлдузлардин ўзга сирдошим йўқ эрди.

– Қанийди, ўшал юлдузлардин бошинғизга чамбар килолсам...

Қароргоҳга қайтгунларича икки ташна қалб садолари атрофдагилар дилини маҳзун айлаб, қалбини ларзага солиб келди. Кечгача Хонзода бегим ўтирган меҳмонхона олди бўшамеди. Марғилонлик Хўжа Калонбек, унинг укаси Кичик Хўжа, қувалик Тохир Кўрчи, тошкентлик Саидхон, самарқандлик Мажид Барлос, Юсуф Андижоний деган андижонлик бир навкар – хаммалари ватанларининг дарагини олиб келган Хонзода бегим билан кўришдилар. Кўзларида ёш билан суҳбатлашдилар. Сўнг ичкаридан чиққан Муҳаммадий Кўкалдош қолган навбат кутиб турганларга:

– Аввал она-бола яхшилаб хордиқ чиқарсунлар, дедилар подшоҳимиз, – деди, – сўнг эртага албатта кўришасизлар!

Бу пайтда осмон косасидан кеча тўкилиб, борлиқни зулматга айлантирган, кўк тоқидан мўралаб хулкар кўринган эди.

* * *

Орада бу дунёнинг чироғи бўлмиш куёш олам узра неча бор ботиб, неча бор отди. Бу кунлар бағрида сарсону саргардонликларни ортда қолдириб, Кобулга муқим жойлашган Бобур подшоҳ ўз мулкининг пойтахтини жуда севарди. Сабаби, Кобул иқлими мўътадил бўлиб, шаҳар атрофи қир-адирлар ва қоялар билан ўралган пасттекислиқдаги гўзал воҳада жойлашган эди. Тупроғи унумдор, ўртасидан дарёнинг бир ирмоғи ўтадиган шинам гўша эди. Бобур подшоҳ шаҳар қалъаси яқинидаги кўл ва ўтлоқларни, айниқса, улар яшил либосга бурканган чоғларни яхши кўрарди. Лекин узум, анор, ўрик, олма, беҳи, шафтоли, олу, анжир, бодом ва ёнғоғи кўп яхши бўладиган бу юртининг озик-овқат учун керакли экинлари бироз яхши бўлмаганлиги уни ташвишлантирарди. Охири унинг

хам чорасини топди. Сара уруғларни четдан олиб келиб, экканларида ҳосил яхши бўлганини кўриб, дехконларга уруғ етказиб бериш чорасини излай бошладилар. Шаҳар ташқарисида қаровсиз қолган боғни қайта тиклади ва «Боғи вафо» деб ном қўйди. Яна бир тоғ устида тепалик бўлиб, унинг юкорисидан келадиган ариқдан бир тегирмон суви эгри-бугри ҳолда оқиб тушар эди. Ариқни ҳам ўзининг режаси асосида қайта қурдирди ва қирғоқларига хафсала билан бир хил тошлар тердирди. Бу ҳол боғ манзарасига янада гўзал бир кўриниш армуғон этди. Наргис ва атиргуллар Бобур подшоҳнинг севимли гуллари бўлиб, Кобул бу гулларга жуда бой эди. Айниқса, ҳар турли лолалари ила беҳад гўзал бўлган яйловлари кишини ҳайратга соларди. Кобул Бобур подшоҳ учун сўлим гўша ва хавфсиз бошпанагина бўлиб қолмай, балки ўзлигини янгитдан англашга ҳам имкон берди. Ҳаёти давомида саргардонликлар ва жангу жадаллар унинг ҳассос қалбини, нозик туйғуларини дағаллаштириб юборганди. Бу ерда, яъни саройда хотинлари гарчи бир ҳарамда бўлсалар-да, ҳар бирига алоҳида-алоҳида кўшк қурдирди ва ҳар бирига кўшк маҳобатига ярашиқ боғлар ҳам барно эттирди. Улар бир-бирларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда яшардилар. Нафақат хотинлари, балки амма-холалар, канизакларига ҳам махсус хоналар ва мўъжазгина боғчалар қуриб берди. Тан маҳрами бўлган аёллари учун сарой ҳудудидан махсус ажратилган жой бўлиб, у ерда яна бир кўшк ва унга яраша боғ бўларли жой бўш ётар, бу ер фақат гулзор қилинган эди. Баъзилар, Бобур подшоҳ Мохим бегимни ниҳоятда яхши кўргани учун унга атаб, антиқа гуллардан ташкил топган гулзор ҳам қилиб берди, деб тушундилар. Аслида эса, қачонлардир инисининг бағрига қайтиб келиши мумкин бўлган опаси Хонзода бегимга аталган бўлиб, буни Бобур подшоҳу меъмордан бошқа ҳеч ким билмас эди. Ичкари тарафда махсус тайёргарликдан ўтган мохир камонбоз аёл соқчилар ва уларга ёрдам кўрсатиш учун ҳамиша тайёр турадиган

бичилган куллардан иборат алохида кўрикчилар томонидан ва кўрғон ташқарисида эса ишончли эркак сарбозлар томонидан кўрикланишини ташкиллаган эди. Қуёш ботиши билан кўрғоннинг барча дарвозалари беркитилиб, фақатгина битта эшик очик ҳолда кўрикланарди. Бу эшик машғалалар билан ёритилиб, ундан кириб чиқадиган ҳар бир аёл синчковлик билан, махсус аёл кўрикчилар томонидан текшириларди. Агар аёллар ҳарамдан ташқарига чиқадиган бўлсалар, махсус соқчилар қуршовида чиқардилар. Зотан, Бобур подшоҳ қаерда яшашларидан катъи назар аёлларга етарли эътибор қаратарди. Бундан ташқари, у ҳарам аёлларига бирмунча эркинликлар ҳам яратди. Яъни улар чодра ёпинмас, от миниб чавандозлик қилар, камонбозлик машқлари билан шуғулланар, шаҳар ташқарисига сайру томошага, гоҳ-гоҳида шикорга ҳам чиқишларига рухсат бўларди. Ўғил ва қиз болаларининг таҳсил олишлари учун ўқув хонаси яратилиб, хонада китоб ўқиш учун лавҳлар, ёзув учун махсус тахтачалар қўйдирилганди. Катъий тартиб-интизомни ўрнатди. У ерда қизлар устозининг оёқ томонида, юмшоқ ўриндиқларда ўтириб сабоқ олардилар. Уларни ўқув хонасига ҳар куни энагалари олиб бориб, олиб келиб қўярдилар. Яна бир муҳим томони, Кобулда хилма-хил қавмлар бор. Сайхонликлар ва текисликларда турклар, аймоқ ва сахройи араблар; шаҳар ва баъзи кентларида сартлардир. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида пашойи, парожии, тожик, бараки ва афғонлар истиқомат қилади. Ғазни тоғларида эса, ҳазора ва накдарилар яшайди. Кобулда деярли ўн бир-ўн икки тилда гаплашадилар.

Бобур подшоҳ қайси шаҳар ё мамлакатни қўлга киритса, ўша ернинг хазинасидан, асл молларидан ҳарамдаги ҳар бир подшоҳ бегимларга совға-саломлар жўнатарди. Ҳарамдагиларнинг қатор-қатор дуру марваридлари, шода-шода тақинчоқлари, ўз аксини кўрсатадиган катта кўзли узуклари, тиллақош ва билакузуклари бўлса-да, навбатдаги энг ноёб совғаларни хаёлларига ҳам келмаган ҳолда қабул қилар

эдилар. Бегимлар ҳар совға-салом олганларида Бобур подшоҳнинг эришган галабалари шаънига Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, хайр-эҳсон кунлари ўтказишар, етим-есирларга ҳадялар улашишар, ночор оилаларга ёрдам қўлларини чўзишарди. Бундай кунлар гоҳо уч кун, гоҳо haftaга чўзиларди.

Бобур подшоҳнинг бошқа хукмдорлардан яна бир фарқли жиҳати – у ўз яқинлари ва ҳарамдаги барчадан қиладиган ишлари режасини махфий тутсада, атроф-жавонибда, кўшни подшоликларда бўлиб ўтган воқеа-ходисалардан беҳабар қўймасди, у бу билан яқинларининг, ҳарамдагиларининг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлар, уларнинг ҳамфикрликларини янада жипслаштирарди. Шунинг учун тўрт томони ўроғлиқ қўрғон ичида яшайдиган аёллар ҳам ён-атрофда бўлиб турадиган ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришлари зарур деб ҳисоблар ва бунга имкон яратиш учун тез-тез зиёфатлар уюштириб турарди. Айниқса, аслзода оилаларда туғиладиган ўғил болалар шарафига бериладиган зиёфатлар, хатна ва никоҳ тўйлари чор атрофга маълум қилинарди. Зиёфатга келганлар оиласидан ёки олам янгиликларидан сўзлашар, шу орқали бу оламда қандай ишлар бўлаётгани хақида хабарлашар эдилар.

Айниқса, ҳарам аёлларининг ов пайтида бақувват тоғли аёллар сингари отда узангига маҳкам оёқ тираб, камонбозлардек қадларини тик тутиб туришлари, кенг ва сервикор либосларининг Кобул шамолларида сокин ҳилпираб туришларини кўрган Бобур подшоҳнинг кўнгли хотиржам тортарди. Ҳарам аёлларининг ўрганиши лозим бўлган хунарларидан бири – камон отиш пайтида бармоққа киядиган ҳалқа ясаш эди. Баъзи маликалар ўзлари учун бу ҳалқаларни кумуш ва олтиндан тайёрлардилар. Улар баъзан кўрғон девори устида туриб, човгон ўйинини зўр қизиқиш билан кузатишар, гоҳо от минишиб сайрга чиқишар, гоҳо эса шунчаки сайилгоҳларга боришар, бу пайтларда шатранж ва нард каби ўйинларни

хам зўр мароқ билан томоша қилишарди. Дорбозлар, жанглёрлар, илонбозлар ва масхарабозларнинг чиқишларидан завқланишар, хуккабоз шоирларнинг ғазал ўқишларини, қиссаҳонларнинг мафтункор эртакларини тинглашарди. Узоқ сафарларга чиқадиган бўлсалар ҳам улар учун махсус шароитлар яратилар эди. Подшоҳ хотинлари ичида Моҳим бегим учун иккита, баъзан тўртта от устига ўрнатилган ва алоҳида безалган маҳофа хизмат қиларди. Шуниси қизиқ эдики, Моҳим бегим сузишни яхши биларди. Фасоначиларнинг айтишича, қандайдир меҳмондорчиликдан канизаклари ва соқчилари билан Кобул дарёси бўйлаб қайтаётган Моҳим бегимнинг дарё ўртасида оқиб келаётган кўзичоқни сувдан қандай олиб чиққанлиги нафақат ичкари, балки ташқарида ҳам овоза бўлган эди. Бобур подшоҳ кўп бора унинг юришларидан нолиб, жавобини сўраган Ойиша Султон бегимни эсларкан: «Мусулмончилик ҳам аста-секинлик билан эрди», дея хаёл қиларди. Кейинчалик, Шайбонийхоннинг амакиси Кўчқинчихонга никоҳланганини эшитиб: «Ул вақтларда менинг туриш-турмушимдин эрмас, ўзимдин ҳафсаласи совуғон кўринадур. Негаки, ундин кўнглум сув ичмағони боис безътибор эрдимда», дея Ойиша Султон бегимни ҳозирги хотинларичалик эъзозлай олмаганидан бир оз ўқинарди. Канизаклар ва чўрилар учун ҳам махсус кажава ёки маҳофалар бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги отда юрардилар.

Бобур подшоҳ бегим мақомидаги аёлларнинг ҳам ҳар бирига алоҳида махсус турар жойлар ва унга мос шароитлар яраттириб берганди. Энагалар учун ҳам алоҳида уй-жойлар қурдириб берди. Уларнинг ҳар бирини ўз мавқеига қараб, улуфа – маош ва нафақалар билан таъминлади. Жойлаштиришда эса салтанат бош меъморининг тадбиркорлиги кўл келарди.

* * *

Ўзи хаёлига келтирганидек, опаси Хонзода бегим ўғли Хуррамшоҳ билан хузурига қайтиб келгач,

уларни вақтинча бир уйга жойлаштирган эди. Ҳар куни от устидаги чайқалишу силкинишлардан каттик толикқан она-болани ўзларига келгунларига қадар безовта қилмасликларини, мулозим ва канизаклар уларнинг хизматларини аъло даражада бажариб туришини тайинлаган эди. Ҳафта ўтгач, ҳадиксиз, сокин ҳаёт ва мириқиб дам олиш туфайли она-боланинг ранги тиниклашди. Буни кўрган Бобур подшоҳ, бегимлар ва фарзандларини олиб келиб, бирма-бир таништирди. Хонзода бегимга, айниқса, хотинларидан Моҳим бегим ва ўғли Ҳумоюн жуда ёқиб қолди. Тезда тил топишган шахзодалар Хуррамшоҳ ва Ҳумоюн ёшларида деярли анча тафовут бўлса-да, бирга овқатланишар, баъзи кунлари эса бирга ухлашарди ҳам. Ҳумоюннинг отасига ўхшаш чехраси ва ширин тиллиги Хонзода бегимни кўпинча лол қолдирар: «Оллоҳнинг бу кароматида бир хикмат бор», дея ҳаёлот оламига шўнғишига сабаб бўларди. У гарчанд Хуррамшоҳдан беш-олти ёш кичик бўлса-да, кўп нарсага ақли етарди:

– Аммажон, – деди бир куни Ҳумоюн катта-катта қора кўзларини жавдиратиб, – отам сизни ҳар куни эсга олиб гапирар ва баъзан йиғлар эрдилар. Кеча, энди опам бағримда, армоним йўқ дедилар. Нима у армон?

Хонзода бегим борлиқ-йўқлик аро аллақандай хислар гирдобига шўнғиди. Чунки гоҳ-гоҳида «Иним мендин кутулолмай юрган эркан-да, хон саройига келгунимдин бери бирон марта йўқламадилар ҳам. Ўзиға-ку илож йўқ, биронта одамани жўнатиб-да, ҳол-ахвол сўрасалар бўларди-ку?» дея кўнглининг бир четига ин қуриб олган гина домига тушар ва ўпқаланиб йиғлаб ҳам оларди.

...Аслида Бобур подшоҳнинг абжир йигитларидан бир эмас иккитаси Шайбонийхон сипоҳилари орасига кириб олган ва улар қатори, гўё дашти-кипчоқликлардек яшардилар. Улар Хонзода бегим ҳарамига яқин ерга жойлашган бўлиб, бегимнинг тинч ва осуда яшаётгани ҳақида ташқаридан келгувчи

қосидларга хабар етказиб турардилар. Бобур подшоҳ кўп бора одам жўнатиб, опасининг хол-ахволи ҳақида билмоқчи бўлган, аммо бир андиша унинг олдида ров каби эди. Ҳар ерда ва ҳар бир саройда бўлгани каби фитначиларнинг турли хил бўхтону тухматлар ясаши аниқ эди. Қолаверса, буни кўрганлар ва Шайбонийхоннинг амакиси билан яшаётган собик хотини Ойиша Султон бегимнинг борлиги, унинг одам жўнатиб, бегимдан хабар олиши баъзи бир сабабларни юзага келтиришини ўйлаб, ниятидан қайтган эди. Шундай бўлди ҳам Бобур подшоҳ қосидларнинг опаси ҳақида сўнги хабарларни келтирганда Худога минг қатла шукр қилди. Чунки Мўғул хоним опаси ва ўзи тўғрисида қаттол тухмат лойини қорганини эшитгач, опаси ҳақида қаттиқ ташвишга тушган эди. Фақат Шайбонийхонгина эмас, бошқа хон ва подшоҳлар ҳам бундай бўхтон олдида ожиз қолар, яқуни гунохкорнинг қатли билан тугарди. Ҳайтовур, опаси ўрилчаси билан бағрига соғ-омон қайтди.

Ажаб, жиянининг ҳозирдаги гапи ўша, кўнглининг бир четида яшаётган гинани ювиб ташлагандай бўлди.

— О, бийрон тилларингдан ўргилай сени, — Ҳумоюнни бағрига босди ва лўппи юзларидан ўпди, — армонни кейинчалиқ тушуниб оларсен.

— У нима ўзи, аммажон, — такрор сўради Ҳумоюн.

— Бу — кўнгил овриғи дегани, шаҳзодам. Сизлар ҳеч қачон армон бўладигон ишларга йўлиқманғлар, — ёнида уларга қараб турган Хуррамшоҳнинг ҳам юзидан ўпди, — ҳаётингиз тинч бўлсин ва кўнглингизда армон тувилмасун.

Болалар ўйнагани ташқарига отилдилар.

* * *

Эрталабки нонушта ўтгач, опаси билан суҳбатлашмоқ илинжида кирган Бобур подшоҳ Хонзода бегимни хаёл тирқишига офтоб нуридек кириб кетган онда кўрди. Подшоҳ енгилгина томоқ қирди. Чўчиб қайрилган Хонзода бегим:

– Хуш келибсиз, амирзодам, – суйиб қарши олди, – буни қаранг, ёшлирим кўмилгон чорбоғларни хаёлан кезаётиб эрдим, сизнинг ташрифингизни ҳам сезмай қолибмен, – деди ва мийиғида табассум билан инисига пешвоз юриб келди ҳамда ўнг елкасидан тавоф қилиб, тинчлигини сўради.

– Шукр, сиз келиб бағрим тўлиб қолди, опажон!

– Ташаккур, шахзодам! Мени айтинг, мен ҳам...

Хонзода бегим инисини юқорига солинган зарбоф кўрпачага ўтиришга таклиф қилди, ўзи эса қуйироқни мўлжал қилаётганини сезган Бобур подшоҳ:

– Яқинроқ ўтирингиз, – дея такаллуф қилди, – бу ўтгон айролиқ онларидари соғинчларимни ёзмок ниятида сизнинг дийдорингизга бир тўяй! Сиз қайтиб келиб, етим кўнглим нурга тўлди. Сиз билан гўё онам ҳам тирилиб келди.

Подшоҳнинг кўз косасидан юзига биллур томчилар думалаб тушди.

– Онамиз ҳақидаги шумхабарни анча олдин эшитиб эрдим, аммо негадир ишонмағондим. Чунки ҳали ёш эрди-да.

– Нимасини айтасиз, опажон. Ҳа, жудаям ёш кетдилар, туриб-туриб алам қилади. Улуғ ёшдағилар озму? Яшаб, туз-насибасини еб юрибдилар-ку! У ёқда сиз, бу ёқда онамдин айрилиқ, телба бўп қолишимга оз қолди, опажон.

– Эвоҳ! Бизларнинг қиёмат тақдиримиз доғида адо бўлдилар, ҳа иним. Кеча юрагимга оғу тушди, энди бир умр онам дийдориға зорлиғимни англадим. Хон хузуриға кетишдин олдин кўрғонимда бир ахволда, юзлари сўлгин, сочлари паришон, йиғлайвериб кўз жияклари шишгон, овози бўғилгон эрди. Тун бўйи мижду коқмадим. Гоҳ кўзларимдин ёш тиркирар, гоҳ ичимда эзилиб йиғлар, гоҳ эса... Хуллас, рухимда онам учун хайкал тиклаб, тонгни қаршиладим.

Хонзода бегим энди гапиролмай қолди. Чунки шу вақт унинг томирларида қон эмас, оташ ёнарди. Бу – айрилиқ оташи. Хиёл ажин тушган юзларини юваётган ёшларига безътибор:

– Ҳа иним, осмонимизда ой мангу ботди, – деди елкалари силкиниб, – мангу, укажон! Онамизни мангу йўқотдик!

Бегим ҳолатидан фарқсиз ўтирган Бобур подшоҳ:

– Бу ҳаёт кўп мураккаб, кўп жафолик кунлар кўрғазди, – дея сўлғин гап бошлади, – кўксимда бир умр армон инграйдур. Бу армон – ношуд ўғилнинг шохлик тақдиридаги мағлубиятлари довида адо бўлғон она ва шу йўлда бахтиқаро бўлғон опа туфайли туғилғон армон. Биласизми, кўнглимдаги бу армон кундан-кун най ноласидай кучайиб бораётир... Бу нола юрак-бағримни кабоб айлаётир.

Хонзода бегим сесканиб бош кўтарди. Шоша-пиша кўз ёшларини артди-да:

– Ундай деманг, – деди ҳазин. – Неки бўлса, бари Оллоҳнинг иродаси била бўлди, – инисига жилмайиб қарашга уринди, – бу кўргуликлар тақдиримизга битилғон эркан-да.

– Ҳамма айб менда, – Бобур подшоҳ унинг сўзини бўлди, – садо бермай яшашликни ўлим деб билғонимда...

– Ана шунинг учун ҳам волибсиз, шаҳзодам.

Бобур подшоҳ сўзсиз тикилганича опасининг чехрасига барвақт тушган ажинни, сочларига оралаган оқни кўриб, баттар юраги эзилди.

– Сиз мени деб озмунча азият чекдингизми, – деди охири кўнгли тўлиқиб, – шундай хокисор бўлдингизки... Яна менинг кўнглимни тоғдай кўтарурсиз. Бу қадар кучли иродани қайдин олғонсиз?

– Онамдин, сиздин-да, – жилмайди бегим, – эҳ, шаҳзодам! Бул қадар қаддимизни тик тутқон Темурий орият эрмасму? Енгилмаслиғимизнинг боиси ҳам жон томирларимизда бобомиз кони оққанлиғидин эрмасму?

Бобур подшоҳнинг боши ҳам бўлганини кўрган бегим сездик, билмасдан унинг ярасини тирнаб қўйди. Шайбонийхон қошига кетган кунини унутолмаётганини англади:

– Онамизнинг васияти ёдингиздаму?

Бобур подшоҳ киприкларини пирпиратиб қаради:

– Умидлар қўлида қул бўлингиз, кўз ёшингиз қуригай, орзунгиз зардоб ютмагай, сизни ёлғон кутмагай, муҳими тирик дегонингиз ўлик чиқмагай демушлар. Шул васият ҳаётим мазмуни бўлғони, яна бир улуг, тариқатнинг энг нодир ҳикмати, «Одам – яхшилик қули» дейилғон битикларига амал қилғоним учун ҳам қошингизда эсон-омон турибмен. Ул жойларда азиз бўстонни тарк этган охудай бўзлаб яшаш жафоси қийнади мени. Аммо барча чеккан азобларим сизнинг олдингизда ҳечдир, шаҳзодам. Ҳеч қуйинмангиз, эндиги қолғон умримни сизнинг ёнингизда ўтқизсам бас!

– Албатта, онам ўрнида онамсиз, ҳам опамсиз. У кунлар энди ҳеч қачон содир бўлмайдур.

– Хаёлчан осмон бу замин юзидаги не сир-синоатни кузатмагон, не тақдирларни кўрмагон. Ана шу тақдирлар ичида сизники баҳор каби яшнамоғи муқаррар эрди, амирзодам.

– Шунинг учун ўзингизни бу ношуд инингиз учун қурбон қилдингиз, буни кейин англаб етдим.

– Қўйинг энди, у кунларни сал хотирдин нари қувайлик. Аммо поччангиз...

– Мен уни почча дейишдин ор қилурмен! – титраб кетди Бобур подшоҳ, – почча эрмуш...

– Истасак-истамасак шу воқеа содир-ку, – бегим кизаринди ва Шайбоний номини тилга олишлик укасининг қалбига ханжар уришлик билан баробарлигини тушунган ҳолда хон деб қўя қолди, – унинг ҳарамида ҳам ёмон кун кўрмадим. Орқаваротдин шаънимни ерга урадурғон пичирлашлар қуловимға чалинса-да, юзимға айтишолмагани ва хоннинг илиқ муносабати далда бўлди. Ўша ерда ўтғон умрим мобайнида энг улуг ном, яъни оналик бахтидек ёруғ бир омадға эга бўлдим.

– Кўринмайдур?

– Ҳали уйқудин турмагон кўринадур. Кўп касал бўладир, шул боис...

– Ташвиш тортманғиз. Сарой табибиға кўрсатиб, керакли муолажаларни олдирамен.

– Раҳмат! Шахзодам...

– Лаббай опа.

– Мен хоннинг ҳарамиде шу нарсаға амин бўлдимки, унинг юрагида сиз учун алоҳида ўрин бор эркан.

Бобур подшоҳ юзини четга ўгирди.

– Ҳа, буни мен Сайид Жаъфар хожаға узатилгон кундин бир кун аввал сездим, аниғи чуқур хис қилдим.

– Нима, нима дединғиз? – Бобур подшоҳ газабдан кўкариб кетди, – Йўк! Сиз шу ерда янглиш тушунгонсиз! Унинг юрагида заррача меҳр, ҳурмат бўлгонда эрди, бу қадар паст кетмагон бўлур эрди. Қосидлар айтконларида бу тубанликни ёлгон бўлиб чиқишини қанчалар кутгон эрдим-а... Демак...

– Ҳа шахзодам, – пичокдай кесди инисининг гапини, – балки бу ишлар Оллоҳ иродаси биландур, лекин хоннинг шу тубанлиғи биз она-болани кутилмагон озодликка чиқарди.

Бобур подшоҳ тушунмай, хайрон бокди.

– Тил югуриғи – бошға, дейдилар. Ҳа, Сайид Жаъфар оғаникиға бориб қолишимиз менинғ тилим туфайли содир бўлди...

У аста, шошилмай юкорида келтирганимиз талок қилинишига дахлдор воқеани сўзлаб берди ва уялган ҳолда Сайид Жаъфар хожа билан оға-сингил тутинганини қувониб айтди:

– Ул зотни диёнат бобида тенгсизлиғини хон билванки бу ишни қилгон, йўқса... Шул сабаб, хожани эзгулик нуриға йўғрилгон ҳақиқий сайидлардин дея хулоса қилдим, ҳам ҳурмат қилдим. Сизнинг қошинғизға ўзи кузатиб қўймоқчи эрди, афсус, Марвдағи қатли омда шаҳид кетдилар.

Сўнғ хоннинг Сайид ота билан суҳбатини айтди... Бобур подшоҳ тушуниб етдики, хон ҳақиқатдан ҳам бегимни севган, ҳар хил гап-сўз, тухмату бўхтонлардан ҳимоя қилган. Аммо Мўғул хонимнинг

сўнги хийласи олдида чорасиз қолган. Яна бир томони, унга тинчлик бермай кўйган беҳосият туши бўлиб, ўзига нисбатан кўркинчи бир хавф яқинлигини сезган Шайбонийхон она-болани Сайид Ота хонадонига қандай йўл билан бўлмасин жўнатиш чорасини ўйлаб юрганда, Хонзода бегимни, яъни юқорида ўзи келтириб чиқарган жанжал воқеаси асосида талоқ қилиб, бу ниятига етган. Сайид Ота ҳам хон билан бўлган сўнги суҳбатларнинг бирида Сайид Жаъфар хожа номини тилга олмаса-да, унга ишора қилган. «Демак, бу ердаги никоҳ эр-хотунлик риштасини боғлаш учун эрмас, бегимни ҳимоялаш учун қилинган, — ёрувлик инди Бобур подшоҳ кўнглига, — ҳа, ҳақиқатда хоннинг кўнглида биз учун муҳим ўрин бор. Не бўлганда ҳам шавкатли ва доврўғи етти оламни тутқон подшоҳ Абулхайрхоннинг набираси-да... Ҳа, худди мана шу ерда имом-уз-замон ва халифат-ур-рахмонлигини исботлабдур, ҳа, ҳа, шундай...»

Шайбонийхонга нисбатан юрагининг бир четида илиқлик пайдо бўлганини хис қилган Бобур подшоҳ опасига маъноли қараб кўйди ва ҳар ҳолда ёмон одам билан ёстикдош бўлмаганидан руҳи кўтарилди.

* * *

Бобур подшоҳ опаси келган куннинг эртасигаёқ сарой бош меъморини қошига чорлаган эди. Меъмор тиз чўкиб, қуллук қилди.

— Жаноб меъмор, — деди шоҳ табассум билан, — иккимизнинг маслаҳатимизча чизилган кўшк тарҳи бўйича қурилишни бошланғиз! — дея фармон берди.

Қурилиш бошланди. Жуда кўп тажрибали, ўз ишининг усталари таклиф этилгани учун тез фурсатда битди. Бино маҳобатли ва бағоят гўзал бўлиб, шу вақтгача бундай мунаққашланган кўшк теурийзодалар саройида қурилмаган эди. Унинг устунлари ва кошинлари, кунгуралари шу кадар мохирлик билан ишланган эдики, безаклари коҳий рангда бўлиб, яркироқлигидан гўё бу жойга иккинчи куёш ёки иккинчи ой кўкдан тушиб, манзил қургандек эди. Ич-

кари безаклари ҳам шу қадар нафис ва шу қадар латиф эдики, таърифига сўз топилмас, кўрган одам кўз узолмай қолар эди. Тоқчаларининг хошиялари ҳам олтин рангда бўлиб, тутумидаги уй-рўзгор буюмлари: чойнак-пиёла, дастурхон-сочик кабилар ҳам асил моллардан эди. Айниқса, меҳмонхонаси олий таҳсинга лойик бўлиб, тўрисига соф олтиндан ишланган тахт ва куйисига қимматбаҳо тошлар қадалган олтин чорпоя, унинг ўртасига хушбўй сандал солинган идиш кўйилганди. Офтобрўя деразаларига хитойи шойи пардалар осилган. Унинг ҳам ажабтовур, нафис чечак-гуллари коҳий рангда нақшланган эди. Оёқ остига эса чўғдай, босса тўпикқача бота диган туркий гиламлар солинган. Коҳий, ложувард ва лаълилардан безак берилган шифтга эса, кўп шам ўрнатилган, яъни қимматбаҳо тошлардан безакли осма шамдон осилган. Шамлар ёқилганда гўё ботаётган куёшнинг осмон юзига урган шафақ шуъласи каби манзара касб этиши кишининг қалбини тўлқинлантирарди. Кираверишнинг ўзида катта хона бўлса, тўрисида меҳмонхона, чап томонда Хонзода бегим, ўнг тарафда эса Хуррамшоҳ учун хосхона ва хобхоналар қурилган бўлиб, улар ҳам номига монанд, асил моллар билан ясатилган эди. Ташқарида — кўшкнинг ўнг ёнига икки хонали пешхона ҳамда икки хона уй қурилган бўлиб, улар ҳам ўзига хос безакларга эга эди. Аммо булар кимлар учун, нимага қурилди, буни Бобур подшоҳу меъмордан ўзга ҳеч ким билмас эди...

Хонзода бегим ва ўғлини кўшкка кўчириб ўтган куннинг эртасига Бобур подшоҳ уй тўйи қилди. Унда подшоҳ бегимлар, аммабегимлару холабегимлар, қўйингки, узоқ-яқин қариндошлардан ташқари саройнинг каттаю кичиги, то мулозиму чўриларигача қатнашди. Уй тўйи ўтиши асносида ҳамма кўшкнинг ичию ташини томоша қилиб кўрдилар: «Саройда ягона қурилибди», деса бири, яна бири «безакларини айтинг?» дер, баъзилари эса, «хатто Рум подшоси бундай кўшкни тушида ҳам кўрмагон», дердилар.

Хуллас, тўйнинг якунида Бобур подшоҳ бегимлар ва ўз якинларини меҳмонхонага таклиф қилди. Барчаси чорпояга ўтириб-да, янги тахтга ким эгаллигини кўришга қизиқардилар. Бир вақт подшоҳ эгачисининг кўлидан ушлаб кириб келди ва тахт томон етаклаб борди.

– Опажоним, – деди кўзлари ёниб, – бу тахт сиз учун қурилмуш. Ўтиринғиз?!

Хаммаларидан: «Вой!», «Ҳимматни қаранг?», «Киройи ининг шундай бўлса?», «Бегим ҳам инисининг умри жонини сақлаб қолгон-да, унинг олдида бу тахт нима бўпти?!» деган шивирлар таралди. Иккиси ҳам бу ҳақиқатнинг шивир-шивирларини эшитиб турардилар.

– Ҳаққаста рост! – деди Бобур подшоҳ опасини тахтга ўтиришга ундаркан, – пойинғизга олтун тахт эркан, бутун дунёни пояндоз қилсам арзир!! Аммо, кўлимдин келгани шу бўлди, опа!

– Иним, ўзинғизни камситманг! Менинг ўрнимда бошқа бегимлар ҳам шундай қилгон бўлардилар!

– Опажон, – бегим пойига тиз чўкди Бобур подшоҳ, – сиз туфайли бугун Бобур подшоҳмен! Буни бутун Кобул, нафақат Кобул, балки бутун жаҳон кўриб турибдур!

Хонзода бегим унинг елкаларидан тутиб, ўрнидан турғизди ва кулимсираб деди:

– Мен теурийлар олдида ўз бурчимни бажардим холос.

– Шу билан бирга теурийлар тарихида муҳим из қолдирдинғиз, опа! Бу ишинғиз замонлар оша улуғланса ажаб эрмас!

Сўнг у опасини тахтга ўтқизди ва киприк қокмай кузатиб ўтирганларга юзлана, деди:

– Онам ҳаёт бўлгонларида албатта тахт ул зотники эрди. Сарой аёлларининг баъзи мушкуллариға ёрдам бергон ва менинг давлат ишларимға кўмаклашгон бўлур эрди. Аввал муқим бир жойда мамлакат идорасини бошқармағоним боис муҳим бир масалаға эътибор қаратмағон эрканмен.

Пашша учса эшитгулик сокинлик ҳукмрон эди.

– Мамлакат аҳли аёлларининг ҳам ўзиға яраша муаммолари бўлиб, баъзи ишлариға биз эркаклар ожизлик қилар эрканмиз. Шунинг учун опамни бутун Кобул аҳли аёлларининг бошлиғи этиб тайинламоқни маъқул кўрдим.

Ўтирганларда шивир-шивир бошланди.

– Агар маъқул кўрсаларингиз келгуси давлат кенгашида муҳокама қилиб, бир қарорға келурбиз!

– Иним..., ахир мен..., – бегим гарангсиб колди, – удалай олмасмен деб кўрқамен!

– Ҳазрати опаҷоним, сиз аввал ҳам тахтда ўтиргансиз, – қувлик қилди Моҳим бегим, сўнг:

– Ҳазратим, – деди Бобур подшоҳға қараб, – бу фикрингизни жон-дилим бирла қувватлаймен! Ҳақиқатда, мамлакат аёлларининг ҳам ўз бошлиғи бўлмоғи шартдур! Негаки, аёл дардини аёл биладур! Ҳазрати жаҳоним, ана шу таклифингиз ёниға мен ҳам бир таклиф қўшишни ўйлайдурмен!

Бобур подшоҳ ажабланиб қаради:

– Мен кўшкка кириб келаётқонимда бир нарсаға эътибор қилғон эрдим.

– Ҳўш? – қошлари чимирилди Бобур подшоҳнинг.

– Кўшкнинг ўнг ёнидаги икки хонали уйни кўрибқ бу қабулхона бўлса ажабмас деб эрдим.

Бобур подшоҳ хамиша Моҳимнинг зийрак ва топқирлигига лол қоларди. Ҳозир ҳам унинг бу хислатига ичида таҳсинлар ўқиди ва жилмайди.

– Ўша икки хонали уй ёниға яна бир каттарок хона, яъни Дорушшифо ҳам қўшсак-да, аёл-қизлар соғлиғини ҳам текшириб турадурғон табиб қўйсак! Нима дейсиз, ҳазрати султоним? – таъзим қилди.

У «ҳазрат» ёниға «жаҳоним», «султоним», «шаҳриёрим» каби сўзларни кўшиб, зимдан эркалаб-да Бобур подшоҳ меҳрини товлантиришға уста эди. Ҳам айни ҳақиқат эдики, Бобур подшоҳнинг дастлабки хотини, Ойиша Султон бегимдан туғилган бир кизи нобуд бўлди, исми Фаҳруннисо эди. Сўнг Султон Аҳ-

мад Мирзонинг кизи, Ойиша Султон бегимнинг синглиси Маъсума Султон бегим бир киз тугди, лекин ўзи вафот этди. Онасининг отини қизига қўйган эдилар...

Мохим бегим шунга ўхшаш аянчли воқеалар авом орасида ҳам кенг тарқалгани, айниқса, аёлларнинг туғиш жараёнида ё она ё боланинг нобуд бўлиш масаласига доир гап қилаётган эди.

Бобур подшоҳ ҳам дарҳол ўлган фарзандлари ва онасини кўз олдига келтираркан:

– Бу таклифингиз жуда ўринли, – деди мамнун, – пешхонанинг ёнига яна икки хона қургайбиз! Албатта, меҳнатлари эвазига улуфа ҳам белгилайбиз!! Ҳар бирингиз энг яхши ва билимдон табибларни эртадин Моҳим бегимга номларини айтингиз! Улардин энг номдорлари бунда иш юргизсунлар?! Бу кўшк узоқ йиллар она-болага насиб этишларини ва бу ерда тўйу томошалар ўтказилишини дуои фотиҳа қилишиб, меҳмонлар тарқалишдилар. Охири опа-ука ва келин ёлғиз қолганда:

– Иним, – деди Хонзода бегим, – менинг гарданимга оғир юк қўйдингиз. Мен бир ожиза бўлсам...

– Аввалига ҳеч кимга билдирмай иш қилайлук эрди, ишончингизга кирғонимиздин сўнг эълон қилинг эрди, ҳазратим?! – қайин опасининг гапини маъқуллади Моҳим бегим.

Бобур подшоҳнинг чимирилганини кўрган Моҳим бегим дарҳол Хонзода бегимга каради:

– Ҳалиям кеч эрмас иним, озгина ишлайлик..., сўнг.

– Бегимлар! – гапни қиличдай кесди Бобур подшоҳ, – орзу-умидларимга, қанотимга суянчиқ бўлишларингни, мамлакатнинг асосий таянчи бўлмиш аёлларга бош бўлишингларни, уларнинг мушкуллариға ёрдам беришингларни сўраймен.

– Мушкул ишлариға ёрдам сўрасалар бош устига, аммо бош бўлиш...

Бобур подшоҳ жиддий тургани боис бошқа гапга ўрин қолмади. Ушбу кундан бошлаб Хонзода бе-

гимга Мохичехра исмли ўрта ёшлардаги аёл тан-
кўриқчи, Моҳизода номли қиз эса канизак этиб та-
йинланди. Унинг учун ясалган махофанинг ҳам чет-
лари зар матолардан копланган бўлиб, отларнинг
эгар-жабдуклари ҳам тилла ва кумушдан зийнат-
ланди. Подшоҳ бегимлар эса ҳар куни бомдод на-
мозидан сўнг Хонзода бегим қошига келишар, тавоф
қилишиб ҳол-ахвол сўрашар, пича чақчақлашиб, сўнг
қайтардилар. Бобуршоҳ эса ҳар жума пешиндан сўнг
ташриф буюрар, кундан-кун чиройи очилиб бораёт-
ган опасининг рухсорини кўриб, хушнуд қайтарди.
Келгуси амир ва беклар, сарой амалдорлари кенгаши-
да Кобул мамлакати аёлларининг бошлиғи этиб Хон-
зода бегим ва ёрдамчи этиб Моҳим бегим номзоди
қаршиликсиз тасдиқланди ҳамда уларнинг талабини
кондиришда, яъни ўз ишига пухта табибларни сарой-
га олиб келиш ва улар учун қуриладиган хоналар
назорати эса вазир ҳамда меъморга юклатилди.

* * *

Бобур подшоҳ ўзи учун ҳам човроқ кўшк сол-
дирган бўлиб, махсус хонасида шеърлар, ғазаллар
ижод қилар, хобхонасида эса дам оларди. Айни дам-
да машҳур «Бобурнома» асари устида иш олиб бора-
ётганди. Бироз чарчаган човларида «Боғи вафо»даги
оромгоҳга борар, мусиқа тинглар, баъзида хофизлар-
ни чорлаб, улар ижросидаги энг яхши кўшиқлар
оғушига чўмар, олис-олис хотиротлар қаърига шўн-
ғирди. Баъзан ғазалхонлик кечалари ташкилларди.
Энг асосийси, ҳафтанинг ҳар икки кунида давлат аҳа-
миятига молик масалаларни кўриб чиқишни ва кен-
гаш аъзолари билан маслаҳатлашишни, қарор асо-
сида амалга ошириладиган ишлар назоратини сусай-
тирмас, хамиша кўз-қулоқ бўлиб туришни унутмас
эди.

* * *

Ва ниҳоят, опа-уканинг шохона чорпояда парку
болишларга суянганча мириқиб гаплашадиган даври

хам келди. Хонзода бегим инисининг бағрига қайтган дастлабки куннинг ўзидаёқ онаси – Қутлуғ Нигор хонимни ёдга олиб, кўз ёшлари обиравон бўлган эди. Ҳар иккисининг ҳам юраклари тўлиққан, кўнгиллари вайронлиги сабаб тилларига кўчмаган аламлари кўз ёши орқали юзларини ювганди.

Мана бугун жума намозидан сўнг ташриф буюрган инисига:

– Онам хазратларини кўп соғинамен! Менин дардимда адои тамом бўлдилар. Ҳа, мен шўр пешонани деб..., куя-куя умрлари шами сўнди!

Бобуршоҳ бошини қуйи солди.

– Ўша куни сарой дарвозасидин чиқаётқонимдаги аҳволи, – такрор деди яна кўзлари ёшланиб, – ҳануз кўз олдимдин кетмас! Ҳар ўйлағонимда юрак-бағрим эзиладур! Қанчадин бери аламлар юрак-бағримни тимдалар! Шундай шукухли, саодатли кунларимизда тўримизда ўтирсалар бўлмасмуди? Ҳозир шу қадар соғинганменки...

Хонзода бегим кўз ёшларига эрк берди. У обдан йиғлаб бўлиб, Қуръон тиловат қилгунча Бобуршоҳ жим, бошини эгганча тинглади.

– Илоё рухлари шод бўлсун!

– Сизни деб эрмас, мен, мен ношуд ўғлининг кўйида адо бўлди. Тинимсиз сафарлар, жангу жадаллар, очин-тўқин юришлар..., ҳамма-ҳаммасига чидадилар. Омад юз бурғон паллаларда кўнглумни кўтардилар. Эр кишига омад уч марта келадур, ҳали яхши бўлиб, бу кунларни кўрмағондай бўлиб кетамиз, дея овутардилар. Яхши бўлдук, мол-дунё ҳам бисёр, мамлакат подшоҳи ҳам бўлдим, лекин онам қанилар? Яхши кунлар умидини дилимга солғон жонкуярим қанилар? – маъюсланди у:

Даврон мени ўтқарди сару сомондин,

Айирди бир йўли мени хонумондин.

Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,

Неларки, бошимга келмади даврондин, – титраб чикди овози.

Хонзода бегим инисига ҳам осон бўлмаганини, бу кунларга неча-неча сахрою чўллар, тошлок йўллари довлар оша етиб келганини кўз олдига келтираркан, юраги хапқирди.

– Шаҳзодам, Тангри иккимизни ҳам кўп синовлардин ўтқарди. Дам яхши, дам ёмонларга йўлиқтирди. Шукрим, тезоблик қилиб иймон сотмадук! Ўзимизни ўйлаб паст кетмадук! Мана, ажрини ҳам кўриб турибмиз, – чалғитишга уринди, – албатта онамизнинг рухлари кўриб турибдур! Шод бўлғонлари ҳам аниқ!

– Ҳа, опагон! Онам ҳам, хали бу машаққатларнинг ажри бор, дердилар. Гоҳо иккимиз тонг отғунга қадар суҳбатлашардик. «Ўғлим, турмушдин муттасил яхшилик кутмоқ – нодоннинг иши», дея кўнглумни кўтарғон онларида ўзумни пардаин енгил хис қилар эрдим. Демак, ҳаёт имтиҳонларида фақат яхшилик қилгангина, эзгулик кетидин юргангина, муродиға етадур, дея хулоса қилардим.

– Албатта, ҳар яхшилик охирида ажр берилғон.

– Сизни Самарқандда қолдириб чиққач, – деди Бобуршоҳ, (Шайбонхонға топширғач дейишга тили айланмади), – у ерлардин бош олиб кетдук. Андигон бой берилғон, хазина бўм-бўш, кўпчилик амир-амалдорлари бек ва навкарлар юз ўгириб кетғон. Икки юзтача йигитлари беш-олтита яқинлар қолғон холос. Сафдошларимизда бор-йўғи икки дон чодир бўлиб, унияч чакка ўтмайдиғони онамизға хизмат қиларди, бири эса... Баъзан ёмғир ёққанда бу чакка дегани хўп номардлик қилардики, қаерға қочсам ўша ердин бошимға томарди. Икки юз киши пиёда, елкаларимизда чопон, оёқларимизда чорик, кўлларимизда таёқ бўлғон холда, беяроқ, Худоға таваккал қилиб, Бадахшон томон йўл олдук. У вақтда Қундуз ва Бадахшонда Хушрўй шоҳнинг аскарлари ва одамлари турар эрди. Мулозамат қилди. Ёдинғизда бўлса, амакиваччаларимиз Бойсунқур Мирзони ўлдирғон ва Султон Масъуд Мирзонинг кўзиға милл торттирғон эрди.

– Ҳа, эшитғоним бор.

– Мени эрса бир зарурат туфайли вилоятинин ўтаётқонимда хайдаб чиқарғон эрди. Ўч олиш пайиға тушмадим. Ушбу вақтда Кобул хукмронлиғи Зуннун Арғунниниң ўғли Муҳаммад Муқимниниң кўлида эрди. У Улуғбек Мирзониниң вафотинин сўниң амакиваччамиз Абдураззоқ Мирзониниң кўлидин Кобулни тортиб олғон эрди. Муҳаммад Муқим келишув бўйича Кобулни кишиларимға бериб, ўзи мол-мулкини олиб, Қандахорға, отасининиң олдиға кетди. Шундай қилиб, сунбула ойида Бинкашни олдук, сўниң ота мулкимиз Кобулни кўлға киритдук. Ўша ойниниң охирларида Кобулни олғон бўлсак, келгуси йилниниң ҳамал ойида, Кобул аркида ўғлим Хумоюн тувилди ва подшоҳ мақомини олдим.

– Оллоҳ муборак қилсун!

– Бу сўлим вилоятда бир вақтлар отанғиз бирла хўб бахтиёр яшағон эрдук, дедилар онам севиниб, каранг, хавоси жуда ёқимли, киши ҳам деярли қаттиқ келмайди. Ҳали баҳорда кўрасиз, жаннатниниң ўзи бўлади-қолади. Ўғлим, шу ерда тиниб-тинчиганинғиз рост бўлсун ва ота мулкинғиз Кобулни сизға Оллоҳ муборакбод этсун, дея тилак қилғон эрди онамиз раҳматли. Севинчи узоққа бормади.

– Ҳали ёш эрди, касал...

– Ҳа, волидамиз терлама касалиға чалинди. Хуросонлик Саййид табибға қаратдук. Қон олди. Хуросон усули бирла тарвуз бердилар. Бошқа дору дармонларни ҳам қўлладилар, аммо... Ажал етиб келғон эркан, олти кундин сўниң Тангри раҳматиға бордилар.

Икковлари тиллари гапға айланмай, сукут қилдилар.

– Ҳар не бўлғонда ҳам доимо бирға бўлдинғиз, касалиға қарадинғиз, армонинғиз йўқ! – деди бир оздан сўниң Хонзода бегим.

– Улуғбек Мирзо тоғ этагида бир иморат солғон эрди. Боғи Наврўзий номли. Ворисларидин рухсат олиб, якшанба куни Қосим Кўкалдош иккимиз тупрокқа қўйдук.

– Ҳа онам-а? Юмилгон кўзларини оҳиста силагон тупроқ-да мендин яхши, иним.

– Ўкинманғиз опа. Сиз ҳам қийинчиликларни бошинғиздин ўткардинғиз. Қай биримиз ёнинғизда турдук?

– Оҳ бир кам дунё-я!

– Хон додам Олачахон ва катта онам Эсон Давлат бегимға хабар қилдук. Қирки яқинлашқонда хонларнинг волидаси Шохбегим, холам Меҳр Нигор хоним ҳамда Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон дувлат келдилар.

– Ҳайдар Мирзонинг отаси?

– Ҳа, жиянимизнинг отаси. Аза расми жойиға қўйилгондин сўнг фақир ва мискинларға ош ва таом тортдук. Ўтгонлар арвоҳиға хатм ва дуолар қилинди.

«Бечора онамнинг маъракалари ҳам фақирона ўтибдур-да...», хўрлиги келди Хонзода бегимнинг.

– Элимизда ўлгоннинг кетидин ўлиб бўлмас, дейилгон улуғ нақл бор. Душманимиз тирик эркан, хушёр турмоғимиз даркор эрди.

Бобуршоҳ бегимнинг юзини қилиб, Шайбонийхон ўрниға душман сўзини ишлатди. Буни фахмлаган опаси бошини эгди.

– Эҳ-ха, онамизнинг маъракалари ўтибок нима ишлар бўлмади денг? – чуқур тин олди у, – холаваччаларимизнинг баъзи бир қилиқлари, доимо ташқаридин мўралаб турадиргон хавф-хатар, сарой ичра туғилгон фитналар...

– Холаваччалар дединғизму?

– Ҳа, шунинг учун одамнинг олмаси ичида деб бежиз айтмас эрканлар!

– Наҳотки?

– Ҳа, онамизни тупроққа топширгондин сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай улар юзини бурдилар. Бурғонда ҳам қандай денг? Шунинг олдиндан айтайки, улар билан муносабатни мен эрмас, ўзлари уздилар.

– Шу қадар? Наҳотки?

– Ҳа, уларға нисбатан тирноғимғача нафратлангондим. Аммо холаларимнинг юзини қилдим.

– Улар онамизнинг юзини қилмабдилар-ку? – куйикиб кетди Хонзода бегим, – нахотки, шу даражада кўнгил қоладигон ишлар қилишқон бўлса?!

– Яхшиси, бир бошдин сўзлаб берай!

Бу орада канизак Моҳизода Хонзода бегимнинг имоси билан дастурхон ёзди ва ширинлик билан чой келтирди:

– Кечки таом пишишига озгина вақт бор эркан, – таъзимланди канизак, – ҳазрати бегим.

– Яхши, бораверингиз.

Хонзода бегим чой куйиб, инисига узатди.

– Ўша вақтда Султон Ҳусайн Мирзодин, биз ўзбекларга қарши жанг қилмоқчимиз, агар сиз ҳам келсангиз яхши бўлур эрди, дегон хабар келди. Буни анчадин бери Худодин тилаб юрар эрдим. Афсуски, Шайбоқхон устига лашкар тортиб, Бобо Илоҳийга етқонда Ҳусайн Мирзо вафот этдилар. Амирлар менга қайтмоқни маслаҳат бердилар. Мен таъзия билдирмасдан кетмаслигимни айтдим. Ниҳоят, тортиша-тортиша Хуросонга қараб кетдук. Буни қарангки, Бадиуззамондин бошқа ҳамма мирзолар кутиб олғони чиқишди.

– Не сабаб?

– Бадиуззамонда гуноҳ йўқ. Буни Ҳусайн Мирзонинг амирлари қилди. Уларнинг талабича, мен Бадиуззамондин ўн беш ёш кичик бўлғоним боис олдиға бориб таъзим қилишим керак эркан.

– Ахир сиз... Бемаънилик улардин бўпти.

– Ҳа опа, лекин Қосимбек ҳам бўш келмади. Коса тагида нимкоса тарзида, Мирзо Бобур ёш жихатдин кичик бўлсалар-да, Самарқандни қўлга киритдилар, демак, одат бўйича каттадилар, деди.

– Бадиуззамон отасининг соясида юрғонида, Мирзо Бобур Самарқандни олғонлар, дея пичинг қилибдилар-да, яхши.

– Охири хулоса шу бўлдики, мен унинг қаршисида таъзим қилғондин сўнг, у менинг олдимға чиқмоғи керак эркан.

– Бу қандай аза расмики, келгон таъзиячи меҳмон ушмундоқ кутиб олинса? Нодон ўзини билмас, ўзгани назарга илмас, дегонлари шу-да, ё Раббий!

– Эшикдин кириб бордим. Бадиуззамон Мирзо каттик изтироб бирла кўришди. Хижолатдин юзлари қизарди. Лекин айбини ювди ҳам. Хуросонда қанча кун турсак, шунча кун ҳар қандай мезбонлик мажбуриятини бажардилар. Барча бов ва жойларда сайр қилдирдилар. Кўп обидаларни, азиз-авлиёлар мазорларини зиёрат қилдук. Ҳусайн Мирзо даврида қурилгон сервикор иншоотларни кўрдук. Шу ерда қишланғлар, баҳорга чикиб ўзбаклар билан жанг қиламиз, дейишди. Қаранг опа, Султон Ҳусайн Мирзо Хуросонни қирқ йилдин ортиқ обод ва маъмур қилдилар. Ношуд ўғиллари эрса ота ўрнини олти ой ҳам сақлаб қололмадилар. Аммо уларнинг бепарволикларини кўриб, бу амирзодалар била бир иш чиқмаслиғига кўзимиз етиб, Кобулга қайтмоқни ихтиёр қилдук. Ўша йили қор калин ёғди. Ниҳоятда кўп ёғди. Қосимбекнинг ўғиллари йўл очар, биз ва аскарлар ўтиб борардик. Шу аснода Форбандга келдук. Бу ерда кўзғолон кўтаргон ҳазарлар билан кичик жанг бўлди. Кўп ўлжаларга эга бўлгон ҳолда Кобул сари юрдик. Аммо минора тағига етқон ҳам эрдикки, Мирзохон ва Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонлар кўзғолон кўтариб, Кобулни қамал қилди, дегон хабар келди.

– Ё Парвардигор! Алҳазар! Ўзимизникилар?!

– Ҳа опа, бу ёшимда ҳар хил ишларни кўравериб, пишиб қолғоним боис, Кобул халқига, биз етиб келдук, мардона бўлинғлар, дегон мазмунда фармон ёзиб юбордим. Жанг бўлди. Ёнгилишига ақллари етғач, холамнинг уйига Мирзохон яширинибди, лекин холам ўғлини ҳузуримга келтуруб, гуноҳини сўради. Поччамиз Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон...

– Холамизнинг эри?

– Ҳа, кичик холамизнинг эри кўрққанидин дарҳол хонимнинг тўшакхонасига қочиб кириб, тўшак бўғжамасига ўзини боғлатибдур.

– Сичқоннинг ини минг танга бўпти-да, – захарханда қилди Хонзода бегим, – шу ҳолига жим юрсин эрди.

– Кишиларим қопдин чиқариб, олдимга олиб келдилар. Кечирдим. Негаки, холамиздин фарзандлар бор. Уни Хуросонга кетишига рухсат бердим.

Бобуршоҳ бироз тин олди. Совиб қолган чойни симириб, пиёлани опасига узатди:

– Қаранг, волидамиз билан ҳам неча марталаб шу зайлда гаплашиб ўтирар эрдук, – деди ўйчан, – не-не ўтқон хонлардин, замона нотинчлиғидин ва даврон мурасасизлиғидин, навдар ва савдарларнинг тутмишларидин суҳбатлашар эрдук.

Бобуршоҳ узок тин олди. Охири:

– На қўлимизда вилоят бор эрди онам иккимизнинг, на биронта қушимиз. Қашшоғу ғариб эрдук. Амакимларга илтижо этдим. Онам ҳам уларнинг олдига бордилар, илтижолар қилди: «Менинг ўғлимнинг ҳам пешонаси очилар, қўлимизга давлат қуши қўнар, яхшиликларингиз ерда қолмас, деб...»

Бобуршоҳ кўзларини четга олди. Афтидан кўз ёшларини тийишга ҳаракатланаётган, очиги ўша даврдagi ҳолатга тушган эди. Хонзода бегимнинг кўнгли бузилди.

– Шу қадар хор қилғонлар денг?

– Қисматда бори-да, опа.

– Амирзодам! Бирон марта ёрдам қўлларини чўзмагон, камига елканғизга шундай жафолар юклагонларни кечириш, мен асло ундай қилолмас эрдим. Айниқса, онамни менсимагонларни!

– Кўролмаслиқ опа; одамнинг ич-этини емиради. Поччамизни афв этиб, Хуросон кетишига рухсат берсам-да, рақибимиз Шайбоқхон қошига бориб, қўлидин келгонча ёмонлабдур. Устимдин шикоят қилиб, мағзава ағдарибдур. Аммо оз фурсат ўтмай Шайбоқхоннинг ўзиёқ уни ўлдириб, жазосига етказибдур.

– Бу ҳақда мен поччамизнинг хон саройига келгонидин хабар эшитиб, мени бир йўқламадиям, дея

ўпка қилғонимда, зарур ишлари бор эркан, кетдилар, жавобини олғон эрдим. Ўшандаёк қазосига етгон эркан-да, эвоҳ, тақдирни қаранг.

– Ҳа, юзи қоралиғидин учрашғони уялғон.

– Кўряпсизму ука, – чехраси очилди бегимнинг, – пок одамнинг устидин қанча ахлату марзава ағдармасунлар, барибир поклик тантана қилаберадур.

– Айтарлару, сен ўзингга ёмонлиқ қилғонни Худога топшир, ўзи ҳисоб сўрағучидур.

– Тўғри айтасиз, Худойим жазолабдур! Паймонаси тўлғон-да, йўкса, шунча яхшилик эвазига яна ямонлик қилармуди?!

– Холаларимнинг кўнглида кулфат губори қолмасун деб илгаригидин ҳам кучлироқ ҳурмат қила бошладим. Бу даврда, Мирзохон ва поччамизнинг кўлидин Кобулни озод қилғонимда йигирма уч ёшда эрдим.

У онасининг Хонзода бегимни Шайбонийхонга бергандан сўнг уззу кун йиғлаганларини ва ҳар доим намоз ўқиб бўлгач, жойнамоз устида Худодан кизи ва ўғлига узоқ умр ва бахт тилаганини, қизи билан эсон-омон дийдор кўришишни, ўғлини эса ёғий хужумидан омон сақлашини сўраб, илтижолар қилганларини сўзламади. Опасининг ёнаётган юрагига олов пуркашни истамади. Шу пайт боғ этагидан Хуррамшоҳ билан Ҳумоюн қўл ушлашиб келиб қолишди. Икки шахзоданинг елкаларида жажжигина қилич илинган. Юзлари бўғрикқан, тез-тез нафас олишарди. Иккиси ҳам ялписига саломлашгач, Ҳумоюн аммасининг, Хуррамшоҳ эса тоғасининг ёнига ўтирдилар ва дастурхондаги ширинликлар билан сийландилар.

* * *

Кунлар кетидан ойлар, ойлар ортидан йиллар ўтди. Ишларини йўлга қўйиб олган ва табиблар учун битган бинолар ўз эгалари билан гавжумлигини кўрган Хонзода бегим бахтиёр эди. Бир томонда инисининг вамхўрлиги, иккинчи томонда подшоҳ бегимларнинг эътибори унинг кўнглини кўтарибгина

қолмай, дадиллантирган ҳам эди. Ичкарида подшоҳ бегимлару сарой ва ҳарам аёллари, ташқарида Қобул аҳли аёлларининг у томон интилишлари, керакли маслаҳатларни олгач, уйларига умидли қайтишлари унинг кадр-қимматини янада ошириб борарди. Айниқса, аёллар ва болалар соғлиғига эътибор қаратаётган Моҳим бегимнинг Хонзода бегимнинг измидан чиқмай иш олиб бораётгани, ҳар бир қадами ва ҳар бир вазифани у билан маслаҳатлашиб бажариши маъқул бўларди. Қобул аёлларига, айниқса, Хонзода бегимнинг истарали юзи ва уларни юракдан ҳурмат қилиши ёқарди. Бирор муаммоси бўлмаса ҳам албатта унинг гўзал юзини ва илиқ муомаласини бир кўриш иштиёқидагилар ҳам йўқ эмас эди. Хонзода бегим шундай кунларда одам учун одамлардан-да кераклиси йўқлигини яна бир бор чуқур ҳис этди. Шу сабаб, «Одам — яхшилиқнинг кули» дея кўп ўйлар ва унга амал қиларди. У кўпинча Самарқандда, нон тиланиб жон берган қизалокни кўз олдига келтираркан, ўзини айбдор ҳис қиларди: «Ўша майиз билан қоқини олдинроқ берғонимизда эрди, ўлмасмуди?», дея армон қилар, шу боис ночор оиланинг болаларини табибга кўрсатгани олиб келган оналарига бирон-бир егуликми ё кийим-бошми ҳадя қилар, бу иши юрагига ададсиз қувонч олиб келганидан шодланарди. Мана шундай тинч ва фаровон кунларининг қаро, мусибатли онларга айланишини хаёлигаям келтирмаган эди, Хонзода бегим. Ўғли ҳар кунги одатича Ҳумоюн билан қалъа атрофида ўйнаб келар, уларнинг бир-бирига суяниб юришлари Бобур ва опасининг кўнглига илиқлик киритарди. Шундай кунларнинг бирида Хуррамшоҳ иситмалаб қолди. Аввалига ўтиб кетар, дея унча эътибор бермай, ялпиз ва чучукмия дамламасини ичиришди. Бу қор қилмагач, табибни чақиришди. Табиб Хуррамшоҳни кўриб, шошиб қолди ва уйдаги ёғли сиркани олдириб келиб, танасига обдан суркади. Хуррамшоҳ иситма пасайган чоғда кўзини очиб, бир онасига ва бир табибга қаради. Ўғлининг лабини ялаганини кўрган Хонзода бегим

кўзида ёш айланса ҳам сездирмай сув ичирди. Орадан анча вақт ўтгач, ахволи яхшиланганини кўрган табиб, хавф ўтиб кетди, дея уйига кетди. Аммо ярим тунга бориб, иситма Хуррамшоҳнинг танасини яна киздирди. Табибга хабар беришди. У етиб келгунига қадар сиркадан қолганини суртишса ҳам наф бермади. Тонгга яқин Хонзодабегимнинг ёлғизгинаси жон таслим қилди. Ягонасининг ўлиmidан даҳшатга тушган, қарахт Хонзода бегим фақат инисини кўрганда:

– Нима ёмонлигим бор эрди? Нима сабабдин Худойим мени доимо қон йирлашдек зулмга дучор қиладур? – ўкириб юборди, – ўғлимсиз мен энди қандай яшаймен! Эй Худо! Шунча тортқон азобларим каммуди? Яна не уқубатларинг бор?! Энди чидолмасмен! Тоқатим ҳам, кучим ҳам қолмади! Яхшиси...

– Опажон! Ундай деманғиз! Шак келтирманг! Бу – Оллоҳнинг иродаси!

Бир вақтлар алла айтиб, эндиликда ҳасрат-надоматлар тўкаётган лабларни кўрган Бобуршоҳ ҳам чидаб туролмади, у яқин келиб куйган, ададсиз қуяётган жонни бағрига олди:

– Начора, – деди титраб, – қўлимиздин ҳеч нарса келмайдур? Фақат сабрли бўлмоқдин бошқа иложимиз йўқ!

Иниси яна нималар деди, бегим қолганини эшитмади. Кўз олдини қоронғулик босди ва ҳушидан кетди. Ҳушига келиб, кўзини очганда эса...

Гул юзли, атиргул хидли Хуррамшоҳни қабрга қўйгандан сўнг Хонзода бегим узоқ-яқинга бормади. Сарой ичи ва ташида бўлаётган тўй-туркунга қатнашмади. Бошқа маросимлар, яъни сарой ичида гоҳ-гоҳида бўладиган базми-жамшидларга ҳам киё боқмади. Кўзининг оқу қораси ер остида абадий уй-қуда ётса-ю, у хурсандчилик кўчаларида ўйнаб-кулсинму? Йўқ! Энди умрбод лаблари жилмаймайди! Юзлари табассумни яқинлаштирмайди! Кўзлари маъюсликни тарк этмайди...!

Энди ҳар жума эмас, ҳар куни, баъзан икки кунда бир йўқлагувчи Бобур подшоҳ билан онаси,

ўғли ва бошқа ўтган яқинлари хақида суҳбатлашиб ўтиришарди. Хонзода бегимнинг изтироблари чексиз, ўзи ва руҳи қаттиқ мотамда эди.

– Амирзодам, – деди шундай суҳбатларнинг бирида, – Хуррамимдин ўзга бойлигим йўқ эрди.

Иниси сездики, опасининг юрак-бағри куйяпти. Куйганда ҳам қаттиқ куйяпти. Лекин ўзининг ҳам баҳорнинг маъсум чечагидай жиянининг ҳаётдан бемаврид кўз юмганига ичи туздай ачишиб турар, аммо сездирмасликка уринарди, у ҳақда гапириб опасининг ярасини янгиламасликка тиришарди.

– Мен ҳам ушбу жудоликни нари қилолмаяпмен! – деди охири галдаги суҳбатда дил ёриб, – на чора, ўлим отлиғ ёвуз хаммани доғда қолдираркан! Ўз домида ёндираркан!

Бирпас жим қолди, сўнг:

– Унинг қалби тозалиғидин қувониб, кўп бора Моҳимға мақтангон эрдим. Хумоюнмизнинг тозадил жияни бор дея суюнгон эрдим. Лекин Худонинг ёзуғига қарши бирор чора йўқ эркан, опа, – деди ва қатор-қатор ўтган фарзандлари номини айтиб, – бу доғ қанчалар оғирлиғини биламен! Аммо ўлгонни тирилтирадургон куч ҳам йўқ! Шунинг учун тақдир қазосига тан бериб, тириклар яшашға мажбурдирлар!

– Ўғлим улуғ бахтим эрди. У туғилгач, – яна ўпкаси тўлди.

Инсон табиати қизик. Баъзан кўнглининг бир четида ғам-андуҳ ғимирлаб турса-да, яна бир четида севинч бўй кўрсатиб туради. Бобуршоҳ ҳам ҳозир опасининг оғзидан эшитган «Ўғлим улуғ бахтим эрди» дея айтган сўзидан, ҳар ҳолда Шайбонийхон саройида ёмон яшамаганини англаб, дили севинч хиссини туйди. Сўнг Хонзода бегим Мўғул хонимни хон саройида аввалига ош-қатик бўлиб юриб, Хуррамшоҳ туғилгач исқанжага олишгани, бу орада канизаги Гултошнинг ўлиmidан хабар топгани ва Балх вилоятига ўғлини ҳоким этиб тайинлагани, у ерга Сайид Жаъфар хожа билан қандай ҳолда бориб қолгани хақида шошилмай сўзлаб берди ҳамда: «Хуррамшоҳ

хожани тоға дерди ва шундай яхши кўрардики Беко-
такаси билан ўтган машғулотлардин сўнг кўп бора у
киши билан бўлар, бир дам кўрмаса соғинарди», дея
тугатди ҳикоясини фахр билан.

– Ким билади, – деди бир оздан сўнг хўрсиниб, –
Сайид Отанинг айтишича, ёмон туш кўргони боис-
му ё жангда бирор кори хол рўй берса, Мўғул хо-
нимнинг бошимизга ит кунини солишидин чўчидиму
ҳарқалай, шундай йўл тутдилар. Агар Мўғул хоним-
нинг макр-хийлалари болаламағонида, хон саройида
қолиб кетармудик...

Бобур подшоҳ: «Мен туфайли кўп озор чеккан
эрс-да, бирон марта юзимга солмайдур, – ўйга тол-
ди, – демак, мен ҳам опамнинг юзидин хон номини
нафрат билан тилга олмоқни бас қилишим лозим».

Хоннинг опасини эъозлаганини кўролмаган Мў-
ғул хонимнинг фасодларини ўйларкан, кўнглида ян-
ди: «Тоғамизнинг қизи бўлатуриб шундай бўхтону
фасодлар тўқишдин уялмағон қариндошдин етти ёт
бегона аъло! Яна шоира эрмуш!»

– Опажон, оққан сувлар оқиб кетди, энди ортига
қайтмайди. Шунинг учун ўзингизни қўлга олингиз!
Илтимос сиздин! Ишингиз билан шуғулланинг! Чал-
ғийсиз, овунасиз!

– Амирзодам!

– Мабодо ишларингизда қийинчилик бўлса...

– Йўқ! Эплаяпмиз.

– Агар мушкул муаммо чиқса айтурсиз. Ҳар се-
шанба ва пайшанба кунлари девонда сарой аъёнлари
ва амалдорлар билан кенгаш ўтказишдин ташқари
олий маслаҳат кенгашига ҳам ойда бир марта йи-
ғилишиб турамиз. Ҳал бўлмайдигон ишнинг ўзи қол-
майди, опа.

– Миннатдормен. Менимча, Кобул аёллари муш-
кул аҳволга соладурғонлардин эрмас.

– Волидамиз ҳам бу ерда олти ой яшасалар-да, Ко-
бул аёлларини хуш кўрдилар. Айниқса, бу ерға келгон
кунидин бир ойлар ўтгач, енгил бир касалликни бо-
шидин кечиргон эрди. Баъзиларининг тез-тез келиб

хол сўрашларини кўргач, ўзимизнинг аёлларимизга ўхшар эрканлар, булардин асло ёмонлик чикмас, деб эрдилар. Иншооллох, хали опа-сингил ҳам бўл кетар-сизлар.

– Ажабмас.

– Мундин буён меҳрим панохидасиз, опа!

– Миннатдормен, куллуқ.

Хонзода бегим англадики, укаси Бобуршоҳ ўтган йиллар ичра анча улғайибди. Давлатни тадбиркорона бошқарадиган, улуг мақсадлар йўлида буюк режалар тузиб, олға интилаётган подшоҳга айланибди. Айниқса, темурийлар удумига риоя қилиб, туркий хукмдорларга хос мухташам саройлар, маҳобатли иншоотлар бунёд эттираётган, маданият ва санъат ҳомийси сифатида шуҳрат қозонган ҳамда ўз салтанатининг салоҳиятли султони даражасигача кўтарилганини кўриб, чексиз қувонди. Самарқандда, Шайбонийхон ҳузурига кетишдан олдин онасини юпатиб, айтган гапларини хотирлади. У бир нарса-ни яна чуқур англади, ўтганлар ёди тириклар билан ҳар дақиқа, ҳар сония бирга яшашини тушуниб етди: «Яқинларимиздин айрилсак-да, улар бизни ташлаб кетмайди. Хотирамизда ҳамнафасдурлар», пичирларди лаблари.

* * *

Куёш ҳар куни туғилиб, ҳар куни ботганида олам узра бир муҳим ўзгариш бўлганидек, Хонзода бегим ҳаётида ҳам эса қоларли янгилик содир бўлди. Кутилмаганда бир куни олдига келган икки кундошнинг масаласи ҳаётини ўзгартириб юборди. Уларнинг каттаси эри билан беш йилдан ортик яшаб-да, тирнок бети кўрмаган, кичиги эса келаси йилиёқ бирданига икки ўғил туққан. Чақалоқлардан бирини кундошига бериб, унинг юрагини тирнаётган оғриқдан халос этмоқчи бўлган кичиги бир шарт қўйган, яъни боланинг қорни очганда ўзи эмизмоғини айтган. Каттаси эса, эчки сути билан боқмоқчи бўлган. Шу вайдан маҳалла катталари бир тўхтамга келолмай, Хонзода

бегим ихтиёрига жўнатишган. Кундошларнинг яна бир хавас қилгулик жойи бир-бирларини опа, синглим деб аташлари эди. Хонзода бегим масаланинг моҳиятини тушунгач, анчадан бери бир четда индамай кузатиб ўтирган Моҳим бегимга маъноли қараб қўйди:

– Ҳазрати бегим, – деди Моҳим бегим, – оқилона бир қарорга келишингизга шак-шубҳам йўқ!

– Сингилларим, – охиста сўз бошлади Хонзода бегим ва уларнинг иттифоқ-иноқлигини кўриб қувонганини, айниқса, опа, синглим дея бир-бирларига қаттиқ меҳр қўйганликларини қадрлашини айтиб, – ибрат қилиб кўрсатгулик фазилатларни сизларда мужассам кўрдим. Қанийди, ҳамма опа-сингилларимиз ҳам сизлардек оқибатли, меҳрли бўлсалар. Биласизларми, чарақлаб чиқаётгон қуёшни кўргон ой бардош беролмай ортга чекинар эркан. Ҳа, сизлар мисоли чарақлаб чиқаётган қуёшсизлар.

Кундошлар юзларини табассум қоплади.

– Синглим, – деди кичигига қараб, – опангизнинг эмизишингизга қаршилиғи, оналик машаққатларию бахтиёрлиғини ўз бошидин кечирмоқчи эрканидур. Болалиқ аёл заҳматларини чекиб, ўзини ҳақиқий онадек хис қилмоқчилар. Аввало сизнинг мардлигингизга, опангизга нисбатан мурувватингиз, меҳру муҳаббатингизга тасаннолар ва яна ташаккурлар бўлсун!

– Кўндим, ҳазрати бегойим, кўндим. Мен опанинг армонини ушатмоқчи бўлибману, бу ёғини ўйламабмен. Мени кечиринглар?!

Хурсанд чиқиб кетган икки кундошнинг кетидан қараб қолган Моҳим бегим:

– Опа, – деди кулиб, – сўз бирла ййдиришни сиздин ўрганмоқ керак эркан.

Хонзода бегим кулиб қўя қолди. Моҳим бегим унинг кичик кундошнинг бир оз муғамбирлигини юзига солмай, ўзига сездирмай, иккисини муросага келтирганини кўриб, унинг тadbиркорлигига ич-ичидан тасаннолар ўқиди. Хонзода бегимнинг эса юрагига

чўғ тушди: «Мен ҳам бола асраб олсам-чи? Моҳим келиним-ку кўнади, аммо Бобуржон нима деркин?»

* * *

Ҳаво мўътадил. На иссиқ ва на совуқ таъсирсиз кунлар келди. Хонзода бегим шохона чорпоя устидаги сандал дарахти поячалари солинган идишга термулганча хаёлга ботган. Шу қадар ўйга берилганидан иниси ва келинининг кириб келганини ҳам пайқамай қолди. Одатда, канизак хабар бериши лозим бўлган бу ишни Бобуршоҳ бекор қилган: «Расмиятчилик идораларда қилинсун!» дея ранжиган ҳам, аммо фақат меҳмонхонага шу йўсун рухсат, хосхона ва хобхоналарга эса канизакнинг рухсатсиз бир қадам ҳам босилмас.

– Хаёлга бунчалар эрк бермаслиқ лозим.

Инисининг овозидан чўчиб, ўзига келган Хонзода бегим шоша-пиша сўридан тушди ва уларга пешвоз юрди. Ҳол-аҳвол сўрашилгандан сўнг рўпарамарўпара ўтирдилар. Аллавақтгача у ёқдан-бу ёқдан сўзлашиб, кўнгил ёздилар. Охири:

– Эртага олий маслаҳат кенгаши, – деди Бобуршоҳ, – сизларнинг ҳам қатнашмоғингиз, лавозимларингиз кенгаш аъзолари томонидин тасдиқланмоғи лозим эрди. Гапнинг очиги бироз чўчиғон эрдим.

Очиқ-ойдин сўзлаш Бобуршоҳнинг одати эди.

– Ишонмағон эркансиз-да, а хазратим? – лабини буриб эркаланди Моҳим бегим, – биз ҳам анойилардин эрмасмиз.

– Ҳа, буни тасдиқладингизлар, – кўзлари қулди Бобуршоҳнинг, – айниқса, кечаги кундошлар масаласи ечимини эшитгач, ўн эмас, юз чандон ишончим ортди. Раҳмат сизларга!

Ялт этиб Моҳим бегимга қаради Хонзода бегим.

– Мен сўзлаб берғон эрдим...

Туйқусдан девонга ташриф буюрган Хонзода бегим билан Моҳим бегимни кўрган кенгаш аъзоларининг баъзилари хангу манг, хайратда. Чунки уларнинг баъзилари бу икки аёлнинг нима иш қилаёт-

ганликларидан беҳабар эдилар. Сабаби улар ташқаридан келган бўлиб, тўй-базмларда ва ҳафтада ё ойда бир ўтказиладиган йиғилишларга қатнашиб турардилар холос. Яна бир сабаб, давлат аҳамиятига дахлдор ишлар кўриладиган бундай йиғилишларда ҳеч қачон аёл зоти қатнашмаган эди. Эндиликда эса бир эмас, иккитаси қаторларида ўтирибдилар.

Амир Қосимбек кўриладиган масалаларни эълон қилиб бўлгач, Бобуршоҳ ҳар бир масалага дахлдор амалдорларни бирма-бир турғизиб, сўроқ-саволга тутди ва охирида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади:

– Ҳурматли кенгаш аъзолари, ҳар бир масала юзасидин қабул қилгон қарорларимизга аввал ўзимиз ҳурмат бирла қарайлуқ!

Амиру беклар ва ўзга амалдорлар қаторида ўтирган Хонзода бегим ва Моҳим бегимлар ҳам диққат билан тинглардилар. Хонзода бегим укасининг ўқтам қиёфаси ва дона-дона қилиб сўзлашларига назар ташлар экан: «Бутун бир сулола, Темурийларнинг аҳли аёлига гамхўрлик... – бир оз энтикди, – эй Худоё, марҳаматингни инимдин дариг тутма!» дея тилак қилди.

У баъзи жойларда ечимини тополмаётган муаммолар қандай юзага келса, шундайлигича қолаётгани, баъзи амалдорларнинг ўз ишига панжа ортидан қараётгани ва яна шундай ҳол юз берса, кенгаш аъзолigidан ҳам, амалидан ҳам кетиши муқаррарлигини уқтирди, сўнг Хонзода бегим ва Моҳим бегимнинг яқин ярим йилдан бери муҳим ишларни, Қобул аҳли аёлларининг тақдирида учрайдиган баъзи қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бераётганликлари ва қўлга киритган ютуқларини бир-бирларига илинаётганликлари ҳақида қисқа гапириб, ҳар иккисининг: бири раҳбар – Хонзода бегим, бири эса ёрдамчи – Моҳим бегимлар вазифасини тасдиқлаш ё инкор этиш масаласини кенгаш аъзолари ихтиёрига топширди.

– Ҳазрати олийлари, бу маъсумаларингизнинг олиб бораётқон ишларидин хабаримиз бор, – сўзлади амир Қосимбек, – қуш тилини қуш билади деғонларидек, иккисини бу ишга қўюб хўб муборак ишни амалга оширдингиз. Кобулликлар хурсандчилигининг чеки йўқ! Беҳисоб лашкарлар бўлғони бида бошлиқсиз улар ҳеч ким, яъни бир тўдадирлар. Бу жиҳатдин демак, Кобул аёлларига ҳам бошлиқ бўлиши лозимлигини подшоҳимиз жуда тўғри англаб етгонларким, бу таҳсинга сазовордир.

У яна бир қанча илиқ сўзлар айтиб, бегим ва хонимга оқ йўл тилади.

Кечга яқин эса уларнинг шарафига базм уюштирилди. Дастурхонга энг олий нав ундан хамиртуруш, сут ва бироз шакар қўшиб ёпилган шоҳона патирлар қўйилди. Тухум дўлманинг товук, роз қорнига, сўнгра уни сўйилган қуён қорнига тикиб, ерўчоқда димлаб пиширилгани, бутун бошли қўй бутунича пиёз, бодом, pista ва майиз аралаштириб тайёрланган зирвак билан улқан лаганларда дастурхонга тортилган эди. Хўл ва қурук мева-чеваларнинг эса сараси қўйилди. Қуйига, хонтахталар устига пўчоғи арчилик тозаланган, тиликланган апельсин, ўрик, ёнроқ каби мевалар охирида ейиладиган бўлгани учун қўйилган эди. Барча янги вазифа соҳибаларини муборакбод этиб, ўзига яраша совға-саломлар билан сийладилар.

* * *

Ўша, кундошлар масаласини кўргандан бери Хонзода бегимнинг тинчи йўқолди: «Бола асраб оламен». Кечга яқин кўшк рўпарасига барпо этилган боғ хуснига термулганча ҳаёлга ботган бегимнинг кутилмаганда инисининг ташрифи бошини осмон қадар кўтарди ва бўлган воқеа асносида туғилган фикрини айтди.

– Аслида, тунов кунни Моҳим билан ташрифимиз шу ҳақда эди. Лекин...

– Тортинмай айтаберинг эрди, демак розисиз?

Бобуршоҳ бош ирғади.

– Таг-тугли, соғлом чақалоқ олмоғимиз лозим. Мен аъёнлардин, подшоҳзода бегимлардин суриштириб кўрамен, опагон.

Бобуршоҳ эртага бўладиган йиғилишга маълум тайёргарлик кўриши лозимлигини айтиб, узр сўради ва опасига ширин тушлар тилаб хайрлашди.

Қувончи ичига сиғмаган Хонзода бегим иниси кетгандан сўнг келгуси ишлар режасини тузмокка ўтирди ва лекин хаёл бўрони уни ишлашга қўймади: «Қиз бўлса, солиҳа қилиб тарбиялаймен. Куёвга берамен. Ўғил бўлса, солих, мард, жасур ва паҳлавон қилиб вояга еткизамен-да, келин оламен. Ҳмм, Кобулнинг энг гўзал кизларидин келин туширамен».

* * *

– Амирзодам, якиндин бери бир масала хусусида кўп бош қотирамен, – деди галдаги суҳбатлашиб ўтирганларида Хонзода бегим.

– Нима эркан?

– Амир Қосимбек айтмоқчи, лашкар юртбошисиз ҳеч кимдир, бир тўда холос. Менимча, дунёдаги жами подшоҳларни якжиҳатликда ушлаб турадурғон подшоҳми ё кенгашими, йўқлиги боис ҳар бир мамлакат шоҳи ўз билгича иш тутаберар эркан. Шунинг учун урушиш, бир-бирининг устидин ҳукмронликка ошиқиш авж олғонми дейман?

Юзида хайрат ва ажабланиш зоҳир бўлган ҳолда киприк қоқмай қараб қолди Бобуршоҳ. Ҳатто ўзи ҳам шоҳ бўлатуриб бу ҳақда ўйламаган, хаёлигаям келмаган эди. Шу топда у шундай опаси борлигидан фахрланиб кетди. Қаршисига тиз чўккиси, қучиб пешонасидан ўпгиси келди. Лекин бегим бундай аъясаларни ёқтирмайди.

– Тўғри айтасиз, – деди жавоб кутиб турган бегимга қараб меҳр билан, – зўравон ҳукмдорларнинг танобини тортадурғон қонун-қоидаларга асосланғон кенгаш керакдур. Ҳақ гап! Шундагина тинимсиз урушлар, ноҳақ қурбонлар барҳам топарму. Бу борада сизга тасаннолар айтмоқ керак, опагон?!

– Мен...

— Дилимдағини айтмай иложим йўқ! Кобул аёллариники сиздай онахони борлигининг ўзи бир бахт! Демак, бу борада янглишмағонимнинг бир, хатто бир неча бор иеботини кўриб турғонимдин гојтда бахтиёрмен. Ўшанг опа!

— Сўнги пайтлардағи йиғилишларда кўрилгон баъзи масалалар юзасидин хулоса чиқардим холос, ука.

Дарҳақиқат, ўзларига дахлдор ишлар юзасидан фикрлашибгина қолмай, балки дунёда бўлаётган муҳим воқеалар хусусида ҳам музокаралар қилардилар. Бобур подшоҳнинг опасини бу лавозимга қўйишдан мақсади аслида битта эди: Хуррамшоҳ ўтини нари қилиш. Лекин ишнинг бундай тус олиши, Моҳим иккисининг бамаслаҳат иш юритишлари, шу билан бирга Бобур подшоҳни бироз эсанкиратган, бутун дунё подшоҳларининг тутган ишлари ҳақида фикр билдириши уни лол қолдирган эди. Эндиги гап-сўз айланиб бориб, Шайбонийхон шаънига такалди:

— Тарихдин маълумки, ҳар кимдин яхши қоида қолса унга амал қилмоқ керак, — дея гапни узоқдан бошлади Хонзода бегим, — хоннинг бобоси Абулхайрхон жуда адолатпарвар ва одил подшоҳ бўлиб, унинг эҳсони фойдаларидин баҳраманд бўлмағон киши қолмағон деб эшитгонмен. Ул зотнинг ниҳоятсиз иноят ва ривоятларидин тўлиқ баҳраманд бўлгонлардин: улуғ бобомиз буюк Амир Темур Кўрагоннинг авлодларидин Султон Абусаид Мирзо ва Абулғозий Султон Хусайн Мирзолар унинг эҳтироми этакларидин тутиб, мадад ва химоялари баракотидин ўз орзуларининг ниҳоясиға етгонлиқларини барча темурийлар билурмиз.

— Албатта! Абулхайрхон саховатда тенги йўқ подшоҳ бўлгонлар! Отамиз ҳам бу ҳақда кўп гапирардилар.

Бугун инисини ўз дунёқараши ила лолу ҳайрон қолдираётган Хонзода бегим яна сўзида давом этди:

— Ул зотнинг иноятидин на бир қатра сув, на чўлда бир зарра қолмағонки, баҳраманд бўлмағон,

дейдилар фасоначилар. Дашти-кипчокда қарийб қирк йил ҳукмронлик қилиб, бу ёғи Рустам Турлосдан то Булғор чегарасигача султонлик қилибдур. Барча аъёнлар, олий фозиллар, хожалар ва бутун раъият ҳамда барча халойиққа адлу эҳсон эшикларини очғон эрканлар. Қисқаси, унинг олий сифатларини тавсифлашқа йиллар камлик қилур, дейдилар, – бироз жим қолди Хонзода бегим, сўнг давом эттирди, – ахир бобосидин шунча яхши қондалар қолғонини билғон хон..., – тугилди тили.

Бобуршоҳ англадики, опаси эрининг баъзи қилмишларидан ҳамон изтиробда:

– Мен билғон хон жудайла ёмон эрмас эрди, – афсусла деди Хонзода бегим. – Демокчиманки, кўлга киритқон бойлигу, мамлакатлардин биронтасини ҳам ўзида олиб қолмади, яқинларига, иниларига, қариндош-уруғларига ҳадя қилиб юборғон. Лекин ровийларнинг баъзи бир хикоятлари, эл-улуснинг нафратли гап-сўзларидин хулосам, ёмон одам бўлғон ҳам. Нега? Бу беш кунлик дунёда бобоси Абулхайрхондек яшаб, ул зотдек ном қолдирса бўлмасмуди?

Хон ҳақидаги баъзи нолойиқ ишлар тўғрисида оғиз очмаймен дея аҳд қилган Бобур подшоҳни опасининг сўнгги сўроғи, хон ва унинг одамлари содир этган баъзи воқеаларга гувоҳларнинг одилона оғизларидан эшитганларини сўзлашга мажбур қилди:

– Айтнинг иним, хоннинг яна не қилмишларидин огоҳсиз? Бу ҳақда нималар дея оласиз?

Бобуршоҳ икки ўт оралиғида: хон ҳақида кўрган-билганларини рўйирост сўзласинми, ё опасининг кўнглини чўқтирмай, баҳридан ўтиб қўя қолсинми? Унинг иккиланаётганини кўриб:

– Борича сўзлайберинг? – катъий талаб қилди Хонзода бегим.

Ҳа, Хонзода бегим хон саройида беш-олти йил умргузаронлик қилди. Бу ердаги ҳаёти давомида ҳам осуда, ҳам кўркув ва ҳам тахликали кунлар гирдобиде яшади. У шундай дақиқаларни бошидан кечирар экан, онаси, иниси ва яқинларини хор қилган хонни

не йўл билан бўлса-да, ўлдириш фикридан қайтди. Чунки бир ўзининг ҳаракати бўронга қарши кетмонда тупроқ ирғитишдай гап эди. Аниқроғи, кучи етмаслигига амин бўлган, хонни захарлаб ё юрагига ханжар сукиб ўлдирган тақдирда ўзининг ҳам омон қолмаслигини, қолаверса, эрининг жияни Убайдуллахон томонидан нафақат онаси, иниси, балки жами авлодини қириб ташлаши мумкинлигини ўйлаб, тақдирга тан берган эди. Шу билан бирга юрагини бир армон ўртарди: «Мен қандай одам билан яшадим?» Шунинг учун хон борасида рост сўзли ва инсон ҳистуйғусини, қилмишларининг сабабини чуқур англайдиган ҳамда ҳар бир ишга холисона баҳо берадиган инисидан, гарчанд унга малол келса-да, хон хақида сўраётган эди.

– Ҳирийни олгонда кўп беадабликлар қилди, – дангалидан бошлади сўзни Бобуршоҳ, – подшоҳларнинг авлод-аждодиға, нафақат бу жамоа, балки бутун халойиққа ёмонлик қилди. Саҳрои ва аввал давлат кўрмағони боисми, ўзингиз айтқонингиздек, бу беш кунлик дунёда ёмон от бида танилди. Нима жин урмушки, бу чирик ва вафосиз дунё учун Ҳадича бегимни Шоҳ Мансур бахшиға топшуриб, турли азобларға солди. Яна Шайх Турондек валий ва азиз кишини мўғул Абдулваххобға туттурди, унинг ҳар бир ўғлини бир кишиға туттурди. Бундин ташқари фазлу камол биносининг бонуси, нозиктаъб шоир Мулло Биноийни эрса аҳли шеър ва истеъдодға бошлик қилмушким, бу жиҳатдин Хуросон закийлари орасида бир қитъа машҳур топди...

Қитъани аёл юзига айтиб бўлмаслигини назарда тутиб, Бобуршоҳ индамай қолди.

– Сўнграрок бадфеъллиғи туфайли беҳад ёмонликлар содир этдиким, – бир оздан сўнг сўзида давом этди. – Нафратланасен киши. Музаффар Мирзонинг хотини Хонзода бегимни идда муддатиға боқмай, ўзиға никоҳлаб олди. Яна қози Ихтиёр билан Ҳиротнинг машҳур ва қобилиятли муллоларидин

Муҳаммад Мир Юсуфга маҳмадоналик билан тафсиридин сабоқ айтмуш.

Бобуршоҳ бир муддат жим қолди.

– Сизнинг гапларингизни эшитиб, – бегимнинг овози синикқан эди, – ўша мен билган кишиму дея таажжубдамен. Ажаб! Ишонмай десам, менинг билан беш-олти йил умргузаронлик қилган хоннинг ишлариму шу, дея ҳайронмен. Ишонмай десам... Эвоҳ, одамни айблаш осон, аммо тушуниш кийин эркан.

Бобуршоҳ англаб етдики, ишқ дегани кофирларни мусулмонга, ёғийларни дўстга айлантираркан. Ишқ – кўнгилдаги губорларни тозалар экан. Ишқ дегани Саҳрои Кабирда гул ундираркан. Демак, ишқ олдида инсон бир хас экан. Унинг шамоли қаёққа учирса, ўша ерда илдиз отаркан. Ҳа, ишқ дегани бўронмисол қарши тўсиқларни емириб ташларкан. Тоғларни қулатаркан.

«Демак, Шайбонийхон опамнинг олдида жуда сипохи ва одми юрган. Ёмон таассуротлар қолдирмаслик учун имкон даражада одоб чегарасидин чиқмаган. Ҳақиқатда, опамни беҳад, юракдин суйган. Шу туфайли ҳам...»

– Ёдимга тушди, – давом этди Хонзода бегим, – ўзи кўп бора, менинг дунёйимни ҳеч қачон тушуна олмайсиз, дер эрди.

– Балки тушунмасиз, лекин ўзи тушуниб туриб қилган манови ишлари-чи?

Яна борму дегандек қаради Хонзода бегим.

– Мулло Султон Машҳадий билан Бехзод мусаввирнинг тасвир ва хатиға қалам тегузуб, ислоҳ қилмуш. Демушки, сен суратимни жудайла мукамал чизибсен. Бу – мумкин эрмас. Ахир, ойда ҳам доғ бор-ку, деб суратқа доғ сурмуш. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт битармушда, минбарда ўқутуб, чорсуға остириб, шаҳар элидин ҳадялар олмуш.

Шу вақт Хонзода бегимнинг хотирида унинг мактубида битилган ушбу мисралар жонланди:

– *Ишқ саҳросида Мажнун бўлганмен,
Дард бирла ичу таши тўлганмен.*

«Ҳақиқатда Мажнун, чин Мажнун бўлибтур, – раҳми келиб кетди шу дамда, – ўша мен билгон хон шунчалиққа бориши мумкинму?»

Нега бундай масхарабозликлар қилганининг сабабини билгиси келди. Лекин чархи кажрафтор унга ўз хукмини ўқиб бўлган эди. Начора! Юз кўришмоқлик қиёматга қолган эди.

Алам ва минг бор аламларки, ўзи устидан тўқилган, хатто мусулмонни диндан чиқарадиган бир тухмат, ивво тўқилганини билмас эди. Яъни Мўғул хонимнинг «Иниси била тил бириктириб» дея бошланувчи фитнасини хаёлигаям келтирмасди-да, фақат анови бемаъни туши туфайли бизни озод қилди ва ўзига бир гап бўлгудай бўлса, она-болани соғ-омон инисининг кўлига топширишини Сайид Жаъфар хожага тайинлаган деб биларди. Жаъфар хожанинг Хонзода бегимга уйланиши тушига ҳам кирмаган эди. Аммо она-болани тазйиқлардан, тухмат бўронларидан ва ўргимчак тўридай тўқилган фитна гирдобидан асраш учун ўз кўрғонида никоҳ йўли билан саклашни бўйнига олган эди. Агар шундай қилмаса, яъни никоҳига олмаса деярли ҳеч ким ишонмас, бу ерда бошқа бир гап борлигига шубҳа туғилиши аниқ эди. Бу никоҳдан сўнг Шайбонийхон, ўзининг шаънига узун-қиска гаплар бўлиши мумкинлигини билган эса-да, парво қилмади. Лекин баъзи бировларнинг хайронлиги юз чандон ортди: «Қандай қилиб энг суйғон хотинини ўз кўли била бошқа биров никоҳига бериш...» Бундай ишнинг юзага келишига нима сабаблигини англолмай гаранг бўлганлар ҳам, «Ҳар қандай тубанлик ё мунофиқликка муте хон учун бу иш нима бўпти?» каби хулосалар ҳам жавобини тополмай қолаверди. Чунки хон шаънини бегимнинг устига ёпирилган баюю тухматлар олдида бир игначалик эканини тушунарди. Ахир Шайбонийхон Мўғул хонимнинг оғзидан эшитган юқоридаги гапи бўйича Хонзода бегимни мамлакатга сотқинликда, ё хиёнатда айблаб зиндонга ташлаттириши, ё қатл эттириши мумкин эди. Лекин юрагининг туб-тубида Хонзода бегимга нисбатан

бир ишонч яшардики, бу ишонч рўпарасига мингта-
лаб гумону шубҳаларни, фитнаю фасодларни қўйса-
да емирилмас қоядек мустаҳкам эди. Негаки ҳар
бир бўхтоннинг емирилишига сабаб бўлган ҳақиқат
Хонзода бегим тилидан содир этилган сўзларда акс
этиб турарди. Масалан: Хонзода бегимнинг усти-
дан қилинган биринчи тухматда ўзи билмаган ҳолда
Асқар ва Гултош ҳақида сўзлаганлари хийлани фош
қилган бўлса, иккинчисида «Мактублар йўк-ку?» дея
танқўриқчисига ҳайратомуз қарашининг бари Мўғул
хонимнинг макр-хийлалари эканини ошкор этиб тур-
ган эди. Аммо бир жумбоқ унинг қаршисида ўзини
кўрсатиб турарди: «Қутининг йўқолишида Мўғулнинг
қўли бўлса-я? Наҳотки?»

Шунинг учун Хонзода бегимни эл кўзида талок
қилиш йўли билан Мўғул хонимнинг назаридан чет-
га, Сайид Жаъфархожа никоҳига ўтказиб, кейинги
тувилажак тухматларга барҳам берган эди. Ўзига
нисбатан эса Мўғул хонимнинг ҳам жавобини бериш
чорасини қўллай олмади. Сабаби, хоннинг унинг ол-
дида тили қисиклик жойи бор эди, яъни Мўғул хо-
нимнинг отаси, — бешта жигарлари ва аммасининг
эрини ёрур дунёдан кетишида қўлим борлигини била-
ди, билса-да сездирмайди, сездириб қаергаям борарди,
деб ўйларди. У ўз қўйнимга ўзим илон солдим, дея
саросимага тушарди баъзан. Гўё Мўғул хоним пайт
пойлаб юрган энг кучли рақибидек туюларди. «Хон-
зода бирла тил бириктирса борму?» гумон қиларди
гоҳо. Ахир ўлдиртириб юборганлари Хонзода бегим-
нинг ҳам тоғалари, жиянлари-ку! Шунинг учун Мўғул
хонимнинг Хонзода бегимга нисбатан ғаразликларига,
мунофиқликларига қарши бирор чора қўлламас эди.
Гўё бу ғаразликлар унга паноҳдай туюларди. Кейин-
чалик ўз оёғига ўзи кишан солганини англаб, бошини
қаёққа уришни билмай, аро йўлда қолди, ўша воқеани
кўп ўйлар, хатто тушларига ҳам кириб чиқарди...
Мўғул хонимга эса, хоннинг Хонзода бегимнинг ини-
си, онаси, яқинлари экан, хатто итига ҳам озор бер-
магани алам қиларди: «Нимага менинг жигарларим,

яқинларимга ўлимни раво кўрди? Хонзоданинг эрса... Бобурнинг бошидаги бир дона сочини ҳам тўкмади... Демак, уни мендин ортиқ суяди. Суйғонда ҳам чиндан суяди, — дея газаби келарди, — ҳамма-ҳаммаси учун ўч оламен. Ўз қайнотасини ўлдирғон, қайниларини қатл эттирғон эр эрмуди? Сени қаро ер қилмасам юрғон эканмен!» — қасдланар, пайт пойлар эди...

...Шайбонийхон тўккиз юз олтинчи йили Мовароуннахр мамлакатини истило қилганидан сўнг озгина фурсат ўтгач, Султон Аҳмадхоннинг акаси Султон Маҳмудхонга ёрдам бериш учун Мўғулистондан Тошкентга келди. Султон Аҳмадхон Олачахон, деб шуҳрат топган эди. Чунки мўғул тилида кўп қон тўкувчини «олача» дейиларди. Султон Аҳмадхон акаси Султон Маҳмудхон билан Шайбоний қўшинларига душманлик бошини кўтардилар. Хонлар Аҳси атрофида зўр уруш қилдилар ва Шайбонийхон қўшинларидан енгилдилар. Икки хонни Шайбонийхон қошига келтирдилар. Унинг султонлари, амирлари ва аркони давлатнинг ҳаммаси уларни қатл қилишини хоҳладилар. Лекин Шайбонийхон: «Ул икки биродарнинг бизнинг ҳақимизда эскидан қилган яхшилиқлари бор. Шунинг учун уларни афв этиб, эъзозу икром билан асирликдин бўшатиб юбормоғимиз муносиб кўрилади», дея ушбу икки хоннинг кишиларини, хусравона совғалар бериб, ўз ватанларига жўнатди. Сарой шоири Камолиддин Биноий дарҳол ушбу рубоийни битди ва Шайбоний назарига келтирди:

*Йўқдур, сендек аршад қуввати хон,
Ҳам пок этак била футувватли хон.
Хонларни олиб бағишлади мурувват,
Ким кўрди сенинг киби мурувватли хон.*

Сўнг Шайбоний бу иноятнинг каффоратига улардан учта нисбатни талаб қилди: Султон Маҳмудхоннинг синглиси Давлат Султон хонимни Темурхон учун хотинликка олди. Султон Маҳмудхоннинг биринчи қизи Ойиша Султон хонимни, яъни Мўғул хоним деб шуҳрат топган юлдузини ўзига никоҳлаб

олди. Иккинчи кизи Кутлуф хонимни Жонибек Султонга нисбат буюрди. Улар, яъни икки хон Мўғулистонга қайтиб борганларидан сўнг, Султон Аҳмадхон вафот этди.

Султон Маҳмудхон иниси Султон Аҳмадхоннинг Хитой чегарасидан Андижонгача бўлган вилоятини авлодига топшириб, ўзи беш йилгача Мўғулистон шаҳарларида давлат ишига дахлсиз бўлиб юрди. Тўкқиз юз ўн тўртинчи йилга борганда бир тўда кишиларнинг иъвоси билан Шайбонийхонга тўкнаш келиб қолди. Шайбоний ўшанда Родгон ўтлоғида турган эди. Маҳмудхоннинг, яъни қайнотасининг беш ўғли билан келаётганидан хабар топиб, ҳамма кўшинни уни даф қилишга юборди ва Хўжанд дарёсининг бўйида шаҳид қилишга буюрди...

Шайбонийхон бу воқеани сўнгги йилларда кўп эслайдиган бўлиб қолди. Гоҳида «фитначиларнинг гапига эътибор қилмаганимда балки бу иш бўлмас эрди» дея афсусланарди. Сўнгра роқ бу ҳақда эшитган Бобуршоҳ: «Хожасининг мана бу хунрезлиғи ҳақида ҳам Биноий ҳазратлари рубоий битмадимукин?» дея истехзо қилган эди.

* * *

– Опа, шохлар нимадин кўрқадур, биласизму?

Ажабланиб қаради Хонзода бегим.

– Шохлар ёғийларнинг тил бириктириб, қарши чиқишидин кўрқадур. Ички сирини билгонлардин кўрқадур! Хон иккимизнинг тил бириктириб унга қарши иш қиладур, деб хавфсирагон. Гарчи биз ун-гача учрашмасак-да, бундай ниятдин узок эрсак-да, барибир шубҳа қилгон. Яна шуни унутмангки, мард подшоҳ душмани ҳарамидағиларни асир олиши мумкин, қилич дамидин ўтқизмас. Ахир уларда нима гуноҳ?

– Демак, сиз...

– Ҳа, биздин чўчиғонлиғи боис Сайид Жаъфархожа кўргониға эл кўзида узатмуш-да, менинг илкимға соғ-омон топшириши учун ваъдасини олмуш. Нега

менинг олдимга тўғридин-тўғри юбормади? Масаланинг моҳияти ойнадай равшан кўриниб турибди-ку!

«Демак, — Хонзода бегим кутининг йўқолиши тафсилотини кўз олдига келтирди, — демак, Мўғул хоним хонга айнан шу масалада фитнаварлик қилгон эркан-да. Шунинг учун кути топилгонда, хоннинг ўзи менга рўбарў келмагон. Ҳмм, барча нарсага етгон ақлим бу масалада оқсабдур. Оҳ Мўғул хоним, фасодни ҳам ўрнини топгон эркансиз!»

— Ва ниҳоят менинг гумоним ойнадек равшан бир ҳақиқатни тасдиқламушким, иккимизни ўзига қарши қилич кўтармоғимиздин чўчигон. Худди, ҳа, айнан шундин кўрқкон.

«Киши ўз хотунини шунчалар яхши кўруб туруб ҳам мундоқ аблахликлар қилиши мумкунму? Ўзи қандай одам бу? Яхши десам ёмонлиги кўп, ямон десам яхшилиги беҳад... Одам шундай бўлиши ҳам мумкунму?»

— Унинг мундоқ ямонлиқларидин дарё сувининг томчисидеккина билдинғиз. Ушбу воқеалардин олдин, яъни хон додам Султон Ахмад Мирзонинг бошига не кулфатлар солғонидин хабаринғиз борму?

Хонзода бегим бош тебратди. Қаердан ҳам билсин? Унинг куни боғда, ахён-ахёнда Моҳирўй ва гоҳ-гоҳида Асқар билан гурунглашиш бўлса... Яқиним деб қувонгани Мўғул хоним эса захар солмоқ учун пайт пойлаган илондек рақибни бўлса... Камида уч-тўрт ойда, баъзан йилда сафар номи билан вилоят олгани кетиб, ойлаб, баъзан йиллаб қорасини кўрсатмай кетган хонни кутиш билан овора бўлса... Ўғли тувилгандан сўнг бир хавотири ўн хавотирга айланиб, тунларни бедор ўтказса...

У инисига мунғайиб қаради. Чунки Шайбонийхон саройида ўтказган ҳар бир дақиқаси онаси, иниси, яқинларини соғиниш, зор-интизорлик билан ўтаётган дақиқалари қатида хуркаклиги ва нимадандир, нима-лиги аниқ бўлмаса-да, кимдандир ёмонлик келиши мумкинлигини сезиб яшаганлиги ёдига тушганди.

– У бошини силагон ва оёққа турғизгон хон до-
дамники бошига ит кунини солди. Дунёда мундин
ортуқ ямонлик бўлмаса керак.

– Наҳотки? Хон додамиз...

– Ҳа опа, худписандликда ундин ўтадигонини
кўрмадим.

– Шу даражада..., – ортиқ сўзлаёлмай муз-
тарибликда колди Хонзода бегим, – ахир, хон додам
чақиб тургон чаёнга ҳам озор еткурмагон-ку?

– Яхши биларкансиз. Ўшанда хон додамнинг
Мовароуннаҳрда подшоҳлик даври эрди. Бу вақтда
Шайбоний бобоси Абулхайрхон вафот этиб, эл-улуси
тарқаб, аскарлари, ходимлари, қуллари, сарой хиз-
матчилари ҳар қаён кетган эрдилар. Ўзи эрса ҳам
водийсида сарсону саргардон, ходисаларнинг оёқ-
қўли остида топталгон эрди. Бу вақтда улуғ амир-
лар, обрў эътиборли, эзгу ниятли давлат арбоблари
додамнинг хизматида эрдилар. Улар бошқа ҳукмдор-
ларни ҳам ўз хизматлариға таклиф этардилар. Бу-
лар орасида Бухоро ҳукмдори Абулали Тархон ҳам
бор эрди. Юқорида зикр этқонимдек, бечоралик
кўчасида қолгон Шайбонийхон Султон Аҳмад до-
дам қўлида хизмат қилиб, ишончини қозонди. Ҳоким
эрса уни мулозимлари қаториға қўшди. У бесаран-
жом ҳаётининг оғир дақиқаларидин чиқиб, ҳокимға
содиқ хизмат қилди. Абулали Тархон деярли Оллоҳға
омонатини топширғач, Шайбонийхон Туркистонға
борди. У ерда хон тоғаларимнинг улуғи Султон
Маҳмудхоннинг эътиборини қозонишға киришди.
Тоғам ҳам ундин ёрдамини аямади. Унинг ёрдами-
да Бухоро ва Самарқандни олди. Қўлини узайтириб
олғоч, тоғамни йўқ қилиш пайиға тушди.

– Водариф!!

– Менинг фикримча, Оллоҳ ундин шу қилмиши
учун юз ўгиргон. Аммо ул кечирғувчи зот Шайбоний-
хонни яна синовға қўйди. Ўшанда кеч куз эди. Да-
рахтлар батамом баргларини тўкиб, яланғочлангон.
Дехқонлар ҳосилини йиғиб олгон. Қиш эшик қоқиб
келмоқда эди. Лекин у калтабин, ўзгалар қўлидаги

хунхор қиличини яланғочлаб, тоғаларимиз Султон Махмудхон ва Султон Аҳмадхонларни ҳамда жиянимиз Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонни тириклик боғидин шаҳидлик чоҳига улоқтирди.

Хонзода бегим даҳшатдан қотиб қолди. Хон тоғалари ва поччасининг барвақт ўлим топганидан хабари бор эди. Жангда халок бўлганлар деб биларди, аммо Шайбонийхон буйруғи билан ўлганларини аниқ билмас эди.

– Нахотки, шунчалар..., – титраб кетди у, – Мўғул хоним билурмукин?

– Қайдам? Негаки, илоннинг ёғини ялагон одамнинг қўлидин ҳар иш келур! Ахир, Хожа Аҳрордек пирнинг авлодини ўлдиришга буйруқ бериб, айбни ўзгаларга ағдаргон одам...

– Бечора Мўғул хоним!

«Билади, билса керак! Ахир Шайбоний одамлари ичра душманлари йўкму? Бор. Бири айтмаса, бошқаси албатта айтқон бўлса керак. Унда...»

Инисининг хаёл дарёсига шўнғиганини кўриб, бегим ўйланиб қолди: «Ростиям, Мўғул хоним отаси, амакиси ва аммасининг эрини қотили билан ёстикдош... Демак, унга ҳам осон эрмас. Мен эрса, унинг баъзи ҳаракатларидин ўзимча хулоса чиқариб юрибмен. Ҳа! Ул бечорага ҳам қийин бўлгон эркан. Ҳа, ўн чандон қийин...»

– Ана энди, – сукутни бузди Бобуршоҳ, – ана энди:

«Нечук шарбатки сен элга ичирдинг,

Ўзинг ҳам охири уни симирдинг», – дефонларидек, ўзининг ҳам умр паймонаси тўлди, бахт ундин юз ўгирди. Омад жоми ағдарилди. Тожи емирила бошлади. Сабаби, у хонларни ва Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонларни ўлдириб, кўнгли хотиржам бўлғоч, куч-қувват отини тўрт тарафга қаратиб камчилади, сиёсат ўқларини ҳар томонга отди. Кўнгли нима тусаса, шуни қилди. Бундай ишлар оддий одамлар учун ярашмас-да, шоҳлар учун ярашсинму? Булардин ҳам

ямони, пиримнинг ўғли Хожа Яхёни қатл эттириши бўлди.

– Ё Раббим! – кўзларини юмиб олди Хонзода бегим, – шунчалик ҳам хийракуш бўлурму?!

– Худкомлиғи боис зимдан қилғилиқни қилиб кўюб, ўзи буйруқ бериб, бу ишни Кўпакбий ва Қанбарбий қилди, деб тонди. Ахир эл орасида узри гуноҳидин ямон дейиладир. Буни қаранг опа, ходимлари унинг буйруғисиз бул киби ёмон ишларни қилсаю у билмаса, унинг хонлиғи қаерда қолди?

Хонзода бегим Шайбонийхон ҳарамига келган дастлабки кунларида ушбу воқеа ҳақида чаларок эшитган эди. У ҳақда сўрамаса-да, хоннинг ўзи сўзлаб, бу ишга дахлсизман дея қасам ичган эди. Йиллар ўтиб, ҳозирги дамда инисининг оғзидан такрор, аммо бор ҳақиқатни эшитаркан:

– Қасамхўр, – дея кўзлари мошдек очилиб кетди, – Хожа Аҳрор валийдек улуғ зотнинг сенга нима ямонлиғи борки, пойива болта урубсен?! Тангри сени бу дунёю у дунё кечирмағай! Ҳа, абадул-абад кечирмағай!

Хонзода бегим инисининг оғзидан эшитган сўзлар ва хабарларни таҳлил қиларкан, Бобуршоҳнинг истиқболи порлоқлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Негаки, Бобуршоҳ, эл-улус ислом дунёсининг қонун-қоидаларини, замонасининг етук кишиларини ҳурмат қилар, улардан ёрдамини аямас, имкон қадар илм аҳлига эътибор қаратарди. Танқўриқчисининг айтишича, ўзи бир аҳволда бўлса ҳам холаваччаларининг қилмишларини кечирганлиги ва бу иши оғиздан-оғизга ўтиб келаётганлиги ҳамда у ҳақда баъзи ривоятларнинг тўқилиши ҳам инисининг қандай инсон эканлигини айтиб турарди. Бу каби ишлари билан у, ўзи ҳақида олам сандиғида очилган яхши аъмоллари дунёсини бойитар, бойитгани сайин Тангри унинг мушкулларини осон қилар, ҳаттоки, озгина лашкарлари билан ҳам улкан кўшинли ёрий устидан галабаларини таъминларди. Шунинг учун ҳам у юксалиб борар, неча-неча султонлар ўтган бу дунёда емирил-

мас қоядек ўзлигини сақлаб, дадил кадамлар ила олға интилиб борарди. Шайбонийхон эса акси. Ўзини йўқлик чоҳига гирифтор қилгувчи ишларни қилдики, баъзи бажарган эзгу аъмоллари ҳам унинг соясида шох-шаббалардек оёқ ости бўлди. Бундай шохлардан яна бири Шох Исмоил бўлиб, у ҳам ўз бадкирдорлиги туфайли дин шайхулисломлари оламини қонга фарқ қилгани учун узокқа бормади...

– Яшаш учун кураш ўз ақли билан ҳаётини тартибга солишдир. Буни камдан-кам шохлар тушунди. Қай бирлари хукмронликни қўлдин бермаслик учун курашдилар. Қай бирлари эрса, шохлик мансабини бир пуллик қилдилар. Айни дамда, Султон Хусайн кабилар мамлакатни гуллатиб-яшнатдилар. Ҳа, ҳеч ким ул зот киби узок йил подшоҳлик қилолғон эрмас. Охир-оқибат, тахт ясағон тобутда охирғи манзиллариға кетдилар. Шайбоқхон ва Шох Исмоиллар эрса умрининг ярмида шахидлик қониға беландилар. Эл ичинда, эчкини ҳам ўз оёғи бирла осадилар, деган нақл юради. Ғалаба устиға ғалаба шаробидин маст бўлғон Шох Исмоил ёмон ҳаддидин ошди. Сизларни бу ёққа жўнатиб, Марв халқини омавий қатлга буюрди. Сўнг Ҳиротка юзланиб, энг хунук ишларни содир этди.

Бобуршоҳ бу гал узок ўтириб қолганидан хижолат тортиб, ўрнидан қўзғалди:

– Безовта бўлманғиз, – Хонзода бегим изн бермади, – бир ўзим хаёл оламимни тўзғитиб ўтирғондин сизнинг муборак суҳбатинғизда дунё янгиликларидин, шохларнинг алғов-далғовли ҳаётларидин хабардор бўлғоним минг марта афзалдур. Ҳам мен билмағон воқеалар ҳақида сўзлайдурсизки, барибир тарих – ибрат мактабидур, мен учун янгиликдир, ҳам билиб қўймоғим муҳимдир, иним.

Бобуршоҳнинг чеҳрасида жиддийлик акс этиб турарди.

– Қосидларимизнинг айтишича, Ҳиротнинг таниқли кишилариға Маликон масжидида тўпланиб хутба ўқишни, ўқиш пайтида Аллоҳнинг расули

Мухаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васаллам ас-хобларини ҳамда Ойша онамизнинг бошларига лаънат ёғдиришни амр этибди.

– Эй Худо! Бу қандай жаҳолат!? – титраб кетди Хонзода бегим, – шу қадар фитна ангиз бўладурму? Худписандлик ҳам эви бирлан-да. Шу ишларни қилмаса уни биров шох деб тан олмасмуди?

– Ҳиротнинг таникли уламолари жимлиғича тураберибди. Наиллож! Охири ислом тарғиботчиси хатиб Сабриддинни зўрлаб, минбарга чиқармуш. Ул зот шундай дебдилар: «Мен неча йиллардин бери суннийлик ва мусулмон жамиятига мувофиқ хутба ўқиб келамен. Бугун умрим қуёши ботиш ҳаддида турибдур. Бордию ёш бўлғонимда ҳам бундай жоҳиллик эвазига ёш умримни асрашқа урунмағон бўлур эрдим. Ҳозир-ку умрим тугаб боряпти, зинҳор ўз иймон-эътиқодимдин қайтмағаймен».

– Қандай улур одамга бу кўргулик?

– Ҳа, шу сўзларни айтқач, у саҳобаларнинг номларини одат бўйича ҳурмат-эҳтиром билан тилга олибди. Лаънати қизилбошлар оёққа туришиб, оппоқ соқолидин ушлаб, пастга судраб тушибди-да, бурда-бурда қилиб ташлашибди.

– Эвоҳ! Олам яралғондин буён бундай хунхорликни кўрмағон! Ё Раб!!

Бобуршоҳ бир муддат жим қолди. Афтидан, кўзи олдидан ўша мудҳиш манзаралар бирма-бир ўтаётган эди. У чуқур «ух» тортди, сўнг яна тилга кирди:

– Эртасига Шайхулислов Сайфутдин Аҳмадни чақириб, саҳобаларни лаънатга кўмғин-да, шиа мазҳабини ихтиёр қил, деб буюрибди. Шайхулислов Шох Исмоилни касофат йўлдин қайтаришга уринибди. Лекин қизилбошларнинг шоҳи айтғонида туриб олибди. Шайх қарғабди. Чидолмағон Исмоил унинг кўксига камондин ўқ отғон.

– Эй Худо! Буни эшитқон қулоқларим қар бўлса бўлмасмуди!

– Бу ёғини эшитинг, опа! – титраб чиқди Бобуршоҳнинг овози, – қонга бўялғон ўқни тортиб

олиб, шайхулисломнинг муборак юзиға ва соқолиға артибди.

Хонзода бегим гўё қаршисида ўша воқеалар содир этилаётгандай юзларини қўллари билан тўсиб олди. Буни кўрган Бобуршоҳнинг ҳам кўнгли бузилди. Ўзини базўр йиғидан тийган боладек, атрофга аланг-жаланг боқди:

– Кейин шайхни ташқариға судрашиб чиқиб, яқин атрофдағи баланд дарахт шоҳиға осишибди, – деди хомуш, – сўнг дарахтнинг тағидин арралаб ташлашибди. Буям етмағондек Малик бозориға олиб бориб, эл кўзида ёқишибди.

Бу гал Хонзода бегимнинг кўзлари катта-катта очилиб, даҳшатдан қотиб қолган эди.

– Ха, қанча уринишмасун муборак кўкраги ўтда куймабди...

– Қуёшни откони била сўнармуди? – қарахт кўйи деди Хонзода бегим, – сўнмайди! Ҳеч қачон!

– Қачонки дўстинг бир гуноҳ билан тойилса, сен бир тадбир билан унинг хатосиға узр топ, шунда дўстсен дейдилар. Ҳеч бир тадбир ўйлаб топишқа ва хатосиға узр айтишқа жилла бўлсун йўл қолмади.

– Ул зотлар не гуноҳ қилибдурларки...

– Ҳеч бир хатолик йўқ, гуноҳ ҳам... Узр айтишқа ё топишқа ҳожат ҳам йўқ. Фақат бу ерда ўз зўравонлиқларини намойиш қилдилар, аммо элнинг назаридин қолдилар.

– Албатта! Тангри ғазабидин кўркмағонлар узоққа боролмайдурлар!

– Айтқонинғиздек бўлди. Яхшиларнинг пешво си бўлғон олий гавҳарни оёқлари остида топтаб, хор қилдилар. Ўзлари ҳам шунақа хўрландиларки... Узоққа боролмадилар.

– Оҳ амирзодам! Бу омонат дунё ажиб бир қошона, унда тўла паймоналар: на султон ва на дарвиш жонларини сақлаб қоладилар. Қилғилиқни қиларлар-да, қилмишларини фалакка тўнкайдирлар. Зеро, фалак жойида, унға хоҳ шоҳу, хоҳ дарвиш бўлсун, барибир.

– Ҳақсиз опа, – Бобуршоҳ Хонзода бегимга меҳр билан қараб қўйди, – улар маънавий кашшоқдурларким, ўз қуёшини ҳам, ўзгалар ойини ҳам қадрига етмайдурлар! Чунки ақлсиз, ҳа, ақлсиз ва идроксизлардур! Етарли ақл ва тўлиқ идрокка эгаларгина маънавий биноларни баланд қура олади. Шунда улуглиқ ҳамда олийлиқ боғларида мурод гуллари очиладур. Шу билан бирга қўлидин ҳамият тизгинини қўймагонлар халқини талон-тарожға юзлантирмайдилар. Мухими, ақл ва адл мевасидин йирок бўлмасагина ундайларға зафар ҳамиша ёру мадақкор бўлғай...

– Тўғри айтасиз, амирзодам!

– Шох Исмоил ва Шайбонийлардек қудрати ортиши билан манманлиқ ботқоғиға ботқонлар бундай эзгу аъмолларни қаердин ҳам билсунлар..!

Хонзода бегим, Бобуршоҳни кузатиб, ортидан қараб қоларкан, уни ҳаёт сабоқлари анча улғайтиргани, оқ ва қорани бемалол фарқлай оладиган даражага етганидан мамнун бўлди. Ўзи ҳам бу кунги суҳбат асносида кўп нарсаларни англади. Ҳаёти давомида сезгир бўлишдан ташқари илмли ва қарамли бўлиши кераклигини ҳам англаб етди ҳамда иниси сўзлаган воқеа-ҳодисалардан умр йўлига керакли бўлган дарсни олди. Буни Хонзода бегим сўнгги йилларда бот-бот эслади. Бу дарс айниқса, аёллар билан муомалада ҳушёр бўлмоқлигига даъват қилиб тургани кўп бора қўл келди.

* * *

Шу кунларнинг бирида арзчилар хусусида Хонзода бегим билан Моҳим бегим келишган ҳолда Бобуршоҳ ҳузурига кирдилар. Арзчилар турли қавмлар: турклар, туркман аймоқлари, саҳрои араблар эди. Уларнинг кўпчилиги икки масалада арз қилган эдилар. Бири эрларининг ичкилиги борасида, иккинчиси эса фарзандларини ўқитишни истайди-ю, аммо қурблари етмаслиги тўғрисида эди. Бобуршоҳдан маслаҳат сўрадилар... У бу икки бегимларнинг жид-

дий масалаларни кўтара билганларидан хурсанд бўлиб кетди.

– Май лаззатини маст билур, хушёрларга не хузур, дейилувчи таъриф бежиз эрмас эркан-да, – хазиллашди бироз.

Уларнинг қатъиятли қиёфасини кўриб:

– Тўғри, – деди, – бу вилоятда оби ангур узуми бор. У жуда яхши бўлиб, ундин кучли маст қиладиғон чоғирлар тайёрлашадир. Демак, эл эркаклари бу бо-рада анча моҳир. Энди унга муносабат масаласини кенгаш аъзолари билан ўбдан ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Болалари тақдирини ўйлагонлар ҳам аксарият аёллар эркани ҳам эрларининг лоқайдлиғидин далолатдур. Бегимлар, гапнинг қисқаси бу икки масалани кенгаш ҳукмига хавола қилурмиз, маъқулми?

– Албатта маъқул!

– Миннатдормиз.

Бобуршоҳ икковига мамнун боқди.

– Ҳазратим, – Моҳим бегим кетишга ошиқмади, – сиз Ламғонотдин келтурғон найшакар экини яхши ривожланибдур, кўруб кўзларим қувонди.

– Ҳа, қуни кеча ўзум ҳам гувоҳи бўлдум. Бир нав ўсарму дея иккиланғон эрдим, лекин...

– Кўнглинғиз тўлмайдурғон жиҳатлари ҳам борму? – сўради Хонзода бегим инисининг нимадан-дир ичи чиқмаётганини пайқаб, – биз ҳам билсак бўладирму?

– Бу ернинг совуқ иқлимга мансуб мевалари хўп яхши, аммо экини кўнгулдағидай эрмас. Яхши ҳосил олмоқ учун Хуросон уруғларидин келтуруб экмoқ керак эркан. Тоқай Хуросондин уруғ ташиймиз.

– Демак, бунинг ҳам бир чорасини топмоқ керакка ўхшайдур, – деди Моҳим бегим, – ўлимдин бошқасининг чораси бор. Бирон йўли топилиб қолар!

– Менинг яна бир айтмоқчи бўлғоним, – Хонзода бегим инисига қаради, – арзчи аёлларнинг уйларига борғонда йўл-йўлақай бир нарсага эътибор қаратдук.

– Хўш? Хўш?!

– Йўл четларидаги далаларда, тоғ оралиғи ва те-
кисликларда беҳи, карам ва бодринг хўп яхши бў-
ларкан.

– Шундай опа.

– Лекин уларнинг меҳнати ҳам кўпроқ аёллар
зиммасида эркан, найшакарнинг ҳам...

Бобуршоҳ енгилгина энтикди.

– Қаралашсин, лекин биратўла аёллар елкаларига
ортилғони оғирлиқ қилмасму? Рўзвор юмуши, бола
тарбияси дефондек.

– Бегимлар, тўғри ўйлағонсизлар, демак, тезроқ
бирор чора кўрмоқ лозим.

– Демокчи бўлғоним, шу жойларда уруғлик етиш-
тирса бўлмасму? – фикрини айтди Хонзода бегим.

– Демак, ерни бир-икки йил экин экиб синаб
кўрмоқ лозим, – юзларида қувонч балқиди Бобур-
шоҳнинг, – сизлар нафақат аёллар тақдири, балки
Кобул халқининг емоқ-ичмоқлари ҳақида ҳам кўмак
беряпсизлар. Офарин!

Бобуршоҳ эртасигаёқ навбатдан ташқари кен-
гаш ўтказди. Узоқ музокара бўлди ва охири шундай
қарорга келдилар:

Биринчиси: эрларнинг ичкилик ичишлари меҳ-
натдан сўнг хордиқ пайтида, кечки овқатдан сўнг ва
тўй-базмларда ҳам меъёрда бўлиши, агар қурби етса
бу оғудан воз кечиши зарурлиги таъкидланди.

Иккинчиси: болаларни ўқитиш учун Мовароун-
наҳрдаги мактабдорликни жорий қилишга аввал жой
ҳозирлаш ва уни маълум жиҳозлар, яъни ёзув учун
тахтача, китоб ўқиш учун лавҳлар ва ўриндиклар би-
лан безаш ҳамда саводхон бўлиш учун керакли дарс-
ларни ўтишга устоз тайин қилиш. Унга қадар ҳар
бир кентнинг бир чоғроқ ҳовлисида имконият яра-
тиб, ўқитиб туришга қарор қилдилар.

Учинчиси: бегимлар айтган жойларда уруғлик
етиштириш учун ҳаракат бошлаш.

Йиғилишдан тарқалгач, ҳар икки бегимнинг ор-
тидан Бобуршоҳ билан амиру хос беклар, яна баъзи
беклар Ширим тағойи, Мухаммад Али Мубашшир-

бек, Боки Чағониёний, Аҳмад Юсуфбек, Хожа Калон ва Аллоқули Беронлар ҳавас билан қараб қолишди:

— Киройи аёлини шунақа бўлса, — деди кимдир пичирлаб. Лекин кимлиги номаълум эса-да, бу гапдан Бобуршоҳ ғурурланиб кулимсиради.

Бегимларнинг ҳам анча масалаларда ёрдами тегишини ўйлаб, ширин энтикди: «Қанотларим! Уларнинг мамлакат ва подшоҳ парвозига жон кўшишлари ишимизнинг ҳақ йўлда эрканидин далолат», ўйлади Бобуршоҳ.

* * *

Ойлар кетидан йиллар ўтди. Қиш, ёзу, куз айланди. Яна баҳор келди. У ўзи билан бирга янги-янги умидлар олиб келди. Умидларнинг юзага чиқиши эса, раъиятнинг, мамлакат турмуш тарзини ривожланишига туртки берди. Фарзанд доғидан кўксидан кон ютса-да, тоқат билан яшаётган Хонзода бегим ҳам аёллар ташвишларига кўмилиб, ўғлидан айрилганига икки йил ўтганини сезмай қолди. У шаҳар ва кентлардан ёши улугларни чорлатиб, ош торттирди. Ҳар бирига ўзига яраша сарполар, ҳадялар берди. Албатта бундай маъракаларда, тўйлар бошида Бобуршоҳ турар, имкон даражада Хонзода бегимнинг кўнглидагидай иш қилишга ҳаракат қиларди. Мана шундай йўллар билан опаси олдидаги бурчини, ҳам ҳаёт қарзини узишга тиришар, Қобул халқига подшоҳ эрса-да, Хонзода бегим олдида ўзини бир қулдек тутар, унга юқунарди. Бундай хатти-ҳаракатлардан Хонзода бегим гоҳида уялар, гоҳида инисини ундай қилмасликка ундарди:

— Офтобим, — дея эркаланарди баъзан Бобуршоҳ опасига, — ер юзига қуёш ҳаёт бахш эткани каби менинг борлигимни яшнатқон сизсиз, — дея очик сўзлар ва кўзларига ёш олиб, — қани эди, ёнимизда онамиз ҳам бўлиб, бу масъуд кунларимизни кўрғонда эрди. Бир вақтлар отамиз подшоҳлик қилғон, уни гуллатиб-яшнатқон Қобул эндиликда фарзандлари кўлида эрканини билғонда эрди.

– Рухлари шод бўлаётқондур, амирзодам, – унинг дилидаги қат-қат армонларини ўз тилидан эшитаётган Хонзода бегим ҳам ўзининг қалб уммонининг туб-тубига чўккан аламлари қаърига чўкарди, – сизку умрининг охириги сонияларигача бирга бўлдингиз. Табибга қаратдингиз! Оғзига сув томиздингиз! Менчи? Чархи кажравнинг иши туфайли олисларда, хўв олис қора тоғлар ортида яқин дийдорларга ташна умр ўтқарғон менчи? Хануз ўша, саройдин чиқиб кетаётқондаги онларнинг захмини унутмаймен. Қалбининг чок-чоки сўкилиб турса-да, менинг ўксик кўнглумни кўтармоқ учун бояқиш хоннинг насл-насабию ўзи қандай бўлғони ҳақида сўзлаб, юраги, борлиги қакшаб турса-да, кўзлари кулишга ҳаракатланғони, – Хонзода бегимнинг овози титради, – Шайхзода дарвозасидин чиққан онимдаги фарёди, алам била ёр-ёрни хиргойи қилғонлари хануз қулоқларим остида мунгли янграйдур, иним.

Бобуршоҳ бошини эгди.

– Ҳаммасига менинг шум толеъим сабабчи...

– Ундай деманғиз, – ўзининг дарду ҳасратлари билан инисининг дил ярасига тегиб кетганини сезган Хонзода бегим шошиб қолди, – буни тақдири азал дейдилар. Пешонага нима ёзилса, шуни кўрмоқ ҳар бир банданинг қисматиدير, иним.

Хонзода бегим ҳар иним деганда Бобуршоҳнинг шунчалар дили яйрар, мана шу биргина илиқ сўз орадаги баъзи нохушликларни кўтарарди-да, кўнгил губорларини ювиб ташларди. Шу билан бирга кўпроқ болалик чоғларни хотирга солар, баъзан опасининг қирқ ўрим кокилларидан тортқилаб қочган онлари, баҳорнинг илиқ бағрида ўйнаган варрак учиришларида Аҳси қўрғонидаги болалар шовқин-сурони ичида ўтган бахтиёр дамлари, ширинсўз падарининг эрта-лабки нонушта, баъзан кечки овқат устида кўп бора сийлаи раҳм тўғрисида сўзлаганлари, гоҳида эса тахт ишлари ҳақида, баъзи яқинларининг ғаламисликлари тўғрисида сокин гапириб, ёмонликнинг охири чоҳдир, дея айтганларини ёдига соларди.

– Отамизнинг хар бир гапи бир ҳикмат бўлгон эркан, – деди опасига қараб жилмайган кўйи, – айниқса, сийлаи раҳм ҳақида сўзлагонларини эсласам, бизларни зимдан ана шу каби қимматли панд-насихатлари билан тарбиялагон эрканлар. Эсинғиздаму, бир куни онам раҳматли синглиси Хўб Нигор холамдин нима сабабдандир қаттиқ ранжигон эрдилар. Шунда падари бузрукворимиз «Ҳай-ҳай-ҳай! Хоним, синглинғиз бўлади-я, ундоқ ранжиманғиз, Худога хуш келмай-дур», дея қаттиқ койиб берғондилар. «Ахир мени ҳам қаттиқ хафа қилди-ку», дея кўзлариға ёш олғонда «Ҳали ёш, ақли қуйилсин, уялиб қолади», деб овутгон эрдилар.

– Кўрагон поччамизнинг таъсирлари бўлгон бўлса керак-да.

Бир вақтлар Бобуршоҳга Муҳаммад Хусайн Кўрагоннинг Мирзохон билан қилган хиёнатига ишора қилган эди бегим.

– Анча олдин онам бувим ҳақида бир воқеани сўзлаб берғон эрдилар, – Бобуршоҳ хиёнатдан сўзлагиси келмай, мавзуни бошқа ёққа бурди, – аввал Дашти Қипчоқда Жўжи наслидин бўлгон Абулхайрхон подшоҳ бўлгон эркан.

«Ҳмм, ўша, мен Шайбоний хузуриға кетишимдин олдин онам сўзлаб берғон воқеа. Эшитай-чи, буниси балки ўзгачадир». Бегим жон қулоғи билан тинглашга берилди.

– У жуда буюк подшоҳ бўлиб, вафот этқач, одамлари ўртасида бошбошдоқлик бошлангон. Кўплари Гаройхон ва Жонибекхон қозоқлар тарафиға ўтиб кетишгон эрканлар. Улар билан Абулхайрхон ўғиллари ўртасида аввалдин адоват бўлгон эркан. Шунинг учун Абулхайрхоннинг ўғиллари мўғул хонлариға қарши душманлик кўзи билан карашқон, негаки, мўғул хонлари Гаройхон ва Жонибекхонга хомийлик қилишгон эрканлар. Абулхайрхон ўлгондин сўнғ катта ўғли Буруж ўғлон атрофиға тўпланишгон. Буруж ўғлон Туркистон атрофида юргон бўлиб, мўғулларнинг Туркистонға келгонини ва бизнинг бобо-

миз Юнусхоннинг Қоратўқайда эрканини аниқлаб, Буруж ўғлон бобомизнинг қароргоҳига хужум қилгон эркан. Бу пайтда бобомизнинг барча йигитлари овда бўлиб, қароргоҳ бўм-бўш бўлгон эркан. Буни кўрган Буруж ўғлон одамлари қароргоҳга ўрнашиб олиб, ўрдадаги бор нарсани талашгон. Бобомиз буни эшитиб, ҳатто лашкарларини ҳам жамламай, қароргоҳга жўнагон. Дарё суви музлагон, ўрда эса нариги соҳилда. Бобомиз барча муסיқий асбобларни чалишни билғони боис, сурнайни чала-чала нариги соҳилга ўтгон. Буруж ўғлон сурнай овозини эшитиб, отга минмоқчи бўлгон. Аммо отини ва отбоқарини чўри аёллар тутиб олишгон. Шу пайт Юнусхон бобомиз етиб келиб, Буруж ўғлоннинг бошини кесгон эркан. Сўнгра хон кишни Қоратўқайда ўтказиб, баҳорда Тошкандга келгон эркан. Бу ерда Шайх Жамол Хар хоким бўлиб, ўзини Самарқанд хукмдори Султон Аҳмад Мирзо тоғамга тобе ҳисобласа-да, унга итоат қилмагон эркан. Хон хизматидаги мўғуллар Шайх Жамол Харни гиж-гижлашибди ва бунинг оқибатида хоннинг бари одамлари Шайх Жамол Хар томонга ўтиб кетишибдур. У бобомиз Юнусхонни осонгина тутиб, бир йил камокда сақлабдур. Хоннинг хотини, яъни улуғ онамиз Эсон Давлат бегимни ўзининг яқин одамлариға тортиқ қилибдур.

– Қизик, бувимиз индамабдиму?

– Ҳа, бу ҳақда бувимизға айтсалар индамагон эркан. Улар буни ризолик аломати деб билғонлар. Ўша одамнинг оти Хожа Камол Калон бўлиб, кечаси бувимизнинг хобхонасиға келгон. Бувим чўрилариға, агар унинг ўзи ёлғиз кирса, эшикларни тамбаланглар, деб тайинлагон эркан.

– Дадилликни қаранг?

– Улар бу ишни қилғач, чўрилари билан кўллариға пичоқча ва дук олишиб, санчиб-санчиб ўлдиришгон ва эрталаб мурдани ташқариға чиқариб ташлашгон. Хар, яъни эшак бувим олдиға бу ишни тушунтириб беришни сўраб, одам жўнатқон: «Шайх Жамол Хар мени бошқа одамға тортиқ қилди. Бу иши Муҳаммад

шариатида ва мусулмончиликда равому? Калоннинг ифлос кўли менинг пок этагимга тегмасун, деб ўлдирдим», дея жавоб бергон.

– Жасурлигини кўринг! Бувимизни шундай ишларни қилгон, деб ким айтадур? Ҳайратдамен!

– Ҳа, Шайх Жамол Хар бувимиз шаънига ҳад-хисобсиз офаринлар айтиб, иззат-икром билан бобомиз Юнусхон ёнига жўнатгон эрканлар.

– Офарин! Минг бор офарин! Бундай жасорат ҳар кимнинг ҳам кўлидин келабермас! Айникса мен киби аёлларнинг! Айтқонча, у пайтда бобомиз қамокда бўлгонлар-ку?

– Сўнг Каримберди Дўғлатнинг жияни Абдулқуддус бир гуруҳ одамлари билан Харга хужум қилиб ўлдиришгон. Бари Харга кетиб қолгон амирлари яна бобомга қайтишгон эркан.

Хонзода бегимнинг Самарқанд камалидан Шайбонийхон ҳузурига кетаётган ониди тузган бир режаси лоп этиб ёдига келди. У ҳам Шайбонийхонни шу йўсин ўлдирмоққа жазм қилган эди.

– Мен ҳам хоннинг ҳузурига борғач, ё пичоқ урмоқчи, ё захар бермоқчи бўлгонмен. Аммо хом ўйлагон эрканмен. Яқин бир ойча қаттиқ бетоб бўлиб ётқонимда кўрсатқон меҳрибончиликларидин уялдимму, ё бувимдаги шаддодлик менда етишмагонданму..., ишқилиб бундай ишга журъат қилолмадим.

Бобуршоҳ опасига қараб қолди.

– Бувим эрса мендин дадил ва тадбиркор эркан. Бу ҳақда онам ҳам қисқача гапиргон эрдилар. Энди билсам, кўлингдин келса, бувинг киби иш тут, дея писанда қилгон эркан-да.

– Отамизнинг қариндошчилик ришталари ҳақида сўзлагон ҳикматли ўғитлари бизларни шу йўсин тарбиялагон, опа.

– Ҳақ гап. Лекин ўша маҳалда ўзим ҳам ўлимни бўйнимга олиб боргонмен. Унга ёстикдош бўлишдин кўра кўпроқ ўлимни афзал билгонмен.

Бобуршоҳ тушундики, опасига ҳам осон бўлмаган. Ойиша Султон хоним каби роҳатни кўзлаб эмас,

хонни қандай қилиб бўлмасин ўлдириш режасида Шайбоқ деган номни ер юзидан супуриб ташламоқчи бўлганлиги ўз номининг поклигига интилиши кучли-лигини кўрсатарди.

– Бу ҳам жасорат!

Бобуршоҳнинг кўнгли ўрнига тушди: «Демак, опам...» Жилмайди.

* * *

– Яна Самарқанд ҳокими бўлғонимда Шох Исмоил, Амир Нажими Соний ва Байрамхонларнинг ёрдами катта бўлғон эрди. Кузнинг бошлари. Энди пиша бошлаган мевалар ва ҳосилларга ранг кира бошлаган. Дехқонларнинг қувончи чексиз. Кимдир ҳосилни йиққач тўй тараддудида, кимдир битмай қолган иморатини бутлаш ҳаракатида... Хуллас, ҳар бирининг ўзига яраша ташвиши бўлиб, бек ва хонларнинг нияти, мақсадидин беҳабар осуда кунларни ўтказаетғон пайтда Қаршига хужум бошланди. Унинг ҳокими хоннинг иниси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллохон эрди. У қалъани қаттиқ ҳимоя қилишига қарамай, барибир енгилди. Амир Нажими Соний кўп қаршилигимга қарамай, Қаршининг ўн беш мингдин зиёд аҳолисини қилич тифидин ўтказди.

– Бегуноҳ одамлар қонининг уволи тутадур-ку?

– Ҳа, буни қизилбошлар унутдилар. Мана шу қатли олда Шайбонийхон саройининг шоири Камолддин Биноий ҳам шаҳид кетди.

– Биноий жаноблари Қаршида нима қилиб эрди?

– Шайбон вафотидин сўнг Қаршига кетғон эрди.

Бобуршоҳ у билан бундан ўн-ўн икки йиллар олдин Самарқандда учрашганини ва бир-бирига шеърый айтишувлар айтишганини сўзлаган эди, лекин Хонзода бегим эслаёлмади.

– Унда сиз..., шеърларингиз?

– Ҳа опа, ул фурсатларда битта, иккита байт айтур эрдим.

– Ёдинғизда муҳрланиб қолғонидин кўриниб турибдики, анча самарали суҳбат бўлғон эркан.

– Ха опа, Шайбонхон Мулло Биноийни ўзига мулозим қилиб олғон эрди. Лекин у Самарқанд фатҳидин бир неча кун ўтиб, менинг хузуримга келди.

– Тушунмадим?

– Кейинги гал Самарқандни фатҳ айлагонимдин сўнгги воқеалар...

– Биз унда... хмм, хон саройида эрдук.

– Тўғри, ўшанда Қосимбек ундин гумонсираб, Шаҳрисабзга кетишига рухсат берди. Бир неча кун ўтиб, фазилатли киши бўлғони ва бизларга ҳеч қандай гуноҳ содир қилмағони боис уни Самарқандга келтурдук. Доим қасида ва ғазал ёзар эрди. Навода ҳам хейли донғи бор бўлиб, камина ғазалига бир куй басталаб эрди. Ўша пайтда бир рубоий ҳам айтиб эрдиким, кўп манзур бўлғон. Ушбу рубоийдур:

*Не ғалла маро к-аз ў тавонам нушид,
Не муҳмали ғалла то тавонам пўшид.
Онроки на хўрдан асту не пўшидан,
Дар илму ҳунар кужо тавонад кўшид.*

Яъни,

*– На егулик ғаллам бор ва на кийгулик кийим,
Ейдигани, киядигани бўлмаган одам
Илм ва ҳунар билан қандай шуғуллана олади?*

Камина бу сўзларга жавобан туркийчада икки байт ёзиб, ғалла ва бахмал либос кўшиб юбордим:

*Ишлар бори кўнглунгдағидек бўлғусидур,
Инъому вазифа бори буйрулғусидур.
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим,
Муҳмалга бўю ғалладин уй тўлғусидур.*

– Мулло Биноий бу рубоийнинг биринчи мисрасининг қофиясини радиф қилиб, бошқа қофия билан яна бир рубоий ёздилар ва манзур этдилар:

*Мирзомки, шоҳи баҳру бар бўлғусидур
Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидур.
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам, нелар бўлғусидур.*

– Ажаб! Биноий ҳазратларидин ҳеч газал ўқу-
мағон эрканмен. Яхши ёзаркан.

– Ҳа, хийла донғи кетгон шоирдур.

Бобуршоҳ опаси учун хотиралардан сўзлаш экан,
неча кун-тун бўлса-да, дostonлар айтишга ҳам тайёр
эди. Чунки умри жонини сақлаб қолган ва ўзининг
шижоати, оғир-босиқлиги, мулойим гап-сўзлари ила
Шайбонхондай дашти-кипчоқни ҳам йўлга солгани-
ни эсларкан, опасига ҳам қийин бўлганини кўз ол-
дига келтириб, ич-ичидан ачиниб кетди. Ҳозирда эса
кўшқда ёлғиз бир ўзи яшаётганидан афсусланади, як-
каю ягона ўғлидан жудо бўлганидан эса ҳар эслаган-
да азобланади, ҳар қандай юмушни, хоҳ давлат, хоҳ
бошқа иш бўлсин, бир ёқлик қилиб, опасининг ёнига
шошарди. Баъзи кунлари қариндош-уруғлар, баъзида
эса сарой ҳаётидан, дам кулгили, дам ачинарли хо-
тиротлардан сўзлаб зериктирмасликка ҳаракат қилар
эди.

– Шундай инсон қирғинбаротда шахид кетди
деғ?

– Шунақа бўлди. Кўп қаршилиқ қилдим, аммо
уларга қор қилмади. Ўн беш минглик каттаю кичик
аҳоли-я...

– Оллоҳдин беизн жон олишлар... Уларда бун-
чалар қаҳр қаердин пайдо бўлгон? Наҳотки, мулк ва
бойликни деб инсон зотини пашшадай кириб таш-
лашлар давом этаберса? Бунинг сўроқ-саволи борму?
Одам увол эрмасму? Ҳаддидин ошгонларни тартибга
чақирғувчи борму? Йўқ эрса, бу хунрезликлар давом
этаберади? Қон тўкилаберади!

Бу ҳақда опасини анча йиллар олдин ҳам гапи-
риб ўтганини эслади Бобуршоҳ! «Ҳақиқатда, дунёда
тартиб ўрнатувчи бирор бир кенгашму, ё бир қонун-
қоидаму керак? Йўқса, бундай қатли омлар оқиба-
тида ер юзида одам зоти қолмайди. Қолғони ҳам
ўрмон-тўқайларга қочиб кириб кетади».

Бобуршоҳ чексиз хаёллар оғушига чўмди. Ҳар-
чанд ўйламасин, ўйининг адоғига етолмади...

Улар вақт алламаҳалда хайрлашдилар.

Хонзода бегим инисини кузатиб, кўшкка кирди ва чўғдай қизил бахмал жойнамозни ёзди. Намозини тугатгач: «Демак, хон ўлдирилиб, мен ўғлим билан бу ерға қайтғунимча укамнинг ишлари ривож топғон, — хаёллар оламига сайр этди у, — суюкли эри ўлғоч, Мўғул хонимнинг ахволи не кечди эркан?! Хоннинг Катта хотини ва у билан қолғон Моҳирўйға қандай кунлар кўрсатдийкин? Холаваччам Ҳабиба Хониш қандай кунлар кўрди эркан? Муҳаммад Ҳайдар Мирзо келғонда эрди, опаси Ҳабиба Султоннинг ахволини сўрағон бўлур эрдим. Ҳмм, тўхта, ахир мен Сайидлар хонадонида эрканимда Ҳабибани дабдаба билан Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахонға никоҳлаб берғон эрди-ку? Хоннинг ўлими, яъни енгилғонидин сўнг шаҳидлик қонига бўялғонини кўрғон Убайдуллахон Мўғул хонимға ҳам паноҳ берғон, деб эшитғон эрдим, — баданини титроқ эгаллади, — демак, жияним Ҳабиба Султон... Эҳтимол, Мўғул хоним менға ишлатқон разилликларини унға қилолмас. Илоё шундай бўлсун! Ё Раб! Ўзинг қўлла!»

У шу каби ўйлар оғушига чўмилиб, узок ўтирди.

* * *

Шайбонийхонни Шоҳ Исмоил ўлдирди деган хабар етгач, Бобур подшоҳ Кобулни Носир Мирзога бериб, ўзи ахли аёли ва фарзандлари Ҳумоюн Мирзо, Меҳржаҳон бегим, Борбўл Мирзо, Маъсума Султон бегим ва Комрон Мирзоларни олиб Самарқандга келди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан Самарқандни ишғол қилган Мирзо Бобур саккиз ой, нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннаҳрға ҳукмронлик қилди. Лекин...

...Аслида тарих тўққиз юз ўн бешинчи йил ражаб ойида Бобур подшоҳ иккинчи марта у ёмон тоифа-қизилбошларнинг ёрдами билан ўзининг мерос бўлиб қолган мамлакатларини истило қилди ва Самарқандни пойтахт қилди. Бухорога бўлса Ширим тоғойини ҳоким қилиб қўйди. Аммо халқ бошида подшоҳнинг бу ғалабасидан мамнун бўлса ҳам, охир-

да унинг номақбул феъллари ва хулқлари туфайли уни ўзларидан йироқ бўлишини Худодан сўрадилар. Чунки халқ подшоҳдан, қачон у ўзининг мерос қолган мамлакатига эга бўлса, ҳаёт ва тирикчилик заруратидан бу ерга келган қизилбошлар ўз либосини ташлаб, шу вилоят либосини кийишини кутардилар. Аммо халқнинг Бобур подшоҳдан кўзлаган умиди юзга чикмади, чунки подшоҳнинг шавкат ва қуввати бошқадан мадад олиш эҳтиёжи тушмайдиган даражага етмаган эди. Шу сабаб у Мовароуннаҳрда саккиз ойдан ортиқ ҳашамат ва мансаб эгаси бўлолмади. Шундан сўнг у Кўли Малиқда Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахондан шикаст еб, яна Кобулга қайтди. Қайтиб Мовароуннаҳрни орзу қилмай кўйди. Бу орада унда Ҳиндистонни қўлга киритиш ҳаваси уйғонди. Аммо унинг орзуси амалга ошишида амирларининг сустлиги, биродарларининг ноаҳиллиги сабабли мақсадига етолмаганди. Охири икки-уч марта жанг қилиб, Бажурни қўлга киритди. Шу вақтда Афғоний оғачанинг отаси Малик Мансур Юсуф-зай келиб мулозамат қилди. Мирзо Бобур унинг қизи Афғоний оғача, яъни Биби Муборикани ўз никоҳига олди. Малик Мансурга эса от ва бошқа шоҳона саруполар тақдим қилдилар. Унга халқи, одамлари ва бошқаларни келтириб, ўз ватанини обод қилишга рухсат берилди.

Афғоний оғачага уйланиш тарихи бироз қизик бўлганлигини Мохим бегим кейинчалик Хонзода бегимга ўз қаричи асосида шундай ҳикоя қилиб берди:

— Мулло Турк Алининг айтишича, жума куни, муҳаррам ойининг бошланишида Бажурга юриш қилгонларида ининғизнинг ёнида Мулло Абдумалик Хостий, Тангрибердининг навкарлари, Халифа шоҳ Ҳасан Арғун, Аҳмад Юсуф, Дўстбекнинг қалъа минорасини йиқитгон йигитлари, устод Алиқули, Вали хазиначи, Муҳаммад Али жанг-жанг ва укаси Наврўзлар бўлиб, вилоят олинғач, уни Хожа Калонга иноят қилгонлар. Ул зотнинг шафоати била баъзи асир тушгонларни озод қилгонлар. Улар орасида Биби Мубориканинг

отаси Малик Мансур Юсуф-зай ҳам бўлгон. Қизиги шундаки, опа, инингиз ана шу афгон қабилаларига қарши урушнинг олдидин Малик Мансур Юсуф-зай бераётгон зиёфатқа дайди, масхарабоз кийимида кириб боргон. Сардор Малик Мансурнинг гўзал қизи инингизни мусофир деб ўйлаб, унга бир косада таом тутибди. Инингиз қизнинг хуснига, одобига маҳлиё бўлиб, ўзига сўратибди. Отаси ёғийга берадургон кизим йўқ, деб кўнмабди. Охири уруш бошлангач, Малик Мансур танг аҳволда қолибди. Шунда инингиз сулҳ таклиф қилиб, шартига кўра қизини яна сўратибди. Ноилож қолгон Малик Мансур шартга рози бўлгон эркан...

Хонзода бегим бу тақдир ўхшашлиги ҳақида ўйланиб қолди. Шайбоний – Шохбахт ҳам, Бобуршоҳ ҳам бир қизга ошиқлиги сабабли душманларини кечирган. Муҳаббатнинг душманлар ўртасида дўстлик ришталарини вужудга келтирадиган қудратли кучига ич-ичидан ишонч ҳосил қилди.

Ҳозирда Моҳим бегимнинг оқ кўнгилларча кундоши Биби Мубориканинг олий одоб ва гўзаллигини яширмай, рўйирост сўзлаши Хонзода бегимни лол қолдирди ва унга нисбатан бўлган меҳри янада ортди.

– Шунақа денг? – деди у кулимсираб, – ўзиям Бибининг хушрўйгина эрканлиги биринчи кўришимдаёқ сезилгон эрди.

– Ҳа, инингизнинг ўнг қаноти остидалар ҳозир.

Хонзода бегим кўтарилиб қаради. Бу билан у: «Моҳим, ўзингизга келинг. Бундай лутфлар сизга ярашмайдур», дейилган таъна тошини отган эди.

– Айни шу дамда, – буни сезган Моҳим бегим дарҳол мавзунини бошқа томонга бурди, – инингиз Ҳиндустонни эгалламоқ ниятида юргонда ўғил кўрдилар. Чақалокқа яхши ният билан Ҳиндол деб ном қўйдук...

Хонзода бегим гарчи бу йилларда Сайид Жаъфар хожа хонадонида эса-да, Мирзо Бобурга дахлдор барча гап-сўзлар, юриш-туришларини келган-кетганлардан эшитиб турди.

Шундай қилиб, ўз рақибининг қизига уйланган Мирзо Бобурнинг ошиқу бекарорлиги анча вақтгача эл орасида овоза бўлганини, Фарҳоду Мажнундек шайдолигини эшитиб, мийиғида кулди: «Юрағининг тождори Моҳимми ё Биби Муборика?» хаёлидан ўтказди: «Жамолинғ васфини эй Ой, неча элдин эшитгаймен» матлаъли вазали буларнинг қай бирига аталгон эркан?»

* * *

Умр оқар сув деганларидек, йиллар ҳам сувдек оқиб ўтавердилар. Бу орада баҳорнинг қанча гулу чечаклари очилиб сўлдилар. Кузнинг қанча хазонлари оёқлар остида топталдилар. Қишнинг қанча музқировлари эриб битдилар...

Бомдод намозидан сўнг хол-аҳвол сўраб кетадиган суюкли келинлари олдида бу гал иниси Бобуршоҳнинг бирга келишини кўрган Хонзода бегим хушёр тортди. Тавоф айлаб бўлганларидан сўнг ҳаммалари шоҳона чорпояга чиқиб ўтирдилар.

— Опа, — деди бироз сукутдан сўнг Бобуршоҳ, — биз келинларингиз билан маслаҳатлашиб, Маҳмудхўжанинғ синглиси Султонимни фарзандликка олишингизни маъқул кўрдук, гар рози бўлсангиз.

— Бу йил икки ёшдалар, — тўлдирди Моҳим бегим, — онаси туғишда вафот қилгонлар. Фаройиб аёл эрди.

— Маъқул, сизлар муносиб кўрубсизлар, демак маъқул.

— Онаси хўб чиройли ва ақлли аёл эрди, — Дилдор бегим ҳам жим турмади, — начора, умри қисқа эркан. Бу ёруғ дунёни тарк этди.

Хонзода бегим рози бўлди. У иниси ва келинларининг узоқни кўзлаётганларига ишончи комил эди. Бугун эса уларнинг кемтик бағрини тўлдиришдек улкан бахт ато этаётганларига ич-ичидан мамнун бўлди.

— Тавочим кетгонлар, ҳали замон хушхабар келтирадур дегон умиддамен.

Бобуршоҳ гапини тугатмай, ўрта ёшлардаги, мўйловдор киши эшик тагида томоқ қирди. Канизак Моҳизода липпиллаб кирди-да:

– Ҳазрати олийларига муҳим хабарни етказмоқчи эркан, – деди таъзим қилиб.

Тавочи хушхабарни айтгач, чиқишга тараддудланаркан:

– Эртага тайёр қилиб қўямиз дедилар, – деди ва ортига ўгирилган эди Хонзода бегим тўхтатди. Тезда ичкари кириб, ўн тилло тангани олиб чиқиб узатди. Йигитнинг ийманганини кўрган Бобуршоҳ:

– Олабер! Ахир бу суюнчи! Ҳалол хизматинг эвазига мукофот! Бу хали хамир учидин патирдир, – деди қулиб, – бош-оёқ сарупони жиянимиз келгач киясен.

Йигит қайта-қайта қуллуқ қилиб, ташқарига йўналди.

– Эртага чошгоҳга қариндош-уруғлар ва сарой аҳлини эҳсонга таклиф қилдук. Шунда Султоним билан она-бола тутингонингизни барчага маълум қилурмиз.

– Миннатдормен. Иним, сиз нафакат кўнгулларни даволовчи шоирсиз, балки юракларга шифо берувчи табибдорсиз ҳам! Келинларим эрса ўз сингилларимдай меҳрибондурлар! Мен учун мундин ортуқ бахт борму? – кўзлари ёшланди Хонзода бегимнинг, – бахтимга соғ-омон бўлиб, узоқ умр кўрунглар! Ортимда қолинглар!?

Эртасига кун бир терак бўйи кўтарилганда Моҳим бегим ва яна икки канизак Султонимни олиб келдилар. У бироз ҳуркак оҳудай ўзини Моҳим бегим оғушидан бўшатмади. Сўнг Хонзода бегимни кўрдию, «ойижон» дея чинқириб юборди. Хонзода бегим ҳам уни бағрига босиб, юзларидан ўпаркан: «Қизим, тузукмисен? Мен сени жуда соғиндим», деди кўзларидан ёш қуйилиб келаркан. Қизалоқ бунга жавобан унинг бағрига қаттиқроқ суқилди.

Кузатиб турганларнинг ҳам кўзлари жиққа ёшга тўлдилар: «Она-бола меҳрини берғони рост бўлсун!» деди кимдир.

– Ҳа, Худойимға хуш келди, – деди яна кимдир.

* * *

Инисини Кобул тахтига мустаҳкам ўрнашиб олганини кўрган Хонзода бегимнинг кўнгли тўлди. Бу орада Бобуршоҳнинг шариат тақозосига кўра тўртта хотини борлиги, лекин ҳарами анча катталигини кўриб, ундаги ҳаётга қизикди. Ҳарамдагилар асосан жангда ҳалок бўлган ёки асир тушган сарой аъёнларининг хотинлари, кизлари, опа-сингиллари, амма-холалари, жиянлари, чўрилари, раққосалари ва ҳаттоки айрим мағлуб бўлган рақибларининг аёллари ҳам истикомат қилишини, уларни ўлжа сифатида таланишига йўл бермаслигини кўриб, инисига нисбатан меҳри юз чандон ортди. Бехосдан Шайбонийхон ҳарамидаги аёллар ҳаётини эслаб кетди. Унинг ҳарами ички ва ташқидан иборат бўлиб, ичкида унинг хотинлари, болалари, хизматкор аёллар, чўрилари яшарди. У ерга фақат Шайбонийхон ташриф буюрар, қатор хоналарда алоҳида-алоҳида яшайдиган хотинлари олдига хоҳлаган куни, хоҳлаган хотинининг олдига кирарди. Мана шу яқинлик, уни кўпроқ Хонзода бегимни йўқлагани дастлаб суйгули хотини Мўғул хонимнинг гашига тегиб юрди. Сўнг бора-бора кучли рашкка айланди. Чунки қатор уйларнинг охиридагисига хоннинг бўзчининг моккисидай қатнаши Мўғул хонимга кафтдаги ойнадай кўриниб турарди-да... Буни сезган Шайбонийхон ҳарамнинг четидаги бов қаршисига она-бола учун алоҳида кўшк қурдирди. Уларни камонбоз аёл Нортोजи қўриқлар, эшик олдида эса икки ясовул турарди. Бу ҳол Мўғул хонимни баттар талвасага солди. Борар ери йўқлигидан кўрққан хоним охири Хонзода бегимнинг устидан тўккан мағзавалари иш бермагач, шохларни диндан чиқарадиган бир тухмат билан, яъни Хонзода бегимни иниси бирла тили бир, дея тузган режаси ила Шайбоний саройидан бадарға қилди. Унинг назарида бадарға, аслида эса Шайбонийхон Хонзода бегимни

химоялаб, Сайид Ота кўрғонига жўнатган эди. Ўзи эса...

Бехосдан Хонзода бегим оғир «ух» тортиб юборди: «Мохирўйнинг тақдири нима кечди эркан, – ўйга толди, – иним орқали дараклатсамму? Ишқилиб Катта хоним соғ-омонмукин? Ё уларни Мўғул хоним ҳарамдан қувиб чиқардимукин? Агар қувиб солгон бўлса, ҳозир қаердайкинлар?»

* * *

Паға-паға булутлар замин юзига ўз сувларини селгач, оламга илоҳий гўзаллик ҳадя этган яшиллик ҳам ювилди ва борлиқнинг таровати янада ортди. Нилий кўкда бир гала қушлар учиб юрарди. Она тупрок гулчиroy очган чаманлар дунёга ўз ифорини таратган. Ҳар бир хонадонни нурга тўлдирган меҳр чироғи порлаган. Руҳи покларнинг тушларида қанотли отлар учган пайт. Ҳар бир йўлнинг бошида пирлар мадакор бўлган онлар. Гулгун фалакда нур сиймоли зотлар кўринган ва қалблар шуълаланган айни дамда Бобуршоҳ яна бир фарзанд кўрди. У Дилдорбегимдан туғилган қиз бўлиб, Гулранг бегим, Ҳиндол Мирзо, Гулчеҳра бегимларнинг бир қориндан туғилган синглиси эди. Худди баҳор чечагидай тоза ва маъсума эди. Гўё куёш уни қучоғида ўз нурларига ўраб-да эркаларди. Ҳур шамоллар бешигини тебратарди. У шабнам каби тоза эди. Ҳали дунёнинг қори бошларига ёғилмаган бу чақалоқ отасига ўхшар, тўғри тортилган қошлари, йирик, чакноқ кўзлари ҳалитдан тим қора эди. Жисмига монанд исмини Гулбадан қўйдилар. «Гулбадан – ҳали унинг юрагида гуллар гуллайди. Ҳали унинг юраги қаламга розлар айтажак», осмону фалакдан келди бир нидо.

* * *

Орадан анча ойлар ўтгач, Бобуршоҳ Ҳиндистонни бутунлай қўлга киритиш мақсадида кўп бора уринди. Охири Аградан унча узок бўлмаган Канва қалъасини

эгаллагач, унга қарши ражпутлар кескин ҳаракат бошладилар. Ўшанда, сарой мунажжими Муҳаммад Шариф қалтис бир гапни, яъни башоратича ҳозир юлдузлар ҳаракати тесқари томонда турибди, жанг қилмагани маъқул дея айтгани туфайли аскарлар орасида нохушлик тарқалди. Бу тушқун қайфият кўшин орасида яққол сезилиб турганини кўрган Бобуршоҳ амирлар, беклар, султонлар, хонлар, сарой аъёнлари ва оддий фуқаро, каттаю кичик ҳаммасини бир жойга тўплади:

– Беклар ва йигитлар! – деди у бургутники каби ўткир кўзларини уларнинг нигоҳларига бир-бир тикиб, – ҳар ким ҳаёт мажлисиға кирибтур. Оқибат ажал паймонасин ичқусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға келибтур, охири дунё ғамхонасин кетқусидур. Ёмон от била тирилғондин, яхши от била ўлғон яхшироқ. Тенгри таоло бу саодатни бизға насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизға яқин айлабтур! Ўлғон шаҳид – ўлдурғон ғозий! Барча Тенгрининг қаломи ила онт ичмак керакким, ҳеч ким бу қитолдин юз ёндуруп ҳаёл қилмағай. То бадандин жони айрилмағунча, бу мухораба ва мукоталадин айрилмағай!

Унинг бу нутқи ҳаммага маъқул тушди ва муқаддас Қуръонни, оилалари номусини ўртага қўйиб, қасамёд қилдилар.

– Эй подшоҳи олам! – деди оддий бир йигит аскарлар каторидин туриб, – Худо хоҳласа танимизда жонимиз бор эркан, сўнғи нафасимиз қолғунча сизға садоқат ила жанг қилурмиз!

Қуръони қаримдан қалима келтирилиб, «Фотиҳа» сураси тиловат қилинди. Сўнгра Секри тоғининг этагида Рона Санга билан ҳаёт-мамот жанги бўлди. (Ҳозир бу тоғнинг устида Фотехлур шаҳри барпо этилган). Ражпут уруғларининг гуллари жанг майдонида сўлди. Бу жанг натижаси ўлароқ, кўп ўлжалар қўлга киритилди. Бундан аввалги Панипат жангида Гувалёр рожасининг хотини Хумоюндан раҳм-шафқат сўраб, барча дуру гавҳарларини инъом

этган эди. Дехлидаги Султон Иброҳим хазинасини назорат остига олган Ҳумоюн ихтиёрига берилган қимматбаҳо тошлар орасида «Кўҳинур» номи билан машҳур олмос ҳам бор эди. Бобуршоҳ эса масъул мансабдорга уқтириб:

– Ҳинд элидин қўлимизга тушгон асил моллар ва ажойиботларидин совғалар жўнатяпмен. Мен сенга рўйхат қилиб берамен, сен уларни эгаларига элтиб берасен!? – деди қатъий буюриб.

– Ҳўп бўлади, подшоҳи олам!

– Нинача адаштириш, хиёнат бўлмасун!

– Албатта, подшоҳи олам!

Ҳарамдаги ҳар бир подшоҳ бегимга Султон Иброҳимнинг раққоса қизларидан биттадан қанизак, биттадан лаган тўла дуру гавҳар, олмосу ёқут, икки патнис тўла ашрафий яъни пул берилди. Яқин қариндошлари, амма-холалари ҳам сийланди. Саройдаги барча эътиборли хонимларга, подшоҳнинг фарзандлари, опа-сингиллари, энагалари, қисқаси, подшоҳнинг умри-жони ҳақиқага дуо қилиб ўтирган барча ёшу қарига белгиланган рўйхатга кўра қимматбаҳо совғалар улашилди. Хонзода бегимга эса алоҳида эътибор қаратилдики, унинг совғалари подшоҳ бегимлар совғаларини ортда қолдириб кетди. Эртасига Хонзода бегим ва Моҳим бегимлар каттаю кичикни йиғишдан олдин Амир Қосимбек ва сарой отинойиси билан кичкина йиғин ўтказишди. Сўнг барча кексаю ёшни йиғдилар:

– Бундай бойлиқни хаёлимизгаям келтурмағонмиз, албатта, – деди Хонзода бегим, – тўғри, қатор-қатор дуру марваридлар, шода-шода тақинчоқларимиз бор. Аммо ҳинд элининг сержило, ўта нафис, нақшона усулда фил суюғидин ишлангон, жимжимадор олмослар қадалгон тақинчоқлари етти ухлаб тушимизгаям киргон эрмас. Буни бизларга инъом этқон подшоҳимиздин миннатдор бўлмоғимиз ва ҳар биримиз кўнгилдин чиқариб хайр-эҳсон кунлари ўтказмоғимиз лозимдур!

– Албатта, ҳазрати опа, уч кунгача хайр-эхсон кунни деб белгиласак, кимлардур элга тансиқ таомлар тортсун! Кимлардур етим-есирларга уст-бош тарқатсунлар! Кимлардур мухтож оилаларга егулик ва кийим-бош ҳадя этсунлар! Бу албатта ҳар биримизнинг ўз хоҳишимизга қараб бўлмоғи лозим!

У шундай дея Хонзода бегим томон энгашиб, қулоғига нималардир деди. У бошини енгилгина қимирлатгандан сўнг:

– Масалан, – деди табассум ила, – биз ҳазрати опам билан иккимиз элу юртни уч кун эртадин кечгача таомлар билан сийлашни келишиб олдук!

Шундан сўнг кимдир у, кимдир бу маслаҳатни ўртага солди.

– Таомлар билан сийлаш баробарида уст-бош ҳам тарқатсак, – деди қўйида ўтирган Биби Муборика, – бошқалар ҳам шу аснода ўз ҳадяларини улашсалар дегандим, ҳазрати оқажонларим?!

Бу таклиф барчага маъқул тушди.

– Хоним ва бегимлар, – сўзлашга изн сўраган Моҳим бегим қаддини ростлаб шукуҳ билан деди, – эшитишимизга қарағонда подшоҳ ҳазратлари шунча бойликдин сариқ чақа ҳам олмабдилар.

Ўтирганлар ҳангу манг. Ҳаял ўтиб, шивир-шивир бошланди.

– Мен қарийб йигирма йиллардин бери Ҳиндустонни орзу қилиб келдим. Иншооллоҳ, бу гал Тангри бизга қарам қилди. Менга шунинг ўзи кифоя. Мундин сўнг Ҳиндустонни озод ва обод мамлакатга айлантирмокдек орзумни амалга оширсам, шунинг ўзи менинг бойлигим, шунинг ўзи Тенгрининг менга бергон энг олий мукофотидир, дебдилар.

Ўтирганларнинг ҳаммаси подшоҳ давлатининг ривожини сўраб, бошларини ерга қўйиб сажда қилдилар ва Худога шукр айтдилар. Улар орасида жажжи малика Гулбадан ҳам бўлиб, у тўрт ёшда эди.

* * *

Гулбадан отаси Бобуршоҳ билан Кобулга келган куннинг эртасига кўришган эди. Ерга палос ташлаб, унинг ўртасига Гулбаданни ўтқизишган ва подшоҳ келганда таъзим қилиб кутиб олишни ўргатган эдилар. У шохона тартиб-қоидаларни анча ўзлаштирган бўлиб, Бобуршоҳни хайратга соларли одобу тавозе ила қаршилаган эди. Бундан ийиган ота уни бағрига босиб эркалаган ва анча вақтгача тиззасида олиб ўтирганди. Бобуршоҳнинг ширин сўзлиги, атрофидагиларга мулойим ва латиф муомаласи билан Гулбаданда катта таассурот қолдирган эди. У шу-шу отасини соғинар, бу туйғуни ичида сакларди. Ҳозир аммабегисидан сўраркан, кўз олдида отасининг тиззасидан тураётган паллада Бобуршоҳнинг уни эркалаганча юзларидан ўпиб қўйгани жонланди ва ширингина энтикди: «Қанийди, доимо ёнларида бўлсам?»

Шундан сўнг девонхона боғида уч кунгача алоҳида хушхоллик маъракаларини ўтказдилар ва бунга келганлар кўп нарсалик бўлдилар. Охирги кунги маъраканинг ниҳоясида подшоҳ шаънига айтилган дуои фотиҳадан сўнг:

– Қаландар шохимизнинг умрлари узок бўлсунлар, – дея тугатди сўзини анча йиллардан бери саройда отинойлик вазифасида юрган Санобар отинча, – давлатлари мундин ҳам зиёда ва барқарор бўлсунлар!

Барча ўтирганлар киприк қоқмай хайрат ёқасини ушладилар.

– Қаландар дедиму?

– Подшоҳ қандай қилиб қаландар бўлсун?

– Ё Раббий! Ўзлари эшитсалар борму?

– Ҳа, мол-дунёга қарамайдурғон кишини қаландар дейдилар, – сўзида давом этди отинойи, – ул зотқа «қаландар шох» дея баҳо бермоғимнинг сабаби, шунча бойликнинг юзиға қиё боқмадилар. Қаландар халқлардида куйиб ёнадур. Энди ўйлаб кўринғиз?! Мамлакат эл била мамлакатму?

– Ҳа, эл била!

– Эл оч бўлса – оч, тўқ бўлса – тўқ мамлакат, –
хар томондан садолар янгради, – офарин шохимизга!
– Бундай шох ер юзида йўқ!
– Эл-улусни бой қилгон шохнинг мамлакати ҳам
бой бўлурму? – сўради яна отинойи.
– Албатта!
– Тўғри айтасиз, отинойи!
– Бизнинг шохимизга офаринлар!
– Дунё турғунча турсун!!
– Илоё нима ниятлари бўлса, Оллоҳ мададкор
бўлсун! Омин!
– Омин!!!

Бобуршоҳ ушбу кундан «қаландар шох» унвонига
ҳам эга бўлди. Отинойининг сезгирлиги, илмдорлиги
ва дунёнинг ишларига бефарқ эмаслиги Хонзода бе-
гимнинг кўнглини янада равшан қилди.

* * *

Хонзода бегим кизи Султонимни илм ва одоб
ўрганиши, бундан ташқари табиатида подшоҳ бе-
гимлар итоат қиладиган тартиб-қоидаларни мус-
тахкамлаши шартлигини ўйлаб, энагадан ташқари
ҳар томонлама мукамал тарбия олсин деб, Сано-
бар отинойига топширди. Шу баҳона отинойи билан
тез-тез учрашиб суҳбатлашар, ундан баъзи-баъзи-
да ажойиб-ғаройиб тарздаги янгиликларни эшитиб,
хурсанд бўларди. Айниқса, укаси ҳақида бирон бир
воқеа ё янгилик эшитса ғурурланарди. Уни яқин
кунлардан бери энг қувонтирган нарса шу бўлдики,
кизи Султоним бегим тарбиясида муҳим ўзгаришлар
бўлиб, ўзини тутиш борасидаги маъқул ҳаракатлари-
дан хурсанд бўлган Хонзода бегим отинойини кеч-
ки дастурхонга таклиф этди. Тансиқ таомлару хўлу
қурук мева-чевалар тўла дастурхон атрофида икки-
си – Санобар отинойи ва Хонзода бегим ўтиришди.
Мохим бегим ҳам таклиф этилган эди, аммо бироз
тоби қочгани боис келолмаслик узрини эшитгач,
бошқа бировни таклиф қилмади:

– Яна кўнглимдағидай гап ва муомала уста-
си бўлгон келиним Биби Муборика эрса Дехлида,
инимнинг ёнидалар, – дея узрини билдирди отино-
йига, – Моҳим бегим кўпроқ аёллар ишлари билан
машғуллиғи боис ўрнини Биби Муборикага вақти-
вақти билан бўшатмушлар.

– Каттаси бўшатгонму ё кичиги аллақачон унинг
ўрнини эгаллагонму?

– Тушунмадим?

– Ахир Моҳим бегимга осон кечмагондур, –
кулди отинойи, – ҳа, инингиз олдида давлат иши-
ни хасчалиқ кўрадургон Моҳим бегим учун бу осон
кечмагондур?!

– Ш-шунақа денг?

– Ишқ бобида ҳам қаландарлиқ либосини кийгон
инингизнинг мундайроқ оиладан бўлса-да, уни девона-
ларча севғони ва унга уйланмоғининг ўзиёқ Моҳим
бегимга оғир зарба бўлгонлигини, шунинг учун сўнги
дамларда тез-тез касал бўлиб қолмоғини аёлларча
ҳис қиламен. Рашк – келинингизни еб, адоғи тамом
қилмаса эди..., деб кўрқамен.

Хонзода бегим сергакланди: «Ҳмм, демак, Мўғул
хоним ҳам рашк туфайли иввою бўҳтонлар илдизига
сув қуйгон, демак... Иним Моҳим рашкидин паноҳлаб,
ўзи билан бирга олиб кетгон Биби Муборикани. Ҳмм,
энди тушунгондаймен».

– Кобулни олиш йўлида, афгонлар ила жанг
бўлиш арафасида ёғийнинг бир кизини кўриб шун-
чалар ошиқ бўлдиларки... Мажнуннинг девоналиғи
йўлда қолди. Агар подшоҳнинг ушбу ҳолатини Моҳим
бегим ўз кўзи била кўрсалар нима қиларди эркан,
билмаймен. Балки ўзига ўт кўюб юборармуди...

– Йўр-э, у жуда иродали, ақлли аёл...

– Ҳа, мухаббат сокин идрокка қаршидур, бегим.
Киши кишини ақл била севмайдур.

Отинойи бир лаҳза жим тургач, яна сўзида давом
этди:

– Ҳатто хобхонасидин уч-тўрт кунлаб чиқмай
қўйгонда амир Қосимбек хол сўраб кирибдур. Оҳлар

устига оҳлар уриб ётгонмушда... Ё Раб!! Табиб чакирайму, дебди амир тушунмай. Эҳ, амир жаноблари, кўнглим оврийдур, кўнглум овриғига чидолмай юрагим оврийдур, юрагим, дебдилар:

– *Беишқ улусқа ком уйқу,*

Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу, – дея хазрат Навоийдин байт айтмушда, муҳаббатни бундоқ тўғри тавсифламушлар, дея зорланармушлар. Не чора топмоқ кераклиғи ҳақида амир мен била маслаҳатлашғондилар. Шунда билғон эрдим.

Хонзода бегим тунов куни Моҳим бегимдан бу ҳақда эшитган эди. Келини ушбу воқеани кулиб туриб сўзласа-да, кўзларининг туб-тубига чўккан мунгни яширолмаганди. Хонзода бегим эса бу ҳолни кўриб, кундошлиқ жафоси деб кўя қолган эди. Бугун эса отинойидан тўла тафсилотини эшитмаса-да, Биби Муборика дардида инисининг ошиқу-шайдолиғи эл орасида анча шов-шув бўлгани, бу эса шохнинг ягона муҳаббати менман дея гурурланиб юрган Моҳим бегимга овир ботганлиғини англаб етди: «Ҳмм, Моҳимнинг Биби Муборика исмини атамай «Афғоний оғача» деб камситишларида жон бор эркан-да... Айниқса, Дилдор оғача бегимнинг унға рашк ўтини беҳад сочишичи? Гулруҳ эрса... Инимнинг унға бефарқлиғидин ичидин сезса-да, ташиға чиқармайдур! У ҳам ўзининг бундай ҳолға тушишининг сабабчиси Биби Муборика деб ўйласа, кўнглида ўлимлар тиласа керак. Демак, бу давр ҳам эр киши учун бир хосиятли бўлур эрканда. Хон бизни Сайидлар хонадониға узатқон бўлса, иним Бибини қаерға бўлмасун ёнида олиб юрибдур. Ўзиям кўнгул малҳамида Муборика...» Хонзода бегим Шайбоний саройидаги муҳит ва муносабатларни бу ер билан тенглаб кўрар экан, у ердаги фитна-фасод бундан-да зиёд бўлгани, ўзи ҳам ана шу каби фитна қурбони бўлганлиғини тушуниб етди.

Хонзода бегим дастлаб иниси ҳамроҳлиғида саройга кириб келган кунида Биби Мубориканинг биринчи бўлиб, очик чехра билан кутиб олгани ва:

– Ҳазрати опаҷоним, хуш келибсиз. Йўлда кийналмадингизму? – дея илтифот кўрсатганини эслади.

Унинг тилидаги пушту аралаш форсий сўзлар одам эътиборини тортадиган, илиқлик бахш этадиган эди.

Сўнг Моҳим бегимнинг эркаланиб келиб кўришгани ва ўзини подшоҳнинг энг обрўли хотинидай кўрсатгани бугунгидай ёдида:

– Афғоний оғачамизнинг оромини бузадигони йўқлиғи учун ҳар ишда ҳозир нозирда, – дея зимдан чимчилаб олганини ва оғачанинг эса кулиб қўя қолганини эслади: «Ўшанда инимдин қизғонғонму, ё фарзандсизлиғига ишора қилғонмуди? Не бўлса-да, кундош кундошлиғини қиларкан...»

Бирдан хаёлида Шайбонийхон саройидаги хаёти жонланди. Мўғул хонимнинг кун бермаганини эслаб: «Унда анови Ҳасан-Хусанни бўлишган кундошларчи? Улар қандай зуваладан-у, булар қандай хамирдан? Қисқаси қандай аёллар булар?»

* * *

Гулбадан тез-тез Султонимнинг олдига ташриф буюрар, гоҳ-гоҳида:

– Ҳазрати оқажоним, Султоним бегим билан боққа чиқишимизга рухсат беринг? – дея Хонзода бегимдан сўрарди, ҳамроҳлик қилган канизакнинг хай-хайлашига ҳам қарамай, бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнардилар. Баъзан эса ўзига тайин қилинган канизак Сарвақаддан узундан-узун эртақлар, ғазаллар эшитишар, ашулалар тинглашарди. Бу икки қиз ёшлари орасида катта тафовут йўқ эди. Шу вазданми ё иккисининг ирқи чиқишганиданми, тезда опа-сингилдай бўлиб кетган эдилар. Баъзида бирининг, Султоним бегимнинг бўйлари чўзилиб, анча улғайганини сезмасдилар-да, гоҳ сарой болалари билан «мени топ» ўйинида иштирок этишар, гоҳида эса сарой ташқарисидаги турли ўйинларга фарқ бўлишиб, шомга яқин ҳарамга кириб келишарди. Гоҳида Хонзо-

да бегим қандайдир юмуш билан ташқарида бўлганда унинг даккиларидан кутулиб қолардилар. Баъзида эса тутилиб, панд-насихатларга кўмилардилар. Улар шу алпозда кунларини шодон ўтказишар, ғам-ташвишдан бегона эдилар. Шунини алоҳида таъкидламоқ ҳам лозимки, улар деярли ҳар куни мактаб отинийисидан сабоқ олишар, илм ва одоб ўрганишда ҳам илдам эдилар.

* * *

Подшоҳ саройида қишин-ёзин ўтадиган ҳар бир маросимга мусиқа оҳанглари ҳамроҳлик қиларди. Сарой созандалари най, карнай, сурнай, уд, дутор ва дўмбира каби чолғуларда турли куйлар ижро этишарди. Буларнинг ҳаммасига сарой хонимлари қатори Султоним билан Гулбадан ҳам кўникиб қолган эдилар. Улар учун айниқса, Ражпутдан жўнатилган ҳинд раққосаларининг туриш-турмуши ва ҳаракатлари фаройиб туюлар, уларнинг наздида янги дунёнинг биринчи манзаралари эди. Бу икки қиз гоҳида, фақат қишда эмас, бошқа фаслларда ҳам Кобулнинг гоҳ сарин, гоҳ ўйноқи шамолларида ўғил болаларнинг севимли машғулоти бўлган варрак учиришга боришар, варрак думига боғланган узундан-узун ипни ушлашиб, улар билан тенг қичқиришар, ирғишлашарди. Канизак Сарвқад бундай ҳолларда четдан кузатиб туришга мажбур эди. Султонимнинг канизаги эса кекса кампир бўлгани учун бундай шовқин-суронли жойларга келишни ёқтирмас эди. Шу важдан кўпроқ бу икки малика билан Сарвқад бирга юрар, баъзи ўйинларда ўзи ҳам қатнашарди. Улар баъзида саройга бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб қайтишарди. Баъзида эса юзлари, пешоналари ва бўйинларига тепчиган тер чанг-тўзон билан қоришиб, икковиния маликалик сийрати қолмас эди. Шундай кезларда Хонзода бегим иккисини яхшилаб уришган, кетидан насихат қилган бўларди:

— Гулбадан-ку хали ёш, сизга нима бўлди Султоним? Ахир бўй етиб қолдингиз? Иншооллоҳ, яқинда

куёвга узатамиз деб турибмиз-у, сиздин келгон оқибатни қаранг? Шу ахволинғизда куёв кўрса борму?

– Хоним ҳазратлари, куёв ким? Мен танийманму?

– Катта гапирғонда сиз жим туринг!

– Хўп, оқажоним, – қора кўзларини ерга тикди Гулбадан.

– Бундин ташқари сизлар варрақларинғизга бир неча ёнар фонусчалар осибсиз, ахир буларни кўрғон камбағал болалар ўксинмайдиму?

– Албатта ўксинади, истарали хоним, – тушунмай сўради яна Гулбадан, – уларга ҳам фонусчалар берайликму?

Хонзода бегим ётиғи билан умуман кизларга бу ўйин ярашмаслигини айтиб тушунтирди.

– Хоним ойим, – ҳалитдан бери бир четда индамай турган Султоним гапга аралашди, – энди бундай ишлар қилмаймиз. Бизни кечиринг?! Кечиринг онажон?!

– Хоним ҳазратлари, – мулзамликдан ва вазиятдан чиқиб кетиш учун биринчи бўлиб тилга кирарди Гулбадан, – оқажоним тўғри айтяптилар, иккинчи бундай ишлар қилмаймиз, оқажоним! Бу гал кечиринг?! Ишонаверинг, сизни энди сира ранжитмаймиз!

Қайда, бир-икки кундан сўнг уларнинг ваъдалари эсларидан чиқарди-да, яна бошқа бир шумликни бошлашарди. Бир куни улар хинд раққосаларига таклидан кийинишди ва қошларининг ўртасига хол қўйишиб, аста ташқарига чиқишди. Шу пайт нимадир зарурат билан ташқарида бўлган Моҳим бегим уларни кўриб, аввалига танимади, сўнг эса хайронлиги ошди. Тезда икковини тўғри келган уйга олиб кирди-да:

– Ҳурматли хонимчалар! – деди азбаройи ўзини кулгидан базўр тўхтатиб, – бу нима қилик? Ахир сизлар мусулмон фарзандларисизлар? Ҳозир шу ахволинғизни подшоҳ ҳазратлари кўрсалар борму? Нақ тепа сочи тикка бўлади-я?! Ҳиндустонга жўнатиб юборишлари аниқ!

– Бегим ҳазратлари! Ундай қилманг? Отамизга бу хилда кўрунмоқчи эрмасмиз! Иккинчи бундай қилмаймиз. Ишонаверинг, бегим ҳазратлари!?

Мохим бегим яна анча-мунча дакки бергач, уларга қараса кулгиси қистайверганидан икковини икки ёнига ўтқизиб, насихатини бошлади.

– Гул-ку ҳали ёш, сизга нима бўлди Султоним?

Султоним бегим ерга қаради.

– Сиз ахир... Ҳазрати опаҷоним билан бир яхши куёвга узатиш фикрида бўлсаву, сиз..., бундай кийиниб! Астаффирулло!

Куёв сўзини эшитган Султоним бу гал дув қизарди. Буни кўрган Моҳим бегим: «Ҳмм, мана шундай ҳаёли бўлинглар», дея алқамоқчи эди, ҳозирдаги қойишлар, панд-насихатлар елга учиб кетмасин деб, оғзини очмади.

– Бегим ҳазратлари, – Гулбадан ўсмоқчилади ҳамда хавотирга кўмилиб деди, – нима бўлғонда ҳам оқажоним бу ишимиздин хабар топмасунлар. Чунки кечагина болалар билан боғ этагида ўмбалок ошиш ўйинидан қайтқонимизда қаттиқ қойиғонлар. Иккинчи бундай қилмасликка ваъда берғон эрдук.

– Ваъдага вафо шуми ҳали? – гарчанд иккисининг ҳозирги ахволдан куйинса-да, қайинопасидан чўчишаётгани унга ёқиб тушди, – одатда мусулмон аёллар олий ё оддий оилага мансублиғидин қатъи назар бошдин-оёқ ўралиб юришлари лозим. Сизлар ҳозир узун кўйлак устидин нимча кийишни бошлашинглар керак. Унинг ўрнига корин, киндик очилғон, тор, калта енг. Сизларни бу ахволда кўрғон ҳар қандай одам... Товба!

Иккиси ҳам ер чизиб ўтирар, ҳар замон-ҳар замонда Моҳим бегим юзига зимдан назар солар, бироқ ғазаб, қаҳр излари сезилмаганидан кўнгиллари хотиржам эдилар.

– Бошларингга попукли дўппи кийишларинг зарурлиғини унутмаларинг?!

– Султоним опам...

Султоним унинг биқинини чимчилади.

– Рост-да, опамнинг попукли дўпписи варрак учираётконимизда қаёққадир учиб кетди, болалар бирла истадук, аммо тополмадук.

– Ўххў, ҳали варрак ҳам учирдиларингму? – Моҳим бегим ёшлигини кўз олдига келтирди, «худди ўзим», пичирлади лаблари, – анчайин жазога лойик ишлар қилиб қўйибсизлар-ку? Буниси энди ортуқча, хоним ҳазратларига айтмасам бўлмайди.

Қизлар ўзини Моҳим бегим оёқлари остига ташлаб, қайтиб бундай қилмасликларини ялиниб-ёлвориди.

– Бегим ҳазратлари, – Султоним йиғламсиради, – иккинчи бундай ишлар кўчасидин ўтмаймиз. Агар яна беодоблик қилсак, ярашиқли жазоинғизни қўллай беринғиз?! Розимиз?!

– Яна рози ҳам бўлишадир!

Моҳим бегим икки кундан сўнг эшитдики, Султоним бегим тепасига уқпар жиға қадалган тиллақош ҳамда энг сара кўйлақларидан бирини кийиб, Моҳим бегимга кўриниш бериб, хурсанд қилмоққа бораётганларида, шу пайт боғ этагидан келаётган Ҳиндол Мирзога дуч келганлар. Саломлашганлар. Ҳиндол Мирзо Гулбадандан, синглим, бу қиз ким, деб сўраган. Шунда у, оқажонимнинг кизи Султоним бегим, дея айтган.

– Токи кийганига танимабмен, ярашибди, – дея йўлида давом этган.

Унинг беписандлиги қизларга ёқмаган. Фашига теккан. Иттифоқо яна бир куни қирғоқларига тошлар санъат усулида терилган анҳор бўйида ўтирган қизларнинг қаҳқаҳасини эшитиб, Ҳиндол Мирзо ўша томон юрган. Унинг қорасини узокдан кўрган қизлар атайлаб йўлга тушишган. Дуч келганларида Ҳиндол Мирзо йўл бўлсун, дея сўраган. Шунда шўхлиги тутган Гулбадан:

– Султоним бегимга бир кўҳлик шахзодадин совчи келибдур, шунга бизни бегим ҳазратлари чорлабдурлар, – дея жавоб берганда, жиддий қиёфада ўтиб кетганлар. Дув қизарган Султонимни кўрган Ҳиндол

Мирзо ғалати қараш билан ўрнида туриб қолган. Чунки уялиш ҳиссидан кизариниш Султонимнинг хуснини янада очиб юборган эди...

Совчи юборган шахзода кимлигини билиш учун Ҳиндол Мирзо тезда Мохим бегим қаршисига чолган. Лекин ҳеч гап йўқлиги, Мохим бегимнинг боши оғриётгани сабаб хобхонасида эрканини кўрган Ҳиндол Мирзо кизларга алданганини сезиб, ортига қайтганда Гулбаданга ўпқаланган. Шунда кичик бўлса-да, нимадир ҳисни туйган Гулбадан мийиғида кулган...

Бу воқеани Гулбаданнинг ўзидан эшитган Мохим бегим аввалига кулди, сўнг ўйланиб: «Ростиям, Султонимни Ҳиндолга узатсак-чи?» деган ўйда қолди ва бу хаёлий орзусини Хонзода бегимга айтди: «Худо муборак қилсун!» деди юзлари ёришиб.

* * *

Бу орада темурий аммабегилардан иккитаси ўз фарзанду аржумандлари билан подшоҳ хузурига — Ҳиндистонга, Аграга ташриф буюрдилар. Бобур подшоҳ уларга катта эхтиромлар кўрсатди. Муваққат саройга жойлаштирди. Мезбонликни қойиллатди. Узок бир йилдан сўнг улар Кобулга катта таассуротлар билан қайтдилар. Нариги қирғоғи кўринмайдиган улкан дарёлар, чўллар ва чангалзорлар, ажойиб дарахтлару мевалар, эркин яшаётган ранго-ранг қушлар, турлитуман маймунлар, сайр учун миниладиган филлар, бетакрор ҳайвонот олами, илонлар, иссиқ хаво ва кучли ёмғирлар ҳақида сўзлашиб бордилар. Аммабегилари келиб-кетгандан сўнг Бобуршоҳ ўз ҳарам аҳли келиши ҳам мумкинлигини ўйлаб, уларни Кобулдан ўз хузурига, Аграга кўчириб келтириш ҳақида фармойиш берди. Ҳаммадан аввал суюкли маликаси Мохим бегим етиб келди. У билан бирга Гулбадан ҳам келган эди. Чунки Мохим бегим Ҳумоюндан ташқари барча фарзандлари бирин-кетин бу фоний дунёдан кетганларидан сўнг, шоҳнинг Дилдор бегимдан туғилган Ҳиндол Мирзо билан Гулбаданни ўз

тарбиясига олган эди. Уларни еру кўкка ишонмас, кўз қорачиғидек асрар, шу билан бирга тарбиянинг қоидаларига ҳам қатъий риоя қиларди.

Жаҳонда она учун энг нодири бўлмиш фарзандларидан иккитаси: Гулбадан ва Хиндол Мирзолар юқорида айтганимиздек Моҳим бегимда бўлиб, кейинги туғилган ўғли Олур Мирзонинг қорин оғриғи касали билан вафоти Дилдор бегимга қаттиқ таъсир қилди ва бунинг оқибатида савдойи бўлиб қолди. Буни кўрган Бобур подшоҳ кўп қайғу ва аламда бўлса-да, ўзини қўлга олди. Хафалик хаддан ошганлиги сабабли Дилдор бегим ва яна бошқа бегимларни ҳам олиб, ҳам-аламдан бироз чалғимок мақсадида Девапурга саёхат уюштирди. Худди шу паллада Дехлидан Мавлоно Муҳаммад Парғалининг, Хумоюн Мирзо оғир бетоблар, ҳазрат бегим тезлик билан Дехлига етиб келсун, деган мазмунда мактуби келди. Бу хабарни эшитган замон Моҳим бегим гўё сувсиз қолган балиқдек типирчилаб қолди ва тезлик билан ўғли ёнига жўнади. Она кўрдик, Хумоюннинг ахволи мактубда ёзилгандан-да оғир. Тезликда Аграга олиб келдилар. Шунақа пайтда гангиб қолган аёллар эрига ёрилади: ё уришади, ё ярашади, ё йиғлайди. Моҳим бегим ҳам Бобур подшоҳга дардини тўкиб солди:

– Сиз ҳазратим, менинг фарзандимдин бепарвосиз! Чунки сиз подшоҳсиз! Нима гаминғиз бор? Сизнинг бошқа фарзандларинғиз ҳам бор. Менинг ичим тўла гамдаманки битта, яккаю ягона Хумоюним бор, – Моҳим бегимнинг чеҳраси хафалик ва қулфатга кўмилганди, кўзларидан оққан ёшлари юзларини юварди, – агар унға бирон кори ҳол юз берса, бу дунёлар ҳаром менға! Ҳар бир қуни мотам! Ҳар бир дақиқа азобу уқубат! Бахтимға оёққа турсун! Йўқса, ундин сўнг яшашнинг менға ҳожати йўқ!

– Гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, – дея юпатишга уринди унинг бу ҳолига тоқат қилолмаган Бобуршоҳ, – лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Хумоюннингдек яхши кўрмаймен. Шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни,

жаҳонда ягона, нодири замон севимли, бахтли ўғлим
Ҳумоюнға бағишламоқчимен!

Унинг дилу жигарлари куярди. Эндиликда фарзанд доғини кўтармакка кучи етмаслигини сизди. Гарчи Моҳим бегимнинг юрагини қувватлаб, кўнглини кўтармоқ учун айтган гаплари дилдан изҳор этилсада, бошқа фарзандларини ҳам Ҳумоюнчалик яхши кўришини билар ва уларни ҳам жон-дилидан севарди. Аммо бу кўнгил кўтариш учун айтилган гаплар Ҳумоюннинг хаётида кейинчалик кўп дилхираликлар содир этдиким, буни Бобур подшоҳ кўрмади, жабрини эса Ҳумоюн ва Хонзода бегим тортдилар.

Подшоҳ Ҳумоюннинг оёққа туришига ўзининг хос табиби Юсуфий ва барча улуғ ҳакимларни чорлади, нафи тегмади. Шунда у онасининг: «Ўғлим, мабодо бирон яқинингизму, ё фарзандингиз, ё аёлингизму оғир хасталанса, жонға жон ҳадя қилинг; товукму, қўйму барибир – жон, бўлаверади», деган панди ёдига тушди. Ўғлида ҳеч қандай ўзгариш йўқлигини кўргач, дарду дунёси коронғу зулматга чўмилди: «Бас! Агар ундин айрилсам, бу дунёлар кўзимға зимистон бўлғай! Шундоқ эркан, унға умри жоним қурбон бўлсун!» Унинг қарори қатъий эди. Касал ётган Ҳумоюннинг олдидан чиқар экан, ҳазрат Муртазо Али мазорига борувчи кишини кўришни истади ва ўша борувчидан «Худоё, агар жон ўрниға жон бериш мумкин бўлса, менки, Бобурмен, умри-жонимни Ҳумоюнға бағишлаймен», деб дуо қилишларини сўради. Шу куннинг ўзидаёқ Бобуршоҳнинг тоби қочди. Ҳумоюн эса бошидан сув қуйиб ташқарига чикди. Бунга, яъни бетоб бўлиб ётиб қолишига сабаблардан бири – умри жонини Ҳумоюнға бағишлаши бўлса, иккинчи сабаб – Дехли султони Иброҳим Лўдининг онаси малика Байда Бобуршоҳнинг ўғли ўрнида ўтирганига чидолмай, баковул орқали берган захар таъсири эди. У Лўди кундан-кун озиб-тўзиб борарди. Бобур подшоҳ ётган ерида кўпинча опаси Хонзода бегимни йўқлар, у билан суҳбатлашгиси келар, аммо узок гаплашишга кучи етмас эди. Касал бўлган

кунданок хос табиби Юсуфий керакли муолажаларни бошлаган эди. У опа-уканинг hozирдаги сухбатини тингларкан, бирданига шохдаги ўзгаришлар тезлашганини кўриб, Хонзода бегимга «Бир оз дам олсин» ишорасини берди. Аммо буни сезиб турган Бобуршоҳ опасининг кетишига изн бермади.

– Амирзодам, – деди бир гал Хонзода бегим, – Аграга келаётқоним хабарини эшитиб, то Навгиронғача келиб, пешвоз чиккан эрдинғиз. Бу гал..., – кўзлари жиққа ёшга тўлди унинг, – бу гал кутиб олғонлар ичра сизнинг йўклиғинғизни кўруб, нақ жоним бўғзимға қадалди. Худоға шукр кўришиб турибмиз.

Бобуршоҳ аммабегилари келиб-кетгандан сўнг Аграга ҳамма яқинлари, хотинлари, фарзандлари, хизматкору чўриларни кўчириб келтирган эди. Улар орасида Хонзода бегим ҳам бўлиб, у бир-икки ой тургач, яна изига қайтган эди. Чунки Кобулда қиладиган ишлари кўп бўлгани боис бошқа ерда узок туrolмас, айниқса, Моҳим бегимнинг бир йўла Аграда колиши унинг бир вазифасини икки баробарга оширган бўлиб, баъзи кунлари гўшасига судралиб келарди-да, хобхонасига кириб кетарди. Бу гал эса, бетоб ётган укасини кўриш учун келган бўлиб, ўтган хотиротларни эслаб, кўнгил кўтармоққа, озиб кетган Бобур подшоҳнинг киртайган кўзларига кулгу бахш этмоққа тиришаётганди:

– Ўшанда ҳамма бегимлар жам бўлиб, улар орасида малика Биби Муборика билан Гулбаданлар ҳам бор эрди, – укасини дарддан чалғитмоқ учун хурсандчилик кунларни ёдга солишга ҳаракат қиларди, – Моҳим бегим эрса..., кўп миннатдормен ундин...

– Хмм, Девалпурға Моҳим, Муборика ва Гулбаданлар бирла Дилдорнинг кўнглини овлашға саёхатқа борғон эрдук. Улар кемаға ўтириб, кўлда сайр қилишар, мен эрса шийпонда барпо қилдурғон «Тўрхона»да ўтириб, ўзум ихтиро қилғон махсус алифбода Қуръон кўчирар эрдим. Бир вақт...

Подшоҳнинг юз-пешоналарини реза тер коплади, нафас олиши тезлашди. Шундай эса-да, опасига қараб жилмайди. Кулиш ҳам ярашмай қолган юзлар-

га қараб, Хонзода бегимнинг юраги эзилди, кўнгли тўлиқди, аммо ўзини қўлга олди:

– Майли, дамнингизни олинг, мен шу ердамен, иним.

– Гоҳ-гоҳида хуруж қилади опа, ўтиб кетди, – деди бегимнинг кетиб қолишидан қўрққан бола каби, – энди касаллик ҳам бардошимни синаётир.

– Оллоҳ дардни суйғон бандасига беради, дейишади иним.

– Шундай қилиб, Куръонни ўзим яратқон алифбода кўчираб эрдим...

«Тасанно, ақли-хуши жойида, – бир оз таскин топди Хонзода бегим, – дардни берғон Худо шифосини ҳам берар, иншооллоҳ!»

– Бир вақт Муборика Гулбаданнинг хоҳишича, супада ўтирғон ҳолда, тик турғон Бибиға қўлидин тортишни илтимос қилғонда қўли чиқиб қолса бўладиму? Кўп йилларони учун ковоқлари шишиб кетғон эрди.

– Ҳмм, ҳар қалай мен келғонда қўли боғлиқ эрди. Сўрасам, қоқилиб кетдим, оқажоним, деб қўя қолғон эрди, – кулди Хонзода бегим.

– Ҳар қалай орият ҳам мўлғина бор унда.

– Шундай, бошқа жиҳатлари ҳам менга маъқулдир.

Хонзода бегим кизи Султоним билан Гулбаданнинг Кобул боғларида, сарой ташқарисида, яйловларда ва ичкарида қилган баъзи шўхликлари борми, ҳинд раққосаларига тақлидан кийинишлари борми, Ҳиндол Мирзони лақиллатганлари борми, ҳамма-хаммаси ҳақида сўзлаб берди.

Бобур подшоҳ мириқиб кулди.

– Шундай денг, опа?

– Ҳа, сизгагина сипо кўрунишарди холос, иним.

– Менимча, қаламдек мўъжиза яратувчи куч бир-ла дўстлашади-ёв!

– Қайдам, Моҳим ҳам шундай мулоҳаза қиладур.

– Муборикани худди сизни ёқтиргани каби жуда яхши кўради. Сизларни тилидин қўймайди.

Хонзода бегим саёҳатнинг фақат яхши кунлари, шодон дамларини хотирлаётган эди.

– Кўз тегмасун. Ўшанда кўп хурсандчилик бўлгон эрди. Худога шукр қилиб, Аграга қайтқон эрдук. Бир неча кундин сўнг сайр қилмоқ учун Зарафшон боғига кетгон эрдинғиз. Хўп ажойиб дамлар эрди, ука. Эсласам, ҳозир ҳам дилим яйрайди, кўнглим яшнайдир.

– Кейинги саёҳатқа боргонимизда...

– Ҳа қаранг. Ўшанда Мирзо Ҳумоюн қандай оғир бетоб бўлгон эрди. Ҳозир эрса, ҳеч нарса кўрмагондей бўлиб кетгон. «Иним адашди, – юраги увишди Хонзода бегимнинг, – ўша биринчи боргонларидаёқ содир этилгонди бу хол. Жиянимнинг оғир бетоблигини Мавлоно Парғали хабар қилгон эрди».

– Нимасини айтасиз, хўп кунларни кўрдук, опа. Энди Зарафшоннинг бир бурчагида ўлтириб, ижод билан шуғуллансам. Хизматимга Тохир офтобачининг ўзи етади дегон ниятим бор эрди.

– Ҳаммамиз сизни, Худои таоло подшоҳлиқ мансабида тутсин дея йўл бермагонмиз. Худо хоҳласа узоқ яшаймиз, ука. Рона Санга жангидин омон чиққан ботирга бу дард нима бўпти, ука.

– Миннатдормен. Ҳа опа, сиздин тоабад миннатдормен. Анча-мунча эркаклар ҳам қилолмайдургон мардликни, жасурликни ва олий ҳимматни қилгонсиз, опа.

– Айтгонман-ку, темурийлар олдида бурчимни бажаргонмен холос деб.

– У дунёга боргонимда сиз учун жаннат боғларидин жой беришини сўраймен, бунга арзийсиз, опа.

– Ундай деманг. Ҳозирдин ундай фикрлар қилманг, ҳали ёшсиз, узоқ умр кўрасиз, иним, – кўнгли вайрон Хонзода бегим тартиб билан сўзлаёлмай қолди, – Кобул боғларида саёҳат қиламиз. Ҳа айтқонча, Кобулликлар ҳам сизга кўп саломлар йўллашди, Худодин соғлиқ тилашиб, дуода қолишди.

– Миннатдормен. Опа, агар бу фоний дунёни тарк этсам, жисмимни Кобулға, ўзим орзу қилгон Бори вафоға...

– Ундай деманғиз, – Хонзода бегим кафти билан укасининг овзини тўсди, – зинҳор ундай деманғиз. Агар сиз..., унда мен ғариб кимға суянамен? Сиз, сиз ҳали узок яшайсиз, иним.

– Опа, узок умр кўриш эрмас, ҳаётда муҳим из қолдириш афзалдур. Сиз киби муҳим из қолдирмоқ орзум эрди. Орзу-ниятларимни... амалға оширолдим-мукин?

* * *

Бобур подшоҳ касал ётган ерида ҳам фарзандлари, айникса, қизлари тақдирини ўйлар, бўйга етган қизлари Гулранг бегим билан Гулчеҳра бегимни эрга бериш лозимлиги ҳақида бош қотирарди. Охири:

– Опамға айтинг, – деди Моҳим бегимға, – Гулранг бегимни Эсон Темур Султонға, Гулчеҳрани эрса Тўхта Буға Султонға берсак, деяптилар денг?

– Ё товба! – табассум қилди. Моҳим бегим, – худди шу фикр менинг ҳам кўнглимдин ўтқон эрди. Нимаға рози бўлсалар, шундай қилиш кераклигини айтамен.

Хонзода бегим Моҳим бегимдан бу гапни эшитгач:

– Худо муборак қилсун! Хўб яхши маслаҳатни ўйлабдилар, – деди.

Хонзода бегим ҳар бир ишни пухта ўйлаб, амалға ошириши туфайли саройнинг «Катта хоними» унво-нига эга бўлганди. Шу сабаб, Бобур опасига ишонар, у билан маслаҳатсиз бир ишнинг бошини тутмас эди. Хонзода бегим ҳам бундан ҳаволаниб, ҳамма нарсани мен биламен, деган тарзда иш тутмас, нимаики муаммо ёки тадбир бўлса, аввало, ўзидан катталар, сўнг укаси ва келинлари билан маслаҳатлашиб олгач, амалға оширишга киришарди. Ҳар қандай тўйми, маъраками, йиғин ё эҳсонми унинг иштирокисиз ўтмас, дастурхон тузаш ва сарполар бериш ишлари унинг

буйруғисиз амалга ошмас эди. Моҳим бегим ҳам унга суяниб қолган, гўё онаси ўрнида кўрар, шунинг учун то хануз бир жойда яшасалар-да, бомдод намозидан сўнг тавоф айланиш канда қилмас, мабодо ўзи касал бўлиб қолган тақдирда ҳам холидан хабар олгани Гулбаданни жўнатар, шу билан кўнгли ўрнига тушарди. Гулбадан кичкина бўлишига қарамай, кўнгил овлашдек олий сифатни Худо унга кўшқўллаб берган эди. «Оқажоним», «истарали хоним», «хоним ҳазратлари» лутфлари билан Хонзода бегимнинг кўнглини эритарди ва шу билан бирга ҳурматини ўринлатарди. Ҳумоюн ҳам ташқаридан келди дегунча биринчи галда аммасини йўқлар, Худо менга яна бир оқила ва меҳрибон она ато эткон, дея онасига мақтанарди. Ўғлининг муомаласи ва эътиборидан мамнун Моҳим бегимнинг кўнгли хотиржам эди: «Биттагина қалба ўнтанинг меҳрини солгон» деб ғурурланар, гоҳ-гоҳида Бобуршоҳга мақтанарди ҳам...

Ҳозир ҳам Бобуршоҳнинг истаги бўйича Хонзода бегим ва Бадиулжамол бегимларни катта хонага олиб борди. Бисотларни ёйдилар ва сарполарни танланган йигитларга бердилар. Султонларни уйлантириш ва куёв қилиш соати, ойини маслаҳат қилдилар.

Кўшқўлга қайтгач, Хонзода бегим йиллар сурони, ҳаёт ташвиши, жигарлар ғами, айрилиқлар доғи — сочларига оқ, юзларига ажин туширганини ойнага узок қараб ўтиргач билди: «Умр дегонлари ҳам бир эпкиндай гап эркан-да, кечагина бола эрдик, бугун эрса...» деди ўзига-ўзи.

* * *

Ҳеч қанча кун ўтмай Бобуршоҳнинг ич касали овирлашди. Бошидан табиб ва ҳакимлар аримай қолди. Не дори-дармон қўлламасинлар нафи тегмади. Ҳар кун ёнида бўлган ташқаридагилар, унинг дарди овирлашиб бораётганини эшитган амиру беклар, уламолар кўргани келишди. Бир вақтлар от устида улуғвор савлати ила барчанинг хавасини келтирган, юрганда тик қомади, кенг елкалари ва икки қўлида

икки йигитни бемалол кўтара оладиган Бобуршоҳдан эндиликда асар ҳам қолмаган эди. Кўрганлар унинг ҳолига куйиндилар, ичлари оғриди. Кўнгил кўтариб, ширин сўзларини аямадилар. Бу ҳолни сезган Бобуршоҳ мийиғида кулимсиради ва курукшаган лабларини ялади. Буни кўрган табиб дарҳол лабини хўллади. Ҳол сўрагувчиларнинг руҳи чўкканини кўриб, нимтабассум билан:

– Жисмимда иситма тобидин оташдур,

Жонимға балоу ғусса бебаркашдур.

Кўп дард ила ғамдин манга нохушлуғ эрди,

Сен сўрғали эй ҳабиб, кўнглум хушдир, – дея яна, *–* хуш келибсизлар, *–* деди.

Кўнгил сўрагувчиларда жонланиш пайдо бўлди ва тез кунда сафларига қайтиб, бош бўлишини Худодан тиладилар.

У яна кулимсиради:

– Не хеш мени хушлару не бегона,

Не ғайр ризо мендину не жонона.

Ҳар нечаки, яхшилиқта қилсам афсун,

Халқ ичра ёмонлиғ била мен афсона, – деди.

Тинглагувчилар куйиб-пишиб уни ҳеч қачон халқ ичра ҳам, замонлар оша ҳам ёмонлик билан гап-сўз бўлмаслигини, аксинча, улугвор бир мамлакат куриб, уни ҳар жиҳатдан химоялаб, халқини бойитгани ва баъзи инсоният яшаш тамойилига зид урф-одатларга барҳам бергани, бу борада ҳинд халқи уни тушунгани ҳақида гапирдилар. Ортикча уринтириб қўймайлик деб ўринларидан кўзғалишган эди, Бобуршоҳ яна бир рубойисини айтиб қолди:

– Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,

Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.

Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,

Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Айб этманғиз мени, сафдошларим! Туғилғон Андижонимни, лойсувоқ томларини, гувалали деворларини, тош ётқизилғон ва тошсиз кўчаларининг чанғи осмонға ўрлашини, баҳорда лойқа, кузда зангор каби тиниқ сувли анҳорларини яна бир кўрсам эрди.

Кейинчалик тескари бўлиб кетгон ва дўстлигича қолгон ошна-оғайниларимни кўп соғиндим! Охирги манзил – мозорим она тупроғимда бўлса эди...

Унинг гапларини эшитган бир-иккиталари тоқат қилолмай, кўзларида ёш билан ташқарига йўналдилар. Қолганлари бошларини эгиб йиғлардилар. Ҳа, уларни шохнинг армони йиғлатган эди. Йўқ-йўқ! Уларни Ватан соғинчида куйган дил нолони йиғлатган эди. Куйган дилдан сирқираб оққан сўзлар қони йиғлатарди.

– Ватан соғинчида куйгон инсонгина шундай мисралар бита олади, – деди кимдир йўл-йўлакай, – шундай сўзлар айта олади.

– Ҳа, подшоҳимиз тонгининг илиқ нурлари овушида сайр қилишни хуш кўрардилар. Илоҳо хуш кўрғонлари у дунёю бу дунё насиб этсун!

– Мен Худодин илтижо қилиб сўрардим, – деди яна бири, – бизнинг подшоҳимиздай инсонларни дунёга кўпроқ келтурсунлар, деб...

Улар дилларидагини гапира-гапира тарқалдилар.

* * *

Хонзода бегим укасининг ҳолидан тез-тез хабар олар, дардга қарши ҳар турли гиёҳлар топтириб келар, лекин захар қон-қонига сингиб кетгани учун энг кучли дориларнинг ҳам ҳеч бири таъсирини ўтказолмас эди. Буни кўриб ич-ичидан эзилар, яна бир меҳрибонидан айрилиш хаёлига келса дунёларга сизмай кетар, бирор хилватдами, бурчакдами йиғлаб олар, ҳар куни беш вақт намозини адо қилгандан сўнг жойнамоз устида Худога нола қилар, «Энди менинг галим, укамнинг устун келишига йўл берма, эй Тангрим», дея зор-нолон эди. Аксига олиб Бобуршоҳнинг муборак чехраси ўзгариб борар, хос табибининг муолажаларининг ҳам нафи бўлмаётганини сезган ва энди ўрнидан туролмаслигига ақли етиб қолган эди. Шу сабаб, ҳамма яқинлари ва амиру уламоларни қошига чорлади. Унинг овози бемажол ва шикаста эди:

– Мен такдиримдин миннатдормен, – дея аста сўз бошлади, – шунинг учун миннатдорменким, Дехлидай сеҳрли диёрни насиб этди. Оллоҳға шукр! Кўп йиллардин бери Ҳумоюн Мирзоға подшоҳлигимни топшуриб, ўзум Зарафшон боғининг бир бурчида яшасам дегон ниятда эрдим. Худонинг карами билан ҳамма нарса муяссар бўлди, аммо ниятимга етмоқ маҳол бўлди.

– Ҳазратим, ундай деманг! Сизга ноумидлик ярашмайдур! Дард бошқа, ажал бошқадур! Қанча қанча қаттолликларни бошдин кечирдингиз! Улар олдида бу дард нима бўпти! Худо шифосини берса ҳеч гап эрмас. Ҳали отдай бўп кетасиз.

Бобур подшоҳ сўзлагувчига қараб маъюс жилмайди. Жилмайиши, узок умр кўрган кекса кишининг юзи каби бужмайиш нусхини берар, кузатиб турган кишининг раҳмини келтирарди.

– Касал мени эзиб қўйди, – кўз миждалари кизарди, – сизларга васиятим шуки, ҳаммангиз Ҳумоюнни менинг ўрнимда деб билингизлар ва унинг ҳукмронлигини камситмангизлар! Билмагонларини билдирингизлар! У билан мувофиқ ва ҳамжихат бўлинглар! Худодин умидим борки, Ҳумоюн ҳам одамларга яхшилиқ била маъқул бўлғай!

Ҳамманинг кўзларида ёш. Ҳумоюн отасининг ўнг томонида турар, изтироб борлигини чулғаганди. У ўғлининг бу ҳолатини кўриб, бироз жилмайишга ҳаракат қилди, бўлмади:

– Ўғлим Ҳумоюн, – деди нурсиз кўзларини қадаб, – ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эрса Худога топширамен!!

Сўнгги бор Хонзода бегимга, Моҳим бегим ва бошқа подшоҳ бегимларга, шу ерда ҳозир бўлган фарзандларига қаради, нимадур демокчи бўлди, аммо сўзламоққа ҳаракатланган лаблар муаллақ қотди. Айтилмоқчи сўзлар ила қотди лаблар. У ерда турганлар йиғлаб юбордилар. Подшоҳнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди. Буни ҳарамдаги ва ташқаридагилар ҳам эшитишди, йиғи-сиғи, тўполон бўлиб кетди. Шу

орада ҳазрати подшоҳ ўткинчи дунёдан абадий дунёга рихлат қилдилар. Агранинг осмони ҳам қора булутлардан либос кийган, борлиқни хиралик пардаси қоплаган ва гўё ҳар томон, ҳар бир нарса аза очгандай...

Чунки бу ерда ҳамиша қалбларни ёритишга интилган нур тинган эди. Осмону фалакдан ёғду каби одамлар йўлини ёритишда, ҳамиша эзгулик сари чорлаган хур тинган эди. Қалбига армоннинг доғлари битган, дил уйдан сирқираган розлар тинган эди. Энг яхши хислатлар жамулжам инсоннинг юраги тўла қон тинган эди. Бир вақтлар битта майизни қирққа бўлиб, дўстлари билан баҳам кўрган хуш он тинган эди. У билан бирга ҳамиша кўмакка шошган диёнат, виждон ва иймон тинган эди. Бутун борлиғи, дилию қалби садоқат тимсоли бўлган бир жон тинган эди:

– Таянч тоғим эрдинғиз, вой жигарим, – зор қақшади Хонзода бегим, – кўз қароғим эрдинғиз, вой жигарим! Гар сўлсанғиз сув бўлай, гар жон керак, жон тутай, вой жигарим!

– Осмонимда ой эрдинғиз, вой бегим! – юм-юм кўз ёш тўқди Моҳим бегим, – ҳар бир онинғиз бахт бавишлар эрди! Энди адоқсиз армонлар уммониға чўкиб яшаймен! Ҳар бир ёзғон ашъорларинғиз сатрини ўпиб яшаймен! Энди сизсиз қандай яшай, ҳазратим?!

У айрилиқ доғида шунчалар куйдики, ақлдан озиб қолаёзди. Хонзода бегим ҳам ундан ортиқ куйса-куйдик, лекин ўзини қўлга ола билди. Чунки у айрилиқ доғларини торта-торта пишиб кетган, ҳеч бир зот у томондан келиб ҳол-аҳволинг қалай демаган ҳақиқатни ич-ичидан ҳис қилиб яшарди. Келинининг аҳволига юрак-юрагидан ачинса-да, уни овутишга, совутишга уринмади. Уриниш бефойда эди. Негаки, у Мирзо Бобурни бошқача севган эди. Моҳим бегим икки ярим йилгача икки маҳал овқат қилдириб, подшоҳ мазорига бағишлади. Муҳаммад Али Асасни подшоҳ мазорига мутавалли қилиб тайинлади, ер,

улуфа билан сийлади. Бу ишларнинг бошида Мохим бегимнинг ўзи бош-қош бўлди. Хонзода бегим эса ўтганларининг рухига Қуръон тиловат қилишни канда қилмади. Ҳар бирининг: отаси, онаси, ўғли ва инисининг ўтган кунда элга ош тортиб, ҳадялар улашди. Айниқса, инисининг ўлимидан сўнг анча ўзини олдириб қўйган Хонзода бегим: отам, онам, ўғлим, иним дея пичирлаб юрадиган одат чиқариб олди. Уларни ўйлагани сайин юраги эзилар, бу ёруғ олам кўзларига тор кўриниб кетарди: «Ишқилиб, энди қолганлар омон бўлсун», дея тонгни қаршилар, инисининг рухларини шод этувчи ишлар билан шуғулланар, шу билан овунардди. Бобуршоҳнинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад унга атаб «Соғлиқни саклаш ҳақида қасида» рисоласини битган эди. Унда Бобуршоҳ билан Афғонистонда танишгани, кейинчалик Деҳлига чакиртирилгани ва умрининг сўнги дамларигача Бобуршоҳнинг соғлиғи ҳақида қайғурганлари, касал ётган онларидаги аҳволи ва қилган муолажалари ҳақида ёзган эди. Айниқса, Бобурнинг ўлими яқинлашган вақтда ҳам ўзини мардона тутганини алоҳида қайд этган эди. Томирни ушлаб касалликни аниқлашда унинг олдига тушадиган табибнинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун Бобуршоҳ унга чин дилдан ишонар ва қадрлар, саройдан бир қадам ҳам жилдирмас эди. Шоҳ ва табибнинг узоқ йиллик дўстона муносабати ва уларнинг қадрдонлигини билган Мирзо Ҳумоюн Бобуршоҳнинг вафотидан сўнг уни саройда олиб қолди ҳамда яхши муносабатда бўлиб, муншийлик даражасигача кўтарди.

Тахтга васият бўйича Ҳумоюн ўтирди ва отаси даврида ишлар қандай бўлса ўзгариш киритмади, ўшандай давом эттирди. Худди шу, Бобур подшоҳнинг у дунёга сафари кунини Кобулдан етиб келган Ҳиндол Мирзога хазинадан кўп нарсалар такдим қилди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, унинг ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди. Ҳумоюннинг қилган барча яхшиликлари ва ғамхўрликлари қадрига етмади. Мирзо Комрон ва Мирзо Аскарӣлар таъсирида анча кечи-

рилмас гуноҳлар содир этди. Ҳа, ақл ёнига шайтон йўламоғи бало бошидур, деб айтишади. Ақл етмаган ишларга шайтон бош бўлар, у эса рост қорилган ёлғон билан эргашгани нафс ботқоғига ботирмоққа шай эди. Ҳиндол Мирзо ана шундай ҳолда эди.

* * *

Султоним бегим ҳам бошқа гўзал маликалардек латофатли бўлиб улғайди. Бу орада Ҳиндол Мирзо нималарнидир баҳонасида аммасиникига серқатнов бўлди. Икки аёл ўртасида пишиб етилган маслаҳатга Хумоюн Мирзо ҳам қўшилди ва Ҳиндол билан Султонимни никоҳлаб қўйдилар. Тўй тайёргарлиги битмагани туфайли кейинроққа қолдирилди. Тўсатдан Моҳим бегим ич оғриқ касалига чалинди. Буни баъзилар: «Бобур Мирзога ўта куйди», деса, баъзилар: «Инсон инсонни шу қадар ҳам севадиму? Бобур подшоҳ ўлғондин бери куявериб, қорайиб кетди», дедилар. Баъзилар эса: «Ё Раб! Бунчалар савдойилиқ ўз бошига етмаса эрди», дея гумонлар ҳам қилишди. Барча тахмину гумонлар ўз тасдиғини топди, Бобур подшоҳдан сўнг тўрт йил ўтгач, бу фоний дунёни тарк этди. Охири сонияларда ёнида ўтирган Хонзода бегимга кулимсираб:

– Ва ниҳоят ҳазратим ёнига кетяпмен, – деди, – ниҳоятда соғиндим.

– Ундай деманғиз, бегим, – Хонзода бегимнинг кўзлари ёшланди, – хали тўйлар қиламиз. Кўп ишларни бажаришимиз керак... Сизсиз қандай эплеймен, синглим?

– Опа, уканғизсиз бу дунё шод-хуррамлиғи татимай қолғон эрди. Усиз ҳар бир куним эркан, сониям азобда эрди. Энди азоблардин қутулиш вақти келди. Яхши-ёмон гапирғон, билиб-билмай дилинғизни оғритқон эрсам узр, опажон!

– Юрагимни эзманғиз, бегим...

– Опа, сиздин бир илтимосим бор!

– Сўзланғиз.

– Хумоюним ҳали ёш, унга ўз ининғиздек қарасанғиз. Барча ишларида кўмакдош бўлишга ваъда берсанғиз, опа.

– Албатта, кўнглинғиз тўқ бўлсун. Ахир у энг яхши кўрғон жияним-ку...

– Ининғизга сиздин ва барча яқинлардин саломлар етку..., еткурамен! Кўришғунча, у дунё..., у дунёда кўришғунча хайр, опа!!

Моҳим бегимнинг лабларида сўнги табассум қотганича мангу уйқуга кетди.

Хонзода бегим бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Чунки у энг яқин маслаҳатгўйидангина эмас, балки ўз синглисидай кўрганидан айрилган эди. Айрилиқ доғида куяр: «Онам, ўғлим, иним, жондин азиз кўрган келиним, қаердасизлар?» дея гоҳ-гоҳида кўшк ичи ва сарой ичини айланиб, улар турган жойлар, яшаган хоналар, ишлатган буюмлари, ҳамон қозикда илиғлик турган уст-бошларини хидлаб чиқар, сал ўти пасаяр-да, сўнг хобхонаси томон йўл оларди: «Сизлар-сиз энди қандай яшай?» дея пичирларди. Баъзан ҳар лачак ўраганда онаси, саройга, девонга ўтса иниси, ишхонасига ўтса келини, кўшкнинг ҳар бир бурчидан эса Хуррамшоҳ чиқиб келаётгандай туюлар, уларни соғинар, соғинчи беҳад бўлганда, хобхонасига кириб, тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Оқажоним дея тилларидан бол томадиган Гулбадан ҳам уззу-кун йиғлагани йиғлаган. Бобур подшоҳнинг болалари учун етимлик доғи яна янгиланган, ҳаммалари маъюс эдилар. Моҳим бегимни йўқотишга сира кўниколмаган Гулбадан бегим, онаси, яъни ўз тили билан айтганда бегим ҳазратларининг кирқини ўтказиб, Дехлига кетди. У ерда анча бўлди ва динпаноҳ қалъа солдириб, яна Аграга қайтди. Қайтган куниёк Хонзода бегимни тавоф айлагани борди. Иккиси Бобур подшоҳ совға қилган шоҳона сўрида ўтган-кетганлардан сўзлашиб, узок ўтирдилар.

– Бегим ҳазратлари, – деди охири Гулбадан бегим, – азанинг ҳам кунлари, йиллари тугаганига анча бўлди. Энди тўйлар қилсак ярашар?

– Ҳа кизим, кўнгулларимизнинг бир чети куйиб турса-да, энди тўйлар ҳам қилишимиз керак. Тўйлар тирикликнинг ярашиғи, зийнати. Қолаверса, биз катталарнинг вазифаси.

– Ҳумоюн акамнинг фарзандини кўрсам эрди, деган илинжда ўтиб кетди бегим ҳазратлари, – кўзлари ёшга тўлди Гулбадан бегимнинг, – чопарлар ҳар келгонда Ҳумоюндин янгиликмукин деб энтикардилар. Афсус, неvara кўриш насиб қилмади.

– Мен Хурраим доғида ҳамон куямен, – Хонзода бегимнинг сўлгин юзларига ёш думалади, – келиним бечора нечта фарзандларидин айрилгон-а? Борбўл Мирзо, Меҳржаҳон бегим, Эсондавлат бегим ва Форук Мирзоларни тупрокка берган-а? Энди ўйласам, жисму жони куйиб кул бўлгон эркан! Тўрт фарзанднинг доғи тўрт томонини олов бўлиб ёндиргон эркан.

– Ҳа аммабегим, ахир онам Олур Мирзо вафотидин сўнг савдойи бўлиб қолдилар-ку. Отам кўнгли ёзилсин деб Девалпурга саёҳат уюштиргон эрди-да.

– Хабарим бор. Энди ўйласам, укамга ҳам жуда кийин бўлгон эркан. Бир томонда фарзандлар доғи, иккинчи томонда иниларининг хиёнати, учинчи томонда эрса ёғийларнинг тахлика солиб туришлари... Эҳ-ҳа, бу оғриқларни кўтариш осонмуди? Оғриқлар охири ич оғриғига айланди-да, умрига зомин бўлди.

– Шундай жабру жафолар остида янаям қирқ етти ёшга кирди денг? Оқажоним, агар гаму кулфатлар бардошини емирмагонда балким узок умр кўрармуди?

– Оҳ кизгинам-а, гап узок умр кўришда эрмас, ҳаётда муҳим из қолдиришда, дердилар иним. Укамдин бобурийлар сулоласи ва ҳеч қачон ўлмайдургон асарлар қолди. Бу жуда катта гап. Шуларни ўйласам кўнглим бироз таскин топади. Соғинчим беҳад бўлгонда ашъорларидин ўқиймен. «Бобурнома»ни ўқигонимда эрса бевосита иним била суҳбат қургондек бўламен. Иним жисму жон жиҳатдингина эрмас, бутун борлиғи: кўнгул, идрок, ишфок, истиксо,

ихсон, ирод, ихтидо, ислох, иктидор, имон ва интизом томондин ҳам кучли бўлгон эркан. Афсуски, бунинг баъзиларини ўткондин сўнги аягладим. Ҳа, киши ўткондин кейинги қандай бўлғони, қандай яшағонини тўлиқ аяғлар эркансен.

– Ҳа аммабегим, муомалада латиғлиғи-чи! Ҳозиргача биронтамиз бирла жаҳли чиқиб урушқонини эслаёлмаймен.

– Умри талотўплар ичра кечди. Мана шундай тўс-тўполонлар ичра ижод қилишлари-чи? Агар ҳаёти осуда кечғонида билмаймен, бўйи тенғи китоблар битармуди?! Ўзи имло яратқон подшоҳ тарихда йўқ эрмуш.

– Шунга айтиғ, аммабегим.

– Барини кўз олдимға келтурғонимда, нахотки, иним шунча ишларни қилиб улгурди, яна ўн йил яшағонда нималарға қодирлиғини кўрармудик, деб ўйланамен. Ўйланамен-да ҳайратланамен, шунча кучни қаердин топди, эркан-а?

– Ҳа оқажоним. Отам дунёға бир келдию бир кетди. Қайтиб бундай зот дунё юзини кўрмаса керак. Кўрғонда ҳам отамчалиқ нашъу намо топмаса керак.

– Албатта. Бобуржондай табъ аҳли дунёға бир келади, албатта.

* * *

Хонзода бегим вақт топиб Ҳумоюндан сўради:

– Мирзо Ҳиндолнинг тўйини қачон қиласиз?

– О, ҳазрати аммабегим, «Тилсим» тўйининг асбоблари тайёр. Худо хоҳласа, аввал «Тилсим» тўйини, сўнг Мирзо Ҳиндолнинг тўйини берамен.

– Худо муборак ва яхши қилсун.

Дарё қирғоғига тўйхона солинган бўлиб, унга «Тилсим» деб ном берилган эди. Тўйхона саккиз бурчлик уй бўлиб, ўртасида саккиз бурчлик ҳовуз қазилган, ҳовузнинг ўртасига саккиз бурчлик супа солинган ҳамда бу супага вилоят гиламлари тўшалган эди. Супага кўп йигит ва соҳибжамол хотин-қизлар, хушовоз ашулачи ва созандалар ўтирғизилсин, деб

буюрилди. Бу уйнинг олдига «Тилсим» тўйи учун Мохим бегим такдим қилган олтин тахт қўйилган бўлиб, бу тахт олдига зардўзи кўрпачалар ёзилди. Ҳумоюн билан Хонзода бегим тахт қаршисидаги бир кўрпачага ўтиришди. Бир вақт олтин тахтда ясантусан ва пардоз-андозни ўринлатган Мохим бегим ўтиргандай туюлиб кетди Хонзода бегимга, ёнида эса иниси тик турган ҳолда жилмайиб турибди: «Хуш келибсизлар, — лаблари пичирлади бегимнинг, — Ҳумоюн солдиргон тўйхонанинг ҳашаматини кўрдингизми? Қандай жияним бор-а? Буни сизларнинг хотирангиз учун курдирди...»

Улар жилмайишди, лекин гапирмадилар. Аста-аста нур ичра сингиб кетдилар: «Сиздин миннатдор-миз, опажо-он!», қулоқларига нидо келиб урилгандай бўлди. Сесканганини кўрган Ҳумоюн бир қараб қўйди:

— Аммабегим, безовтасиз? — сўради.

— Ҳозиргина тахтда иним бирла келиним ўтиргон эрдилар, — шивирлади у, — ё менга шундай туюлди-му?

Ҳумоюн шошиб тахтга қаради. Ҳеч ким йўқ.

— Аммажоним, — шивирлади у, — уларни ўта яхши кўргонингиз учун тўйни илинаётурсиз.

— Қайдам, улар ҳам тўйни кўрса бўлмасмуди? Шунақаям соғиндимки... Қанийди, ҳаммаси шу ерда, ёнимизда бўлсалар...

— Уни нимасини айтасиз, аммабегим. «Тилсим» битқондин бери отам кўз олдимга келадур. Агар ҳаёт бўлғонларида кўп хурсанд бўлғон бўлардилар. Онамни-ку, асти қўяберасиз.

— Албатта.

Шу пайт Хонзода бегимнинг ўнг томонида ўтирган аммалари, яъни Султон Абусаид Мирзонинг қизларидан бири:

— Хўп ажойиб тўйхона бўлти, — деб қолди, — бунақаси етти иклимда ҳам топилмаса керак.

Яна бири:

– Агар жиянимиз ва келинимиз кўрғонларида борму, терисига сизмай кетардилар. Ахир фарзанднинг шундай улур ишларга қодирлигини кўриш отаона учун улкан бахт эрмасму? – деди.

– Иншооллох, рухлари кўриб турғон бўлмай! – дея Ҳумоюнни алқай кетдилар ва охири:

– Омин! – барча уларга қўшилиб фотиҳага қўл очдилар, – кадам етди бало етмасун! Жиянимиз Ҳумоюн Мирзонинг давлати бундин-да зиёда бўлсун! Бу тўйхонада кўп йиллар суннат ва никоҳ тўйлари ўтишини насиб-рўз айласун! Оллоҳим шу ерда ўтирғонларни ўз паноҳида асрасун! Тўйхонани эрса ёмон кўзлардин сакласун, омин!

– Айтқонингиз келсун аммабегилар, Мирзо Ҳумоюннинг шаънига кўз тегмасун! – тасдиқладилар қолганлари юзларига қўлларини суртарканлар, – Оллоҳим қасду балолардин асрасун!!!

Бошқача кўрпачада Бобур подшоҳнинг сингиллари, аммалари, холалари; чап томондаги зардўзи кўрпачаларда аёллари, қизлари, амирнинг хотинлари, амакиваччалари, кўкалари, овачалари ўтирган бўлиб, ташриф буюрган меҳмонларнинг жами сони юзтача эди. Бу тўйга Султон Ҳусайннинг набиралари Шод бегим ва Меҳрангиз бегимлар ҳам мардона кийимларда келган эдилар. Тўйнинг ўртасида:

– Шод бегим ва Меҳрангиз бегимлар захгиртарошлиқ ўйинини кўрсатсунлар, – деди Мирзо Ҳумоюн, – сўнг тирандозлик хунарларини ҳам намоён қилсунлар!!!

Ўтирган барча султонлару бегимлар иккисининг виқор билан ўртага чиқишларини кўрдилар. Улар суюқдан ишланган ангишвонани бармоқларига илиб, ўқ отиш ўйинини кўрсатдилар. Улар ҳар ўқ отганларида ўтирганлар орасида «Вой! Усталлигини қарангизлар!», «Чаккимас!» каби садолар янграб турди. Сўнг ҳофизлар томонидан сара қўшиқлар ижро этилди. Кейинида эса шўх мусиқа садолари жўрлигида барча ёш-яланглар билганларича рақсга тушдилар. Ёши ўтиб-

роқ қолган хофизнинг ушбу мисраларни куйга солиб айтиши барчанинг кўзларига ёш келтирди.

*Ўлум уйкусиға бориб, жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасанғиз, эй дўстлар, кўрғайсиз уйкуда.*

*Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ, билғайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.*

*Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор –
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда.*

*Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму
Сенингдек дардпаймою менингдек дардпаймуда?*

*Улусдин тинмадим умрумда харғиз лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.*

Ҳамма жим. Кимларнидир кўзларида, кимларнидир нигоҳларига мунг қотган, кимлардир эса бир нуктага тикилганича тек қотган.

– Ҳаққаста рост, умрида бир лаҳза улусдин тинмади, – деди кимдир, – бу дунё ишларидин ўлиб осудалиқ топди.

– Эвоҳ! – деди сукутни бузиб кимдир, – жаҳон қайтиб бундай зотни кўрмағай! – гапиргувчининг овози орқадан келарди, – душманларини ҳам хурмат қилиб ўтди-я.

– Ҳа, – деди кимдир, – опа-сингиллариға, ака-укалариға, қўйингки, бари яқинлариға қандай муомалада бўлиш борасида ҳам ибратли умр кечирди. Кўнгулларға сулув сўзлардин худди қалдирғочлар каби уя қурди.

– Жаҳон ичра, замонлар оша боқий қолмоқ ҳам хар кимға насиб этавермайдур, – деди яна кимдир, – у бизлар учун, юрт учун бир кўркдур!

– Кўркдурки, ҳеч қачон хира тортмағай! Ёзғон битиклари ила хамиша асрлар қаъридин садо бериб турғай! Бу садо эрса асло сўнмағай!

– Иншооллоҳ, ҳеч қачон сўнмаслиғи рост бўлсун!!! Боқий бўлсун!!!

Шу вақт Мирзо Хумоюн ёддан шеър айта бошлади.

*Ўзни кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.*

*Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Гусса ниҳолини қурутмоқ керак.*

*Тийрадурур зухд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.*

*Ҳар нимага ғам ема – ғам кўптурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.*

*Қўйма машакқат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.*

– Ҳа, бизни унутқонни унутмоқ керак, лекин сизни подшоҳи олам, унутиш амри маҳол. Чунки сиз унутиладурғонлардин эрмассиз...

Гапиргувчининг сўзлари тугамай, бир ёшгина йигит ховуз ўртасидаги супадан туриб:

– Гайрға неча вафо қилгайсен? – дея шеър ўқишни бошлаб қолди, –

Жонима неча жафо қилгайсен?

*Бехато элга отиб ғамза ўкин,
Бизға етганда хато қилгайсен.*

*Кўрмагайсен аламу дард юзин,
Дардима, эйки, даво қилгайсен!*

*Тиларам сарви равонинг равишин,
Тилагим, кош раво қилгайсен.*

*Бобур, ул умр сени сўккан учун,
Умр боринча дуо қилгайсен.*

– Офарин! Бағоят гўзал ашъорлар!

Ҳар томондан олқишлар янгради.

– Подшоҳимизнинг сўзлари боқийдур, шул сабаб ўзлари йўқ эрса-да, ашъорлари ила даврамизга файз киритиб турибдур, офарин!!!

Сўнг ўтганларнинг ёдига Қуръон тиловат қилинди ва ҳамма ўринларидан туриб, тўйхонанинг ичию ташини томоша қилишни бошладилар.

* * *

«Тилсим» қасрининг жойланишида, бу энг катта уйнинг бошқа кичик хонаси ҳам саккиз бурчлик бўлиб, ҳар иккала саккиз бурчак турли безаклар билан безатилган эди. Каттаси тўйхона бўлиб, унга олтин тахт қўйилган, унинг усти ва тагига зар тикилган зардеворлардан ташланган. Бу зардеворларга марварид шода уқалари осилган эди. Кичигида олтин каравот, токчаларда лаб ва оғизни қизил қиладиган хушбўй бўёкли шишалар, шаробхўрликда керак бўладиган олтин ва кумушдан ясалган асбоблар қўйилган эди. Девонхона томони қиблага қаратилган бўлиб, иккинчиси боғ томон, шарққа қаратилган эди. Учинчиси катта уй, яъни саккиз бурчлик уйга, жануб томонга, тўртинчиси эса кичик уй тўғрисида бўлиб, шимол томонда эди. Юқоридаги учта уйнинг устида учта болохона қурилган. Биринчи хона «Давлат уйи» бўлиб, тўққизта уруш асбоблари – олтин қилич, олтин аслаҳа, олтин камар ва ханжар, олтин жамудҳар ўқдон бўлиб, жамудҳар, яъни ханжарнинг бир тури, учи эгилган. Буларнинг устига зар тикилган курпўш, яъни ёпқич ёпилган эди. Иккинчи хона «Саодат уйи» дейиларди. Бу уйда жойнамоз, китоблар, олтин суви билан оро берилган қаламдон, чиройли жуздон, нозик расмлар солинган жузгир ва хушхатлар сақланарди.

Учинчиси «Мурод уйи» дейилиб, бу уйда қимматбаҳо тошлар қадаб ишланган олтин каравот, сандал, яъни хушбўй хиди учун сандал дарахтини майдалаб солинган идиш қўйилган бўлиб, кўрпачалар ёзилган. Тагига махсус кўрпачалар солинган бўлиб, уларнинг олдига факат зарбофдан тўқилган дастурхонлар ёзилган ва унда ҳар хил мевалар, хилма-хил ширинликлар қўйилган. Тўйхона битган куни жуда катта миқдордаги сочқилар ҳар бир катнашчининг

мавқеига қараб улашилди. Булар мирзолар, амирлар, вазирлар ва аскарлар бошлиқлари, акобирлар, ашрофлар, уламолар, солиҳлар, зоҳидлар, шайхлар, дарвешлар, фуқаро ва мискинларга бўлиб берилди. Сўнг шу мажлисда ҳозир бўлган бегимлар, валинеъматлар ва бошқаларга сочиб юборилди. «Қанийди, ушбу фурсатда подшоҳ отам ва ҳазрати онам ёнимда бўлсалар!» – деб армон қилди Ҳумоюн. У ҳар иккисининг ўрнида ўтирган Хонзода бегимдан сўради:

– Аммабегим, агар рухсат берсанғиз шу ховуз сув билан тўлдирилса?

– Жуда яхши бўлади.

Шундан сўнг у ховузнинг зинасига ўтирди. Тўйхонани томоша қилиб бўлгач, супага келиб ўтирганлар сувнинг шариллаб келганини пайқамай қолишди. Ҳаяжонга тушишиб, баъзилари ваҳимага ҳам берилди. Буни кўрган Ҳумоюн буюрди:

– Сув кирмайди, – деди кулимсираб, – ҳар биринғиз бир чимдим арпабодиён ва бир парча маъжум еб, сўнг бу ердин туриб кетинғизлар!

Ҳаммалари сув товонга чиққанда маъжумни роса еб, сўнг чиқиб кетдилар. Тўй оши тортилиб, одамларга сарполар кўйилди ва бошқа инъоматлар берилди.

«Тилсим» тўйхонанинг донғи етти оламга ёйилди ва унинг биринчи тўйида қатнашганлар неча даврларгача дoston каби сўзлаб юрдилар.

* * *

Тўй тўйга уланди. «Тилсим»нинг тўйи ўтгач, айни шу тўйхонада Мирзо Ҳиндол билан Султоним бегимнинг тўйлари бўлди. Хонзода бегим икки ёшлигидан асраб-авайлаб катта қилган қизи Султонимни Мирзо Ҳиндолга узатди. Одамларнинг, ўз боласи эмаслиги учун мавқеидан мундайроқ қилибди-да, деган хаёлларга бормасинлар деб, тўйни ниҳоятда текис ва яхши ўтказдилар. Келиннинг сепига эроний гиламлар ва тўшаклар, бешта кўрпа, ўнта ёстик, тўртта катта

суянчиқ ёстик, ўн иккита кичик лўла болиш-ёстик яна юз парда гўшангаси билан, ҳаммаси зар билан тикилган учта тўшак қилиб берди.

Мирзо Ҳиндолнинг сарполари эса..., олтин иплар билан тикилган тож ва чарқоб пўта. Сочик ва олтин иплар билан тикилиб, безак берилган рўмол ва яроғ устига ёпиладиган ёпқич кабилардан эди. Ўша пайтнинг тўққиз-тўққиз таомилига кўра Султоним бегимга тўққизта тугмаси ҳар хил қимматбаҳо тошлардан бўлган нимча бердилар. Улардан бирининг тугмаси ёқут, бири олмосдан, бири зумраддан, бири фёрузадан, бири айнул хиррадан бўлиб, бошқалари ҳар хил жавохирлардан эди. Яна тугмалик ва чарқуб чарқитичи, бир жуфт лаъл кўзли ҳалқа, бир жуфт дур кўзли ҳалқа, учта панда, яна икки арқоқ, бир урушли шойи чодир, бошқа асбоб-ускуналар ҳам бердилар. Бундан ташқари, Хонзода бегим йиғиб қўйган бошқа керакли рўзғор буюмларини ҳам бердилар. Яна эгар ва жабдуқлари ўймакорлик билан зар кадаб ишланган тўққизта тулпор от, тилла ва кумуш асбоблар, турк, черкас, рус, ҳабаш ғуломларининг ҳар биридан тўққизтадан тақдим қилдилар. Подшоҳларга хос бўлган тўққиз маросими бекам қилиб бажарилди.

— Тўй шундай яхши ўтдики, — деб юрди Гулбадан бегим бир неча йилгача, — бундай тўй подшоҳ отамнинг бошқа фарзандлариға насиб қилмаса керак.

— Илоё насиб бўлғай! — деди бир куни Хонзода бегим, — сизға ҳам ўшандай сеп қиламиз. Тўй бошида ўзум турамен!

Гулбадан аммасининг бўйнидан қучди, елкасига юзини яшириб:

— Ўзумни оқажоним, — деди эркаланиб, — сиз ва Ҳумоюн акамдин бошқа кимим ҳам бор? Менинг бахтимға узок яшанғизлар!!

Хонзода бегимнинг кўнгли тўлиқди. Унинг мушканбар таратган сочларидан силади:

— Илоё бахтинғиз бутун бўлсун, қизим.

Гулбадан бегим таъкидлаганидек, Бобур подшоҳнинг бошқа фарзандларига бундай шоҳона тўй насиб қилмади. Аксинча, Ҳумоюн ва Хонзода бегимнинг саъй-ҳаракатлари ила қилинган, дунёнинг етти бурчига донғи кетган бундай тўй, берилган улкан совғасаломлар эвазига Мирзо Ҳиндолдан шундай ёмонликлар кайтдики... Баъзи яқинлар: Мирзо Ҳиндолнинг Мирбобо Дўстнинг қизи Ҳамидабонуни севишини, лекин унга Ҳумоюннинг уйланишини кечиролмай рақиблик йўлига ўтди, дея шарҳ битса; баъзилари Мирзо Ҳиндол табиатан писмиқрок эди. Ахир айттарлару, писмиқ ётиб пут кўтарар, шодон юриб от кўтарар, деб, нима бўлганда ҳам кўнгли қоралигини намоён қилди, дедилар. Баъзилар эса..., подшоҳ Бобурнинг Ҳумоюн оғир бетоблигида Моҳим бегимни юпатиш учун айтган гапларидан сўнг ўзгариб қолди, дедилар. Ҳақиқатда, Мирзо Ҳумоюн билан Мирзо Ҳиндол ўртасидаги ака-укалик риштасига дарз кетган эди.

* * *

Баҳорнинг инжиқликларига қарамай, Мирзо Ҳумоюн Деҳлини бунёд этиш учун қурилиш ишларини бошлаб юборди. У Аграда турган кунларда кўпинча шаҳар ташқарисида шикор ва базмлар учун қароргоҳлар бунёд эттирган эди. Отасининг бевалари ва болалари учун ҳарамнинг тўридан жой ажратарди. Афсуски, бундай қароргоҳлар кўп вақт ўтмай, ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида қуриладиган бўлди. Деярли ҳеч қанча кун ўтмай Мирзо Ҳумоюн Зарафшонни тарк этиб, исёнкор Баҳодиршоҳга қарши курашга отланди ва уни енгди. Баҳодиршоҳ Чампанёр қалъасига яширинди. Лекин Мирзо Ҳумоюн қалъа деворидан ошиб тушиб, ҳеч қандай тўс-тўполонсиз душманни махв этди. Орадан кўп вақт ўтмай, укаси Мирзо Аскарини Аграни эгаллаш ниятида юрганини қосидларнинг хабаридан пайқаб қолди. Шу сабаб у Аграда туриб қолди. Бу вақтда эса афғон султонларидан Шершоҳ унинг устига юриш бошлади. Мирзо

Хумоюн аввал Банорас вилоятини, сўнг Бенгал вилоятининг пойтахти Гаур қалъасини қўлга киритди. Ҳарбий истехкомларни мустаҳкамлаш, аскарлар ва аскар бошликларини маҳкам тутиш ўрнига ғалабалардан мағрурланиб, маишатга берилиб кетди. Буни кўрган Мирзо Ҳиндол Мирзо Хумоюннинг сиёсатидан норози бўлиб, исён кўтарди. Аслида Мирзо Хумоюн Бенгалияга келишдан аввал, яъни Гаур қалъасини олишдан олдин, Мирзо Ҳиндолни Аграда қолдирган эди. У эса ўзига билдирилган ишончни суистеъмол қилиб, Агра ҳокимиятини эгаллаб олганди. Бунинг устига акаси юборган кекса чопарни ҳам қатл эттирди. Энг ёмони шу бўлдики, жума куни ўқиладиган хутба намозини саройида ўқитди ва ўзини салтанат ҳукмдори деб эълон қилди. Буни эшитган Султоним бегим изтиробда қолди:

– Қандай яхши аканғиз бор-а? Наҳотки унга хиёнат қилсанғиз?

– Ўғай ака у!

– Нима бўлғонда ҳам отанғиз бир – аканғиз ахир. Бизга қилғон қанчадин-қанча меҳрибончилиғу муруватлари эвазига...

– Кўп гапирдинғиз! – жеркиб ташлади Султоним бегимни, – муруватлар эрмуш. Ахир улар подшоҳ отамнинг хазинасидин менга тегадигон мерослар-ку? Нега энди у ҳаммасига эгалик қилар эркан? Ўз улушимни эл ўртасида тўёна қилиб берди ва шу билан ўзини тенги йўқ ака қилиб кўрсатди, уқдинғизму?

– Ахир онам...

– Сизники ҳам ўғай!

Султоним бегим иложсиз қолди...

Мирзо Ҳиндолнинг қилмишлари Мирзо Хумоюннинг кўзларини мошдек очиб қўйди, Дарҳол Гаурни тарк этиб, Агра томон йўл олди. Бундай юришлардан анча олдин отаси Бобур подшоҳнинг хотин-халажларни жангу жадалларда жангчиларга эргаштириб бормаслиги лозимлигини тушуниб олган эди. Чунки уларнинг тайёргарлиги баъзан ҳафта, гоҳида эса ўн кунлаб чўзилар, бирини олса бири қолар

каби хархашалар билан ҳамда йўллардаги баъзи кийинчиликларни енгилда халақит берардилар. Шунга кўра подшоҳларнинг ҳарамдагилар билан йўлга чиқиши кўп қийинчиликлар туғдиришини инобатга олиб, уларни Ганг дарёси бўйлаб кемада олиб келишга буйруқ берди. Айни шу пайтда, Шершоҳ панадан туриб хужум бошлади. Мирзо Хумоюн бошидан яраланди. Улар Чауза дарёси бандаргоҳи устида жанг қилаётганда Шершоҳ яна бир кучли зарба берди. Шершоҳ ўзича ҳарам аҳлини химоя қилмоқчи бўлди, аммо одамларини бошқаролмай қолди. Химоянинг удасидан чиқолмади. Натижада ҳарам аҳли сувга чўкдими, ё... нима бўлдикки ҳеч қандай хабар чиқмади. Қурбон бўлганлар орасида Мирзо Хумоюн хотинларидан иккитаси ва кичик малика Ақиқа тирик қолган эди холос. Қолганларни ҳарчанд қидирдилар, аммо на ўлиги, на тиригини тополдилар. Ҳа, теурийлар жангида биринчи бор аёллар, болалар ўлдирилди. Бошидан яраланган Мирзо Хумоюн бир амаллаб қолган одамлари билан Аграга қайтди. Унинг қайтаётганини эшитган Мирзо Ҳиндол Деҳлига қараб қочди. Ким билади? Султоним бегимнинг писандаларидан сўнг акасининг юзига қандай қарашни ўйлаб уялгандир..., ким билади? Айни шу дамда, у иккинчи укаси, бу ерда вазиятни ўрганиш ва ўзини Кобул ҳамда шимолий ҳудудлар подшоҳи сифатида эълон қилишни пойлаб, Кобулдан келаётган Мирзо Комрон кўлига тушди. У Гулзор боғида тўхтаб, қароргоҳ қурган эди. Саройдаги ёши катта хонимлар қаторида Мирзо Комрон ҳам ярадор подшоҳ Хумоюнни кутгани чикди. Хонимларнинг юзлари маъюс эди. Чунки улар бобурийлар олиб борган жангларда кўп марта ғалаба қилишларига ўрганиб қолган эдилар-да. Уларнинг орасида Гулбадан бегимни кўрган Мирзо Хумоюн:

— Гаурга юриш қилган пайтимда сен тоқи киярдинг, энди лачак ва қасабада кўрганим учун танимай қолибмен, — дея узр айтди.

Кўриниб турганидек, Мирзо Ҳиндол ва Султоним бегимларнинг тўйидан сўнг анча йиллардан кейин

акаси Мирзо Бобур саройидаги йирик мансабдорлардан бири бўлган Ҳизир Ҳўжахонга турмушга чиққани учун унинг ташқи кўриниши ҳам ўзгарган эди.

– Акажон, – деди у Ҳумоюннинг борланган бошига назар ташларкан, – Худога шукр! Жонингиз омон қолибди. Бари ўтиб кетади.

– Мен сени жуда кўп эсга олдим ва ҳар замон, кошки эди, уни ўзимга ҳамроҳ қилиб олиб келгон бўлсам, деб хаёл қилдим. Лекин ур-тўполон бошланиб кетгач, Тангрига шукр қилиб, яхшиям ўзим билан олиб келмагоним, дер эдим. Гарчи Ақиқа ёш бўлса ҳам, нега уни лашкар билан олиб келдим, деб афсусланардим.

– Акажон! Ҳар не бўлса Худонинг иродаси била бўлди. Бу кунлар ҳам муборак пешонангизга битилгон эркан, кўрмасликнинг иложи йўқ-да, – деди юпатишга ҳаракат қилиб, – энди соғайишингизни ўйланг. Жон ҳам ганимат, акажон! Ахир сиз бизларнинг паноҳимизсиз!

Ҳумоюн Гулбаданни тўғри фикрлай олишини кадрлар, баъзи масалаларда аммаси Хонзода бегимдан ташқари бўлган ҳолда, аммаси бирон жойга кетганда, ё укаларининг бириникида меҳмон бўлганда у билан баъзи ишларни маслаҳатлашар, унинг узоқни кўзлай оладиган қобилиятидан фойдаланарди.

– Аммабегим кўринмайдур? – атрофга кўз ташлаб Хонзода бегимни қидирди Мирзо Ҳумоюн, – ё... Кобулдамилар?

– Келгонларига анча бўлди. Ҳозир бироз тоблари йўқ, – деди Гулбадан бегим хижолат тортиб, – анови ишларни деб..., ичларига солиб юбордилар.

Мирзо Ҳумоюн ҳориб-чарчаб турса-да, аммаси қўним топган уй томон йўл олди. Ҳамроҳ бўлган Гулбадан бегим эса жим борар, энг яхши кўрган икки жоннинг ўртасида бўлгуси учрашув ва суҳбатни ўйларди. Амма-жиянлар йиғлашиб кўришдилар. Мирзо Ҳумоюн аммасининг оқ оралаган сочларига, ковок гирди ва пешонаси узра тушган қат-қат ажинларига кўз ташлади: «Намунча тез ўзгариш?» Нимадир

юмуш билан ташкарига чикқан Хонзода бегим ортидан:

– Хиндол акамнинг қилмишларидин ўзини олдириб қўйди, – деди Гулбадан бегим пичирлаб, – «Лоақал менинг юзим йўқму? Ҳам амма, ҳам қайнонаман-а? Шунчалар ҳам тубанлик ботқоғига ботдиму? Нахотки унинг қандайлигини билмағонмен. Одамнинг оласи ичида, деб бежиз айтмағон эрканлар. Уни ҳам Моҳим бегим тарбиялагони учун Мирзо Ҳумоюндек оққўнгил, тарбияли ва мард деб билибмен...», дея кўп афсус-надоматдалар.

Шу вақт Хонзода бегим кириб келди ва икки жиянига рўбарў ўтираркан:

– Укам, келинларим бирла шу тахлит ўтиргонимизни ва ширин-ширин суҳбатлар қурғонларимизни кўп хотирлаймен, соғинамен, – деди иккисига меҳр тўла кўзларини тикиб, – кеча укам тушимга кирибди. Жуда безовталар. Шунга эрталабдин бери ичим вaш ётқондим. Ҳайтовур, сизларни соғ-омон кўриб, жисмимга куч кирди. Қайта тирилдим. Ҳумоюн болам, Гулбадан қизим, – йивлаб юборди.

– Йиғламанғиз аммабегим, – овози титрарди Мирзо Ҳумоюннинг, – булар-ку ўз туғишқонларим. Ахир подшоҳ отамиз қанча-қанча душманларини ҳам кечира билғонлар-ку?!

– Ҳа, ҳа шундай, – жон кирди Хонзода бегимга, – шунақа инсон эдилар. Ажойиб феъл-атворлари бор эрди.

Кўзлари ёш юқи кулимсиради. Ҳалитдан бери ўзини, юқоридаги нохуш ишларни гўё Мирзо Хиндолга буюриб қўйгандек сезиб, Мирзо Ҳумоюн юзига тик қаролмай, вaм-андух сизиб турган кўзларини хар томон олиб қочмоқдайди. Жиянининг гапидан қўнглига қўнган гард ювилгандай бўлди ва:

– Улар пича ёшлиқ қилдилар, – деди юзига қизиллик югуриб, – ҳали бу қилмишларидин уялиб ҳам қоладилар. Нима қилай, ахир улар ҳам жиянларим. Бир бармоғимни тишласам, бошқалари ҳам

огрийдир. Ҳиндол куёвимга келсак, бурнимни сассик деб итга ташлаб беролмасам. Нимаям қила олардим?

– Ҳеч ўйланманг аммажон, улардан гинам йўқ. Ахир ўртада йўлдин оздирғувчи шайтон бор, ғанимлар бор. Сиз айтмоқчи улар пича ёшлиқ қилдилар. Шунинг учун аллақачон кечирғонмен!

Хонзода бегим севиниб кетди. Жиянининг бўйнидан кучиб, пешонасидан ўпаркан:

– Илоё умрингиз узун бўлсун, амирзодам, – дуога кўл очди Хонзода бегим, иккиси ҳам унга тақлидан кўлларини кўтардилар, – сиз у гуноҳкорларни кечирдингиз, сизни Худо ярлакасун! Тупроқ олсангиз олтун бўлсун! Тангри йўлингизда учрайдурғон ёрийларни хазондек супуриб ташласун-да, отангиз киби шуҳратдор этиб, номингизни замонлар оша абадий яшашига мададкор бўлсун! Омин!!

Фотиҳа қилдилар. Кўнгли тўлган Хонзода бегим иккисига қараб туриб:

– Худди инимнинг ўзига ўхшайсизлар-а, бир тукингиз ҳам ўзгамас, – деди меҳр билан қувониб, – аммо умрларингиз асло ўхшамасун! Узоқ яшанглар!

– Сиз ҳам аммажон, бизларнинг бахтимизга омон бўлингиз?

* * *

Мирзо Ҳумоюн Дилдор бегим ҳузурига келиб, мулозимларни чиқариб юборди-да, ўғли Мирзо Ҳиндолга нисбатан кўнглида ғарази йўқлигини Куръон китобини ушлаган ҳолда сўзлаб исбот қилди. У яна Гулбадан бегимга айтди:

– Сен бориб аканг Мирзо Ҳиндолни олиб кел, синглим!

– Ҳали бу ёш, ҳеч қачон узоқ сафар қилғон эрмас. Агар қарор бўлса мен борсам! – сўради Дилдор бегим.

– Мен сизга бу машаққатни қандай раво кўрамен, онажон?! – хижолат бўлди Мирзо Ҳумоюн, – лекин ота-оналар фарзанд учун ғамхўрлик қиладилар. Агар борсангиз бизга ғамхўрлик қилғон бўласиз.

Бир неча кун ўтгач, Дилдор бегим амир Абулбақо билан Мирзо Ҳиндолни олиб келгани йўлга тушишди. Бу пайт Мирзо Ҳиндол қурол-аслаҳа тайёрлаш учун Алворга кетган эди. Мирзо Комрон эса бетоб. Айни шу чоғда, Шершоҳнинг Лакнов томон яқинлашиб келаётгани ҳақида хабарлар келиб турарди. Лекин Мирзо Ҳумоюн бепарволик қиларди. Бунинг устига Чауза дарёсидан сузиб ўтаётганда оти чўкиб кетиб ўлган эди. Уни қутқариб қолган, қандайдир мешқобчига берган ваъдасига мувофиқ уни тахтга ўтқазиб қўйган эди. Кўпчилик, «Фуломға совғалар бериб мурувват кўрсатса бўларди-ку, шошилинч хурсандчиликда берган ваъдасига биноан уни тахтга ўтқазиб шартмиди, бу нима қилиқ?» дея ранжидилар. Барчанинг ундан норизолигини билгани ва Шершоҳнинг пойтахт сари илгарилаётганини кўрган Мирзо Ҳумоюн ниҳоят бу ёвуз душманга қарши курашга отланди. Бу орада тузалган Мирзо Комронни Аграда қолдириб, ўзи хужумга тайёргарликни бошлаб юборди. Аммо Мирзо Комрон ширин жонини асраб, Лоҳурга чекинди. Ўзининг чекингани етмаганидек, қасалини баҳона қилиб Гулбадан бегимни ҳам бирга олиб кетди. Улар Лоҳурга етганларида Мирзо Ҳумоюнни Ганг дарёси бўйида, Канауж деган жойда жиддий шикаст еб, мағлуб бўлганидан хабар топдилар. Бу орада ҳарамнинг бошқа аъзолари душманга қарши қаҳрамонона жанг қилган Мирзо Ҳиндол билан кўп машаққат тортиб, Лоҳурга етиб келишди. Уларнинг кетидан Мирзо Ҳумоюн ҳам келди. Шершоҳ Аграни эгаллаб, Мирзо Ҳумоюнни таъқиб остига олди: «Мен сенга Ҳиндустонни бердим, — дея мактуб йўллади Мирзо Ҳумоюн Шершоҳга, — Лоҳурни тинч қўй, хаддингдин ошма?!»

Аксинча, Шершоҳдан шундай жавоб келди:

— Ота мулкинг Кобул томон кет, акс ҳолда, енгиласан, ҳа, шармандаларча енгиласан! Мабодо, қайсарлик қилсанг, сени ўлдирамен!

Мирзо Ҳумоюн нимаики яратган бўлса, «Тилсим» тўйхонаси борми, қурдирган маҳобатли биноларию,

кўшклари борми, боғлар ва ҳоказоларни шундай-лигича душман қўлига қолдириб, нақд пулларини олишга улгурди-да, Лоҳур дарёсидан кечиб ўтдилар. Дарёнинг шовқинли сувларига ўзларини ташлаганларида Мирзо Ҳумоюн Чауза дарёсида чўкиб, но-буд бўлган хотинлари, фарзандлари, канизаклари ва бошқаларни бир-бир кўз олдига келтирди: «На ўзингиз, на жасадларингиз топилди! Бу – беаёв душман сизларни қаерларга оқизиб кетди?! Мен ношудни кечиринглар?!» йиғлади, ҳа, баралла йиғлади. Унинг бу холини на яқинлари, на лашкарлари кўрди. Фақат дарёнинг тўполончи сувларию зимистон тунни ёриб бораётган ой ва атрофида чакнаб турган юлдузларгина гувоҳ бўлди. Улар йўлларида учраган жарликларда мункидилар, текисликларда шамолдай елдилар. Бу оммавий кўчиш бўлиб, уларнинг кўринишлари аянчли аҳволда эди. Мана шундай кийинчиликларда ўз жонини асраган ва кочкин Мирзо Комронни вазиру сарой аъёнлари тутиб келтириб, қатл этишни буюрдилар. Аммо Мирзо Ҳумоюн бу талабни рад этди. Бу ҳам камлик қилгандек, туғишган укаси Мирзо Аскаррий ҳам подшоҳдан юз ўгириб, ўз аскарлари билан акаси Мирзо Комронга қўшилиб кетди. Ҳатто унинг хиёнатини афв этган Мирзо Ҳумоюннинг юзига оёқ қўйган Мирзо Ҳиндол ҳам Мўлтонга кетиб қолган эди. Бундан фойдаланган Мирзо Комрон Кобул йўлини тўсиб қўйди. Шу сабаб Мирзо Ҳумоюн Синдга қараб кетди. Дилдор бегим Мирзо Ҳиндол билан Мўлтонга кетиб, Хонзода бегим Мирзо Ҳумоюн билан қолган эди. Тўсатдан Мирзо Ҳумоюн қаттиқ касал бўлиб қолди, аммо тез орада ўзини ўнглаб олди. Мирзо Ҳумоюн яна Дехлини қўлга киритиш мақсадини аммабеги-си Хонзода бегим билан маслаҳатлашди. Унинг кўз ўнгида Шайбонийхоннинг туғишганлари, яқинлари билан иттифоқлиги намоён бўлди.

– Подшоҳ ҳазратлари, – Хонзода бегим уни кейинчалик эркалаб доимо шундай атарди, – тўғри ўйлабсиз. Бунинг учун ҳаммаларингиз яқдил бўлса-

ларинғиз, йўлларинғиздин битта Шершоҳ эркан, ўн-тасини супуриб ташлайсизлар.

Бу маънони укалари онгига сингдиришни илтимос қилиб, Мирзо Ҳумоюн аммасини элчи сифатида Қандаҳорга, Аскарый Мирзо ҳузурига жўнатди. Унга ҳам Мирзо Ҳумоюнга айтган гапларни сўзлади:

– Гарчанд билурмусиз ё билмассиз. Жиянинғиз Хуррамшоҳнинг бобоси тўққиз ўғил бўлиб, улар жуда иттифок бўлиб яшашгон. Бир майизни вақти келса тўққизга бўлиб егонлар. Ахил бўлгонлари учун жуда кўп вилоятларни қўлга олгонлар. Кетма-кет зафарлар унинг кўзини кўр қилиб қўйдиму, ё тинч яшашни истаса-да, ташқаридин кўзи қонга тўлгон ёғийларнинг тиш қайроғига жавобан урушгонидинму... Ишқилиб, ўзи бу ҳақда кўп норози бўлиб сўзларди. Аслида отанғиз подшоҳ ҳазратлари ҳам бу борада такрор-такрор таъкидлар эрди. Лекин уларнинг бошқа сабаби ҳам бор бўлиб, Хожа Яхёдин хавотирлангон хон унинг икки ўғли: Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий билан қатл эттиргони бўлди. Кўп ўтмай ўз шаҳидлик қони бирла хун тўлади. Отанғиз подшоҳ ҳазратлари ҳам, агар мен Хожа Яхёни ранжитмагонимда эрди саргардонлик кўргуликларини кўрмасмудим, Самарқандни урушсиз қўлга олармудим, унда ҳаётим бошқача кечармуди, деб кўп бора афсус-надоматлар қилгон эрди... Шулардин хулоса чиқарсаларинғиз яхши бўларди.

– Ул зот пир Хожа Яхёдир, – деди Мирзо Аскарый, – буниси эрса отамизнинг кўрар кўзию нури бўлгон Мирзо Ҳумоюндир.

Хонзода бегим тилини тишлади: «Ҳалитдин бери кимга гапирдим?» дея афсус еди.

Лекин Мирзо Аскарый Хонзода бегимнинг маънили гапларидан бироз юмшаган бўлса-да, узил-кесил жавоб қилмади, аммасини иззат-икром билан Қобулга, Мирзо Комрон ҳузурига жўната қолди. Шундай қилиб, Хонзода бегим жиянлари билан бир неча бор элчи расмида учрашди ва уларни ҳамжихатликка чорлади. Мирзо Ҳиндол ушбу дамда Қобул, Қандаҳор ва

Бадахшон худудларида ҳукмронлик қилаётган Мирзо Комрон билан Мирзо Аскарининг маҳбусига айланган эди. Шафқатсиз ва белисанд Мирзо Комрон эса аммабегисининг панд-насихатларига менсимай қаради:

– Менга, – деди Хонзода бегим кейинги гал холаваччаси Муҳаммад Мирзо Ҳайдар билан яна элчи сифатида борганда, – ҳамманғиз бир жиянсизлар, гўё қўлимнинг беш панжаси каби.

– Йўқ! – деди шартта Мирзо Комрон, – отамиз каби сиз ҳам Ҳумоюнни бошқача кўрасиз. Унинг онасини ҳам бошинғизга кўярдинғиз. Ой туғса ҳам, кун туғса ҳам унга дердиларинғиз! Бизлар хаёлларинғизга ҳам келмас эрдук!! «Ҳмм, – Хонзода бегим тилининг учигача музлаб кетди, – Моҳим бирла бирга иш юритқонимиз, кўп ишларни у била бамаслаҳат қилқонимиз Дилдор бегим била Гулруҳ бегимга оғир ботғон. Подшоҳ ҳазратларининг унга, айниқса, Гулруҳ бегимга нисбатан бепарволиғи юрак-баррини эзиб келғон. Ким билади, қачондур фарзандларининг каттаси бўлғон Мирзо Комронга дарду ҳасратларини тўкиб солғонму? Ёки Мирзо Ҳумоюн оғир бетоблиғида ёнида ўтирғон эрдим. Ўшанда Гулбадан опалари билан кўрғони келғон эрди. Моҳим қаттиқ ўпкаланғони учун укам подшоҳ ҳазратлари: «Гарчи менинғ бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинғ Ҳумоюннингдек яхши кўрмаймен. Шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни жаҳонда яғона, нодири замон севимли, бахтли ўғлим Ҳумоюнга бағишламоқчимен», дея ҳам юрагидагини, ҳам юпатиш учун айтган гапларини Гулранг бегимми ё Гулчехра бегимми онаси Дилдор бегимга айтқон бўлғай, ул эрса Гулруҳ бегимга айтиб, юрагини куйдирғон бўлғай... Ё ўшанда Комрон ҳам бормуди? – эслаёлмади, – бўлмаса бунча кийна ва адоват унинг юрагида қаердин пайдо бўлди?»

– Сиз бир масалани унутқон кўрунасиз, – суҳбатга аралашди Мирзо Ҳайдар, – отанғиз ўз подшоҳликларини Мирзо Ҳумоюнга қарор қилғонлар! Ўзим ҳам бу ишда гувоҳмен.

– Ҳа, – тасдиқлади Хонзода бегим, – қандай қилиб ҳақиқатдин юз ўгириб бўладур?!

– Демак, сенлар Ҳумоюннинг соясисенлар, демокчимисизлар, хўш, уни қариб ўлишини кутамизму?

– Бундай дегони қандай тилинғиз борди? – жиддийлашди Мирзо Ҳайдар, – умуман...

– Отамизга отанғизнинг исён кўтарғони ёдинғиздин чиқдиму? – гапини давом эттиришга йўл бермади Мирзо Комрон, – шармандаларча тўшакхонага бориб беркинғони-чи? Хўш, бунга нима дейсиз?!

Мирзо Ҳайдарнинг тили тутилди, қизариниб ерга каради. Буни кўрган Хонзода бегим на Мирзо Комронни қойий олди, на Мирзо Ҳайдарнинг кўнглини кўтара олди: «Ҳмм, демак, Комронни эпакайга келтириш қийин. Унинг мақсади Ҳумоюнни тахт ишлариға ярамай қолишлиқ даврини кутмаслик. Ҳа, унинг гапларида ҳам жон бор. Биродарим, подшоҳ хазратларидин ҳам хатолиғ содир бўлғон кўрунадур. Хон каби вилоятму, ё мамлакатниму хар бириға алоҳида-алоҳида қилиб бўлиб берғонда балки ушбу парокандалиқ содир бўлмасмуди? Лекин шунчалиқ подшоҳ бўлишни хоҳларкан, бошқа йўл била бошқа бир мамлакатни олса бўларди-ку? Нега айнан Мирзо Ҳумоюннинг оёғиға болта уришлари керак? Ҳозирда Шершоҳнинг душманлиғи, зугумлари етмасмуди?»

– Вақтлар келиб пушмон ейсиз, Мирзо Комрон!

Хонзода бегим бошқа гапирмади. Аммо Мирзо Комрон дилидагини қайтармай қўймади:

– Ҳозир унинг ҳеч вақоси йўқ. Қачон ва қандай қилиб қаддини тиклайди, туянинг думи ерга теккандаму?

Хонзода бегим билан Мирзо Ҳайдар жимгина Кобулни тарк этдилар:

– Мирзо Комронни бунчалар қийнадор эрканлиғини билмас эрканмен, – деди Мирзо Ҳайдар бегимга зимдан қараб, – ишкилиб охири бахайр бўлсун-да...

– Ҳа, у ҳеч қачон Мирзо Ҳумоюнға ён босмайди, кўриниб турибди.

Хонзода бегим Мирзо Ҳумоюн қаттиқ бетоблигида бўлиб ўтган гап-сўзларни сўзлаб берди.

– Демак, «уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумоюннингдек яхши кўрмаймен» дея айтқони уларнинг, айниқса, Комроннинг юрагига тошдек ботқон, – хулоса қилди Мирзо Ҳайдар, – ҳмм, подшоҳларнинг кўп хотинлилиги тахтни, бутун бир сулоланинг емирилишига олиб келаркан-да...

– Шундай шекилли.

– Ҳеч ҳам хавотир олманг, бегим. Ажабмас, Мирзо Комрон инсофга келиб қолса... Худодин тилайлуқ.

Иккиси Мирзо Ҳумоюннинг қошига қайтаркан, укаларидан чиққан гап-сўзлар хақида индамадилар. Фақат:

– Ҳаммамизга Оллоҳдин инсофу товфиқ сўраймен, – деди-қўйди.

Мирзо Ҳумоюн англадики, улар, аммаси ва Мирзо Ҳайдарнинг насиҳатларини бир пуллик кўрганлар. Демак, Ҳумоюн бошқача йўл тутиши лозимлигини тушунди ва шунга асосан режалар туза бошлади.

* * *

Мирзо Комрон иниси Мирзо Аскарини ҳам ўз таъсирига олган эди ва Мирзо Ҳумоюннинг шармандали мағлубияти ҳамда қашшоқлашиб, мухтожликка юз тутганини эшитиб, ич-ичидан қувонар, шу билан у адойи тамом бўлди деб ўйларди. Лекин ҳаётда Худо ҳар кимнинг ўз қилмишига яраша сийлайди, деган буюқ ҳикмат ҳам бор. Буни қарангки, Мирзо Ҳумоюн, Мирзо Комронни қай томондандир ўзига қарата отилган бир дайди ўкни баҳона қилиб, ўғли Муҳаммад Акбарни тўпнинг овзига қўйиб қўйганда ҳам кечирди. Ҳа, негаки Мирзо Ҳумоюн ҳаётдан умидворлигини йўқотмаган эди.

– Бардам бўлинг, – деди шундай офир кунларнинг бирида Хонзода бегим Мирзо Ҳумоюнга қарата, – ой-

нинг ўн беши коронғу бўлса, ўн беши ёруғдур! Йигит кишига омад кулғонда ха деган сўз ҳам мадад бўлмай! Буни унутмангиз?!

— Укаларимнинг орзу хавасини юзага чиқарай дебману, ночор колғонимда ярар деб, захира ҳам йиғмабмен, аммажоним!

Хонзода бегим бошини эгди. Чунки унинг нигохи олдида теурийлар аро энг хашаматли ва дабдабали тўй — Мирзо Хиндол ва Султоним бегимларники бўлганини кўз олдига келтириб уялган эди.

* * *

Хумоюннинг табиатида инсон зоти тушуниб бўлмайдиган бир авлиёлик хислати бор эди. Факат, йигитлик чоғида Дехлида, гарчанд отаси Бобуршоҳ «Кўхинур» олмосини хадя этган эса-да, хазинага бостириб кириб эгаллаб олган ва бундан Бобуршоҳ каттиқ ранжиган эди. Ана шу пандиятдан кейин қайтиб бунақа хато ишга кўл урмади. Йиллар ўтгач, Бобуршоҳ вафот этди. Мирзо Комрон эса яна тинчлик шартномасини бузиб, иккинчи марта Кобулга хужум қилди ва уни эгаллаб олди. Лекин хеч қанча вақт ўтмай Мирзо Хумоюн яна қайтариб кўлга олди. Ана шу жангларнинг бирида Мирзо Хиндол яккама-якка олишувда шаҳид бўлди. Хиндол: «дуо-аломат» деган ходисага дучор бўлган эди, яъни бегуноҳ бир жонивор оҳунинг уволига қолганди. Зеро, Мирзо Хиндол Мирзо Комроннинг содиқ ғуломларидан бўлган товоқчисининг зарбидан халок бўлган эди. Отаси Бобуршоҳнинг қабрини кенжа хотини Биби Муборика йиллар ўтгач, Кобулга, Боғи вафога кўчиртириб келтирган ва мақбара қурдирган эди. Мирзо Хиндолни ҳам унинг оёғи остига дафн этишди. Гулбадан бегим ва опалари роса куйиндилар. Синглиси Гулчехра бегим куя-куя савдойи бўлаёзди. Мирзо Хиндолнинг юқоридаги дастлабки хиёнатини кўтаролмаган Гулбадан бегим «писмиқ» дея аччиқланганди. Аслида у беозор, юмшоқкўнгиллигини билар эди.

Ниҳоят бошини у тошдан-бу тошга урган Мирзо Комронни ҳам асир сифатида ҳибсга олишди. Амирлар, хонлар, беклар, пасту баланд мавқедаги аъёнлар, аскарлар ва оддий фуқаро Хумоюн подшоҳ олдига шарт қўйдилар: «Ё подшоҳлиқни денг, ё биродарлиқни! Ахир унинг душманларча қилғон ишларидин тўйиб кетдик-ку?!»

Хумоюн подшоҳ инисини қатл қилишга қўли бормади, кўнгли бўлмади. Кўзларига милл тортиб, Ҳаж сафарига кетишга рухсат берди. Камида эллик марта кўзларига тиг урилганда ҳам бирон марта винг демади, фақат тиззасини босиб турган навкарларга қарата, «нега тиззамни қаттиқ босиб, бир азобимни икки қиласанлар», деди холос. Ҳажга кетишида садоқатли хотини Моҳи Чечак ҳамроҳ бўлди. Унинг вафотидан етти ой ўтгач, ўзи ҳам бу ёруғ оламни тарк этди.

– Мен бу ишларни истамагондим, – йиғлади Мирзо Хумоюн Хонзода бегимнинг шоҳона чорпоясида ўтирган ҳолда, – ўлғонларнинг қайтиб келмасликлари ва отамнинг насихатларини инобатга олғон ҳолда, иноқ ва бир-биримизга меҳрибон бўлиб яшашга чорладим. Нима қилайки, мен ниятимга етолмадим.

– Ўзларига ўзлари қилдилар, шаҳзодам, – Хонзода бегим юпатди уни, – афсуски, Мирзо Комроннинг ўжарлиғи ва қайсарлиғи касри укаларини ҳам аро йўлда қўйиб, боши берк кўчага тикди. Ҳийла бирла Мирзо Хиндолни ўлдиртиришига Худонинг ҳам қаҳри келди. Охир-оқибат ўзи ҳам аянчли ўлим топди. Сизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, подшоҳ хазратлари. Ҳаммасини ўзим кўрдим, барчасига гувоҳмен-ку?!

Хумоюн подшоҳ бироз енгил тортгандай бўлди, аммо:

– Улар менга ёмон муносабатда бўлсалар ҳам ҳалитдин соғиняпмен, – деди ўпкаси тўлиб, – бирга-бирга яшасак, Худо қазоимизни белгилагон куни кетсак ҳам бўларди-ку?! Бирам шошилишдики, амма-жон?!

Хонзода бегим бу гал ўзини тутиб туролмади, у ҳам йиғлаб юборди. Чунки Мирзо Ҳумоюннинг ички изтироби, куйишиқ армони унга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди.

— Мен, — деди охири кўз ёшини артиб, — сиз Қандаҳорға Мирзо Аскарый, сўнг Мирзо Комроннинг олдиға жўнатғонинғизда хоннинг отаси тўққиз оғанини бўлғони ва отаси бу дунёдин ўтса ҳам амакилари била иноқ-иттифоқлиғи боис кўп вилоятларни кўлга олғони ҳақида сўзладим ҳам, аммо буларға урвоқчалиқ таъсир қилмади. Қайтанга гажирлиқ отиға миндилар. Ахир айтарлару, бегуноҳға озор берма, ўзингға қайтади деб. Буни мен айтибманму? Бошидин ўтғонларнинг хикматидур.

— Султоним бегим нима қилаётир?

— Йиғлаб-йиғлаб юрибдур. «Қайтаришқа кўп уриндим, аммо бу йўлдин, яъни подшоҳ ҳазратларига хиёнат қилиш йўлидин қайтаролмадим. Қайтғонида эрса аянчли ўлим топди. Ким ўлдирғон эрса-да, Худо униям жазосини берсун!..» дея нолондур.

— Ҳа, етимнинг оху зори ҳам гуноҳкорни тинч қўймайдур.

— Хмм, кўриб турғонинғиздек...

* * *

Алғов-далғовли йилларда, дўппи бошға тор келган пайтларда Мирзо Ҳумоюн илк бор Синдга ташриф буюрганда бир воқеа содир бўлганди, воқеаки бу ҳақда дoston битса арзигулик. У воқеа кўп жиҳатдан бир вақтлар отаси Бобуршоҳнинг кенжа хотини Биби Муборикага мубталолиги дамларини эслатарди...

...Мирзо Ҳумоюн Мўлтонга, биродари Мирзо Хиндолни кўриш ва унинг аскарлари билан гаплашиб ўзига оғдириш пайида келган эди. Дилдор бегим ҳам ўвли ҳузурда бўлиб, Гулбадан Кобулда Мирзо Комрон билан бирга эди. Юқорида таъкидлангандек, Мирзо Комрон касалини баҳона қилиб, Мирзо Ҳумоюнга бир хат ёзди ва Гулбаданни сўраб, ўзи билан бирга олиб кетган эди. Шунда Дилдор бегим гарчанд

қийинчилик ҳукм сурса-да, Ҳумоюн подшоҳ шарафига зиёфат уюштирган эди. Инсон кўнглини ола билишга, нозик торларини чертишга қодир малика Мирзо Ҳумоюннинг тушкун кайфиятини кўтариш учун бу ишни қилган эди. Лекин ҳеч ким, зиёфатда Мирзо Ҳумоюн ҳаётида ишқий можаролар пайдо бўлишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Бу зиёфатда Мирзо Ҳиндол мулозимлари ва ҳарам аҳллари Ҳумоюн подшоҳ хизматида бўлдилар. Ногоҳ Ҳамидабонуга кўзи тушган Ҳумоюн подшоҳ:

– Бу фаришта ким? – деб сўради.

– Мирбобо Дўстнинг қизлари! – жавоб бердилар.

Қиз зебои гунча каби гўзал эдики... «Дунёда энг гўзал қиздир», садо берарди кўрғон-қасрлар ҳам. Майса-ўланлар ҳам нидо қиларди: «Жаҳонни кезгинда бундай гўзални топ! Топиб бўлсан!!!» Қўлловчи қирқ чилтон, гайбул эранлардан ҳам: «Дунёнинг энг сулув малаги!» дея садо келарди... У ипакдай юмшоқ сўз, ёқимли қиз эрди...

Шу пайт Хўжа Муаззам Ҳумоюн подшоҳнинг рўпарасида турган эди:

– Бу йигит бизга қариндош, – деди у ва қизни кўрсатиб, – бу ҳам қариндошдир.

Мирзо Ҳумоюн қизнинг руҳсориға назар қилганда ақлу хушини йўкотар даражада девона бўлди. Унинг аввалги уйланишларида ва қиз топишда Моҳим бегим воситачи эди. Бу гал эса...

Бу пайтда Мирзо Ҳумоюн чарчаган, умидсизликка тушган, салтанатсиз султон ва тахтсиз подшоҳ, энг ёмони қашшоқлашган оддий бир йигит эди. Уйланса маҳр беришга ҳам қурби етмас, энг мухими, кўпчилик бу ишга қарши бўлиб, улар орасида Мирзо Ҳиндол ҳам бор эди. Чунки у Ҳамидабонуни севар, унга уйланмоқчи эди.

– Ҳазрати подшоҳ у билан турмуш қурса, – деди онаси Дилдор бегимга, – мабодо яхши бўлмаса кулфатра сабаб бўлади.

Мирзо Ҳумоюн бу гапни эшитиб аччиқланди ва кетиб қолди.

– Ўзи бусиз ҳам ораларингда кин, адоват бор эрди. Буям етишмагондек, энди бунинг ёнига ишқий можаро ҳам кўшилди. Қолаверса, подшоҳнинг кўнглини кўтарамиз дея қилгон ҳаракатимизга зид иш қиламизми? – деди Дилдор бегим, – рад жавоби биздин эрмас, киздин бўлсун.

Пухта ўйлаган Дилдор бегим Ҳумоюн подшоҳга хат ёзиб, кўнглини кўтарди ва Мирзо Ҳумоюннинг талаби билан у Ҳамидабонуга совчиликка борди:

– Қизим ҳали ёш, – онаси ноз қилди.

Буни эшитган Ҳумоюн подшоҳ яна аччиқланди.

– Подшоҳим, – Дилдор бегим унинг шикаста кўнгил торларини чертди, – кизи борнинг нози бор, дейдилар. Бир марта сўрашдаёқ хўп демай-дир-да...

Ҳумоюн подшоҳ бўлгани учун ҳар бир ишга бир марта буйруқ бериб, бир мартадаёқ бажартириб ўргангани ва аввалги уйланганларига онаси ўртада совчилик қилгани боис бундай борди-келди удумлардан беҳабар эди. Тўғриси, Ҳамидабону ҳам энди ўн тўрт ёшга кирган эди. Ҳумоюн подшоҳ эса ўттиз уч ёшда бўлиб, бир неча бор уйланган эди. Қолаверса, Ҳамида ўз фикрига эга, мустақил ва дадил қиз эди. Дилдор бегим келтирган рад жавобидан сўнг Ҳумоюн подшоҳ ўзи кизнинг онаси ҳузурига борди.

– Одам юбориб, қизингизни чақиртириб келсангиз, ўтинамен сиздин, онажон?!

Она ноилож Ҳамидабонуга одам юборди ва хабарчи ушбу гап билан келди:

– Агар гап кўришишгина бўлса, ўша кунни зиёфатларига мушарраф бўлдум. Немаҳрам киши олдиға нега борар эрканмен, бормаймен, деди.

Ҳумоюн подшоҳ кизнинг ақллилигини кўриб, янада шайдолиги ортди. Шабнамнинг кўзига нур чўмилгани каби унинг юрагини ҳам ишқ чўғлари алангалатаётган эди. Ўзидан кетиб қолган орзуларини яна ўзига чорлаётган эди – ишқ! Унинг юрагида энг гўзал бир тонг оттираётган эди – ишқ! Мискин хо-

тиралар гирдобидан халос этаётган эди – ишқ! Шодлик ҳар бир онларига бахт улашсин дея унинг тоза юрагига ҳаёт кўшиғини сингдираётган эди – ишқ! Ҳа, унинг умрининг ярмида ишқ деган ҳалқа ўраб олган эди...

Энди у амирларидан бири Субҳонқулихонни Мирзо Ҳиндол хузурига жўнатди:

– Укамга айтинг, бегимни юборсунлар! – зорлигини билдирди.

– Мен бир неча бор айтдим, лекин бормайман деяпти, ўзунг бориб айтгин, – деди у.

Субҳонқули бориб айтган эди:

– Подшоҳларни фақат бир марта кўриш мумкун, иккинчи марта кўриш номахрамлик бўладур, – дея жавоб берди киз.

– Агар номахрам бўлсак, маҳрам қиламиз, – Мирзо Ҳумоюннинг ошиқлиги чандон кучаярди бу каби нозларга, – васлингга етишмасам Ҳумоюн отим бошқа бўлсун!

Қирқ кунгача у Ҳумоюн подшоҳнинг совчиларига рад жавобини бераверди. Сабаби, Субҳонқули кетгандан сўнг Мирзо Ҳиндол Ҳамидабону билан пайт пойлаб учрашди:

– Сенга ўзини подшоҳ кўрсатқони билан асли ҳеч вақосиз бир гадойдир, – деди кизнинг гўзал ҳуснидан кўз узолмай, – ҳатто маҳр беришга ҳам қурби етмағон бир кимса сени бахтли қила оладиму? Сен рози бўлмасанг ҳеч нарса қилолмайди, кўркма!?

Ҳамида Мирзо Ҳиндолнинг ушбу тайинловидан сўнг ўйланиб қолди: «Киши ҳам ўз акаси ҳақида бегонага шундай ношоиста гаплар қиладимиз? Ахир бир отанинг фарзандлари бўлса? Ўз туғишғониға меҳр кўргузмағон, менга вафо қилармуди? Кўрамиз, подшоҳ чиндан ҳам севадимиз, ё ҳусн шайдосимиз? Агар ростдин севса қароридин қайтмайду!»

Бахтга қарши Ҳумоюн подшоҳ ҳам аҳлида қаттиқ туриб олди. Унинг қайсарлик қилишининг яна бир муҳим асоси ҳам бор эди. Шу кунларнинг, яъни

бу дунёга кўнгул кўзи билан боқиб турган чоғда, шай-доликнинг ўртасида бир ажойиб туш кўрди: «Бошдан оёқ сабза ранг либос кийган ва кўлида асо ушлаган бир авлиё келиб:

– Мардона бўл, ғам чекма, – деди ва кўлидаги асо ни Ҳумоюн подшоҳ кўлига берди, – Аллоҳнинг марҳамати билан сен бир фарзанд кўрасен. Исмини Жалололдин Муҳаммад Акбар кўйгин?!

– Исми-шарифингиз ким, ҳазрат? – сўради Ҳумоюн подшоҳ хайрон боқиб, – сизни аввал кўрмағон эрканмен.

– Жанда Фил Аҳмад Жомий, – деб жавоб берди авлиё, – ул фарзанд менинг наслимдин бўлади ва алал-оқибат энг одил подшоҳларнинг ҳам одил подшоҳи бўлғай! Аждодларинг ва авлодларинг шаънини улуглаб, номи етти иқлим аро овоза бўлғай! Мардона бўл! – такрорлади яна бир бор.

– Ҳўп бўлади, ҳазрат...»

Мирзо Ҳумоюн туш – соялар мамлакати таъсирида ниҳоятда сархуш бўлди. Ажаб, тушларнинг ҳам бир ғаройиб дунёси бор. Улар гоҳо валийлардек келажакдан башорат беради: баъзилари ғамгин, баъзилари эса шодон...

Мирзо Ҳумоюн бундай ақидаларга беҳад ишонарди. Ҳамидабону насабини суриштирган эди, ҳақиқатда Жанда Фил Аҳмад Жомий авлодига мансублиги аниқ бўлди. Шундан сўнг Мирзо Ҳумоюн изтироблари юз чандон ошди. Унинг ҳажри жонига пайваста бўлиб, жунунликда Мажнундан ошди. Ўнгу тушида ҳам қизнинг хаёли билан банд бўлди.

Охири Дилдор бегимга ялинди:

– Сизни волидам ўрнида кўрардим, – деди маъюсланиб, – аммо бугун волидам йўклиғи чандон билинди. Аммам эрса узоқда...

Дилдор бегимнинг кўнгли бузилди, ҳатто кўзларига ёш оқиб келди. Унинг ортидан қараб қоларкан мажхул бир ўйга толди ва бир қарорга келди. Яна қизниқига борди ва унга насиҳат қилди:

– Ахир кун келиб бир кишига тегасан-ку, – деди Ҳамидабонунинг чарос кўзларига тикилиб, – подшоҳдин ҳам ортуқ яхши киши бўладиму жаҳонда, айниқса Мирзо Ҳумоюндек?!

Ялт этиб қаради Ҳамидабону:

– Тўғри, лекин мен қўлимни узатсам бўйнига етадирон кишига тегамен, қўлимни узатқонимда этагига ҳам етмайдурғон кишига эрмас, – шарт жавоб қилди у.

– Вой, мунча оқила бўлмасанг, – Дилдор бегим қизнинг кўнглига қўл солди, – жавобинг менга маъқул! Шунини алҳол унутмағилки, узатқон қўлинг бемалол подшоҳнинг бўйнига етади. Мен кафилмен!

Ҳамидабонунинг ўзи Мирзо Ҳумоюннинг бу ишга сранчдай ёпишиб олганидан мубталолиги куннинг оқ нуридай аниқ эканлиги билиниб турса-да, ўртада бир кишининг муқим ваъдасини ҳам олмоқ ниятида эди. Унинг дилидаги кечинмаларини сезган Дилдор бегим айнан қизнинг кўнглидаги жавобни берди ва:

– У жуда яхши йигит, – дея қизнинг муддаосини янада мустаҳкамлади, – дард колмайсен.

«Келининг шунақа пишиқ-тетик бўлса! – ният қилди у, – илло, бизга ҳам шундай қиз – келин ато этсун!»

Ниҳоят Мирзо Ҳумоюн мунажжимлик китобини ўз кўлига олди ва унда омадли соатни белгилаб, амир Абулбақони чақиртирди ҳамда никоҳ қилишни буюрди. Никоҳдан сўнг бу ерда уч кун туришди ва тақдир тақозоси билан яна йўлга тушишди.

* * *

Орадан анча ойлар ўтгач, Ҳамидабону ҳам барча аёллар каби ўзида ўзгариш сезди:

– Бир донагина бўлса ҳам есам, – дерди у кўнгли анор тусаб, – бир донагина...

Лекин бир томчи сув топилмаган дашту биёбонда анор нима қилсин? Сабаби, Ҳиндистонда сигирни

сўйиш ва истеъмол қилиш гуноҳи кабир ҳисобланади. Ҳумоюн подшоҳнинг оч қолган одамлари сигирларни сўйиб едилар. Буни эшитган Жайлсалмон вилоятининг рожаси уларни сувсиз қўйган, яъни қудуқларни қум билан тўлдиртириб ташлаган эди. Ташналикда кетаётган лашкарларнинг тасодифан бир савдогарни учратиб қолишларида ҳам бир ҳикмат бор эди. Мўъжизани қарангки, ўша савдогарнинг хуржунида бир донагина анор бор экан...

Мана шу воқеадан сўнг Ҳумоюн подшоҳга омад кула бошлади. Лекин у канчалар кийинчиликлар ва азобу укубатлар тортмасин, отаси Бобур подшоҳ каби имони мағрур эди ва ўшандай қолди. Ҳаёти давомида баъзан қоқилди, баъзан йиғлади ва баъзан эса момақалдиروقдай акс садо бериб қулди ҳам, аммо машаққатли дамлардан осонгина ўтиш учун тубанлик кўчасига кирмади, аксинча, унинг ёнидан шунақа мағрур қадамлар ташлаб ўтдики, кузатиб тургувчи Парвардигор ҳам унинг матонатига, бардошига қойил қолгандай ишига барор берди. Ҳа, у кўнгилпараст эди. Томирларида меҳр, саховат ва адолат илдизи барқ урарди. Бошпанасиз қолган ҳақиқатнинг кўксига тонглар оттирарди. Ҳаёт ҳар кун унинг истикболига пешвоз чиқарди. Ана шу пешвоз ҳаёт бағрида уларни Амаркот рожаси яхши кутиб олди. Рожа Ҳамидабонуни алоҳида уй билан таъминлади. Яхшилиқни унутмайдиган бу тоза юракнинг ҳаёти қил устида қолганда қутқариб қолган мешқобчини тез-тез эслаб турганидек, рожанинг, тонги шудринглар билан ювилган кўнгилнинг муруватини ҳам умрбод ёдидан чиқармади. Қанча-қанча одамлар, жониворлар сувсизликдан ҳалок бўлган бу чўли-сахрода Ҳумоюн подшоҳ қарвони ҳам нобуд бўлиши мумкин эди. Аммо чўл ўртасида жойлашган воҳа-шаҳар бўлмиш Амаркот, айниқса, кўп машаққатлар тортган Ҳамидабонуга жаннатмакон жойга айланди. Ҳумоюн подшоҳ Ҳамидабонуни дили шаффофдай покиза рожа қарамоғида қолдириб, ўзи

жангни давом эттириш мақсадида йўлга отланди. Орадан тўрт кун ўтгач, тонг-сахар Ҳамидабонунинг кўзи ёриди. Чакалоқнинг буржи Асад бўлиб, бу яхшилиқдан нишона эди. Мунажжимлар башорати-га караганда, ушбу бурж остида тугилган болалар омадли бўлиб, узок умр кўрарканлар. Уни кўрганда замин кўнгли ёришаркан. Уни кўрганда ифоридан, наинки ўт-ўланлар, бутун борлиқ сархуш бўларкан. Уни кўрганда, руҳини бир овоз юксакларга ундаркан. Уни кўрганда, дунё барри қуёш нурларидай жилланиб кетаркан. Уни кўрганда, нигоҳлардан меҳр шуълалари балқиркан. Уни кўрганда, мозий йўллари сим-сим жиллаланаркан. Уни кўрганда, қалбларга расолик илдизлари отаркан. Уни кўрганда борлиқ меҳр кўйлагини кияркан... Ҳа, уни кўрганда...

Айни шу дамларнинг бир тунида Хонзода бегим ажойиб туш кўрди, тушки энг варойиб: «Эмишки, баланд бир тоғ. Ҳар томони ям-яшил майсалар билан копланган. Тоғ устида, осмон гумбазининг тўши тегиб турган ерда, қуёш зар нурларини беҳад сочаётган жойда, Ҳумоюн подшоҳ тиззасида бир бола билан ўтирган эмиш. Гўдакнинг либоси қумуш каби товланар, боши узра офтоб нур сочар эмиш. Бир вақт Ҳамидабону пайдо бўлармиш-да, Ҳумоюн подшоҳнинг тиззасидан болани олармиш ва унга кўкрак тутармиш. Ажаб ва яна ажабким, кўкрак сути билан қуёшнинг биллурий нурлари бола жисмига ўтиб, сингиб кетаётган эмиш...» У бир неча кун туш таъсирида сархуш юрди...

Бу вақтда Ҳумоюн подшоҳ Амаркотдан ўттиз чақиримлик масофада эди. Бу суюнчли хабарни унга Турди Муҳаммадхон етказди. Ўша ондаёқ қанот боғлаб учган Ҳумоюн подшоҳ Ҳамидабонунинг бўғриққан юзлари, реза тер тепчиган пешоналаридан ўпаркан, фарзанди ўғил билан қутлади:

– Ҳазратим, иллоҳ фарзандимиз саодатли бўлғай ва узок умр кўрғай! – Ҳамидабону мунажжимлар башоратича сўзлади, сўнг подшоҳи аржумандни ўғил билан қутлади.

Шунда у мубталолик даврида кўрган тушини ялпизнинг хиди бор нозбўй ёрига сўзлаб берди ва шу хосиятли тушига асосан чақалокқа Жалолиддин Муҳаммад Акбар деб ном қўйди.

– Шунақа денг! – аразлаган бўлди Ҳамидабону, – мени деб эрмас, тушингизнинг хосиятига қараб шай-доликни ўринлатқон эркансиз-да, а?

– Йўқ бону, – шошиб қолди у, – ўша авлиё бобонгизнинг дадил бўл, дея айтқон башорати туфайли бу бахтли кунларни кўриб турғонимизни айтмоқчимен.

У она-бола олдидан чиққанида муборакбод этгани келган амир ва бекларни кўрди:

– Бир дона мушк келтирунг, – дея буюрди Жавҳар офтобачига, – мушк била чинни товоқ ҳам келтирунг?!

Мирзо Ҳумоюн мушкни майдалаб синдириб, бўлакларга бўлди ва уни шу ерда ҳозир бўлганларга тарқатди:

– Бу ўғлимнинг таваллуди муносабати билан сизларга бера оладурғон ягона ҳадямдур, – кўзларидан ғайриихтиёрий бир учқун сачрарди, – лекин аминманки, унинг шуҳрати ҳозир худди шу мушк хиди чодирни тўлдириб турғонидек, бир кун келиб бутун жаҳонга тараладур.

– Иншооллоҳ!

– Орзунгиз муборак бўлсун!

– Шаҳзоданинг умри узун бўлсун!! – хитоблари еру осмонни тутди.

– Энг аввало, аммабегимга, сўнг бошқаларга бу суюнчли хабарни етқарунг?! – буйруқ берди тавочию қосидларга.

* * *

Соғлом тувилган Акбарнинг қирқ кунлик чилласи чиққач, сарой аҳли яна йўлга чиқдилар. Сафарларда чақалокни касалга йўлиқишидан қўрққан Ҳумоюн подшоҳ инсофсизларча таҳқирлаган ўғай укаларидан

бири Мирзо Аскарӣга ишониб топширганини эшитган Хонзода бегим бу пайтда Қандаҳордан Кобулга келган эди. Қандаҳорга эса уни аввалроқ, юқорида айтиб ўтганимиздек, Ҳумоюн подшоҳ Мирзо Аскарӣга оға-инилик риштасининг умрбод эканини тушунтириш ва Шершоҳни енгишда якдиллик билан ёрдам беришлари кераклиги борасида элчи қилиб юборган эди. Мирзо Аскарӣ Мирзо Ҳумоюнга ёрдам беришдан бош тортган. Лекин, айна пайтда, чақалоқни қарамоғига олишга кўнган ва бунга хотини ўз фарзандидек асраб, тарбиялашига ваъда берганди. Жавҳар офтобачи болани кўлига оларкан, нимадир миясида яшиндек йилтиллаб ўтди:

– Ҳазрати олийлари, – деди у бир чақалоққа, бир Ҳумоюн подшоҳга қараб, – шундай чақалоқни ўз ғаниминғиз кўлига топширяпсиз-а? Улар нималар қилиши мумкин?

Ҳумоюн подшоҳ унинг саволига жавоб бермасида, лекин иккиланиб қолди: «Аммабегим билан гаплашишғач, инсофга келиб қолғондур. Ахир ширин сўзлилиғи ва латиф муомаласи билан Шайбонийдай дами ўткир киши билан бир ёстиққа бош қўйиб, унинг ҳузурида ҳурмат-эътиборли бўлдилар. Наҳотки жигарлариға гаплари ўтмаса? – У биродарларининг ўзига ва аммасига қилган қилмишларидан беҳабар эди. – Шундай чақалоқни ўз ғаниминғиз кўлига топширяпсиз-а эрмиш? Ғанимлиғи менга, ўғлимда нима гуноҳ? Наҳотки Аскарӣ ўғлимни...» унинг қалби азоб тузоғида қийнала бошлади. Сўнгсиз хаёллар гирдобига шўнғиганини кўрган Абулбақо:

– Шаҳзода ҳали мурғак, унга озор бериш номардлик, Мирзо Аскарӣ у даражаға бормас, – деди, – лекин Мирзо Комрондин ҳар нени кутса бўлур! Ҳазрати олийлари, яхшиси шаҳзодани аммабегинғиз ихтиёриға топшурғанинғиз маъқулдир, деб ўйлаймен.

Бу фикр Ҳумоюн подшоҳга маъқул тушди:

– Рост айтурсиз, – жонланди у, – унинг тарбиясини аммабегимдин бошқасига ишониб бўлмас. Синглим Гулбадан ҳам бор, аммо у Комрон била бирга. Ўғлим Акбарни Мирзо Аскарӣ ҳузурига элтиб беринг, – деди Жавҳар офтобачига, – сўнг аммабегим ҳузурига шошингда мақсудимни етқуринг?!

– Ҳазрати олийлари?!

– Йўл узок, Кобулгача чақалок қийналиб қолади...

Лекин Ҳумоюн подшоҳнинг истаги амалга ошмади. Мирзо Аскарӣ чақалок Акбарни Кобулга жўнатмади, Хонзода бегим эса уларга рўпара бўлгиси келмади. Чунки Хонзода бегим Мирзо Аскарӣ ҳузурига элчи бўлиб борганда лом-мим демай, Мирзо Ҳумоюн қошига эмас, Мирзо Комроннинг олдига жўнатиб юборганди. Бу тарсакидан анча вақтгача ўзига келолмаган Хонзода бегим ичи орриб, касал ҳам бўлди. Шу сабаб у, чақалокни Кобулга маҳофада олиб келишлари учун мулозим ва энагалар жўнатди. Бу таклифни Мирзо Аскарӣ рад қилди. Шундан сўнг Хонзода бегим Мирзо Ҳумоюндан хафа бўлди: «Фарзанд тинчидан ҳам ортуқ ташвиш бор эрканму? Ахир ўз ишонгон одамлари била юборса бўларди-ку, менинг ихтиёримга? Эронга шошиб бормоқдин не наф?» Хонзода бегим хафа бўлганча бор эди. Болани офтобачига тайинловлар билан берган Мирзо Ҳумоюн Ҳамидабону, канизаклари ва ўз одамлари билан Эронга қараб кетган эди. У ерда кўп хурсандчилик кунларни ўтказиб, сўнг Қандаҳор томон юриш қилди. Унинг қалбида орзу-умидлари мўл эди. Гўё уни укалари кучоқ очиб кутиб оладигандай туюлаверарди. Аммабегиси Мирзо Аскарӣнинг пинхона зугуми билан Кобулга бориб қолганини билмас эди. Аммо..., у ўғлини Хонзода бегимда деб биларди.

Сўнг Мирзо Аскарӣ Ҳумоюн подшоҳнинг келаетганини эшитиб, икки ярим ёшли Акбарни энг ашаддий рақибга айланган Мирзо Комрон ихтиёрига топширди. Бундан хабар топган Хонзода бегим оёғи қуйган товукдек типирчилаб қолди. Чунки у Мирзо

Комронда инсоф деган хиснинг асари ҳам йўқлигини биларди. Билса-да, Худодан унга инсоф тиларди, болани ўз паноҳида асрашини сўрарди. Сабаби, Мирзо Хумоюннинг ўлимини кутиб яшашга тоқат қилолмаган Мирзо Комрон валиаҳд шахзодани албатта бир баҳона топиб йўқ қилиб юбориши мумкин эди. Куню тунда тинчи қолмаган Хонзода бегим охири шахзода Акбарни соғ-омон қўлига олди. Мирзо Комрон бунга қаршилик қилмади, аксинча, гўдакни сўнгги бор қўлига олиб, пешонасидан ўпиб қўйди...

Хонзода бегим шахзода Акбар тарбиясига жиддий эътибор қаратди. Унинг лўппи юзларидан бир самовий нур сизиб турганини сезар, бу ҳақда бировлар экан, хатто ўз биродарлари, яқинларига ҳам айтмас эди. Баъзи руҳи тозалар буни руҳан кўрарди-да, ҳайратланарди: «Бу қандай сир..., ажаб!»

Гўдак Акбардан кўз узолмаган Хонзода бегим гоҳида оёқ-қўлларини ўпиб:

– Худди менинг биродарим Бобур подшоҳнинг оёқ-қўлларига ўхшайди, – хар доим бағрига босиб севиб эркаларди, – ўзи эса бутунлай ўхшайди. Эх шахзодам, бобонғиз билан бу ўксик ҳаётда не кунларни кўрмадук? Ҳа болам, бу дунё яралгондин бери қайғу ва балоларга мубтало! Унга ҳамнафас бизлар ҳам.

Унинг кўнгли ушбу дам кўз ёши қилмоқни истади. Аммо ёшлар унинг кўзларини аллақачон тарк этганди:

– О, шахзодам! – яна Акбарни қучиб, икки юздан ўпди, – гўё нур чашмасида чўмилгондайсиз-а? Ҳозир сизни Бобур бобонғиз кўргонда борму?

Шаддот вақт ҳеч нарсага қарамай илгарилаб борар, унинг қудрати замин узра барқарор эди.

* * *

У жияни Акбар билан кўп вақт тура олмади. Сабаби, бу ерни тарк этишга тўғри келган эди. Чунки Хумоюн подшоҳнинг Қандаҳорга келиши аниқ бўлиб

қолгач, Мирзо Комрон Хонзода бегимга ялиниб-ёлворди. Ўзининг қилмишлари учун гуноҳларидан ўтишини, подшоҳдан узр сўраб беришни илтимос қилди ва ака-укани яраштириб қўйишини илтимос қилди. Аммо Хонзода бегим қанчалик тез ҳаракат қилмасин, вақт шиддатли ўтиб борарди. Қандахорга етиб келганда Ҳумоюн подшоҳ бу ерни эгаллаб, Кобулга қараб отланган эди. Бир вақтлар Мирзо Комроннинг соясига айланган Мирзо Аскарӣ ҳам тақдирга тан бериб, подшоҳ ҳузурига бош эгиб келди ва узр сўраб кирдикорларини ювиш учун унинг хизматида бўлди. Лекин Мирзо Комрон, юқорида таъкидлаганимиздек, баҳор хавоси каби ўжар ва ўзгарувчан табиати билан ўз бошига ўзи етди, яъни кўпчиликнинг талаби билан қатл этилиш ўрнига, кўзларига милл тортилиб, Ҳаж сафарига жўнатилди, сўнг...

Ҳамидабону бегим Қандахорда қолди, чунки у подшоҳ Ҳумоюн билан Кобулга боролмас эди. Сабаби, Эрондан келишдан олдин бир нимжонгина қиз тукқан эди. Ҳумоюн аммаси Хонзода бегимни олиб Кобулга отланди. Бобур подшоҳдан кейин тўрт йилгина умр кўрган Моҳим бегим вафотидан сўнг Хонзода бегим кўп оғрийдиган бўлиб қолган эди. Тинимсиз сафарлар, қариндош-уруғлар орасида кўп бора содир этилган уруш-жанжаллар, уларни тинч йўл билан ҳал этишдаги уринишлар, улар таъсирида асабийлашишлар уни жуда ҳоритган эди. Ўзи вазият тақозоси билан мажбуран Шайбонийхонга турмушга чиқиши унинг учун таҳқирланиш ва шармандали бир ҳол эди. Лекин у, укаси подшоҳ Бобур сингари сервикор, гўзал аёл бўлиб, аслзодаларга хос фазилатлари, ҳамма нарсани кўра олувчи тимқора кўзлари, донолиги, уддабуронлиги, қатъий иродаси ва сабр-бардоши билан, энг аввало, Шайбонийхонни ва унинг атрофидагиларни, фақат Мўғул хонимдан бошқа барчани мафтун қила олган эди. Онаси ва укасининг, сеvimли ўғлининг кутилмаган вафоти унинг учун оғир муси-

бат бўлди. Умри давомида йўқлик, мухтожликни ҳам, адоқсиз бойликни ҳам кўрди. Бирок қай бир ҳолатда бўлмасин, жияни Гулбаданнинг эркалатиб айтган ва атаган «истараси иссиқ», «мартабали, кайвоғи аёл», «меҳрибон оқажон» бўлган Хонзода бегим ўзининг шаъни ва обрўсини сақлашга интилди, бунга эришди ҳам... Энди эса... Табиблар ҳарчанд дори-дармон қилдилар, шифоси сезилмади. Шу кунларда ҳаётнинг алғов-далғовли воқеалари туфайли Кашмирга бориб қолган ва у ерда ҳокимлик қилаётган Мирзо Хайдарнинг тушига кирди: «Онанинг иси холада бўлади, дейдилар, – деярмуш маҳзун, – илтимос сиздин, келсангиз холамнинг исини, холам била бирга онамнинг ҳам исини олиб келгон бўлур эрдингиз! Кутяпман сизни Мирзо!?»

Мирзо Хайдар туш таъсирида кўп бегоҳат бўлди. Охири Кашмирдан Қандаҳорга Хонзода бегимни кўргани келди. Холаваччалар йиғлаб кўришдилар:

– Онамнинг, холамнинг исини олиб келдингиз, миннатдормен, – деди у маъюсланиб, – ҳам биродарим Бобуржонни кўргондай бўлдум, – боши кўкка етган эди бегимнинг.

Мирзо Хайдар унинг синикқан чеҳрасига кўз ташларкан кўнгли бузилди: «Қандай гўзал, оқила эди-я... Турмушдаги яхшию ёмон воқеалар ўз таъсирини ўтказибди».

– Соғлигингиз, ишларингиз жойидаму?

– Ҳа ҳазрати бегим.

– Хонзода деяверинг Мирзо? Қариндошларча гаплашайлук?!

– Хўп, ҳазрати бегим.

Кулишдилар, соф ва беғубор кулишдилар. Ёшликдаги каби юракдан кулишдилар.

– Шу кунларда пирингиз ҳазрати Хожа Нурони Лохурда деб эшитдим...

...Ҳазрати Бобур подшоҳнинг отаси Умаршайх Мирзонинг пири Хожа Аҳрор валий зотлари бўлиб,

унинг ўвли Хожа Яҳё эрса, Бобуршоҳнинг пири эди. Пирининг бир оз дилини офритгани боис қайтиб бу ўлкада, яъни Мовароуннаҳр тупроғида орзулари амалга ошмагач, хинд сори юзланган эди. Ўзи ҳам бу ҳақда «агар пир Хожа Яҳёнинг кўнглини ранжитмағонимда эрди...», дея жуда кўп афсус-надоматлар чеккани юқорида келтирилиб эди. Улар каби Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ҳам пири бўлиб, ул зот Хожа Нуро хазратлари эдиким, кароматгўйлиги ва илоҳий кучга эга бўлгани учун, баъзан узоқ йиллар касал бўлиб, тузалмай ётган беморларни оёққа турғизгани сабаб эл орасида машҳур эди. Ҳумоюн подшоҳ эса авлиё ва сеҳргар Шайх Бахлулга мурид эди...

Хонзода бегим ана шу ҳақда офиз очган эди.

– Ҳа, ўтғон йиллар...

– Янглишмасам шу ерда эрдинғиз.

– Ўшанда Лоҳурға борғонимда пирим Хожа Нуронинг пойиға сажда қилиш бахтиға муяссар бўлдим.

– Кароматгўйликлари ҳақида сўзланғиз, зора сўз дурларинғиз қатидин касалимға шифо тополсам..?

– Ҳумоюн подшоҳ Шайх Бахлулнинг ҳақиқий муриди бўлғони учун, мавлоно Муҳаммад Парғорий, ҳатто подшоҳнинг ўзи ва мулозимлари ҳазрат Хожа Нурони кутиб олишда совуққонлик, эътиборсизлик кўрсатишди. Натижада, Хожанинг нурли қалбида уларға нисбатан хиралиқ пайдо бўлди. Буни улар сезмади, мен эса яхши бўлмади деб кўп афсусландим. Ўша кунлари ул зот ушбу кўрган тушини бир неча бор сўзлади: «Тушимда бир дарёи азим кўрибменки, биздин кейин Аградағи, Ҳиндустондағи ҳамма нарса унда фарқ бўлғон эрмуш, биз зўрға кутулибмиз». Айтганидай уч йил ўтгач, худди шундай бўлди.

– Яъни?

– Мен фақир банда ҳазрат Хожа Нуронинг мажлисларида ҳозир эрдим. У ерда Аградин келғон, Ҳумоюн подшоҳ элчиликка юборғон мавлоно Муҳаммад

Парғорий ҳам бор эрди. Шу пайт юқорида айтган тушини қайта сўзлади. Мавлоно Муҳаммад йиғлаб, унга қилғон эътиборсизликлари учун уэр сўради. Ул зотдин Ҳумоюн подшоҳға бир хат қилиб, шуни унга тушунтиришини сўради. Ҳазрат икки мисра шеър битиб бердилар, ёдимда қолғон эрди:

*– Эй Ҳумой, солма шараф соясини бу элга,
Бу диёрда қарғани тўтидин аъло кўришар.*

Ҳеч қанча вақт ўтмай башорат бўлди. Ҳумоюн подшоҳ тўтилардин кўра қирғийлари кўп бўлғон бу мамлакатнинг тепасига Ҳумо кушидек ўз соясини со-
лолмади, сарсонун саргардон бўлди.

– Ҳмм, бир вақтлар Самарқандда эрканимизда иним Бобуржон Хожа Яҳё хазратларини ранжитғон эрди, ажаб, ота хатоси ўғлида ҳам содир этилмуш. Бунда ҳам бир хикмат борму дейман.

Мирзо Ҳайдар сукутга толди.

– Мирзо Комроннинг бемаъни қилиқлари, – сўзлади Хонзода бегим, – биласиз, жиянларим укамдек ўз мағлубиятларини очиқ-ошкора тан олмайдилар. Бироз хаспўшлайдилар.

– Ҳа бегим, оре рост! Ўша воқеаларда шу ерда эрдим, гувоҳмен.

– Ёдимда, бир неча бор Мирзо Комрон ва Мирзо Ҳиндоллар била суҳбатлашғонсиз. Лекин Мирзо Ҳиндол увол кетди.

– Ҳмм, эшитдим... Чидолмадим. Ёш болаларча бегуборлиғи бор эрди. Уни ўз инимдек кўрардим. Ёмоннинг касри бош ёраркан-да.

– Мирзо Комрон ҳам яхши эрди, бироз қайсар, ўжарлиғи бор эрди-ю, лекин...

– Нима сабабдин буларнинг ҳаётлари шундай якун топди? Ахир ота бир туғишқонлар бўлса?

– Ҳаммасига тахт сабаб, юқорида айтқонимдек, подшоҳларнинг кўп хотинлилиғи сабаб, ҳазрати бегим.

– Ҳа, мен ҳам ўйлана-ўйлана охири сиз айтқон фикрга келгондим. Салтанатни кундошлар емираркан.

– Тўғри айтасиз. Мен Мирзо Комрон билан сўнги суҳбатлашқонимда уни таниёлмай қолгондим.

– Ҳа Мирзо, у шунақа ўзгардики...

– Ўшанда гўдақларча беозор кулгуларидин, тоза юраги ила ака-укаларига нисбатан меҳр-муҳаббатидин асар ҳам қолмагонини пайқагон эрдим. Юраги, бутун қалби нафрату ғазабга тўла бўлиб, кўзлари ҳам уккиннки каби йилтиллаб боқарди. Эвоҳ, айни баҳори фарқ гуллагон ўспиринлик онларида қабоҳатга юз тутдилар.

– Ҳа Мирзо, гоҳида барча кўргонларим алахсираш бўлсайди деб умид қиламен?! Начора! Ёлғиз қолгон кезларим чеккан изтиробларимни айтинг?! Яхшиму, ёмонму жигарларим эркан, гоҳида соғинамен, – маъюсланди Хонзода бегим, – ҳа, ҳаммасини жудаям соғинамен.

– Бегим, бизларнинг ҳам орзу-армонларимиз ўтди. Энди боқий ҳаёт сари юз бурмоқдамиз.

– Эвоҳ, умр оқар сувдек ўтди-кетди..., афсус.

– Бегим, қачондин бери юрагимда сақлаб келаётқон гапларимни ҳозирнинг ўзида айтмасам бўлмас!

– Қандай гап эрканки, юрагингизда сақланар даражада кадрли? – Хонзода бегим унга қараганча сўради.

– Эҳтимол бу сўнги сўзлашувимиздур.

– Ким биладур! Балки...

– Умр бўйи сизнинг матонатингизга тан бериб келамен, ҳа, ич-ичимдин тасаннолар айтиб келамен.

– Муболаға қилурсиз, Мирзо?!

– Ростини! Ёғий қўлидаги ҳаётингиз, оға-инилар орасидаги низоларга барҳам беришга интилишларингиз, ахли Кобул аёллари дардиға малҳам бўлишга ҳаракатларингиз, овушингизга олгонларнинг хиёнат-

ларини кўтариш..., эвоҳ, санайберсам адоғи йўқдек. Муҳими, умр боғинғизда темурий ва бобурийлар салтанатининг чинори гуркираб яшнаяпти. Аллақачон чолкинға учрағон бу чинорни сиз асраб қолдинғиз, бегим!

Хонзода бегим ҳорғин жилмайди. У бир лаҳза хон билан ўтган дамларини эслади. Холаси Меҳр Нигор хоним билан сўнгги бор учрашганда: «Сизни хонға ёмонотлик қилғонимнинг боиси унинг ифлос чанғалиға тушманғ, деб эрдим. Афсус, у тақдир лавҳинғизда битилғон эркан», дея чеккан афсус-надоматларини кўз олдига келтирди, аста жилмайди.

– Сиз ўта мулоҳазали ва оқиласиз, бегим!

– Баҳонғиз ортиғи бирла, Мирзо!

– Йўқ, мен тўғри ташбеҳлаяпмен. Агар ўшанда бирон қалтис ҳаракат этқонинғизда Шайбонийхон сизни ҳам, ининғизни ҳам сор қўймас эрди.

– Буни тушунғонинғиз мени беҳад қувонтирди. Уни қилич била чопмоқчи, ё заҳар бермоқчи бўлдум. Лекин минг бор таассуфлар бўлсинким, бундай ишларни қилолмаслик, қўлимдин келмаслиғини англаб етдим.

– Шунинг учун ҳам ақлинғизға қойилман-де, бегим!

– Сиз замон тарихининг нурисиз, Мирзо!

– Баҳонинғиз жуда ўткир, бегим!

– Рост гапирурмен, нур нигоҳидин ҳеч бир нарса қочиб қутулолмас! Мирзо, бу – ҳақиқат!

– Хўп ажойибсиз-да, бегим, – жилмайди Мирзо Ҳайдар, – одамни эритар даражада латиф муомаланғиз борки...

Хонзода бегим кулди ва Хожа Нуру ҳазратларига хат битганини айтди:

– Ул зотдин дардимға Аллоҳдин шифо сўраб беришларини илтимос қилсанғиз? – деди ва мактубни қўлиға берди.

– Албатта, – деди Мирзо Ҳайдар, – ул зоти мубо-
ракнинг хузурига ҳозирок йўл олгоним бўлсун. Омон
бўлинг! Кўришмай қолсак алвидо, бегим ҳазратлари!

Хонзода бегим маънос нигоҳларини тикди ва
ненидир пичирлади. Буни Мирзо Ҳайдар юраги
тўлқинлангани учун эшитмади, англаёлмади ҳам.
Пичирлашлар илтижо ва дуо, хайрли тилаклар
эди.

* * *

Мухаммад Ҳайдар Мирзо мактубни бир оз нўнок
ёзилганини кўриб, тузатишлар билан қайта битди.
Ҳазрат Хожа Нурога хатни берганида ул зот:

– Сизга бир сирни очмоқчимен, – деди.

Мирзо Ҳайдар ўрнидан туриб таъзим қилди.

– Менга Хонзода бегим юборгон хатни беринг? –
деди илтифот билан.

Мирзо Ҳайдар қулоғига кизариб кетди:

– Пир, пирим, – деди у узр сўраб, – беодоблик
қилдим, кечирингиз мени?

Ҳолбуки, Мирзо Ҳайдар у хатни хилват жойда
ёзган эди, бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч нарса билмас эди-
да...

Мирзо Ҳайдар бу тўғрида Хонзода бегимга айтиб
улгурмади, чунки...

* * *

Хумоюн подшоҳ нимжон қиз тукқани боис
йўлда касалга чалинмасин деб, Ҳамидабону бегим-
ни Қандаҳорда қолдириб, ўзи Хонзода бегимни бирга
олиб, Кобулга отланди. Бу юриш мустаҳкам иродали
ва покиза эътиқодли Хонзода бегим сафарларининг
сўнггиси бўлди. У уч кун иситмалади. Хонзода бе-
гим тўртинчи куни тонгда танасида овирлик билан
уйғонди, эринибгина таҳорат қилди, сўнг бомдод на-
мозини ўқидию, жойига қайтиб ётди. У юраги бе-

зовта ураётганини, ораларидаги зарбалар тўхтаганида томоғига нимадир каттик тикилаётганини, шу боисдан танасини кўтаришга ҳам мажоли етмаётганини ҳис қилди. Унинг кўз олдидан отаси Умаршайх Мирзо, бувиси Эсон Давлат бегим, онаси Қутлуғ Нигор хонимлар ўтди. Негадир шу пайт кўз ўнгида нон тиланаётган қизалоқ ва яна аллақандай шарпалар намоён бўлди: «Лаъл бегим...» пичирлади у. Сўнг ўғли Хуррамшоҳ, иниси Бобуршоҳлар бир-бир ўтдилар... Бирданига иситма йўқолиб, танасига шабада юрган каби хушҳоллик кирди. Неча кундан бери эзиб келаётган оғирлик йўқолаётганини, нафаси чуқурлашаётганини сизди. У хаёл билан хуш ўртасида ўзининг босиб ўтган умр йўлини, ўтган бахтли ва сурурли кунларини эслади. Танаси енгиллаша борган сари у ўзини шодликлар оламига шўнғиб бораётгандек ҳис қилди. Бир оздан сўнг, атрофи гулу райхон, ифору нафисликлар тўлаётган кўзларида ёш бўлса-да, кулиб қўл силтаётганларини, узоқларда, нур ичра пайдо бўлган Хожа Нуро сиймосини «бу ёққа кел!» дея имо-ишора қилаётганини сизди. У кўзини юмаркан ҳаётидан, қилган ишларидан, одамларга савоб улашганидан мамнун ҳолда лабида табассум пайдо бўлди. У хаёлан Қобилҳақ тоғларининг чўққисига учиб борган пайтда ястаниб ётган гулзорга тушди ва чалқанча ётганича нилий осмонга термилди. Атроф нур ичра гуллар ва ширин исларга тўлалигидан у турган ердан жаннат узоқда эмаслиги сезилиб турарди... Табиблар қанча ҳаракат қилмасинлар, нафи бўлмади. Худонинг раҳматига бордилар. Яқинлари у лабида табассум билан жон таслим қилганини кўриб, фарёд урдилар. Уни икки тоғ оралиғига, Қобилҳақ деган жойга дафн этишди. Бобуршоҳнинг фарзандларидан, айниқса, Гулбадан бегим учун бу айрилиқ отасини йўқотгандаги каби оғир кечди. Чунки Хонзода бегим Гулбадан бегимнинг доимий ҳамроҳи, маслаҳатгўйи, ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб қолган эди:

«Эй, осойишта қалб эгаси! Парвардигор ато этган неъматлардан рози бўлгин! Яратгани рози этиб, солих бандалар қаторида жаннатдан жой олгин». Ҳа, Гулбадан бегим Қуръони каримнинг ушбу оятларини ҳар ўқиганда, шикаста кўнглига тасалли топди. Унинг учун агар бу хикматли сўзлар бирон бандага мурожаат тарзида айтилган бўлса, айнан аммасига қарата айтилгандай туюларди.

У Хонзода бегимнинг хуш табиати, иссиқ истарасини ва юксак одоб-андишали хислатларини бир умр соғиниб ўтди.

Хонзода бегимни дастлаб ўзи вафот этган ерга – тоғлар орасидаги қишлоққа – Қобилҳакка дафн этдилар. Уч ой ўтгач, унинг жасади Кобулга олиб келинди. Бобуршоҳ дафн этилган жойга, укасининг мақбарасига кўйилганини кўрган Гулбадан бегимнинг кўнгли ўрнига тушди. Ҳақиқатда, бу солиҳа аммаси учун Боғи вафодан ҳам муносиброқ жой бўлмаса кераклиги ўксик кўнглини тоғдек кўтарди.

* * *

Унинг вафотини бир неча ойлардан сўнг эшитган Мирзо Ҳайдар Кобулга келди ва Мирзо Ҳумоюн ҳузурда таъзия изҳор этиб, сўнг Бобуршоҳ ва Хонзода бегим мақбарасини зиёрат қилгани борди. Мақбара пойига ўтириб, узундан-узун Қуръон тиловат қилди.

– Хуш келибсиз, биродарим Мирзо!

Нидо келиб урилди қулоқларига.

У атрофга кўз ташлади. Ҳеч бир зот тугул зор ҳам кўринмас эди. Нидо хаёлан бўлганини англаган Мирзо Ҳайдар аста ўрнидан турди ва Кашмирга қайтиш йўлининг адоғигача Хонзода бегим билан бўлган сўнгги суҳбатни эслади:

– Сиз жуда бахтлисиз, – деган эди бегим унга, – хоҳлагон кишингиз билан хоҳлагон иш хусусида гаплаша оласиз. Шунинг учун ҳам ҳазрати Хожа Нуро

билан мулоқотда бўла оласиз. Айтинг-чи, сиз ул зотдин энг керакли бўлгон нимани ўргандингиз?!

– Сен нимани сўзлаётқонларига кулоқ сол, ким сўзлаётқонига карама, ўгитини кулоқка қуйиб олдим.

– Ҳмм, мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўз фарзанди Султон Валадга ёзгон насихати ва васияти:

*– Бир лаҳза ҳам Ундин йироқлашма сен,
Йироқлик хароблик сабаби бўлур.
Агар хар ердасен хузурида бўл,
Яқинлик меҳрининг манбаи бўлур...*

– Ҳа, Олтинхон авлодидин бўлса-да, Шайбонийхон Ундин йироқлашди, охири зулматка юз тутди. Бобур подшоҳ эрса хамиша хузурида бўлди, кўриб турибсизки, хар ишда зафар қозонди ва ният-мақсудига етди.

Хонзода бегим Шайбонийхон хузурига кетаётганда тили юпанчлар сўзласа-да, дили зор-зор қакшаб турган онаси Қутлуғ Нигор хонимнинг кўнглига таскин бериб айтган гапларини эслади: «Бу мағлубиятлар нима бўпти? Бобуржоннинг боши омон бўлса бас! Охири Тенгри таоло унга шундай ҳоқимият ато этадики, бундин бутун олам наф кўради. Унинг шавкатли номи султонлар ва замон халқлари орасида, тилларида абадий сақланиб қолади. Оллох уни шунча хавфу хатарлар ва тўс-тўполонлар аро азиз бошини омон сақлар эркан, эҳтимол бунда Тенгри таолонинг бир ҳикмати бордур!»

– Ҳаёлга берилдингиз?

– Ҳа Мирзо.

У Шайбонийхон хузурига кетаётганда онасига иниси Мирзо Бобур ҳақида айтганлари хозир ёдига келганини сўзлаб берди.

– Ҳаққаста рост! – тасдиқлади Муҳаммад Мирзо Ҳайдарнинг кўзлари кулиб, – кўриб турганингиздек хар бир нарса Аллоҳнинг ҳадясидур!

* * *

«Одам – яхшилик қули» ҳикматини бир умр дилига жо қилиб яшаган ва унга амал қилган покдил инсонлар асрлар ўтса-да, бажарган эзгу аъмоллари билан эл орасида номлари ўчмагай, бахтлидурлар. Ўзининг умри, билими ва бу ҳақ йўлида орттирган обрўсини эл-улус, салтанат ва яқинлари учун бахшида этган Хонзода бегим ҳам икки қарра бахтлидур.

*2015 йил, август.
Андижон*



ҚАДИМИЙ СЎЗЛАР ИЗОҲИ

1. Ястаб – пайхон қилиб
2. Маҳоба – аёллар тушиб юрадиган, атрофи ўралган кажава
3. Маҳв – йўқолиш, майдондан кўтарилиш, ўлим
4. Саргашталиқ – боши айланганлик, саргардонлик
5. Пажмурда – сўлғин, бурушган, ғамгин
6. Бедодгар – золим, зулм қилувчи
7. Каффорат – қилинган гуноҳни ювиш учун эваз қайтариш
8. Оташрез – ўт солувчи, куйдирувчи, ёндирувчи
9. Қосид – хабарчи, хат ташувчи, элчи, чопар
10. Қўрчилар – қурол-аслаҳа сақловчилар
11. Ваҳш – ваҳший, ёввойи ҳайвон, хунук
12. Қовуб – қувиб, ҳайдаб
13. Бўрк – қалпоқ, телпак
14. Нафаҳот – хуш ислар
15. Фатҳ – очиш, қўлга киритиш, забт этиш, қушойиш
16. Ўрон – яширин белгиланган сўз ёки гап (парол)
17. Пурдиллар – қаҳрамонлар, паҳлавонлар, довюрраклар.
18. Отака – шахзодаларни тарбияловчи, ота ўрнида, «тоға»
19. Бадҳол – ёмон ҳол, холи ёмон, бузуқ аҳвол
20. Ашрор – ёмонлар, ярамаслар
21. Шақий – бахтсиз, омадсиз, ярамас, бузуки
22. Лавҳ – китоб қўядиган мослама

23. Фасоначи – хикоячи, эртакчи, достончи, саргузаштчи, афсоначи
24. Сипоҳи – аскар, кўшин, амалдор
25. Коҳий – сомон тусли, сариқ
26. Лаълий – лаълдан ясалган, қизил
27. Музтариб – ўксиниб, сарғайиб, ночор, мажбур бўлган
28. Худписанд – мутакаббир, манман, ўзинигина севувчи
29. Хунхор – конхўр
30. Хийракуш – золим, конхўр, ноҳақ ўлдирувчи
31. Худкомлиғ – ўз мақсадинигина кўзловчи
32. Фитна ангиз – фитна кўзғатувчи
33. Кажрав – тескари юрувчи, маккор, хийлагар
34. Гиндорлик – мағрурлик, ўзини баланд тутиш, фикрлаш, гумон қилиш
35. Қитол – ўлдириш, уруш, жанг, қатллар
36. Муҳораба – уришиш, жанг
37. Қаттол – ўлдирувчи
38. Лачак – дакана, хотин-қизлар рўмол устидан пешонасига боғлайдиган рўмол
39. Тавочи – подшонинг буйруқ ва топшириқларини тегишли ерга етказувчи
40. Ишфок – шафқат, меҳрибонлик
41. Истиксо – чуқур текшириб, таг-тубига етишига уриниш
42. Ирод – баён қилиш, бахслашиш
43. Ихтидо – тўғри йўлдан бориш, эргашиш
44. Ислоҳ – тузатиш, яхши ҳолга келтириш
45. Нашъу-намо – ўсиш ва кун кечириш
46. Таб аҳли – шоир, санъат аҳли, закий кишилар
47. Ақобир – энг улуғлар
48. Ашроф – шарафли кишилар
49. Мунший – ёзувчи, котиб
50. Навкар – хизматчи, хоннинг қошида юрадиган ходим
51. Олтинхон – қадимги Хитой Цзин сулоласидан (1115–1234йй.) бўлган императорларнинг барчаси Олтинхон деб аталган.

52. Дашти Қипчоқ – Днепрдан то Волгагача чўзилган Жанубий рус ерлари ва Сирдарёнинг шимолий қирғоғидан то Сибиргача бўлган ерлар. XI–XV асрда араб ва форс тилида ёзилган манбаларда Дашти Қипчоқ, яъни «Қипчоқ дашти» деб аталган

53. Кўрагон – мўғулча сўз бўлиб, «хоннинг кўёви» демакдир

54. Шайхзода дарвозаси – Самарқанднинг шимоли-шарқий тарафидаги дарвозалардан бири

55. Арк – шаҳар ёки қалъа марказидаги доруға, шох, хон ёки амир турадиган маъмурий жой. Одатда, аркда шох оиласи, девон – маҳкамалар ва бошқалар жойлашган

56. Шайбон – аслида мўғулча сўз бўлиб, қуш демакдир

57. Маҳрам – энг яқин қариндош, улфат, ҳамдам, сирдош

58. Каримул ахлоқи – қароматли хулқ

59. Ташкачи – ўртада гап ташувчи

60. Мунаққаш – нақшланган, безатилган

61. Ажр – эваз, мукофот

62. Навдар – ходим, аскар йигит

63. Айшу тараб – шодлик, айшу ишрат

64. Гулбун – гул тури

65. Тийра – қора, қоронғи

66. Таҳқиқ – ҳақиқат

Адабий-бадний нашр

Омина Тожибоева

Шамолларга учган нидолар

Тарихий роман

Мухаррир Л. Игамова

Рассом-дизайнер Б. Зуфаров

Техник мухаррир Т. Харитоновна

Мусаххих Д. Хусанова

Кичик мухаррирлар: Д. Холматова, Г. Ералиева

Компьютерда тайёрловчи Ф. Хасанова

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 3 октябрда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими 84x100¹/₃₂. «Virtec Antiqua Uz»
гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 14,04. Нашр табағи 13,72.
Адади 3000 нуска. Буюртма № 16-536.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Тожибоева, Омина.

Т 60 Шамолларга учган нидолар [Магн]: тарихий роман/О. Тожибоева. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 288 б.

ISBN 978-9943-28-765-5

УЎК 821.512.133-311.6

КБК 84(5Ў)6

152000-00

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-765-5



9 789943 287655